

ИҚБОЛОЙ  
АДИЗОВА

ЎЗБЕК  
МУМТОЗ  
АДАБИЁТИ  
ТАРИХИ

«ФАН»

ISB N 978 – 9943  
– 09 – 094 – 1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбек филологияси  
факультети  
Ўзбек мумтоз адабиёти  
кафедраси

Иқболой Адизова

ЎЗБЕК МУМТОЗ  
АДАБИЁТИ ТАРИХИ  
(XVI-XIX АСР I ЯРМИ)

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академияси “Фан” нашриёти  
2006

Мазкур ўқув қўлланма XVI-XIX аср I ярмидаги адабий маданий муҳит, жараён ва ундаги ижодкорлар ҳақида маълумот беради.

Ҳар бир мавзу ёритилганда, мавжуд тадқиқот ҳамда дарсликлардаги зарур фикрлар қамраб олинди ва янги қарашлар, тушунчалар билан бойитилди. Кўпроқ бирламчи манбалар воситасида объектив хулосалар чиқаришга ҳаракат қилинди. Мавжуд матнларнинг янгича талқинлари ҳавола этилди. Давр адабиёти ҳақида яратилган илмий асарлардан, монография ва рисоалардан, сўнгги йилларда чоп этилган тадқиқотлардан унумли фойдаланилди.

Ўқув қўлланма Олий ўқув юртлари ўзбек филологияси ва журналистика факультети талабалари учун мўлжалланган. Шунингдек, ундаги маълумотлардан ўқув жараёнида умумий, ўрта махсус таълим даргоҳлари ўқитувчилари, ўқувчилари ва талабалари ҳамда адабиётимиз тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир: филология фанлари  
доктори,проф.  
Ҳамидулла Болтабоев

Тақризчилар: филология фанлари  
доктори,проф.  
Ҳамиджон Ҳамидов,  
филология фанлари номзоди, доцент  
Улуғбек Долимов

Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек  
филологияси факультети Илмий кенгаши  
томонидан нашрга тавсия этилган

ISBN N 978 – 9943 – 09 – 094 – 1

©  
Ўзбек  
истон  
Респу

блика  
си  
ФА  
«Фан  
»  
нашр  
иёти,  
2006  
йил.

## УҚТИРИШ ХАТИ

Мустақиллигимиз шарофати билан мумтоз адабий меросимизга муносабат янгиланди. Уни янада чуқурроқ тадқиқ этиш, фалсафий асосларини теран англаш жараёни бошланди. Натижада, мавжуд дарслик ва қўлланмалардаги айрим фикр-мулоҳазаларнинг эскирганлиги, ўз моҳиятини йўқотганлиги аён сезилиб қолди.

Мазкур ўқув қўлланма ана шу кемтикликни тўлдириш, объектив ва янгича тадқиқ этиш эҳтиёжини қондириш йўлидаги илк уринишлар натижасидир. Бу йўлда камчиликлар, хатоликлар бўлиши табиий. Бунинг учун ўқувчилардан олдиндан узр сўраб, самимий фикр-мулоҳазаларини кутиб қоламиз.

Олий ўқув юртларининг филология ва журналистика факультетларида ўрганиладиган «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи» (XVI-XIX аср 1 ярми) фани 2-



босқичнинг 3-4-семестрида ўқитилади.  
Мазкур ўқув қўлланмага мавзулар  
саралаб киритилди. Зарур адабиётлар  
берилди.

## **ХVI-XIX АСР I ЯРМИДАГИ ТАРИХИЙ ШАРОИТ, МАДАНИЙ ҲАЁТ ВА АДАБИЙ-ИЛМИЙ МУҲИТ. МАНБАЛАР ВА УЛАРНИ ЎРГАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

*Даврнинг тарихий шароити.* XVI аср сиёсий ҳаётда катта ўзгаришлар билан бошланди. Ҳукмрон сулолалар алмашиши юз берди. 137 йил Мовароуннаҳр ва Хуросонни бошқарган темурийлар сулоласи ўрнини Шайбонийлар эгаллади. Темурийлар салтанатининг сўнгги вакиллари -Ҳусайн Бойқаро вафот этиб, шаҳзодалар пароканда бўлди. Бобур эса ўз ватанидаги парокандаликнинг, сиёсий тарқоқликнинг қурбони бўлиб, юртини тарк этди. Кобул, ундан Ҳиндистонга ўтиб, уч асрдан кўпроқ ҳукм сурган бобурийлар салтанатига асос солди.

Муҳаммад Шайбоний ўзбек уруғининг шабон сулоласидан бўлиб, Дашти қипчоқдаги ўзбек давлатининг асосчиси Абулхайрхоннинг набираси эди.

Шайбонийхон 1499 йилда Бухорони, 1500 йилда Самарқандни, 1505 йилда Хоразмни, 1507 йилда Хуросон пойтахти Ҳиротни эгаллади.

1510 йилда Эрон шоҳи Исмоил Сафавий кўшини билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Сўнг тахтга амакиси Кўчкунчихон (1510-1530), ўғли Абусаид (1530-1533), Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллохон (1533-1539), кейин Абдулло I (1539-1540), Абдулатиф (1540-1551) чиқдилар. 1550 йилларда шайбонийлар орасида тож-тахт учун кураш кучайди. Абдулло II нинг кўли баланд келди. У Хуросон ва Мовароуннаҳрни бирлаштириб ягона салтанатга айлантиришга ҳаракат қилди. Халқнинг турмушини яхшилаш, маънавий дунёсини бойитиш йўлида кўп тадбирларни амалга оширди. Унинг фаолияти ҳақида тарихий манбаларда кўп ижобий фикрлар баён этилган. Аммо, у 1598 йилда ўғли Абдулмуъмин томонидан заҳарлаб ўлдирилади.

Амакиси, унинг ўғилларини ҳам қатл эттиради. Низомий “падаркуш шоҳ бўлолмади, бўлса ҳам олти ойдан ошмайди” деганидек, олти ойдан кейин у ҳам амирлари томонидан ўлдирилади. Тахт Пирмуҳаммадхон кўлига ўтади.

1599 йилда Астраханлик ўзбеклардан Боқимуҳаммад (1599-1605) аввал Самарқандни, кейин Бухорони эгаллади. Шундан 150 йил давом этган Аштархонийлар даври бошланди. Бу даврда ҳам сиёсий ҳаётдаги беқарорлик, парокандалик давом этди. Амир Темур давридаги барқарор, мустаҳкам, марказлашган йирик салтанат орзу ва армонга айланиб қолди. Мамлакатдаги ички тарқоқликдан ташқари, Эрон подшоҳи Шоҳ Аббос, Ҳиндистон ҳукмдорлари Шоҳжаҳон ва Аврангзеблар ҳам боболари Мирзо Бобур учун армон бўлган мамлакатни олишга интилишарди. Бу курашлар, албатта, юртнинг сиёсий ва маданий тараққиётига тўсқинлик қиларди. Жумладан, аштархонийлардан

бўлган Бухоро хонлари Абдулазизхон билан Субҳонкулихон ўртасидаги узоқ йил давом этган кураш талотўпларини ва оқибатларини шу даврда яратилган тарихий асарлардан, айниқса, воқеаларнинг бевосита кузатувчиси, иштирокчиси бўлган Турди Фароғий асарлари талқинидан англаб олишимиз мумкин. Ёки Хоразм хонлигини таллашишган ака-ука Ҳабаш ва Элборслар ўз оталари Арабмуҳаммадхоннинг кўзларини ўйиб олиши каби жаҳолатларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Шу даврларгача Мовароуннаҳр Шарқ мамлакат-лариаро савдо йўли сифатида катта мавқега эга эди. Денгиз сув йўлларининг очилиши унинг бу рутбасига путур етказди.

XVI-XVII асрдаги тарқоқлик натижаси сифатида XVIII аср бошларида мавжуд икки хонлик уч хонликка (Бухоро, Хива, кўкон) бўлинади.

Аммо, бу фикрлардан бутун жамият инқирозга юз тутган, маданият ва адабиёт таназзулга учраган деган хулосага келиш керак эмас. Чунки ҳар қандай мушкул вазиятларда ҳам, инсон ҳамиша эзгуликка, тараққиётга интилади. Энг ғамгин, қоронғу кунларидан ҳам умид излайди. Шунинг учун ҳам, бизга бу даврларда яратилган улуғ мерос етиб келган.

Кўп подшоҳлар ҳукмдор сифатида мурасасиз бўлсалар-да, ижодкор қалби билан изтиробга тушишган, дард билан яшашган. Мамлакат равнақи йўлида имконлар излаган. Жумладан, қўқон хони Амир Умархон (Амирий) саройига узоқ-яқиндаги барча ижодкорларни йиғиб, уларга раҳнамолик қилган. Рафиқаси Нодира унинг ишини давом эттирган. Кўплаб ижод чашмалари кўз очишига даъваткор ва ҳомий бўлишган.

Ёки Хоразм хонлари, жумладан, Муҳаммад Раҳим I, Муҳаммад Раҳим II лар замонида адабиёт ва санъатнинг

нодир намуналари яратилиши бевосита уларнинг фаолияти билан боғлиқдир.

*Даврни ўрганувчи манбалар.* Бу даврнинг тўғри, объектив баҳосини бериш учун, албатта, ўша пайтда яратилган илмий, адабий, тарихий манбаларни мукамал ўрганиш тақозо этилади. Чунки улар даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, тарихий шароити, адабий муҳити ҳақида маълумот бериб, фалсафий, ижтимоий қарашларни таҳлил этиш учун муҳимдир.

Бундай асарлар сирасига Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланом”, муаллифи номаълум “Таворихи гузида-нусратнома”, Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома”, Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома”, Бобурнинг “Бобурнома”, Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақое” Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Рашаҳот айнул-ҳаёт”, Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музақкири аҳбоб”, Мутрибийнинг “Тазкиратуш-шуаро”, Малехо Самарқан-дийнинг

“Музақкири асҳоб”, Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон”, Возеҳнинг “Тухфатул-аҳбоб”, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний”, Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома”, Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахаб ут-таворих”, Мунис, Огаҳий, Абулғозининг тарихий асарларини киритиш мумкин.

Бу асарларнинг моҳияти фақат даврнинг муҳим тарихий, сиёсий ҳодисалари ҳақида маълумот бериш билангина чекланмайди. Балки, у асарлар кенг қамровли, қомусий мазмунга эгадир. Уларда замоннинг адабий ва маданий ҳаётига, иқтисодиётига, этнография, топонимиясига доир маълумотларни ҳам учратиш мумкин.

Шундай муҳим асарлардан бири Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” сидир. У тугалланмай қолган бўлса-да, XVI аср ҳаёти борасида батафсил тасаввур уйғота олади. Ушбу манба шайбонийлар сулоласининг сўнгги



хони Абдуллахон II ҳукмронлиги тавсифига бағишланган. У Мовароуннаҳр равнақи учун, иқтисодий, маданий, маънавий соҳалар тараққийси учун жонфидо ҳукмдорлардан эди. Аммо, умри фожиа билан яқун топади. Ўғли томонидан қатл этилади.

“Абдуллонома” фақат тарихий асар эмас. Унга Ҳофиз Таниш Бухорий маҳорати туфайли бадиий асар сифатида ҳам баҳо беришимиз мумкин. Таркибига киритилган “Ўғизхон” каби ҳикоя ва ривоятлар асарнинг илмий ва бадиий қимматини янада оширган.

Иккинчи муҳим тарихий асар “Таворихи гузида- нусратнома”дир. У 1502-1504 йилларда ёзилган. Муаллифи номаълум. Асар Шайбонийхоннинг тарихига бағишланган. Мазмунидан унинг саройда, жангу жадалларда хон билан ёнма-ён юрган тарихчи томонидан ёзилгани маълум бўлади. Ушбу манба маълумотларнинг кўплиги ва аниқлиги билан қимматлидир.

Бу даврда яратилган Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк”, Мунис ва Оғаҳийларнинг тарихий асарлари ҳам нодир далиллари, бетакрор услуби билан аҳамиятли манбалардир.

*«Бадоеъ ул – вақоеъ» асари.* Давр ҳаётини тасаввур қилишимизда тазкира ва мемуар асарларнинг ҳам катта ўрни бор. Жумладан, Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асари бадий-мемуар жанрига мансуб. У “Бобурнома” билан бир туркумга киради. Аммо, ундан тасвир услуби, воқеаларга муносабати, бадийликнинг нисбати нуқтаи назаридан фарқланади. “Бадоеъ ул-вақоеъ”да муаллифнинг муносабати яққолроқ сезилади. “Бобурнома”да эса изчил тарихийлик тамойили устунлик қилади. Восифий асарининг қаҳрамонлари турли соҳа вакиллари. Унда султонлар, мусиқачилар, наққошлар, рассомлар, адиблар каби кўплаб етук кишилар ҳақидаги қизик ҳикояларни учратишимиз мумкин. Айниқса, Фирдавсий, Навоий,

Жомий, Улуғбекларга бағишланган қисмлар эътиборлидир. “Бадоеъ ул-вақоеъ” бир неча марта форс тилидан ўзбек тилига ўтирилган. 1826 йилда Диловархўжа, кейинчалик Огаҳий, Наим Норкуловлар таржима қилишган.

**«Музаккири аҳбоб» ва тазкиранавислик.**

Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккири аҳбоб” асари тазкира жанрига мансуб. Унда Самарқанд ва Бухорода яшаб ижод қилган 250 дан ортиқ ижодкор ҳақида маълумот берилади. Асарда Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”и анъаналари давом эттирилган. Нисорийнинг эътирофича, тазкирани яратишдан мақсад “... Амир Алишернинг “Мажолис ун-нафоис”идан кейин юзага келган барча фозилларнинг донгдор номларини бир битик қайдига киритиб ва уларнинг ёқимли нафаслари исини толибларнинг жон димоғига етказиш” бўлган.

Тазкира “Мақола” қисмидан, 4 боб ва хотимадан иборат. Мақола Чингизий

ва Чигатой султонларига бағишланади. Биринчи боб муаллиф учрашмаган ва бу оламдан ўтган улуғлар борасида ҳикоя қилади. Иккинчи боб Нисорий учрашган ва дунёдан кетганлар ҳақида. Учинчи боб тазкиранавис учрашган ва ҳозирда ҳаёт зотлар ҳақида. Тўртинчи боб муаллиф учрашмаган ва ҳозир яшаётган табаррук кишилар ҳақида. Хотима қисмини эса у бобоси, отаси, амакиси, ака-укалари каби яқин қариндошлари зикрига бағишлайди.

Асардан Шайбонийхон,  
Убайдуллахон, Бобур, Мажлисий,  
Ҳусомий, Нажмиддин Кавкабий, Хожа  
каби буюк алломаларимиз фаолиятлари  
борасида кенг тафсилотлар олишимиз  
мумкин. Ундаги маълумотларнинг аниқ  
ва ноёблиги тазкира қимматини  
белгилайди.

Бу даврда Нисорийдан кейин ҳам  
бир қанча тазкиралар яратилди.  
Жумладан, Султонмуҳаммад  
Мутрибийнинг 1604-1605 йилларда  
тузилган “Тазкиратуш-шуаро” сида 320

дан зиёд ижодкор ҳақида маълумот берилади. Келтирилган намуна-асарларнинг вазнлари аниқланади. Ҳар бир боб кичик муқаддима-дебоча билан бошланади. У 1627 йилда “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” тазкирасини ҳам тузади. Унда 300 дан ортиқ муҳожир Мовароуннаҳрлик ижодкорлар зикр этилган.

1692 йилда Малехо Самарқандий “Музақкири асҳоб” тазкирасини яратди. Унда 160 аллома зикри берилган.

1821 йилда Фазлий Намангоний “Мажмуаи шоирон” тазкирасида 101, 1871 йилда қори Раҳматуллоҳ Возеҳ “Тухфатул-аҳбоб” тазкирасида эса 145 шоир борасида маълумот беради.

Биз XVI-XIX аср I ярмидаги тазкиранавислик тарихини кузатиб, шундай хулосага келамиз:

1. Бу даврда яратилган тазкиралар Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”и анъаналарини давом эттирган.

2. Адиблар тазкиранависликни такомиллаштиришган. Унга турли янгиликлар киритиб, уларнинг илмий қимматини янада оширишган. Бу борада, айниқса, Мутрибийнинг фаолияти ибратли.

3. Тазкиралардаги маълумотлар муҳимлиги, бошқа манбаларда учрамаслиги, давр маданий ҳаёти, адабий муҳити ҳақида яхлит тасаввур уйғотиши билан ҳам қимматлидир.

**Маданий ҳаёт.** Бу даврга келиб маданий марказ Ҳиротдан Самарқанд ва Бухорога кўчди. Ҳунармандчилик ва савдо ривожланди. У билан боғлиқ равишда работ, сардоба, карвонсарой каби кўплаб ўзига хос бинолар қурилди. Илм масканлари, мадрасалар барпо этилди. “Бобурнома”да таъкидланишича, 1502 йилда Зарафшон дарёсида сув тақсимловчи мослама ўрнатилган.

Бу даврда Самарқанд ва Бухоро мусиқа мактаби доврўқ таратган эди. Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг барча

худудларидан бу ерларга толиблар илм истаб келишарди. Манбаларда Муҳиб Али қонуний, Ҳасан Кавкабий, Нажмиддин Кавкабий, Мавлоно Риёзий Самарқандий, Юсуф Дуторий каби ижрочи ва бастакорлар ҳақида маълумотлар мавжуд.

Мир Абдулла, Мир Ҳусайний, Султон Мирак Мунший каби машҳур хаттотлар томонидан кўчирилган ноёб китоблар давр маънавияти, маданиятини юксалтиришда муносиб ўрин эгаллаган.

Ушбу даврда рассомлик, наққошлик ва миниатюра санъати ўзининг янги босқичига кўтарилди. Айниқса, “Бобурнома”га, “Таворихи гузида- нусратнома” га ва Муҳаммадмурод Самарқандий томонидан “Шоҳнома”га чизилган миниатюралар диққатга сазовордир. Бу асарлардаги руҳий манзаранинг, тарихийликнинг чуқурлиги даврнинг тирик, теран қиёфасини тасаввур этишимизга кўмаклашади. Маҳмуд Музаҳҳиб, Рустам

наққош каби рассомларимизнинг яратган асарлари ҳам тарихимизнинг нурли, ёрқин саҳифаларини ташкил этади. Улар ҳақида шу даврда яратилган тазкираларда фикрлар билдирилган.

Булардан ташқари, ушбу даврда амалий санъат ёдгорликлари ҳам яратилган. Жумладан, Жалол Бухорий томонидан бунёд этилган антиқа сандиқсоат эътиборлидир. Манбаларда тасвирланишича, Жалол Бухорий бир сандиқ ясайди. Унинг ичида чиройли дарахт. Дарахт устида бир маймун бир қўлида лаган, бир қўлида таёқча ушлаган ҳолда ўтирибди. Маълум бир фурсатда маймун ҳаракатга келиб таёқча билан лаганга уради. Шунда соат зангига ўхшаган товуш чиқади. Бу ҳаракатлар механик тарзда бажарилади.

Ўйлаймизки, қисқа маълумотлардан ҳам XVI-XIX аср I ярми маданий ҳаёти ҳақида, тараққиёти ҳақида хулоса чиқаришимиз мумкин.



*Адабий-илмий жараён.* XVI-XIX аср адабий жараёни ҳақида кўплаб тарихий, тазкира ва бадий асарлар орқали тасаввурга эга бўламиз. Хусусан, Нисорийнинг “Музақкири аҳбоб”, Восифийнинг “Бадоеъ ул вақоеъ” (Нодир воқеалар), Бобурнинг “Бобурнома”, Мутрибийнинг “Тазкират уш-шуаро” каби асарлари қимматлидир. Улар давр сиёсий-тарихий ҳаётидан ташқари, маданий- адабий муҳит борасида яхлит маълумот беради. Яшаб, ижод этган адиблар, уларнинг феъл- атвори, ижодига хос хусусиятлар, асарлари кўлами хусусида тасаввур ҳосил қилади. Улар маълумотларнинг аниқлиги, асосан, воқеа иштирокчилари томонидан ёзилганлиги ва далилларнинг мўллиги билан нодир манбалардир. Уларда Ҳусомий, Мажлисий, Бобур, Убайдий, Шайбоний, Муҳаммад Солиҳ, Хожа, Ҳусайн Бойқаро, Навоий, Биноий, Фирдавсий каби машҳур ижодкорлар ҳақидаги такрорланмас ҳикоялар билан танишамиз. Узоқ йиллар

сарой ва диний адабиёт вакиллари деб ўрганилмай келинган Убайдий, Шайбоний, Азизий, Фазлий, Адо, Амирий, Феруз каби мўътабар инсонлар-ижодкорларнинг ҳақиқий, асл қиёфалари билан ошно бўламиз. Ҳар бирларининг ижодлари чуқур тадқиқ этишга муносиб, улкан адабий меросимизга дахлдор ўзига хос ноёб намуналар эканлигини англаймиз.

XVI-XIX аср адабиёти Навоий, Лутфий, Атоий, Саккокий, Жомий, Низомий, Хусрав каби даҳо ижодкорлар яратган бадиий чашмадан баҳра олган. Улар ижодий мактабини ўтаган адабиётдир. Шунинг учун ҳам унда устоз ижодкорлар анъаналари мужассамлашган. Мавзу, ғоя, жанрлар такомиллаштирилган. Уларнинг янги қирралари кашф этилган (Бу масалага адиблар ижоди тадқиқи жараёнида яна қайтилади).

XVI-XIX аср адабиётининг ўзидан олдинги давр адабиётидан айрим фарқли

томонларини таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

1. Навоий даври адабиётида романтик услуб етакчилик қилган. Биз ўрганадиган даврда эса романтик услуб ҳам қўлланган. Аммо, реалистик услуб анча устунлик қилган. Бу борада Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Хожа, Турди ижодлари диққатга сазовор.

2. Мавжуд жанрлар такомиллаштирилди. Янги жанрлар юзага келди:

а) тарихий мемуар (Бобур. “Бобурнома”);

б) тарихий дoston (Муҳаммад Солиҳ. “Шайбонийнома”);

в) кичик ҳикоялар туркуми (Хожа. “Гулзор”, “Мифтоҳул-адл”).

3. Ушбу даврда “Хамса” типигаги туркумлашган эмас, балки алоҳида, мустақил маснавий дostonлар кўпроқ яратилди.

4. Шу сабабли дostonчиликда анъанавий тимсоллардан кам фойдаланилди.

5. Абулқосим Кохий, Ҳумоюн, Комрон, Байрамхон каби муҳожир шоирлар ўзбек эли ва тили мавқеини янада оширишга ҳисса қўшишди.

6. Давр адабиётига ўғуз туркчаси, хусусан, Фузулий тили ва таъсири кучли бўлгани яққол кўзга ташланади.

7. Ўзбек адабиётининг жуғрофий ҳудуди кенгайди. Туркия, Ҳиндистон, Озарбайжон, Эрон мамлакатларида ҳам ўзбек тилидаги адабиёт намуналари кенг тарқалди. У ерларда яшаётган мовароуннаҳрлик ижодкорлар асарлар яратишди.

8. Шу сабабли бошқа элат ижодкорларига Алишер Навоийнинг ижодий таъсири кучайди.

9. Тарихий ва тазкира асарлар яратишга алоҳида эътибор берилди.

XVI-XIX аср адабиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида

адабиётшунослигимизда хилма-хил мулоҳазалар билдирилган. Уларнинг айримлари баҳсу мунозараларга ҳам сабаб бўлган. Жумладан, айрим олимларимиз ушбу даврда сиёсий ҳаётдаги таназул ва парокандалик адабий жараёнга салбий таъсир қилган. Адабиётда турғунлик ва пасайиш содир бўлган дейишади. Аммо, бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки, шу даврда биргина Огаҳийни олсак, у ҳажм жиҳатидан ҳам , маҳорат жиҳатидан ҳам Навоийвор мақомда ижод этган. Бобур, Увайсий, Нодира каби ўнлаб ижодкорлар меросини кузатиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос услубга, ижодий янгиликка эришган маҳоратли адиблар эканига амин бўламиз (Улар ижодидаги янгилик ва маҳорат масалаларига ўз мавридида яна қайтилади).

Атоқли олим Абдурауф Фитрат “XVI асрдан сўнгра Ўзбек адабиётига умумий бир қараш” мақоласида XVI асрдан кейинги давр адабиётига баҳо

берар экан, унинг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатади (унинг айрим фикрлари ҳам мунозаралидир):

“1. Бу даврнинг адабиёти ўзидан бурунги даврга қараганда, умуман, санъатча тубан, бироқ сон жиҳатдан кўпдир.

2. Бу даврнинг адабиётига 17-асрнинг 2-ярмиларидан бошлаб ўғузчанинг, айниқса, Фузулийнинг кучли таъсири бор.

3. Бу даврда тарихий асарларга айрича аҳамият берилган.

4. Шеърда Яссавий мактаби бу даврда саройғача кўтариладир.<sup>1</sup>”

Юқорида айтилган фикрлардан маълум бўладики, XVI-XIX аср 1-ярми ўзбек адабиёти теран таҳлил ва талқинни тақозо этадиган улкан маънавий меросимиздир. Уни қанчалик чуқур ўргансак, аждодларимиз орзулаган маънавий, руҳий камолотга шунчалик яқинлашамиз. Ундаги умумбашарий

---

<sup>1</sup> Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. Т.2000, 60-61- бетлар.

мазмун ва ғоялар кўнглимизга ва  
хаётимизга сингиб бораверади.

## Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483 – 1530)

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбеклар номини жаҳонга танитган улуг алломалардан биридир. У ноёб қобилиятга эга саркарда ва подшоҳ, улкан тафаккур кудратига эга тарихчи, олим ва шоир сифатида дунёни ҳайратга солди.

У адабиётимизнинг Алишер Навоийдан кейинги энг теран фикрли ва соҳир туйғулар куйчиси эканлиги билан бизга қадрли.

Бобур 1483 йил 14 февралда Андижонда Фарғона вилояти ҳокими Умаршайх Мирзо хонадонида таваллуд топди. У Амир Темурга бешинчи (Умаршайх Мирзо – Абу саид Мирзо – Султон Муҳаммад Мирзо – Мироншоҳ – Амир Темур) авлод эди. Онаси кутлуғнигорхоним томонидан эса ўн иккинчи авлод билан Чингизхонга туташган. Бобур Умаршайх Мирзо уч



ўғлининг тўнғичи эди (Бобур, Жаҳонгир Мирзо, Носир Мирзо).

Умаршайх Мирзо 1494 йил 9 июнда пойтахт шаҳар Аҳси кўрғонидан жарга қулаб ҳалок бўлади.

Бу фожиадан сўнг, темурийлар анъанасига биноан валиаҳд Бобур подшоҳ бўлади. Унинг шоҳ асари «Бобурнома» худди ана шу хабар билан бошланади: «Тангри таолонинг инояти билан ... сешанба куни рамазон ойининг бешида тарих саккиз юз тўқсон тўққузда (1494 й.) Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдим»<sup>1</sup>.

12 ёшли Бобур отасининг содиқ беклари Шайх Мазидбек, Бобоқули Бобоалибек, қосим қавчинлар ёрдамида ҳокимиятни бошқаришга киришади.

Самарқанд буюк Темурхон давлатининг пойтахти эди. Шунинг учун ҳар бир темурзодага уни эгаллаш энг катта орзу бўлган. Жумладан, Бобур

---

<sup>1</sup> Зашириддин Мушаммад Бобур. Бобурнома. Т., Юлдузча, 1989, 5 – бет. «Бобурнома»дан олинган кейинги парчалар шу манбадан олинади ва саҳифаси кырсатилади.

хаётини остин – устун қилиб юборган кўп жангу жадаллар ҳам Самарқанд билан боғлиқ.

1495 йилда Самарқанд Султон Али кўлида эди. Аммо, акалари Султон Масъуд ва Бойсунғур Мирзолар ҳам Самарқанд учун кураш бошлайдилар. Амакиваччаларидан илҳомланган Бобур ҳам бу кураш гирдобига кўшилади. Бир муддат Самарқандни қамал қилади. Аммо, дўстлик ва сулҳ таклифи билан чиққан Султон Алининг сўзини қабул қилади ва ортга қайтади. Бойсунғур Мирзо эса Самарқандни эгаллайди.

1497 йилда Бобур яна Самарқандга юриш бошлайди. Бойсунғур Мирзо Шайбонийхондан мадад сўрайди. Етти ой давом этган жангу жадалдан сўнг Бобурнинг кўли баланд келади. Шаҳар аҳлининг хайрихоҳлиги унга мадад бўлиб, боболарининг муқаддас пойтахти насиб этади.

Аммо, Бобурнинг ғалаба нашъаси узоқ давом этмайди. Талон – тарождлар

натижасида Самарқанд ночор аҳволга тушиб қолган эди. Ҳатто, лашкар таъминоти ҳам қийинлашади. Натижада, уйларини ҳам соғинган черик аҳли бирин – кетин Андижонга қочиб кета бошлайди. Ҳатто, ибрат бўлган беклари – Аҳмад Танбал, Хонқули, Иброҳим Бекчик кабилар ҳам Самарқандни тарк этади: «Самарқандни олғонда Самарқанд андоқ хароб эдиким, мадад ва тухм ва тақовиға эҳтиёж бор эди... Бу жиҳатлардин черик эли кўп танқислик торттилар... Уйларини ҳам соғиндилар. Бирар- иккирар қочмоқға юз қўйдилар...»<sup>1</sup>.

Ушбу фурсатда Андижонда ҳам нотинчлик бошланади. Аҳмад Танбал ва Ахсини вақтинча бошқариш учун қолдирилган Узун Ҳасан хиёнат йўлини тутишади. Бобурнинг укаси Жаҳонгир Мирзони Андижон ҳокими этиш режасини тузишади ва Андижонни қамал қилишади. Вақтинча Андижонни бошқариш учун қолдирилган Али Дўст

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 49-бет

Тағойи Бобурнинг Самарқандда оғир бетоблиги ва ўлим тўшагида ётгани хабарини эшитиб, ваҳимага тушиб Андижонни Жаҳонгир Мирзо тарафдорларига топширади.

Шу кунларни хотирлаб «тўрт кунгача тилим тутилди, оғзимға пахта билан сув томизурлар эрди»<sup>2</sup> дея ёзган хаста Бобурни бу хиёнат ва номардона ҳодиса қаттиқ қайғуга солади.

Бобур волидаси ва пири муршиди Хожа қози мактублари ва даъватлари сабабли Самарқандни тарк этди. У бу фатҳида Самарқандда 100 кун подшоҳлик қилганини эътироф этади: «Бу навбат Самарқанд шаҳрида юз кун подшоҳлик қилдим»<sup>1</sup>.

1498 йил февраль ойида Андижон сари йўл олган Бобур бир ҳафтадан сўнг Хўжандга етганда, Андижоннинг муҳолифлар қўлига топширилганини эшитади. Ўртада ҳам Самарқанд, ҳам

---

<sup>2</sup> Ыша асар, 50-бет

<sup>1</sup> Ыша асар, 51 -бет

Андижондан ажраган, давлатсиз ва мулксиз қолган Бобур қаттиқ руҳий изтиробда қолади: «Андижонға бўла Самарқандни иликдин бердук. Андижон ҳам иликдин чикмиш эди... Бисёр шақ ва душвор келди. Не учунким, то подшоҳ бўлуб эдим, бу навъ навкардин ва вилояттин айрилмайдур эдим. То ўзумни билиб эдим, бу йўсунлуқ ранж ва машаққатни билмайдур эдим»<sup>2</sup> .

Аmmo, Бобур ўзини йўқотмайди. Бу мушкулликдан қутулиш йўлини излаб топади. У содиқ бекларидан қосимбекни Тошкентга Хон бобоси ҳузурига мадад учун юборади. Хон Оҳангарон орқали Кандир довонига келиб Бобур билан бирлашади ва Поп кўрғонида муҳолифлар билан сулҳ тузади. Бобур Хоннинг Андижонни қайтиб олиш имкони бор жойда сулҳга рози бўлганидан қаттиқ ранжийди. Бу ҳолдан умидсизланган кўпчилик черик аҳли Бобурни тарк этишади. Унинг олдида 200 дан кўпроқ

---

<sup>2</sup> Ыша асар, 51-бет

300 дан камроқ киши қолади. Бу адолатсиз мағлублик Бобурни қаттиқ изтиробга солади: «Менинг била қолғонлар ғурбат била меҳнатни ихтиёр қилғонлар, яхши – ёмон, тахминан икки юздин кўпроқ, уч юздин озроқ бўлғай эди...

Манга бисёр душвор келди, беихтиёр ғалаба йиғладим»<sup>3</sup>.

Шундан кейин Бобурнинг саргардонлик кунлари бошланди. У икки йилга яқин Хўжанд, Ўратепа атрофларида давлатсиз, мулксиз, маънавий машаққатли ҳаёт кечирди.

1499 йилнинг ёз ойларида Ўратепа атрофида Али Дўст Тағойидан хабар келади. Агар гуноҳлари авф этилса, Марғилонни Бобурга топшириш ниятида эканлигини айтади.

Бу таклифни Бобур узоқ муҳокама этмай қабул қилади. Бир неча кун йўл юриб, Бобур атрофидаги 240 кишиси билан Марғилонга етиб келади. Аҳмад

---

<sup>3</sup> Ыша асар, 52-бет

Танбал ва Узун Ҳасаннинг зулму ситамидан безган халқ Бобурни мамнунлик билан қарши олади. Бир неча кунлик жангдан сўнг Андижон қайта қўлга киритилади: «Ота вилоятиким, икки йилга ёвуқлашиб эдиким, иликдин чиқиб эди, тенгри инояти била зулқаъда ойида сана 904 да (1499 й.)яна муяссар ва мусаххар бўлди»<sup>1</sup>.

Аммо, Аҳмад Танбал Жаҳонгир Мирзони подшоҳ кўтариш режасидан қайтмаган ва жанглар давом этар эди. Ниҳоят уруш сулҳ билан якунланади. Жаҳонгир Мирзога Аҳси, Бобур Мирзога Андижон тарафлар бўйсунди.

Бобур 1500 йилда Султон Аҳмад Мирзонинг қизи Ойшабегимга уйланди. Шу йилдан бошлаб шеърлар машқ қила бошлади.

Бу даврда ҳали ҳам ички зиддиятлар давом этар, Аҳмад Танбал ва унинг оға – инилари ўз режаларидан воз кечмаганликлари сезилиб турарди.

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 59-бет

Шундай нотинчликлар бездирган Бобур Муҳаммад Мазид Тархон бошлиқ Самарқанд бекларининг анчадан бери давом этаётган таклифини қабул қилади.

Бобур Самарқандга йўл олади. Сангзорга келганда Самарқанд беклари билан маслаҳатлашади. Бир қанча музокаралардан сўнг Самарқанд тахти «хоҳони» - талабгорларидан Хожа Яҳё уни Бобурга жангсиз топширади.

Шайбонийхон катта кўшин билан Самарқандга келаётганини эшитиб, Бобур бир қанча Самарқанд беклари билан Кешга кетади. Бир – икки ҳафтадан сўнг Султон Али Мирзо Самарқандни Шайбонийхонга топширади. Онаси Зухрабегим бунга сабабчи бўлади. Зухрабегим ўзини Шайбонийхон кўлига топшириб, ўғлининг ҳаёти ва салтанатини сақлаб қолмоқчи бўлади. Аммо, Шайбонийхон Султон Али мирзони бир қанча беклари билан ўлдиради. Хожа Яҳёни икки ўғли билан Хуросонга



кетишга рухсат бериб, ортидан одам ёллаб, уларни ҳам шаҳид қилади.

Бобур Самарқанд атрофида уни эгаллаш режасини тузар эди. Ниҳоят шаҳарнинг «Феруза» дарвозасидан ёриб кўрғонга киришади ва Самарқандни 2 – марта кўлга киритади. Шаҳар аҳли Бобуршоҳни хайрихоҳлик билан қарши олади. Халқ Шайбонийхон навкарларига қарши жангга киришади. Аҳволни англаган Шайбонийхон Самарқандни тарк этишга мажбур бўлади. Бобур ғалаба нашидасини «Бобурнома»да шундай эслайди: «Юз қирқ йилга ёвуқ Самарқанд пойтахти бизнинг хонаводада эди. қандағи ёт ёғий, ўзбак келиб мутасарриф бўлуб эди. Иликдин кетган мулкни яна тенгри берди. /орат ва торож топган вилоят тасарруфимизга кирди»<sup>1</sup>.

Зафаридан мамнун Бобур  
Ўратепадан онаси ва аҳли аёлини  
Самарқандга кўчириб келади.  
Ойшабегимдан Фахруннисо исмли қиз

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 76-бет

кўради. Алишер Навоийдан мактуб олади. Бобур ҳам жавоб мактуби ёзади. Ўзининг туркийда ёзган шеърини ҳам жўнатади. Мулло Биноий Шайбоний ҳузуридан Бобур мулозаматига келади.

Аммо, кувончли кунлар узоққа чўзилмайди. Фахруннисо қизи чилласи чиқмай қазо қилади. Бобур Самарқанд кўрғонини беркитишга мажбур бўлди. қамалнинг машаққатли кунлари бошланди. У 6 ой давом этди. Халқ оғир кунларни бошидан кечирди: «Элга бисёр танқислик бўлди. Анга еттиким, фақир ва мискин ит этини, эшак этини йиё кириштилар. Отга бўғуз кам ёфт бўлди. Дарахтларнинг баргини отқа берурлар эди... баъзи қуруқ йиғочларни ранда қилиб, тарошасини сувга ибитиб отга берурлар эди».<sup>1</sup>

Бобур ҳар тарафга элчилар юбориб кўмак сўрайди. Аммо, ҳеч кимдан мадад келмайди. Бобур айниқса, Ҳусайн Бойқародан ранжийди. У Бобурга

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 83-бет.

қайишиш ўрнига Шайбонийхонга элчи юборади.

Муҳосара узоққа чўзилади. Шайбонийхон сулҳ таклиф қилади. Бобурнинг бошқа чораси йўқ эди. Таклифни қабул қилишга мажбур бўлади. Тунда ўз яқинлари билан Самарқандни тарк этади. Аммо, Бобур «Менинг эгачим Хонзодабегим ушбу чиққонда Шайбонийхоннинг илигига тушти»<sup>1</sup> деб, афсус билан хотирлайди.

Самарқанддан чиққан Бобур Жиззах, Ўратепа, Даҳкат атрофларида саргардонликда қолади. Тошкентга бобоси Юнусхон хузурига мадад излаб боради. Улар яхши меҳмон қилишади. Кўп ваъда ҳам беришади. Аммо, вафо қилишмайди. Амалда ҳеч қандай ёрдам беришмайди.

Пскент, Шоҳруҳия атрофларида Шайбонийхон билан қисқа тўқнашувлар бўлади.

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 85-бет

1502 йилда Аҳмад Танбалнинг Тошкентга ҳужумга тайёрланаётгани хабари келади. Буни эшитиб, Бобурнинг тоғалари – Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон Андижонга юриш бошлашади. Бобур ҳам уларга қўшилади. Бу жангда Бобур катта жасорат кўрсатади. «Бобурнома»да унинг маҳоратли саркарда эканлигини кўрсатувчи жонли манзаралар, мардона жанглар тасвирини кўрамыз.

У Ўшни қўлга киритади. Ўзганд ва Марғилон халқи хайрихоҳлик билан Бобурни чорлашади. Работи Рўзақда қаттиқ жанг бўлади. Тунда ғафлатда бостириб келган Танбал лашкарининг қўли баланд келади. Шу жангда Бобур боши ва оёғидан яраланади. Танбал билан юзма – юз тўқнашиб жанг қилади.

Ниҳоят, мўғул хонлари ғолиб келади. Аҳмад Танбал қочади. У Шайбонийга бирлашиш учун одам юборади.

Андижон қайтиб олинди. Аммо, тоғалари Бобурга вилоят беришмади. Жон чекиб қўлга киритган ҳудудларини ҳам унга таклиф қилишмади. Бундан Бобур қаттиқ ранжийди.

У "Бобурнома"да 1502 йил воқеалари ҳақида ҳикоя қилар экан, илк бор бош олиб кетмоқ фикрига келади: "Дедимким, мундоқ душворлиқ била тирилгунча, бош олиб итсам яхши. Бу навъ хорлиқ ва зорлиқ била эл билгунча, оёғим етганча кетсам яхши»<sup>1</sup>.

Шайбонийхон катта қўшин билан Андижон сари йўлга тушганини эшитиб, Мўғулхонлар орқага қайтишади. Шу кунларда Ахсида 100 тача навқари билан қолган Бобурга қарши Аҳмад Танбал бир неча минг йигити билан жанг бошлайди. Тенгсиз тўқнашувда Бобур енгилади. У икки кеча кундуз ёлғиз душман таъқибидан қочиб қутулади, омон қолади.

**Кобулга йўл.** 1503 йилда Бобур Хуросонга йўл олади. Ҳеч қандай мадад

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 92-бет

йўқ эди. Хусайн Бойқародек забардаст темирзода Шайбонийхонга қарши хужумга ўтмай, ўз худуди ҳимоясига киришади. Ҳисорда Хусравшоҳдан ҳам ҳеч бир ёруғлик чиқмайди.

Шайбонийнинг эса борган сари доврўғи ортиб, Хуросонга яқинлашаётгани хабари келар эди. Бундай бепарволик ва сусткашлиқдан Бобур изтироб чекар эди. Бундай ночор вазиятда Бобурнинг ота – боболари юртини қўлга киритишдан умиди узилди: «Султон Хусайн Мирзодек Темурбек ўрнига ўлтурғон улуғ подшоҳ ғанимнинг устига юрумакни демай, ер беркитмакни деса, эл ва улусқа не умидворлик қолғай?»<sup>1</sup>.

1503 йил кузда Бобур Кобул ва /азнани жангсиз қўлга киритади: «... Тенгри таоло фазл ва карами била Кобул ва /азна мулк ва вилоятини бежангу жидол муяссар ва мусаххар қилди»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 111- бет.

<sup>2</sup> Ыша асар, 116-бет.

«Бобурнома»да Бобур Афғонистон ҳақида маълумот беради. Унинг иқлими борасида сўзлаб, «Бисёр латиф ҳавоси бор. Кобул ҳавосидек ҳаволик ер оламда маълум эмаским, бўлғай...», - дейди. Ушбу ҳудудда етиштириладиган мевалар хусусида маълумот беради. Ватанидан олуболу ниҳолини келтириб эктиргани, мевалар бераётганини эслайди.

Афғонистон 14 вилоятга бўлиниши, улар туман деб аталишини сўзлаб, ҳар бирига батафсил тавсиф беради. Ушбу ҳудудларда араб, форс, турк, мўғул, хинд, афғон каби ўн бир – ўн икки тилда сўзлашувчи аҳоли қатламининг яшаши ҳақида хабар беради.

Афғонистондаги кўп ғаройиб жойлар, тоғлар, дарёлар номларининг (Кўҳи Сафид, Ламғон, Хожа Сеёрон, Гўспандлиёр) этимологияси борасида ўз мулоҳазаларини билдириб, изоҳлаб кетади.

1508-1509 йилларда Боғи Вафони бунёд этганини ёзади.

Аммо, Бобурнинг Кобулда кечирган дастлабки йиллари, айниқса, оғир келди. 1505 йилда бир ҳафталик оғир хасталикдан сўнг онаси кутлуғнигорхоним вафот этди. 1506 йилда Бобурнинг ўзи 40 кун оғир хасталаниб ётиб қолди. Бир неча бор бўлган давомли, вайронкор зилзила ва сув тошқинлари машаққатли қисматини янада оғирлаштирар эди.

Бобурнинг ўзи Афғонистон ҳудудида бўлса ҳам, ўша ерда Шайбонийхон юришларини кузатиб турарди. Уларга муносабатини билдириб борар эди. Айниқса, Хоразм муҳосараси тасвирида Чин Сўфининг мардлиги, жасорати, ватанпарварлигига таҳсин айтади. Унга ҳавас қилади. Унинг мағлубиятига ҳам ўз кишиларининг хиёвати боис бўлганини фош қилади. Бу воқеалар баёнини ўқир эканмиз, Бобур юрагидаги ички бир армон ва изтироб туйғуларини ҳис қиламиз. Чунки Бобур темурий шахзодаларнинг бирлашиб,



худди шундай мардоналик билан ўз юртларини ҳимоя қилишларини орзу қилган эди: «Ушбу йил Шайбонийхон Чин Сўфини Хоразмда ўн ой муҳосара (қамал – И.А.) қилиб олди, бу муҳосарада қалин урушлар бўлди. Хоразм йигитлари бисёр мардоналиқлар қилдилар...

Ўн ой қабалдорлик торттилар, ҳеч ердин умидворлик бўлмади. Баъзи йигит - яланги бедиллик қилиб, ўзбак била сўзлашиб, ўзбакни кўрғонга чиқардилар...

Чин Сўфи хабардор бўлиб, ўзи келиб кўрғонга чиққанларни уриб тушурур маҳалида шиба ўқи тегиб, ўзининг чухраси кейиндин ўқ била урди, ўлди. Урушур киши қолмади, кўрғонни олдилар. Раҳмат Чин Сўфиға»<sup>1</sup>.

Шайбонийхон Чин Сўфини енгиб, Хоразмни эгаллагандан сўнг Хуросон сари йўл олди. Унга қарши Хусайн Бойқаро ҳужум режасини тузади. Барча темурий шаҳзодаларнинг бошини бирлаштиради. Бобурни ҳам таклиф

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 146-бет.

қилади. Бобур бу таклифни «Шайбонийхондек ғанимнинг устига озим бўлғонда, эл оёқ била борғонда, биз бош била борғаймиз, эл таёқ била борғонда, биз тош била борғаймиз», - дея мамнуният билан қабул қилади.

Аммо, бу режа амалга ошмай қолади. 1506 йилнинг майида «Султон Ҳусайн Мирзо черик тортиб Бобо Илоҳийга етганда» вафот этади.

1506 йилнинг кузида яна барча шаҳзодалар Мурғобда йиғилиб, Шайбонийга қарши юриш режасини тузишади. Музокаралардан сўнг юриш баҳорга қолдирилади. Шу муддатда Бобур 20 кунча Ҳиротда бўлади. Навоий яшаган уйда истиқомат қилади. Кўриш орзусида юрган шаҳарни томоша қилади. Муҳташам обидалар билан танишади. Боғи Сафидда, Боғи Жаҳонорода бўлади. Ҳирот сафари унга катта хурсандчилик ва фахр туйғусини бағишлайди.

Декабрь охирларида Бобур Ҳиротдан Кобулга қайтади. қиш эди.

Кобул тоғларида кўп машаққатлар чекади. «Ҳар қадам кўйғонида белигача, кўксигача бота – бота қор тепиб йўл очиб олдинга юришганини ҳикоя қилади.

Шундай оғир машаққатли йўлни босиб Кобулга етганда, Бобур хиёнатнинг устидан чиқади. Хиёнатчилар Хусайн Бойқаро ўғиллари Бобурни Ихтиёриддин қалъасида ҳибсга олган, дея бўҳтон тарқатиб, жияни Мирзохонни подшоҳ кўтарадилар. Бобур жасорати ва мардоналиги туфайли Кобулни қайтариб олади. Жияни Мирзохонни қаттиқ жазоламайди. Аммо, замон носозликлари ва замондошлари хиёнатидан яна бир бор ранжийди. Озурда кўнгил изтиробларини шу кунларда ёзилган куйидаги матлаъ билан бошланувчи ғазалда шарҳлайдики, ундан Бобурнинг руҳий туғёнларини англаш мушкул эмас:

Менинг кўнглимки гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур,

Агар юз минг баҳор ўлса очилмоғи не имкондур<sup>1</sup>.

1507 йил Шайбонийхон Хуросон пойтахти Ҳиротни ҳам эгаллайди. Шундан сўнг Бобурнинг ўз юртига умидворлиги яна бир карра сусаяди. У темурийлар анъанасини ўзгартириб, ўзини Мирзо деб эмас, подшоҳ деб атай бошлади. Аммо, «Бобурнома»дан кўринадики, Бобур умрининг сўнгигача ҳам ўз юридан кўнглини узмаган. Ҳар доим унга қайтиш иштиёқи ва орзуси билан яшаган.

**Бобур Ҳиндистонда .** Бобур ўз режасини ўзгартириб, Ҳиндистонни забт этиш мақсадини кўнглига тугди. Бироқ у 1525 йилдагина Ҳиндистонни эгаллади.

Бобур 1519-1525 (295-932 х) йиллар орасида Ҳиндистонга 5 марта юриш қилиб, уни бешинчи марта 1525 йил Султон Иброҳим Лўдийдек 100 минг лашкар ва мингдан ортиқ жанговор

---

<sup>1</sup> Ыша асар , 182-бет

филларга эга ғанимнинг кўлидан атиги 12000 лашкари билан олади.

Бу жуда улкан машаққатлар, ранжлар эвазига эришилган ғалабанинг қимматини Бобур тарихий маълумотлар билан қиёслаб кўрсатиб беради. Унинг турли тарихий – илмий манбалар асосида далолат беришича, ҳазрати пайғамбаримиз «замонидин бу тарихқача ул юз подшоҳларидин уч киши Ҳиндистон вилояти»ни забт этишга муяссар бўлган:

Султон Маҳмуд /озий.

Султон Шихобиддин  
/урий.

Бобур.

Аммо, Бобурдан фарқли ўлароқ, иккала подшоҳ улкан худудли мамлакатга ва бири 200 мингга, иккинчиси 120 мингга ёвуқ лашкарга эга эди. Бобурнинг кўлида эса Афғонистоннинг айрим вилоятлари ва 12 минг лашкар бор эди, холос. Бу тафовутдан Бобур ғалабасининг кўлами ва баҳосини англашимиз мумкин.

Бобур фатҳини қийинлаштирган иккинчи сабаб, илгари Ҳиндистон тарқок - вилоятларга бўлинган эди. Бобур замонида эса анча мустаҳкам, нисбатан марказлашган эди.

Бобур: «/ариб қавме била элнинг иши тушуб эди. Не биз аларнинг тилларини билур эдик, не алар бизнинг тилимизни»<sup>1</sup>, - дея ёзган эди. Албатта, бутунлай ёт бир мамлакатни забт этиш осон бўлмаган.

Бобур Ҳиндистоннинг ҳар бир қаричини курашлар эвазига қўлга киритган: «Бир Деҳли ва Оградин ўзга жамиъ қўрғонлиқ ерлар қўрғонларини беркитиб, итоат ва инқиёд қилмадилар...

Ўзга ва отга ошлиқ ва хас топилмас эди. Йўллар равон бўлмайдура эди...

Яна ул йил хейли иссиқ эди. Хейли эл боди самумнинг таъсиридин ҳар замонда йиқилиб - йиқилиб, ўла кириштилар»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 243-бет

<sup>2</sup> Ыша асар, 270-бет

Юқоридаги парчалардан машаққатлар кўламини бироз тасаввур қилиш мумкин.

«Бобурнома»да Ҳинд элининг ўз мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилганини кўрсатувчи чизгилар ҳам учрайди. Бобур баъзи ҳудудларни осон кўлга киритган бўлса, айрим жойларни катта талафотлар, машаққатли жанглар эвазига олган. Айниқса, Чандирийни олишда ҳиндларнинг ватан ва озодлик учун кўрсатган жасоратлари ҳайратланарли. Улар аҳли аёллари ва ўзларининг ҳам ғаним томон кўлига тириклай тушишларидан орланишган. Уларнинг жасоратларида Муқанна каби тарихий қаҳрамонлар шижоатини кўрамыз: «Олдурурларини жазм қилиб, хотунларини тамом чопқулаб, ўлтуруб, ўзларига ўлумни кўриб, яланғоч бўлуб урушқа келмишлар...

... Ушбу ҳаволида аксар ўзлари бир-бирларини ўлтурубтур. Андоқким, бириси бир қилични олиб турубтур,

ўзгалари бирар- бирар рағбат била бўюнларини узатиб турубтур»<sup>1</sup>.

Бобур «Бобурнома»да Ҳиндистоннинг тараққиёт даражаси, миқёси ҳақида ҳам батафсил маълумот беради: «... яхши от йўқ ва яхши ит йўқ ва узум ва қовун ва яхши мевалар йўқ ва ях йўқ ва совуқ сув йўқ ва бозорларида яхши ош ва яхши нон йўқ ва ҳаммом йўқ ва мадраса йўқ ва шаъм йўқ ва машъал йўқ, шамъдон йўқ.

... Боғ ва иморатида оқар сувлар йўқ. Ва иморатларида сафо ва ҳаво ва сиёқ ва андом йўқ. Раият резапой, эли тамом яланғоч юруйдурлар. Лункутадек бир нима боғлайдурлар»<sup>2</sup>.

Бобурнинг Ҳиндистон тўғрисидаги чизгиларини ўқиб, унинг у ерда амалга оширган ободончилик ишларининг кўлами ва аҳамиятини тасаввур қилиш мумкин. Унинг Ҳиндистонга

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 307-бет.

<sup>2</sup> Ыша асар, 267-бет.



ривожланган шарқона маданиятни олиб кирганини кўрамиз.

Ҳиндистоннинг юксалиши, маданиятининг тараққий этишида Бобур ва бобурийларнинг ўрни беқиёс.

Бобур Ҳиндистонга дастлаб кириб борганда, унинг сувларсиз, боғларсиз, тароватсиз, саҳроваш бир ўлкалигидан дилгир бўлади: «Андоқ бесафо ва хароб ерлар эдиким, юз кароҳат ва нохушлук била андин убур эттук»<sup>1</sup>.

Аммо, кўп ўтмай у ерни ҳам ўз она Ватани каби сайилгоҳ, сўлим гўшага айлантирганини фахр билан сўзлайди. Ҳовузлар, боғлар, ҳашаматли иморатлар барпо этгани ҳақида маълумот беради. Ҳаммом қурдирганини сўзлайди: «Ул улуғ чоҳким, ҳаммом суви андиндур, бунёд бўлди. Яна бу парча ерким, амбули дарахтлари ва мусамман ҳавз андадур, булардин сўнг улуғ ҳавз ва саҳне бўлди. Андин сўнг тош иморат олидағи ҳавз ва толор бўлди. Андин сўнг «Хилватхона»

---

<sup>1</sup> Ёша асар, 275-бет.

боғчаси ва уйлари бўлди. Андин сўнг ҳаммом бўлди. Мундоқ бесафо ва бесийк Ҳиндта тавр тарроҳликлар ва сиёқлик боғчалар пайдо бўлди. Ҳар гўшада мақбул чаманлар, ҳар чаманда муважжаҳ гул ва настаранлар мураббаъ ва мукамал бўлди»<sup>1</sup>.

Бобур Ҳиндистонда ҳирфагар – хунармандларнинг кўплиги ва хунарларнинг қадимлигидан мамнун бўлади. Ҳиндистонни боғу бўстонга айлантиришда, муҳташам шаҳарлар бунёд этишда Ҳинд халқининг хунарманду меҳнаткашлиги кўл келганини эътироф этади. Ўзининг бунёдкорлик ишларини бобокалони Темурнинг фаолияти билан қиёслаб, унинг миқёсу қимматини баҳолайди. «Зафарнома» маълумотларига кўра, Темурнинг «Масжиди сангин» иморатини қуришда 200 киши ишлаган бўлса, Бобур эътирофича, у бунёд этган иншоотларда Аграда 680, бошқа ҳудудларда 1491 киши меҳнат қилган.

---

<sup>1</sup> Ыша аср, 275-бет.

Бобур Ҳиндистоннинг ўзига хосликлари, латофатли жиҳатлари ҳақида ҳам сўзлайди. Унинг улкан ҳудудга эга бўлиб, етти хонликдан иборатлиги, бойликлари бисёрлиги, куз ҳавосининг ёқимли бўлиши ҳақида маълумотлар беради.

У «Бобурнома»да Ҳинд элига хос илғор одатлар, ўзига хос урф – удумлар ҳақида ҳам хабар беради. Йил фасллари, календарь, вақт ва оғирлик ўлчовининг қизиқарли, фарқли томонлари ҳақида сўзлайди.

Ҳиндистоннинг ўзига хос олами, Мовароуннаҳр ва Хуросондан фарқли табиати, бойликлари, дарёлари, тоғлари, ҳайвонот ва наботот дунёсини мукамал тавсифлайди.

Бобур Ҳиндистонда мустаҳкам бир давлатни майдонга келтирди. У давлатни ташкил этиш ва бошқаришда Темур тажрибаларидан моҳирона фойдаланди. Оврупода «Буёқ мўғуллар империяси» номи билан шуҳрат топган бобурийлар

сулоласи XIX аср ўрталаригача – инглизлар истилосига қадар Ҳиндистонда давлатни бошқардилар.

**Ҳаётининг сўнгги йиллари**  
Бобур ҳаётининг сўнгги йиллари Ҳиндистонда кечди. У Ҳиндистон келажаги ва равнақи йўлида катта хизмат қилди. Унинг бу хизматларини қадрлаган Ҳинд халқи уни ўз фарзандлари қаторида азиз билишади. Ражив Ганди сўзларида ана шу яқинликнинг ифодасини кўрамиз: «Фарғоналик мард, нозикдид Бобур Ганг текисликларимизгача етиб келган, буюк мўғуллар сулоласи аталган салтанатимизга асос солиб, ўзини ҳинд деб билган эди».

Бобур Ҳиндистондаги тарқок вилоятларни марказлаштирди. Давлат ишларини адолат билан бошқарди. /айридинлик солиғини бекор қилди. Вафот этган эрни тирик хотин билан куйдиришни манъ этди. Кийиниш маданиятини такомиллаштирди. Адабий

муҳит ташкил этди. Ижодкор аҳлига раҳнамолик қилди. Ҳиндистонда сўлим боғлар барпо қилди. Ўз Ватанидан узум ва қовун уруғларини олдириб, эктирди.

Ҳиндистон элининг ўзига хос урф – удумларига, қадриятларига ҳурмат билан қаради. Ютуқларини ўрганди. Кенг татбиқ қилди. Камчиликларни бартараф этди. Ўлкани маданий ва сўлим гўшага айлантди.

Аммо, Бобур 1526 йил декабрда душманлари томонидан захарланди. Тасодиф туфайли омон қолди. Рано Санго бошлиқ ҳинд ва афғон феодалларининг катта қўшини билан мардона курашди. Унга ғалаба муяссар бўлди.

Аммо, борган сари соғлиғи ёмонлашди. Бир ойга яқин иситма, уйқусизлик, ҳолсизлик азоб беради. Шу ўртада ўғли Ҳумоюн Мирзо оғир хасталаниб қолади. Дори – дармонлар кор қилмайди. Шунда табиблар Ҳумоюннинг энг яхши кўрган нарсасини садақа қилишни тавсия қилишади. Шунда Бобур

«Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, худо қабул қилсун»- дея илтижо қилади. «Ўшал ҳолатда кириб, уч қатла бошидан ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳарне дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сиҳат бўлуб кўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим»<sup>1</sup>.

Бобур 1530 йил 26 декабрда Аграда вафот этди. Кейин унинг васиятига кўра хоки Кобулга кўчирилди.

**Бобурнинг адабий мероси.**  
«Бобур – дилбар шахс... Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган».

Жавоҳарлаъл Неру томонидан берилган бу баҳо Бобурнинг шахс сифатидаги қиёфасини мукамал кўрсатиб беради. Бобур шоҳ сифатида ҳам ижодкор сифатида ҳам такрорланмас шахсдир.

У ўз фаолияти, ҳаёт йўли билан одамзоднинг сабр- тоқатиға ҳайкал қўйган жасоратли инсондир. Бобур ҳаёти

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 335-бет.

характчанликнинг, меҳнаткашликнинг, изланувчанликнинг ноёб намунаси. Шунинг учун ҳам у сарсон – саргардонликда, ватандан йироқда кечган машаққатли қисматдан ғолиб келди. Шоҳ сифатида ҳамма ҳукмдорга ҳам насиб этавермайдиган буюк империя тузди. Ижодкор сифатида эса ўзининг нодир салоҳият ва иқтидор соҳиби эканлигини намоёниш эта олди.

У соҳиби девон шоир. Ўз девонини бир неча нусхада кўчиртиргани, бир нусхасини Самарқандга юбортиргани ҳақида «Бобурнома»да маълумот беради. Айрим шеърларининг ёзилиш тарихини ёритади. Шеъриятидаги самимий, дардли ва соҳир туйғулар тасвири ҳеч бир ўқувчини лоқайд қолдирмайди.

Унинг «Бобурнома» асари ўзбек мумтоз адабиётининг шоҳ асарларидан бири. Унинг жаҳон маданияти тарихидаги беқиёс аҳамияти бутун дунёда тан олинган ва эътироф этилган.

Бобур шоир, ёзувчи, тарихнависликдан ташқари теран тафаккур миқёсига эга олим сифатида ҳам ном таратган. Унинг «Рисолайи аруз» асари туркий аруз назарияси ва амалиётини ёритувчи ноёб ҳодисадир. Ундаги янги фикрлар ва умумлашмалар аруз илми тараққиётида муҳимдир.

У солиқ ишларининг қонун - қондасига бағишланган «Мубаййин ал - закот» номли асар ҳам яратди.

Муסיқа билан шуғулланди. «Чоргоҳ савтини боғлади. Муסיқий билимларини умумлаштириб «Муסיқа илми» рисоласини яратди. Моҳир саркарда сифатида жанг қондалари, йўл-йўриқлари ва ўзи яратган янгича усулу йўсинлар ҳақида маълумот берувчи «Ҳарб иши» асарини ёзди. Афсуски, бу икки рисола ҳозиргача топилгани йўқ.

Бобур таржимон сифатида ҳам ўз салоҳиятини синаб кўрди. У Хожа Аҳрори Валининг «Волидия» асарини форс тилидан ўзбек тилига ўгирди.



У «Бобурнома»да хаттот сифатида Навоий шеърларидан саралаб, «Сайланма» тuzганини эслайди. Бобур 1504 йилда «Бобурий хати»ни яратган. Ушбу алифбода асарлар китобат қилинган. Дунёнинг турли худудларига юборилган.

**Бобур шеърляти.** Захириддин Муҳаммад Бобур асарлари жаҳон адабиёти дурдоналарига айланди. «Бобурнома», “Рисолайи аруз” , “Мубаййин”, “Волидия» каби ижод намуналари авлодларни маънавий камолотга кўтарувчи улкан бадий чашмалар. Соҳир туйғуларга, чуқур фикрларга бой шеърляти шоирни дилларга яқин этгувчи қанотлардир.

Бобурнинг шеърй асарлари-лирик шеърлар (девон), маснавийлар («Мубаййин», «Волидия») дан иборат. Улар содда ва равон услубда ёзилган.

Шоир шеърлятининг ўзига хослиги шундаки, тасвир умумийликдан конкретликка ўтади. Тарихийлик

бадийлик билан музайян ҳолда ифодаланади. Анъанавий ошиқ туйғулари реал шахс кечинмалари билан ҳамоҳанглашади.

Бобур «Бобурнома»да шеърларини икки марта девон тартиб берганлиги ҳақида маълумот беради. Биринчи марта 1519 йилларда Афғонистондалигида девонини тилга олади: «Ҳофиз Мир котибнинг оға-иниси Самарқандтин келиб эрди, бу фурсатта Самарқандға рухсат бериб, Фўлод султонға девонимни йибордим». (217-бет). Бу девон адабиётшуносликда «Кобул девони» номи билан аталади. У топилган эмас.

Бобур 1528-1529 йилларда Ҳиндистонда яратган лирик шеърларини жамлаб иккинчи марта девон тартиб берган. «Бобурнома»да Ушбу асарларини ўз яқинларига тақдим этгани борасида сўзлайди: «Ҳумоюнға таржиманиким, Ҳиндустонға келгали айтқон ашъорни юборилди. Ҳиндолға ва Хожа Калонға ҳам таржима ва «Ашъор» йиборилди.

Мирзобек тағойидин ҳам Комронға таржима ва Ҳиндқа келгали айтқон ашъор ва «Бобурий хати» била битилган сархатлар йиборилди» (328-бет).

Бобурнинг ушбу шеърлар мажмуаси «Ҳинд девони» номи билан юритилади. У 38 варақдан иборат. Таркибида Хожа Аҳрори Валининг «Волидия» асари таржимаси, бир нечта кичик маснавийлар, ғазал, рубоий ва фард жанрига мансуб асарлар жамланган. Асл нусхаси Рампур кутубхонасида сақланувчи ушбу девонга турлича қарашлар бор. Баъзи олимлар уни шоир девонининг автограф нусхаси сифатида баҳолашган. Аммо, Денисон Росс (ноширлардан бири) унинг жуда чиройли ёзувда, мукаммал хаттотлик санъати намунаси даражасида кўчирилганини ҳисобга олиб, бу автограф эмас, деган хулосани баён этади. Рампур нусхаси тарихини мукаммал ўрганиб чиққан олима С. Азимжонов ва ҳам Д. Росс фикрини маъқуллайди: «Так тщательно оформить рукопись мог только

каллиграф, а не сам Бабур, так как у него не б'уло б'у времени для этого». Аммо , назаримизда, бу муаммони чукуррок тахлил қилиб кўриш лозим. Чунки, «Бобурнома» тасвирларидан биз Бобурнинг яхшигина хаттот б'улгани ҳақида ҳам маълумотга эга б'уламиз. Бир неча ўринда асарларни кўчираётгани ҳақида сўзлайди. Жумладан, Навоий «Хазойин ул-маоний» девонидан «Сайланма» девон кўчириб тугатганини эслайди: «Одина куни ойнинг йигирма учида Алишербекнинг тўрт девонидин бухур, авзон тартиби била ғазаллар ва абётким, интихоб қилиладур эди, итмомиға етти»(227-бет). «Ҳинд девони» ҳошияларидаги Бобур томонидан амалга оширилган тузатишлар, ёзувлар ва сўнгги варақда келтирилган эътирофлар бизга автограф нусха б'улиши ҳам мумкин, деган хулосага келишимизга асос беради:

Бобурнинг бизга 400 та лирик асари етиб келган. Шундан 119 таси ғазал, 231 таси рубоий. /азаллари қисқа ҳажмга эга.

У, асосан, 5-7 байтли ғазаллар яратган. 4 байтлилари ҳам учрайди. Мусажжаъ ғазалнинг ҳам ноёб намуналарини ижод этган. Шоир, айниқса, рубоий жанрида ўзининг бетакрор иқтидорга эғалигини намойиш эта олган. У анъанавий жанрни такомиллаштиришга эришади. Айрим рубоийларида тахаллус қўллайди. Шоир мумтоз адабиётда фаол ҳисобланган- туюқ, қитъа, фард, маснавий каби жанрларда ҳам ўз маҳоратини кўрсата олган. У зуллисонайн шоир. Икки –турк ва форс тилида эркин ижод қила олган

Бобур туйғулари самимий, табиий, шоир. Шеърларининг катта қисми ҳасби ҳол йўналишида. Уларда шоирнинг тақдири, қисмати, ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳодисаларга алоқадор кечинмаларнинг ифодасини кўрамиз.

Шоир шеърятининг мавзу қамрови хилма-хил. Уларни шартли равишда ошиқона, ҳасби ҳол, фалсафий-орифона йўналишларга ажратиб талқин этиш мумкин.

Бобур туйғулари товланувчан шоир.  
Лирик қаҳрамон баъзан ҳаётнинг  
ғаниматлигини теран англаган, руҳий  
эркинликни қадрлаган ҳаётсевар инсон  
сифатида, баъзан эса армонлар  
исканжасида азобланувчи маҳзун, тушкун  
кайфиятли инсон сифатида  
тасаввуримизда пайдо бўлади. Аммо, ҳар  
қандай вазиятда ҳам шоир чаптастлик  
билан ўз руҳий ҳолатини яхшилик ва  
умидворликка йўналтира олади. Қуйидаги  
байтда шоир ўзининг яшаш тамойилини  
ифодалаб бера олган:

Бори элга яхшилик қилғилки,  
мундин яхши

йўқ,

Ким дегайлар, даҳр аро қолди  
фалондин

яхшилиғ.

Шоир шеърятини кузатар эканмиз,  
назаримизда, шундай бир мавзу борки,  
ҳар бир асарига томирда оқувчи қондек  
жон, тириклик ато этиб туради. Бу кенг  
маънодаги соғинч, соғиниш туйғусидир.

Муҳаббатни соғиниш, яхшилиқни, вафо,  
садоқатни, хиёнатсиз дунёни, ватанни  
соғиниш...

Бобур—туйғулари улкан шоир. У  
дунёни кўнгил кўзлари билан кўра олади.  
Борлиқдаги ҳар бир ашёдаги мўъжиза,  
тилсимни англайди. Уларнинг тилини,  
қалбини тушунади. Атрофидаги  
инсонларнинг ҳам худди шундай руҳий  
юксакликда умр кечиришларини  
орзулайди. Аммо, шоир «кўнглидай  
кўнгил топа олмай» озор чекади:

Ҳамдард ёре қониким, бир  
ғамгусоре қониким,

Абри баҳоре қониким, Бобур киби  
йиғлай била.

Ҳаётдаги энг катта фожиа  
бепарволик, лоқайдликдир. Кўп  
йўқотишларнинг сабабчиси-шу.  
Бедардлар ҳамиша дард аҳлини изтиробга  
солган:

Менинг кўнглумни ҳар дам оғритиб  
парвое қилмайсен,

Сен, эй бедард, найлайким, кўнгул  
дардини билмайсен...

Бу туйғулар, замонлар ўтса-да,  
бизнинг дилимизга қанчалар яқин,  
қанчалар таниш ва ошно. Бу, албатта,  
тасвирдаги самимийлик, табиийлик ва  
ҳаётийлик натижасидир.

Кўнгул тимсоли мумтоз  
шеърятимизда кенг қамровли, катта  
тадқиқотларга манба бўлгулик мавзудир.  
Бу Бобур шеърятида ҳам ўзига хос,  
янгича талқинини топган:

Танимға нечаким наззора қилсанг,  
доғ кўргайсен,

Кўнгулда, ҳар нечаким истасанг,  
озор топқайсен...

Лирик қаҳрамон тани отилган  
«ўқлару тиканлардан» доғларга тўлган.  
Озору оғриқлардан бағри пажмурда.  
Замона зарбидан, хиёнату



сотқинликлардан юраги тилкаланган.  
Мана, байтдан пайдо бўладиган тасаввур.

Бобур шеърлари ҳаётий фалсафага, теран фикрларга бой. Юқоридаги байтда ҳам биз ана шу инсон руҳий ҳолати манзарасининг ноёб тасвирини, унинг янгича, ўзига хос бадий ифодасини кузатамиз. Бир қараганда, байт оддийгина руҳий кечинма изҳоридек туюлади. Аммо, мисраларнинг ташқи маъноси билан бирга, мумтоз адабиётда кенг қўлланган ҳарфий санъатлар орқали ифодаланган ички мазмун ҳам борлигини англаш қийин эмас. «Танимға нечаким наззора қилсанг, доғ кўргайсен» сатрига «тан» сўзининг араб имлосида ёзилишига ишора бор. «Тан» сўзида «те» ва «нун» ҳарфлари устида қўйилган нуқталар задаланган тан ифода моҳиятини чуқурлаштиришга хизмат қилган.

“Кўнгулда, ҳар нечаким истасанг,  
озор топқайсен”. «Кўнгул»  
сўзининг ёзилиш шаклидаги

эгилишлар, синикликлар дилзадалик  
инкишофини теранроқ акс эттирган.

Шоир хазон япроғининг маҳзун  
тақдирида ҳам ўз қисмати ифодасини  
кўради:

Хазон япроғи янглиғ гул юзунг  
ҳажрида

сарғардим,

Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу  
чехраи

зардим

Бобур сўз қўллашга катта масъулият  
билан ёндашади. Ҳар бир сўзга чуқур  
маъно юклайди. Ушбу байтдаги биргина  
«хазон япроғи янглиғ» ташбеҳининг  
заминида қанча теранлик мужассам.  
Япроқ баҳордан олисда-кузда, уни  
қўмсаб, соғиниб сарғаяди. Унинг илдизи  
дарахтда. Дарахтдан узилдими, тамом.  
қовжирайди. Унинг япроқлиги унутилади.  
Бу бизга инсон тақдирини қанчалар  
эслатадиган ҳолат. /азалдаги «лоларух»-ёр  
ва унга мурожаат кўп маънода. Шулардан  
бирини ватан ва унга нидо деб

тушунамиз. Ғазални биз шоирнинг она Ватани –Мовароуннаҳр билан боғлиқ армонлари, соғинчлари ифодаси сифатида тушунишга ҳаракат қиламиз.

Ватан туйғуси, унга муҳаббат инсон кўнглига равшанлик бериб турувчи ноёб мўъжизадир.

Ундан айро тушган инсон тақдири хазон япроғи янглиғ фожиадир. Бобурнинг маҳорати шундаки, шу биргина ўхшатиш воситасида бутун бошли бир тақдир тадрижини, кечмишини ифодалашга эришган.

Бобур шеърияти –маҳзун шеърият. Унда армоннинг суратини кўриш мумкин:

Менинг кўнглумки гулнинг  
ғунчасидек  
тах-батаҳ қондур,  
Агар юз минг баҳор ўлса очилмоғи  
не  
имқондур...

Ёки:

Ғунчадек кўнглум менинг гулзор  
майли

қилмағай,

/ам била бутган кўнгул гулгашт ила  
очилмағай...

Ғунча –айриликдаги ошиқ кайфиятини, руҳиятини ифодаловчи тимсол. Унинг гул бўлиб очилиши шодлик барқ уриб турган юзга монанддир. Бобур лирик қаҳрамони кўнгли эса ғунчадек юмилган. Нега? Чунки, унга ёруғлик бахш этувчи Ватан исмли куёшдан Мосуво.

Шоир фақат сўзлар билан эмас, балки тимсоллар билан фикрлайди. Бу эса туйғулар манзарасини рангинроқ ифодалаш имконини яратади. «/унча» сўзи замирига сингдирилган дард тилсимларини англашга кўмак беради.

Бобурнинг қуйидаги ғазали 5 байтдан иборат кичик ҳажмли асар. Аммо, унда шоирнинг маҳорати, услуби яққол кўринган. Ғазал ошиқона йўналишда. Унда ошиқ ва маъшуқа

тимсоллари иштирок этади. Шоир дастлаб табиатдаги ноёб манзаралар муқоясасида маҳбуба ташқи қиёфасини тасвирлайди. Кейинги байтларда унинг феъл- атворига эътиборни қаратади. Ниҳоят, сўнгги байтларда маъшуқа гўзаллиги ва табиати туфайли юзага келган ошиқнинг руҳий ҳолати ўз ифодасини топади:

Хатинг аро узоринг сабза ичида  
лола,

Ул чашми пурхуморинг лоладағи  
ғазола.

Барча парилар, эй жон, гирдингда  
зору ҳайрон,

Гўё эрур намоён ой теграсинда хола.

Меҳру вафони ағёр кўп кўрди  
сендин, эй ёр,

Жавру жафони бисёр қилдинг манга  
ҳавола.

Ҳажрингда, эй парирў, кўзумдин  
учти уйқу,

Ҳар кеча тонгга дегру ишимдур оху  
нола,

Юз сафҳасинда хатлар ёшдинки ҳар  
тараф бор,

Ишқингда Бобур айлар бу навъ юз  
рисола (35-бет)

Шоир дастлабки байтда  
маъшуқанинг юз ила кўзига эътиборни  
тортади. Уларни тасвирлар экан,  
табиатдан гўзал манзарани топади ва уни  
мусаввир мўйқаламидан тоза чиққан  
суратдек тасаввуримизда намоён эта  
олади. Нафис майсалар узра очилган  
лола-маҳбубанинг эътиборни тортувчи  
майин тукли юзи. Лолазор ичра турган  
оху эса унинг хумор кўзлари. Юзни  
лолага, кўзни охуга ўхшатиш янгилик  
эмас. Аммо, Бобур шу анъанавийликни  
бирлаштириб, янги манзара ярата олади.  
Унинг маҳорати ҳам шунда. Лолазор ва  
ундаги оху қиёфасига ўқувчи манзарадан  
кўра кўпроқ сўзлайди. Уни тасаввур ва  
мушоҳада этишга ундайди. Аммо, шоир

бу тасвир билан қаноатланмайди. Маълумки, маҳбуба юзини ойга қиёслаш мумтоз адабиётда анъана. Бобур бу ташбеҳни ҳам кенгайтиради. Ой ва унинг атрофидаги ҳалқани маҳбуба гўзаллигидан ҳайратда, унинг жамолини томоша қилаётган парилар занжирига ўхшатади. Бу ҳам юқоридаги каби тасвирдаги муболағани кучайтиради. Уни янада жонлантиради.

Навбатдаги байтда маҳбуба қиёфасига унинг феъл-атвори зидлантирилади. Бир кам дунё эканлиги унинг қилмишида ўз ифодасини топади. Чунки у ағёрга қанча меҳру вафо кўрсатса, ошиққа шунча жавру жафо ҳавола этади. Унинг табиатидаги зиддият, ўжарликни фош этишга шоир тазод-қаршилантириш санъатидан фойдаланади:

Меҳру вафони ағёр кўп кўрди  
сендин, эй ёр,

Жавру жафони бисёр қилдинг манга ҳавола.

Бобур шеъриятида тазод санъати фаол қўлланилган. Бу санъат лирик қаҳрамоннинг зиддиятли кечинмаларини ифодалаш учун қўл келади. Унинг юрагидаги ҳижрон, ғурбат, соғинч ва армон рангларини тасвирлашга хизмат қилади. Зид туйғуларнинг параллел қўлланиши руҳий таҳлилни чуқурлаштиради.

Ниҳоят, сўнгги икки байтда ҳижрон азобида қолган, ёр ёди иштиёқида кўзидан уйку қочиб, тонггача тўлғаниб чиқаётган ошиқнинг руҳий ҳолатлари ўз ифодасини топади.

Ушбу ғазалда Бобурнинг руҳий манзараларни чуқур талқин этувчи шоир сифатидаги маҳоратини кузатамиз. У психологик таҳлилнинг теранлигига бадий санъатлардан унумли ва ўринли фойдаланиш орқали эришган.



Сўнги байтда шоир тажнис, ийҳом, китобат каби бир неча санъатларни қўллаган:

Юз сафҳасинда хатлар ёшдинки ҳар тараф бор,

Ишқингда Бобур айлар бу навъ юз рисола (35-бет).

Байт бошида ва охирида ишлатилган «юз сафҳасинда» «юз рисола» яратишда ҳам бир ҳикмат кўрамиз. Шоир «юз» сўзи орқали тажнис санъатини қўллаган. «Хат» сўзи воситасида икки – ёзув ва хат (майин туклар) маъноларини назарда тутиб ийҳом санъатини яратади. Юз сўзининг араб ёзувидаги шаклини ( ) эътиборга олиб, ундаги нуқталарни ёш томчиларига қиёслаб, китобат санъатини ҳам қўллайди.

Кўринадики, Бобур сўзларни қўлашда бор маҳоратини намоён эта олади. Ҳар бир сўзнинг турли маъно товланишларини назарда тутиб ишлатади.

Бобур ошиқона мавзудаги шеърларида фақат ишқий кечинмалар – изтироблар, васл айёmidан шодумонликларни куйлаш билангина чекланмайди. Уларнинг замирига ҳаётий тажрибаларидан англаган, мураккаб қисмат зарбаларидан ҳис қилган фалсафаларни, хулосаларни ҳам сингдиради:

Эй кўнгул, юзин кўриб зулфи  
паришонин соғин,

Шоми ҳижрондин таваҳҳум айла васл  
айёмида (27-бет).

Ҳаёт зиддиятларга сероб. Ўз тақдирида бунинг гувоҳи бўлган Бобур юқоридаги байтда қарама-қаршиликларга йўғирилган инсон умри саҳифаларини тазод санъати воситасида ёритишга ҳаракат қилади. Шоир кўнгилга мурожаат этиб, дийдорга эришганда, юзни тўсувчи зулфни, висол айёмида эса ҳижрон тунини унутмасликни уқтиради. Бундан шоирнинг мақсади, биринчидан, бу икки-шодмонлик ва қайғу ҳолати ҳар дақиқада

ўрин алмашиши мумкинлигини эслатиш бўлса, иккинчидан, масрур дамлар ғаниматлигини, уни кадрлашни англашга даъват, учинчидан эса, ҳар қандай вазиятда ҳам инсонни ўз мувозанатини сақлашга чорловдир. Бу каби чуқур ҳаётий мулоҳазалар шоир шеъриятининг ижтимоий моҳиятини оширади.

«Бобурнома» тарихий асар бўлгани сабабли ,унда Бобур сиймоси тарихий шахс сифатида намоён бўлади. У иштирок этган воқеалар ҳам, фикрлар кўлами ҳам, асосан тарихийлик нуқтаи назарида туради. Шундан келиб чиқиб, адабиётшунослар Бобур шеъриятига баҳо берганда ҳам, асосан, шоир ҳасби ҳоли билан боғлаш йўлидан боришган. Аслида эса, Бобур шеърларини кузатар эканмиз, лирик қаҳрамон табиати биз билгандан кўра мураккаброқ эканлигини кўрамиз. Шоирнинг фалсафий дунёқараши, олам ва одам моҳиятини англаш микёси, ҳодиса ва моҳиятнинг алоқадорлик даражасига муносабати каби чуқур масалалар

шеърияида ўз ифодасини топган. Бобурнинг ботиний олами, руҳий дунёси лирик қаҳрамон табиатида кўпроқ ойдинлашган.

Таъкидлаганимиздек, Бобур шеърияида ишқ етакчи мавзу. Биз уни кўпроқ дунёвий йўналишда талқин этамиз. Аммо, тимсоллар оламини, уларнинг моҳиятини синчиклаб ўргансак, Бобур шеърлари фалсафийликдан, орифона ҳикматлардан йироқ эмаслигини англаймиз. Шеърияида шундай ишоралар, рамзлар борки, уни чуқурроқ таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир:

Олам аҳли бирла одамдин манга сенсен ғараз,

Зоти покинг бўлмаса, оламда одам бўлмасун (108-бет).

Олти байтли ушбу ғазалда шоир илоҳий ишқ кечинмаларини тасвирлашни назарда тутган. Маълумки, олам ва одамнинг мавжудлиги, бир-бирига муносабати илоҳий тажалли билан боғлиқ.

Уларнинг моҳиятини англаш  
комиллашиш, илоҳийлашиш билан  
баробар. Шу сабабли лирик  
қаҳрамоннинг асосий мақсади ҳам ана  
шу-асл моҳият. У моҳиятсиз ҳодисада  
мантик кўрмайди.

Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шоду  
байрамлар,

Манга юзу қошиндин айру байрам  
ойида ғамлар  
матлаъси билан бошланувчи ғазални ҳам  
шоир ҳасби ҳоли билан боғлиқ зоҳирий  
ва моҳияту ҳодиса муносабатларига  
алоқадор ботиний мазмунда англаш  
лозим. Адабиётшуносликда унинг ёр ва  
диёрдан айро ошиқ кечинмалари  
сифатидаги талқини маълум. Аммо,  
ғазални мутолаа этиб, унинг замирида  
рамзлар воситасида илоҳий ошиқликка  
ҳам ишоралар борлигини кўрамиз:

Мену ғам кунжию оху фиғону ашки  
хунолуд,

Не хушдур гўшаи холий, майи софию  
ҳамдамлар (109-бет).

/ам, ох, ашк, кимсасиз гўша, соф май билан ҳамдамлик ошиққа мушоҳада имконини яратади. «Мушоҳада эса ўз навбатида ғайб пардаларининг очилиб, илоҳий сирларнинг кашф этилишига йўл очади».

Шундай руҳий ҳолат тасвиридан сўнг эса шоир «юз наврўзу байрамлардан» аъло «юзи наврўзию васл ийди» ҳақида шавқ билан сўзлайди:

Юзи наврўзию васли ийдин, Бобур,  
ғанيمات тут,

Ки мундин яхши бўлмас, бўлса юз  
наврўзу байрамлар (109-бет).

Иймон – эътиқод кўнгил иши. У руҳий эҳтиёж маҳсули. Эътиқодни кўрсатмалар воситасида сингдириб бўлмайди. Буни яхши тушунган шоир зоҳид кўрсатмаларидан оғринади. Шахс эркини қадрлашни талаб қилади:

Агар мухлисмен, ар муфсид ва гар  
ошиқмен, ар обид, Не ишинг бор  
сенинг, зоҳид, менингки ихтиёрим  
бор (111-бет).

Шоир лирик қаҳрамони эътиқодни,  
тоат-ибодатни юзаки тушунмайди.  
Ботиний аъмол деб билади.

Ибодат вақти бўлса ҳар неча меҳроб  
ўтрумда,

қошин нақшин тасаввур қилмагунча  
ерга бош чолмон (105-бет).

Лирик қаҳрамон ишқни тақво билан  
қиёслайди. Ҳақиқий ишққа гирифтор  
бўлган ошиқ ўзини, борлиғини унутади.  
Фикри ёдини маҳбуба хаёли чулғайди. У  
жазба ҳолатига тушади. Шунинг учун ҳам  
ошиқ наздида, тақво ишқ билан  
муқоясаланганда, мажозий, малакавий  
восита бўлиб кўринади:

Ишқ борида салоҳу тавбау тақво

Барчаси таҳқиқ бил мажоз кўрунди

Тасаввуф таълимоти бўйича, вужуд  
соликни асл муддаодан чалғитади. Шу  
сабабли ҳам, аввало, у шу ашаддий  
рақибни, улкан тўсиқни енгишга даъват  
этилади:

Тан ҳижобин раъф қил гар ёр васлин  
истасанг,

Эй кўнгул, билким арода ҳойил  
ушбу пардадур(112-бет)

Тариқат мақомларининг энг юқори  
босқичи фанодир. Бу моҳиятан ўзликдан  
кечиб,ўзи билан тирилишдир. Яъни, бу  
босқичда солиқ вужудий интилишлардан  
фориг бўлади. Фақат жамолга эҳтиёжгина  
қолади. Бутун нафсоний ғовларни енгиб  
ягона – Илоҳий бирликка эришади.  
Бобурнинг юқоридаги байтида ана шу  
моҳиятга эътибор қаратиляпти.

Бобур шеърларига хос мазмуний  
теранлик боиси унинг сўзларни, бадий  
тасвир воситаларини ва тимсолларни  
маҳорат билан қўллашидадир.

Тавсифий йўналишдаги ғазалларида  
Бобур маҳбуба қиёфасидаги гўзал ва  
жозиб ҳолатларни ифодалашда табиатдан  
жуда мутаносиб кўринишларни топа  
олади:

Очилди зулфию хайлар намудор  
ўлди юзинда,

Гул узра чун бўлур пайдо кеча  
очилса шабнамлар.(109-бет)



Назаримизда, субҳидамда устида шудринглар олмосдек жилоланаётган чаман гуллар табиатдаги энг гўзал манзарадир. Бобур юқоридаги байтда маҳбубанинг юзида ёйиб таралган сочларини йиғиш ҳолатини табиатнинг худди ана шу мафтункор лаҳзаларига киёслайди. Тим қора сочларнинг очилиб, тер босган юзларнинг кўриниши қоп-қора тун тарқаб тонгда шудринг тушган гулга киёсланияпти. Бу бир қараганда,зоҳиран кўзга ташланадиган ўхшатиш. Аммо, шу ўринда Бобурнинг сўз танлаш ва қўллаш маҳоратини намоён этувчи яна бир хусусиятни сезиш қийин эмас. Шоир бу ноёб ташбеҳни қўллар экан, унда тилга олинаётган ҳар бир тимсолнинг ўз муқобилини ҳам ташбеҳлантириб қўллайди. Биринчи мисрада зулф, хай (тер) , юз тимсолларига, иккинчи мисрадаги кеча, шабнам ва гул тимсоллари параллел қўйилади. Мумтоз адабиётда лафф ва нашр деб аталувчи бу санъат шоирнинг тасвирий мақсадини

мукаммал юзага чиқариш имконини беради.

Шоирнинг айрим ғазаллари бошдан охиригача маълум бир бадиий санъат билан музайян битилганини кузатамиз. Жумладан, куйидаги ғазал лаффи ва нашр санъати билан яратилган. Бу санъат Бобур юрагидаги армонни аниқроқ ва таъсирлироқ шарҳлашга хизмат қилган:

Кўнгулни зору мени хору танни тор этган,

Бири жафоу бири ғурбату бири ҳижрон.

Тану кўнгул била кўз васлу нозу ҳусни учун

Бири харобу бири волау бири ҳайрон.

Тамоми умрида Бобурга уч сўз айтибдур,

Бири сўкунчу бири қаттиқу бири ёлғон.

Бобур шеърларида ийҳом, тажнис каби мураккаб санъатлардан ҳам маҳорат билан фойдаланган.

Дўстлар, кўнглумдагин қабрим  
тошиға ёзғасиз

Токи бирдек бўлгай ул ой ишқида  
ичим, тошим.

Ушбу байтда шоир “тош” сўзи  
орқали ҳам тажнис, ҳам ийҳом санъатини  
қўллаган. Иккинчи мисрадаги “тош” сўзи  
тош ва ташқари маъноларини ифодалаган.  
Бу санъатлар шоирга қисқа жумлаларда  
кенгроқ мазмунни ифодалаш имконини  
берган. Бундай мисолларни шоир  
девонидан кўплаб топиш мумкин.

Бобур шеърятини улуғ дарё. Биз  
айтган фикрлар ундан бир томчи. Уни  
ўрганган сари нақадар теран шеърят  
эканлигини англаб етиш мумкин, холос.

### **“Волидия” асари . Хожа**

Убайдуллоҳ Аҳрор Нақшбандия тариқати  
пири комили, ошиқ ва ориф зот. У  
мусулмонлар ҳаётида катта роль ўйнаган.  
Ҳаётининг моҳияти, инсоният  
тақдиридаги хизматларини унинг қабр  
тошига ёзилган лавҳидаги қуйидаги

сўзлар ойдинлаштиради, деб ўйлаймиз: «...Аллоҳ таоло менга бошқа вазифани юклади. Менинг зиммамга мусулмонларни озод қилиш вазифаси юкланди».

Маълумки, темурзодалар Хожа Аҳрори Валини ўзларига пир деб билишган. Давлат бошқарувида кўп масалаларда у билан маслаҳатлашишган. Хожанинг саъйи ҳаракати туфайли анча урушлар ярашга айланган. Зиддиятлар сулҳ билан бартараф этилган.

Бобур «Бобурнома»да бир неча марта Хожа Аҳрорнинг ўз фаолиятига таъсири ҳақида, темурзодаларнинг унга муносабати борасида маълумот беради.

Бобур отаси – Умаршайх Мирзонинг ҳам Хожа Аҳрорга ихлосмандлиги, ўз навбатида у ҳам отасини фарзанд қаторида кўриши ҳақида маълумот беради. Бир неча бор Бобурнинг ҳам тушларига кириб, унга руҳан мададкорлик қилганини эслайди.

Ана шу руҳий яқинлик, Хожа Убайдуллоҳ илму камолига эҳтиром унинг «Волидия» асарининг Бобур томонидан таржима этилишига сабаб бўлган.

Асарнинг форсийдан туркийга ўгирилиш тарихи «Бобурнома»да баён этилган: «Сешанба кечаси сафар ойининг йигирма еттисида (1528 йил – И.А.) Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг «Волидия» рисоласини назм қилмоқ хотиримға кечти ...»<sup>1</sup>.

Бобур ўша пайтда хасталигига қарамасдан, асарни тезкорлик ва илҳом билан таржима қилади. Уни беш кунда – сешанбада бошлаб, шанба куни яқунлагани ҳақида хабар беради. Илгарилари 30-40 кунга чўзиладиган шундай хасталигидан ҳам пайшанбага бориб, яъни уч кунда халос бўлганини айтади: «... Ушбу ният била рамали мусаддаси маҳбуни аруз ва зарбгоҳи маҳбуни маҳфуз вазнидаким, мавлоно

---

<sup>1</sup> Бобур, Бобурнома. Т.,1989,318-б.

Абдурахмон Жомийнинг «Субҳа»си ҳам бу вазндадур, рисола назмига шуруъ қилдим, ҳам ўшал кеча ўн уч байт айтилди. Илтизом йўсунлуқ, кунда ўн байттин камрак айтилмас эди... Бир кун эллик икки байт айтилди»<sup>1</sup>.

Таржима ёзилган вазн ҳақида Бобур «Мухтасар» асарида қуйидаги фикрларни баён этади: «Бу вазнда маснавий оз айтибдурлар. Хожа Хуравнинг «Нўҳ сипеҳр»ининг бир сипеҳри бу вазндадур. Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг «Субҳа» си дағи бу вазндадур, хейли латиф»<sup>2</sup>.

«Волидия» таржимасининг иккита қўлёзма ва бешта босма нусхаси маълум. Таржима 318 мисра 159 байтдан иборат. У ҳамд ва наътдан ташқари 4 фаслга бўлинган.

«Волидия» аслиятда фаслларга бўлинмаган. Уни Бобур ўз мақсадини ўқувчига аниқроқ етказиш учун

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 318-б.

<sup>2</sup> Бобур. Мухтасар.Т., фан ,1971,165-бет.

фаслларга ажратган. Бобур «Рисола» назмининг сабабини изоҳлар экан, тўртта асос келтиради.

1-асос: Асардан ўзи англаган ҳикматларни ўқувчиларга, толибларга етказиш мақсади:

Ҳар сўз андаки, ман анга  
етсам,

Етти кўнглимга: ани назм  
этсам.

2-асос: Рисолани таржима қилиш жараёнида, ундаги илм ва маърифат шоир кўнглини ҳам нурлантириши. Шу нур воситаси билан илоҳий ишқ асроридан огоҳлик кўшкига кўтарилиш мақсади:

Токи бўлғай манга хушёрлиғи,  
Уйқулик кўнглима бедорлиғи.

3-асос: Ушбу назмни ўқиган ҳар бир талабгор кўнглига ҳам илоҳий файз етиб, покланиб, кўзгу каби тиниқлик ва ёруғлик касб этиш мақсади:

Яна бу назм ўқуса ҳар толиб,  
Кўнглунинг рағбати бўлғай  
ғолиб.

Рағбат айлаб, анга файзе етса,  
Тийралик кўнглидин анинг  
кетса.

4-асос: «Волидия»даги чуқур ва мураккаб мазмунни Бобурнинг содда шеърӣ услуби билан ўқувчига сингдиришнинг осонлиги.

Шундан сўнг Бобур ўқувчини бевосита «Рисола» мазмуни билан таништиришга киришади. У диний – тасаввуфий йўналишдаги асардир. Бу йўналишнинг бош ғояси камолот ҳосил қилиш – комиллик йўлидир. Комилликнинг асоси – маърифатдир. Маърифат ҳосил қилишнинг ҳам уч йўли бор. Сўз, феъл ва ҳол маърифати, Бобур таржимада ана шу уч масалани тушунарли, содда тилда изоҳлаб, шарҳлаб беради. Бобур таржимасининг муҳимлиги шундаки, унда у сўзма – сўз таржима қилиш йўлидан бормади. Балки Хожа Аҳрор айтган ирфоний фикрларини шарҳлаб, изоҳлаб ўқувчига мантиқий моҳиятни тушунтириб беради. Илоҳий



ишқ моҳияти ва асрори билан чуқурроқ таништиришга интилади.

**«Рисолайи аруз»** . Бобур «Бобурнома» асарида ноёб салоҳиятли адабиётшунос олим сифатида тасаввур уйғотади. У ижодкорларга баҳо бераркан, адабиётшуносликнинг кўп масалаларига эътибор қаратади. Бобур 1526 йил воқеалари баёнида бир байтини келтириб, уни 504 вазнга солганини айтади. Бу иш «Рисола» ёзилишига туртки бўлганини таъкидлайди: «Ушбу айёмда бу байтимни:

Кўзу қошу сўзу тилиниму дей,  
қаду хадду сочу белиниму дей, -  
беш юз тўрт вазнда тақтиъ қилдим.

Бу жиҳатдин рисола тартиб берилди»<sup>1</sup>.

«Рисолайи аруз»да ҳам Ҳиндистон фатҳининг сўнгги йили Санбалга кетаётганда 16 рукнли бир байт айтганини эслайди: «Аруз итмомидин икки – уч йил сўнг, Ҳиндистон фатҳининг сўнгги йили, Санбал сариға борур

---

<sup>1</sup> Бобурнома. Т..1989, 303- боб.

фурсатта бир мутатаввал байт ўн олти рукн била айтилиб эди»<sup>1</sup>.

«Бобурнома»дан келтирилган юқоридаги байтни зулҳижжа ойининг иккинчисида ёзганини айтган. Худди шу ўринда шу ойнинг йигирма тўққизинчисида Санбал сайрига отлангани ҳақида гапиради.

Демак, хулоса қилиш мумкинки, Бобур 1526 йилнинг зулҳижжа ойидан бошлаб «Рисолайи аруз»ни ёза бошлаган. Чунки иккала асаридаги вақт ва воқеалар ривожини бир – бирини қувватлайди. Фақат, назаримизда, «Рисола»ни кўчирган котиб йўл кўйган хато адабиётшунос олимларимизни чалғитган. Асарнинг ёзилган йили тўғрисида уларнинг турли фикрга келишларига сабаб бўлган.

«Рисолайи аруз»нинг ягона қўлёзмаси Париж миллий кутубхонасида 1308 рақами билан сақланади. Ушбу қўлёзма ҳақида дастлабки маълумот Е.

---

<sup>1</sup> Мухтасар.Т., 1971,54- бет.

Блоше<sup>1</sup> каталогиди учрайди. XX аср 30-йилларидан бошлаб адабиётшунослик илмида «Рисола» ҳақида мулоҳазалар баён этила бошлаган. Турк олими Ф. Кўпрулизода, 60-йилларда уйғур адабиётшуноси М. Ҳамроев, рус шарқшунослари В.И. Асланов, А.М. Шчербакларнинг тадқиқотларида асарнинг илмдаги қиммати эътироф этила бошланди.

1968 йил проф. Ҳамид Сулаймон асар қўлёзмасининг микрофильмини Ўзбекистонга Адабиёт музейи фондига олиб келди.

70-йиллар бошларида ўзбек олимлари «Рисолайи аруз»ни махсус тадқиқ этишни бошладилар.

1971 йил Сайидбек Ҳасан асарнинг транслитерацияси ва факсимилини чоп эттирди<sup>2</sup>.

Рисола XVI асрдаёқ адабиёт ихлосмандлари ва мутахассисларида

---

<sup>1</sup> Blochet E. Catalogue de la collection de manuscrits orientaux – arabes, persans et turcs, formée par M.Ch. Schefer, Paris, 1900.

<sup>2</sup> Бобур, Мухтасар. Т. Фан, 1971.

катта таассурот қолдирган.1556 йилда ёзилган Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музақкири аҳбоб» тазкирасида муаллиф унга «Рисолайи аруз» дуру гавҳарларга тўла денгиздир», дея жуда юқори баҳо беради.

Асарнинг қўлёзма нусхаси котиб Муҳаммад Самарқандий томонидан 1533-1534 йилларда кўчирилган.

Рисола икки бобдан иборат. Биринчи боб ҳижола ва уларнинг турлари, рукнлар, зиҳофлар, баҳрлар ва доираларга бағишланган. Иккинчи бобда вазн ва тақтиъ ҳақида маълумот берилади. Бобур вазнларга намуналарни турк ва форс адабиётидан келтиради. Ҳар бир мисол муаллифини кўрсатган. Муаллифи кўрсатилмаган шеърлар Бобур қаламига мансублиги айтиб ўтилган.

Аруз илмида 19 та баҳр борлиги маълум. Бобур рисоласида эса уларни янада мукамал таснифлаб, 21 баҳр, 537 вазн тақдим этилади. Мустаъмал (фаол қўлланувчи) ва мухтараъ (янги ихтиро

қилинган) вазнлар ҳақида маълумот берилади: «Хотирға мундоқ кечдиким, жамиъ бухурнинг мустаъмал ва мухтараъ вазнларининг ададларини битилгай...

Билгилки, бу йигирма бир баҳрда беш юз ўттиз етти вазн келтурулди. Бу жумладин мустаъмал вазн икки юз саксон тўққуз, мухтараъ вазн икки юз қирқ секкиз...»<sup>1</sup>.

Бобур «Аруз рисоласи»да туркий аруз тадқиқиға бағишланган Навоийнинг «Мезон ул-авзон, Сайфий Бухорийнинг «Аруз», Носириддин Тусийнинг «Меъёрул - ашъор» асарлари билан кўп масалаларда мунозарага киришади. Аниқ ва қимматли ечимлар, хулосаларни баён этади. Бу билан туркий аруз илмининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Бобур асари «Рисолайи аруз» деб аталсада, унда адабиётшуносликнинг кўп муаммолари тилга олинган. Уларга ойдинлик киритилган. Жумладан, ўзбек мумтоз шеъриятидаги жанрлар билан,

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 116-бет.

бадий тасвир воситаларини қўллаш билан боғлиқ масалаларга ҳам эътибор қаратилади. Айниқса, унинг туюқ жанри вазнлари билан боғлиқ қисмдаги мулоҳазалари муҳимдир. Бобур у ерда туюқнинг 7 турини ажратиб кўрсатади. Шундан 4 тури ўша давр шеъриятида учрайди. Уларга мисолларни Бобур ва бошқа шоирларнинг меросидан келтиради. Яна 3 турига мисол келтирар экан, Бобур ўзи ижод қилганини эътироф этади. Улар бошқа ҳеч бир ижодкорда кўрилмаганини таъкидлайди: «Туюқда яна бир неча навъ хотирға етибтурким, ҳеч ерда кўрилмайдур...”<sup>1</sup>.

Бобур «Рисола»да ҳазаж баҳри ҳақида маълумот бера туриб, Навоийнинг ҳазажи мусаммани мақсур (V---/ V---/ V--) вазнида яратилган бир мусажжаъ ғазалини келтиради. Шу ўринда мусажжаъ билан боғлиқ танқидий мулоҳазаларини баён этади. Бу билан ижодкорлар эътиборини поэтикага оид

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 168-бет.

маълум муаммога қаратади. Ва ўз ижодидан бир намуна келтириб, поэтикадаги кемтикликни тўлғазишга интилади: «бу байтнинг (Навоий байтининг – И.А.) мисраъларининг ҳашвидаги қофиялари рукннинг охирида воқиб бўлмайдур, мусажжаъ ғазалларнинг матлабида сажъ камроқ риъоят қилибтурлар.

Агар риъоят қилинса, яхшироқ бўлғусидур, нечукким:

қаро зулфинг фироқида паришон  
рўзгорим бор,

Юзунгнинг иштиёқида не сабру не  
қарорим бор...»<sup>1</sup>.

Кўринадики, «Рисолайи аруз» ўзбек адабий – танқидий қарашлар тараққиётини ўрганиш учун муҳим манбадир. Унда баҳр, вазн, жанр, поэтика билан боғлиқ кўп масалалар тадқиқ этилган. «Рисолайи аруз» ўзига хос баёз - мажмуа сифатида ҳам қадрлидир. Чунки унда Бобур 70 дан ортиқ ижодкорларнинг

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 127-бет.

Энг сара асарларидан намуналар келтиради. Энг машхур маснавийлар ёзилган вазнлар сарҳисоб этилади. Бу маълум даражада дostonчилик борасидаги тасаввурларимизни ҳам бойитади. Асардаги «Гул ва Наврўз» дostonининг Ҳайдар Хоразмий қаламига мансублиги каби айрим далиллар, адабиётшуносликдаги мунозарали масалаларга ойдинлик киритади. Кўринганидек, «Рисолайи аруз» асарининг аҳамияти беқиёс. Уни келажакда чуқур тадқиқ этиш, ўзбек адабиётшунослик илми ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

***Бобурий хати.*** Бобур «Бобурнома»да «Бобурий хати» борасида бир неча ўринда маълумот беради. Ҳусайн Бойқаро умароларидан бири қози Ихтиёр ҳақида ёзар экан, 1507-1508 йилларда у билан Мурғобда Мирзолар қароргоҳида кўришганини, суҳбат давомида «Бобурий хати» борасида сўз кетганини эслайди. Фикҳда донишманд,



рисолалар ёзган қози Ихтиёр «Бобурий хат»ига қизиқиб қолади. Унинг қоидаларини Бобур ёрдамида ўзлаштириб намуналар ёзиб кўради:

«Мурғобта Мирзолар била мулоқот қилганда, қози Ихтиёр ва Муҳаммад Мир Юсуф била келиб мени кўрдилар. «Бобурий хати» дин сўз чикди, муфрадотни тилади, битидим. Ўшал мажлисда муфрадотни ўқуб қавоидини битиб, нималар битиди»<sup>1</sup>.

Бобур 1504 йил воқеалари баёнида «Ушбу маҳалларда Бобурий хатни ихтироъ қилдим»<sup>2</sup>, дея маълумот берган. “Бобурнома”ни кузатар эканмиз, айрим далиллар ушбу хат билан Бобур умрининг охиригача ҳам айрим асарлар китобат қилганини тасдиқлайди.

У 1528 йилда Кобулдаги ўғилларига мактуб йўллаганда, совға – саломлар жўнатганда ,«Бобурий хати» билан кўчирилган ўз асарларини ҳам

---

<sup>1</sup> Ёша асар, 161-бет.

<sup>2</sup> Ёша асар, 132-бет

юборганини эслайди: «Ҳиндолға ... Бобурий хатнинг муфрадотини юборилди. Яна Бобурий хати била битилган қитъалар юборилди...

...Комронға таржима ва Ҳиндқа келгали айтқон ашъор ва Бобурий хати била битилган сархатлар юборилди»<sup>1</sup>.

Кўринадики, гарчи кенг тарқалмаган бўлсада, «Бобурий хат» унутулиб кетмаган. У асосда асарлар кўчирилиб турилган. Араб хати билан ёнма – ён ишлатилиб келинган. Турли манбаларда унинг «Хатти Бобурий» деб форсий изофа билан ишлатилганини кўраимиз. Аммо, Бобурнинг ўзи уни ҳамма ўринда «Бобурий хат» дея атайди. Бу хат туркий грамматика қоидаларини назарда тутиб яратилган экан, уни номлашда ҳам муаллиф буни эътиборда тутган. Шунинг учун «Бобурий хати» атамасини қўллаш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Низомиддин Ҳулувий «Табакоти Акбарий» асарида Бобурнинг хат ихтиро

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 328-бет.

қилгани, шу хат билан кўчирилган кўлёмани Маккага юборгани ҳақида маълумот беради<sup>1</sup>. Муҳаммад Тоҳир бинни Абулқосимнинг «Ажойиб ул - табақот» асарида эса «Бобурий хат» билан кўчирилган муфрадот келтирилган<sup>2</sup>.

Бобур бир шеърида ҳам «Бобурий хат»ни эслаб ўтган:

Туркийлар хатти насибанг бўлмаса  
Бобур, нетонг,

Бобурий хати эмасдур ,хатти  
Соғноқийдурур<sup>3</sup>.

**“Бобурнома”.** Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг энг йирик ва машҳур асари «Бобурнома»дир. Муаллиф барча асарларининг ёзилиши, тарихи ҳақида маълумот беради. Аммо, «Бобурнома»нинг қачон ёзилгани ҳақида маълумот бермайди. Асардаги айрим чизгилар, далиллардан келиб чиқиб, у тахминан 1518-1519 йиллардан бошлаб

---

<sup>1</sup> Муродов А. Ёрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан.т.:фан, 1971,122-бет.

<sup>2</sup> Ёша асар,122-бет.

<sup>3</sup> Ёша асар, 122-бет. (Хатти Соғно=ий-ингичка, нозик ёзиладиган хат).

махсус асар сифатида ёзила бошланган деган хулосага келамиз. Аммо, унинг қораламалари, кундаликлар сифатидаги нусхаси мавриди билан ёзиб борилган.

Бобур ўз асарига «Бобурнома» деб ном бермаган. У уни «Вақойиъ» (Воқеалар) деб атаган. Бир рубоийсида ҳам буни эътироф этиб, асарининг қимматини таъкидлаб ўтган:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,  
Олам элидин турфа ситамлар  
кўрдум,

Ҳар ким бу «Вақойиъ» ни ўкур,  
билгайким.

Не ранжу не меҳнату не ғамлар  
кўрдум<sup>1</sup>.

Бу рубоийда Бобур «Бобурнома» ўз ҳаёт йўлини ёритувчи, замон ва аҳли замон- инсоният борасидаги фикр – ўйларини ифодаловчи кўзгу эканлигини таъкидлайди. Турли адабиётларда у «Воқеоти Бобурий», «Тузуки Бобурий»,

---

<sup>1</sup> Бобур.

«Таворихи Бобурий», «Бобурия», «Бобурнома» каби номлар билан аталади.

Бобур ушбу асарини асосан «Вақойиъ» деб тилга олган. Фақат икки ўриндагина «Тарих» деб атаган. қизи Гулбаданбегим «Хумоюннома» асарида ҳам уни «Вақойиъ», «Воқеанома» деб эслайди. Аммо, «Бобурнома» нашрлари бундай номланмаган. Фақат XX асрнинг 40-йилларида Туркияда чоп этилган нусха «Вақойиъ» номи билан аталган<sup>1</sup>. 2002 йил Тошкентда чоп этилган энг сўнгги нашр ҳам «Бобурнома» номи билан чиқди<sup>2</sup>.

Назаримизда, бу хатони тузатиш фурсати етди. Асарни муаллифнинг ўзи номлаганидек «Вақойиъ» деб аташ ва нашр эттириш лозим.

«Бобурнома» 1494 йил, отасининг Ахси кўрғонида жардан кулаб вафот этиши ва Бобурнинг 12 ёшида Фарғона вилоятида подшоҳ бўлгани воқеаси тасвири билан бошланади. Ҳижрий 936

---

<sup>1</sup> Gazi Zahiriddin Muhammad Babur. Vekayi. I-II cild.-Ankara: 1944-1946/

<sup>2</sup> Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома.- Т.: Шарқ НМК, 2002.

(милодий 1529) йил воқеалари тасвири билан яқунланади. Аммо, ушбу йиллар оралиғидаги воқеалар тўлиқ эмас.

Йиллар оралиғида узилишлар кўзга ташланади. Шундан келиб чиқиб асарни 3 қисмга бўлиш мумкин:

1494-1509	йил
воқеалари баёни;	
1519-1520	йил
воқеалари баёни;	
1525-1529	йил
воқеалари баёни;	

**Ўрганилиши.** «Бобурнома»нинг ўндан ортиқ қўлёзма нусхалари бор. Улар дунёниг турли кутубхоналарида сақланади. Асарни 1857 йилда қозонда Н.И. Ильминский, 1905 йилда Лондонда Беверижхоним нашр эттирдилар. Ўзбекистонда дастлаб профессор Фитрат 1928 йилда асардан парчалар эълон қилди. «Бобурнома» 1948-1949 йилларда 2 жилдда нашр этилди. 1960, 1989 йилларда тuzатилган нашри амалга

оширилди. 2002 йил тўлдирилган, мукаммаллаштирилган нусха чоп қилинди.

«Бобурнома» XVI асрдаёқ турли тилларга таржима қилина бошланган. 1586 йил форс тилига, 1705 йил Витсен Голланд тилига, 1826 йил Ж. Лейден ва В.Эрскин инглиз тилига, 1871 йил Паве де Куртейл француз тилига, Михаил Салье русчага, XX асрда Рашит Рахмати Орат туркчага таржима қилдилар. 2000 йил Эйжи Мано япон тилига ўгириб, танқидий матнни чоп эттирди. 2004 йил асар Испан тилида ҳам янги ҳаёт бошлади.

1826-1985 йиллар давомида «Бобурнома» 4 марта инглиз (1826,1905,1921,1922), 3 марта француз (1871,1980,1985), 1 марта немис (1878) тилига ўгирилган.

Жаҳон адабиётида «Бобурнома» асосида ўнлаб бадий асарлар яратилган. Флора Анна Стилнинг «Бобурхон» (Париж, 1940), Фернард Гренарднинг

«Бобур» (Париж, 1930), Харольд Лембнинг «Бобур - йўлбарс» (Нью - Йорк, 1961) романлари, Вамбек Гасконининг «Бобур ва унинг авлодлари ёки Буюк мўғуллар» (Нью - Йорк, 1980) эссе – романлари шулар жумласидандир. Ҳиндистонлик Муни Лаъл бобурийлар ҳақида 6 та роман ёзган.

Ўзбек адабиётида П. қодиров, Х. Султонов, Б. Бойқобилов Бобурга бағишлаб роман, қисса ва дoston яратдилар.

Бобур ижодига, хусусан «Бобурнома»га Россия ва /арбий Европа олимлари – Веселовский, Ильминский, Эрскин, Эдуард Холден, Эльфинистон кабилар юқори баҳо беришган. Жавоҳарлаъл Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобида Бобур ва бобурийларнинг Ҳиндистон тараққиётидаги, жаҳон цивилизациясидаги мавқеини ҳаққоний эътироф этди.



Бобур ижоди ўзбек адабиётшунослигида ҳам чуқур ўрганилмоқда. Бу борада олимларимиз – В. Зоҳидов, С. Азимжонова, П. Шамсиев С. Ҳасанов кабиларнинг тадқиқотлари аҳамиятга молик.

«Бобурнома» - қомусий асар. «Бобурнома»да, авваламбор, 1494-1529 йиллар орасида Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон, Ҳиндистон каби улкан ҳудудда содир бўлган тарихий воқеалар ҳақида маълумот берилади. Муаллиф теурийлар таназули, ўзбекхонларнинг ҳукмронликни ўз кўлига олиши, теурийлар сўнгги вакилларининг тақдири, қисмати, ўй – кечинмалари, тож – тахт учун курашлари тарихи билан таништиради.

Ундан ташқари, асардан ўқувчи давлатчилик тарихи, бошқарув усуллари, ҳимояланиш ва ҳужумга ўтиш йўсинлари, давлатни мустаҳкамлаш йўриқлари, сиёсат юргизиш тамойиллари ҳақида маълумотга эга бўлади.

Бобур асарни ёзаётган даврда бу борада анча тажрибага эгалиги, сиёсатдон сифатида камолга етганлиги сезилади. Подшоҳлар фаолияти ҳақида сўзлар экан, уларнинг ютуқ ва камчиликларини билимдонлик ва донолик билан таҳлил этади. Ўзининг ютуқлари ва нуқсонларини машҳур подшоҳлар фаолияти билан қиёслайди. Мағлубият ва ютқизиқларининг сабабларини топишга ва уларни бартараф этишга уринади.

Бобур темурзодалар таназзулидан кўп қайғурган. Уларнинг хатоларини таҳлил қилган. Бу таҳлиллардан Бобурнинг табиати анча бошқача – жиддий, масъулиятли, жонкуяр эканлиги сезилиб туради. У Султон Ҳусайн Бойқарони тадбиркор, ишбилармон, жасур, мард хонлардан деб билади. Унга эҳтиром билан қарайди. Ўғиллари – шаҳзодаларнинг ҳаётга енгил қарашлари, айш - ишратга берилишларини танқид қилади, афсусланади, улардан ранжийди: «Бу мирзолар андоқ ифрот била фиск ва

айшға машғул эдиларким, отасидек кордийда ва кордон подшоҳ тушчилик йўл келиб, рамазондек мутабаррак ва азиз ойға кечалик фурсат қолиб, отасидин ийманмай, тенгридин кўркмай, хануз иши чоғир ичмак эди. Нашот била мажлисоролик эди. Инбисот била муқаррардурким, мундоқ бўлгон киши андоқ шикаст топқай ва бу навъ ўтган элга ҳар ким даст топқай»<sup>1</sup>.

Баъзан Бобур тадбирлар кўришда ўзининг олдинги фаолиятларидан ҳам сабоқ чиқарганини кўрамыз. Хатоларининг яна қайтарилиб қолишининг олдини олишга ҳаракат қилган. Ҳар бир ҳукм чиқарганда чуқур, ҳар тарафлама ўйлаб мулоҳазакорлик билан иш юритганининг гувоҳи бўламиз: «Мулкгирликда ва мамлакатдорликта агарчи баъзи ишлар зоҳирда маъқул ва муважжаҳ кўрунур, вале ҳар ишнинг зимнида юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдур. Ушбу бир бемулоҳаза ҳукм

---

<sup>1</sup> Бобур. Бобурнома.Т.. Юлдузча, 1989,40-бет.

қилғонимиздин не миқдор шўр ва фитналар кўпти. Ахир Андижондин иккинчи навбат чиқғонимизга сабаб ушбу бетааммул ҳукм қилғонимиз бўлди»<sup>1</sup>.

Бу ўринда Бобур ўзининг хатосидан сабоқ чиқарганини англаймиз. Ўйлаймизки, бу каби сабоқ, ибратлар фақат Бобур учунгина эмас, балки келажак учун ҳам муҳим аҳамиятга молик.

Бобур «Бобурнома» да ўз фаолиятини ҳамиша таҳлил этиб борганини кўрамиз. Хатолари ҳақида ҳам, ютуқлари ҳақида ҳам ошқора сўзлайди. Хусусан ,ютуқлари борасида эслар экан, объектив, асосли сўзлашга уринади. Жумладан, ўзининг 19 ёшида Самарқандни эгаллагани билан Ҳусайн Бойқаронинг Ёдгор Муҳаммад Мирзо кўлидан Ҳиротни олганини муқояса этади. Ва бу икки муҳорабанинг фарқини 5 асос билан кўрсатиб беради. Ўзининг, биринчидан, ёш ва тажрибасизлиги, иккинчидан,

---

<sup>1</sup> Ушбу асар, 60-бет.

ғаними Шайбонийхондек «пуртажриба» киши эканлиги, учинчидан, Самарқанднинг ички аҳволидан хабар етказувчи кишининг йўқлиги, тўртинчидан, ғанимнинг мустаҳкам кўрғонда ўрнашгани, бешинчидан, шаҳарни иккинчи келишда олаётгани эди.

Юқорида саналган фарқлар бизга Бобурнинг саркардалик салоҳияти, тадбиркорлик лаёқати ҳақида хулоса чиқаришимизга асос беради. У эришган ғалабанинг миқёсини, сипоҳигарчиликдаги ноёб қобилиятини кўрсатади.

Бобур тарихий ҳодисаларни баён этар экан, маълумотлар миқёсини кенгрок қамрайди. Воқеалар билан боғлиқ шаҳарлар ҳақида ҳам маълумот беради. Айниқса, унинг бобокалони Амир Темур жаҳонгирга пойтахт бўлган Самарқандга муҳаббати беқиёслигини кўрамыз.

Асарда «балдаи маҳфуза» дея алқанган шаҳар ҳақида изчил, мукамал маълумот беради. Унга ўзгача меҳр –

муҳаббат, ихлос ва ҳавас билан қараши сезилиб туради. Самарқанднинг жўғрофий ўрни, дарёлари, ҳавоси, табиати, ҳайвонот ва наботот олами ҳақида маълумот беради. У ерда яшаб ўтган улуғ шайхлар, алломалар, уларнинг амалга оширган ишлари ҳақида ифтихор билан сўзлайди. Темур бобосини чуқур эҳтиром билан эслайди. Унинг даврида бунёд этилган иншоотларни кузатади. Шу ўринда Бобур табиатидаги синчковлик, олимона кузатувчанлик яққол кўзга ташланади. Ҳатто, у Самарқанд кўрғони узунлигини қадамлатиб ўлчатганини сўзлайди. Унинг 10600 қадам (метр) чиққани ҳақида авлодларга маълумот қолдиради. Самарқандда яшаб, дунёга донғи кетган Абу Мансур Мотрудий, имом Исмоил Бухорий, Аҳмад Фарғонийлар каби уламолар ҳақида муҳим маълумотлар беради. Амир Темур, Улуғбек Мирзолар амалга оширган ишлар сарҳисоб этилади. Зижи Кўрагонийнинг жаҳоншумул аҳамияти дунё фани билан

қиёсан кўрсатиб берилади. Жаҳон илмида Улуғбекка қадар 7-8 зиж яратилгани, аммо Улуғбек яратган зиж амалда кўлланиши фахр ва ғурур билан эътироф этилади: «Улуғбек Мирзо бу расад била Зижи Кўрагонийни битибтурким, оламда ҳоло бу зиж мустаъмалдур. Ўзга зиж била кам амал қилурлар»<sup>1</sup>.

Яратилган Зижларнинг, бир – бири билан қиёслаб, илмий қимматини ҳам белгилайдики, бу Бобур дунёқараши кенглигидан, билим қамрови ва салоҳиятидан далолат беради.

Муаллиф Самарқанддаги бинолар турли иншоотлар, боғлар, масжид, мадраса каби кўплаб осори атиқаларимиз борасида муфассал маълумот беради. Уларнинг қурилиш сабаблари, ашёлари билан таништиради. Хусусан, Масжиди лақлақанинг архитектураси ҳақидаги маълумотларни ўқиб, аждодларимиз кашфиётларидан, қурилиш соҳасидаги дид ва салоҳиятидан ҳайратга тушамиз.

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 45-бет.

Бобур Афғонистон, унинг табиати, ўсимлик дунёси, ҳайвонот оламига катта қизиқиш билан қараган. /айриоддий ашёлар, ноёб табиат мўъжизалари унинг эътиборини тортган. Дашти Шайхда ўсувчи лолаларнинг ранго – ранг навларини санатгани ва 32-33 турли лоланинг мавжудлиги ҳақида хабар беради. Лолайи гулбўй, садбарг лола каби нодир турлари борасида алоҳида тўхталади. У ердаги шаҳарлар, дарёлар, тоғлар борасида ҳам қизиқарли маълумотлар беради: «Бу кентлар орасида Исталиф ва Истарғичча кент йўқтур. Улуғбек Мирзо бу кентларни Хуросон ва Самарқанд деб экандур»<sup>1</sup>.

Бобур Афғонистонда амалга оширган ободончилик ишлари ҳақида ҳам маълумот беради. Боғи Вафога ўхшаш ўзи яратган боғлар ҳақида сўзлайди. Улуғбек Мирзо бунёд этган Боғи Калоннинг кейинги қисмати билан таништиради: «Бу кентта (Исталиф – И.А) Боғи Калон отлик

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 124-бет.



Улуғбек Мирзонинг бир мағсуб боғи бор эди. Мен эгалариға баҳо бериб олдым». Бокқа яқин атрофларни обод қилдириб, ариқларни таъмирлайди. Худди шу каби кўплаб ариқлар барпо этгани, вилоятларни обод қилгани ҳақида сўзлайди.

Бобур «Бобурнома» ни ростгўйлик билан ёзади. Ҳамма воқеа – ҳодисаларни рўй – рост, ҳаққоний ёритганини эътироф этади. Ҳатто, ота – оға, қариндош – уруғларининг ҳам яхши ва ёмонини яширмай ошкор этганини таъкидлайди: «Бу битилганлардин ғараз шикоят эмас, рост ҳикоятдурким, битибтурмен. Бу мастур бўлғонлардин мақсуд ўзнинг таърифи эмас, баёни воқеи бу эдиким, таҳрир этибтурмен. Чун бу тарихда андоқ илтизом қилилибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқеини таҳрир этилгай. Ложарам ота – оғадир ҳар яхшилиқ ва ямонлиғким, шое эди, тақрир қилдим ва қариндош ва бегонадин ҳар айб ва ҳуракким баёни

воқе эди, таҳрир айладим. Ўқуғувчи маъзур тутсун, эшитғувчи таарруз мақомидин ўтсун»<sup>1</sup>.

Бобурнинг бу каби фикрлари «Бобурнома» асарининг илмий қимматини оширади. Унинг ишончли, ҳаққоний ва муҳим манба эканлигини яна бир бор асослайди. Асар билан танишар эканмиз, Бобур ўзи таъкидлаган тамойилга ҳар доим амал қилганини кўрамиз.

Бобур «Бобурнома» ни ёзиш жараёнида кўп тарихий асарлар билан таниш бўлганини сезамиз. «Табакоти Носирий», «Зафарнома» каби асарларни кўп мартаба ёдга олади. Уларга муносабат билдиради. Баъзан энг машҳур тарихий асарлардаги маълумотларга ойдинлик киритади. Улардаги камчиликларни бартараф этади. Жумладан , /азна вилояти ҳақида гапириб, Султон Шихобиддин /урийнинг исмини баъзи тарихий манбаларда Муизиддин

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 180-бет.

деб ёзганларини эслатади. Тўғри деб ҳисобланган хулосасини келтириб ўтади: «Султон Маҳмуднинг ва авлодининг пойтахти /азна экандур. Баъзи /азнин ҳам битибдурлар. Султон Шихобиддин /урийнинг ҳам пойтахти бу экандур. Бу Султон Шихобиддинни «Табақоти Носирий»да ва баъзи ҳинд тарихида Муизиддин битибтурлар»<sup>1</sup>.

Бобур «Зафарнома»дек машҳур тарихий асардаги баъзи маълумотларни мукаммаллаштиради: «Бехрадин етти куруҳ шимол сари бир тоғ тушубтур. Бу тоғни «Зафарнома»да ва баъзи китобларда «Кўҳи Жуд» битибтурлар, важҳи тасмияси маълум эмас эди, сўнгралар маълум бўлди»<sup>2</sup>. Кўринадики, бу ерда таърифланган тоғ «Жуд тоғи» деб аталиши ва номланиш тарихи номаълумлиги ҳақида гапирди. Аммо, шу ўринда Бобур «Зафарнома»даги маълумотларни ўз кузатишлари орқали

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 125-бет

<sup>2</sup> Ыша асар, 203-бет

яна давом эттиради, тўлдиради. Жуд тоғининг номланиш тарихини муфассал ёритади. Бу каби далиллар «Бобурнома»ни ўзигача бўлган тарихларни янада мукаммаллаштирувчи, уларда учрамайдиган кўп маълумотларни келтирувчи мўътабар манба эканлигини тасдиқлайди.

**«Бобурнома»да муаллиф шахси.** «Бобурнома» да бош қаҳрамон Бобурнинг ўзи. У юқорида эслатганимиздек воқеа - ҳодисаларни баён этар экан, холисликка амал қилади. Шунинг учун ҳам муаллиф тимсоли идеаллаштирилмаган. Тасаввуримизда у ҳаётнинг бутун аччиқ - чучугини, паст – баландини кўрган реал инсон сифатида намоён бўлади. Асарда унинг феъл – авори бутун мураккаблиги билан ўз ифодасини топган. Табиатига хос эзгу фазилатлар, кўнглидаги такрорланмас, соҳир туйғулар, ҳис - ҳаяжонлар билан бирга ҳукмдор сифатидаги қаттиққўллик ва талабчанлик ҳам ошкора тасвирланган.

Кобул йўлидаги машаққатли кунларда, айникса, Бобур феълидаги олийҳимматлик, адолат ва камтарлик фазилатлари юзага чиқади. У навкарлар билан баробар қор тепиб йўл очади. Улар билан бирга кечани қор остида ўтказади. Уни иссиқроқ ғор ичига таклиф қилишганда рад этади. Эл чеккан машаққатни бирга чекишни афзал билади. Навкарлари совуқда, қорда бўлиб, у иссиқда, истироҳат ва фароғатда бўлишни ўзига ор деб билади. «Кемага тушганнинг жони бир» мақолига амал қилади. Форсларнинг «Дўстлар билан бирга ўлмоқ тўйдир» ҳикматли сўзини эсга олади. «Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса турайин, бир форси масал бор: «Марг бо ёрон сур аст»<sup>1</sup>.

Совуқнинг қаттиқлигидан кўп кишининг қўл – оёқларини совуқ уради. Бобур шу кеча ўз қулоғига ҳам совуқ

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 175-бет.

таъсир этганини сўзлайди. Муаллиф ана шу машаққатли кунларда,

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму,

Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму? матлаъли ғазали яратилгани ҳақида хабар беради. Ушбу тасвирларда Бобурнинг шахс сифатидаги қиёфаси, характери, юксак маънавий дунёси тасаввуримизда жонланади.

«Вақойиъ»нинг котиби Бобурга баҳо бериб, унинг саккиз фазилатини санаб ўтади: «...Секкиз сифати асил анинг зотиға муттасил эрди: бириси буким, нажҳати баланд эрди; иккимчиси, ҳиммати аржуманд эрди; учумчиси, вилоят олмоғ; тўртумчиси, вилоят сахламоғ; бешимчиси, маъмурлуғ; олтимчиси, рафоҳият нияти Тенгри таоло бандалариға; еттимчиси, черикни кўнгли(ни) қўлға олмоқ; секкизимчиси, адолат қилмоқ»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 356-бет.

Баланднасаблик, химмат,  
жаҳонгирлик, ободончилик ва  
фаровонликка эътибор, адолатлилик ва  
сипоҳигарлик фазилатлари унга хос эди.  
Бу фикрлар асосли ва объектив  
эканлигини «Вақойиъ»даги ҳодисалар  
баёни ва ундаги Бобур тимсоли  
тасдиқлайди. У шу фазилатларини  
йўқотмасликка, асрашга интилди.

Бобур ўз ҳаёти давомида  
адолатсизлик ва зулмни тақиқлашга  
ҳаракат қилган. «Бобурнома»да бир  
навқар забт этилган юртда бировнинг бир  
кўза ёғини зўравонлик билан тортиб  
олгани учун, ибрат бўлсин деб,  
калтаклашганини сўзлайди<sup>1</sup>. Бобур  
мунофиқлик, кўзбўямачилик ва хиёнатни  
сезганда, уни кескин йўқотиш тадбирини  
кўрган. Жумладан, /азнада макр билан  
қабрни тебратиб, халқни лақиллатаётган  
алдамчиларни синчковлик билан фош  
этади. Улар фаолиятини тақиқлайди<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Ёша асар, 114-бет.

<sup>2</sup> Ёша асар, -бет.

Бобур «яхшилиғ» радифли газалида ўзининг яшаш принципини баён этган. Унинг ҳаёт йўли, энг мураккаб вазиятларда ҳам шу тамойилга содиқлигини кўрсатади. У ҳаёт мазмуни ҳақида мулоҳаза юритар экан, файласуфона, ҳикматомуз хулосаларни баён этади. Донишмандлар каби у ҳам «шуҳрат билан ёдланишни иккинчи умр» деб ҳисоблайди: «/аразким, бу дунёда кишидин ушмундоғ нималар қолур, ҳар ким ақлдин баҳравар бўлса, нега андоғ ҳаракатга иқдом қилғайким, андин сўнг ёмон дегайлар ва ҳар кишига хушдин асар бўлса, нега андоғ амрга эҳтимом қилмағайким, қилғондин сўнг мустаҳсан дегайлар. «Зикри номеро, ҳакимон умри соний гуфтаанд»<sup>1</sup>.

Бобур кўп хиёнатлар кўрди. Фитналардан кўнглига кўп озорлар етди. Аммо, булар унинг табиатидаги эзгу фазилатларни йўқотолмади. Аксинча, ўзининг таъкидлашича, ота —

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 168-бет.



боболарининг анъаналарига амал қилди. Халқнинг «яхшилик қил сувга сол, балиқ билар, балиқ билмаса холиқ билар» деган донолик билан айтган сўзини умр йўлида дастуруламал деб билди. Ҳаётини тажрибаларидан келиб чиқиб, ўзи ҳам шунга яқин донишмандона хулосаларга келди: «Ҳар кимдин яхши қоида қолғон бўлса, анинг била амал қилмоқ керак. Агар ота ямон иш қилғон бўлса, яхши иш била бадал қилмоқ керак»<sup>1</sup>.

Бобур қариндошлик ришталарини мустаҳкам сақлаган. Ўзига жафо қилиб бўлсада, аймақларига меҳр – оқибат кўрсатган. «Бобурнома»да буни исботловчи далиллар кўп. Ҳатто, ўзи билан тахт талашган укаси Жаҳонгир Мирзога ҳам хиёнат ва жабр қилмаган. «Улуқлар кўтаримлик керак» деган ўз ақидасига амал қилиб, кечиримли бўлишга ҳаракат қилган. Бу Бобур феълидаги яна бир фазилатни – жаҳолатга маърифат билан жавоб бериш

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 169-бет.

тамойилини бизга кўрсатади: «Чун менинг шаънимда бу эмас эдиким, оға – ини ва урук - қаёштин ҳар неча изойлиқ воқе бўлса, мендин мутанаффир бўлғайлар. Агарчи Жаҳонгир Мирзо била бизнинг орамизда бурун мулк ва навкар жиҳатидин кудуратлар ва ниқорлар хейли бўлуб эди, вале бу навбат ул вилояттин менинг била ҳамроҳ бўлиб келиб эди»<sup>1</sup>.

Бобур жуда синчков инсон. У энг оддий ва кичкина кўринган нарсаларга ҳам эътибор беради. Сўн ёқасидан ўз ўрдасигача отнинг қадамини санатади. 23 минг бир 100 қадам эканлиги, у 46200 қадам 11 ярим куруҳ бўлишини айтади. Ганг дарёсида неча қўл сузганини ҳисоблайди: «Ушбу кун Ганг дарёсини қўл солиб ўттим. Бир қўлни санадим, ўттиз уч қўл била ўттум, яна тинмай узуб бу юзга ҳам ўттум. Бори дарёларни узуб, кечиб эдим, Ганг дарёси қолиб эди»<sup>2</sup>. Сочини олдиргани, тиши синиб тушгани,

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 110-111-бетлар.

<sup>2</sup> Ыша асар, 333-бет.

кулоғи оғригани, бармоғи синганигача батафсил ёзади.

Бобур умри сўнгигача жангу жадаллар ичида кечди. Унинг мақсади улуғ эди. У таназзул топаётган темурийлар мавқеини қайта тиклашга интиларди. Бу йўлда кўп ранжу аламларга сабру тоқат қиларди. У, айниқса, Ҳиндистонда эканида ўз юртини, Кобулда яшаётган фарзандларини, яқинларини қўмсар эди. Бундай кечинмалар борасида «Бобурнома»да кўп сўзлайди. Айниқса, 1528 йилда Кобулга Хожа Калонга ёзган мактубида ўзининг шундай ҳолатини жуда таъсирли ифодалайди: «Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечук унутқай. Алалхусус, мундоқ тойиб ва торик бўлғонда қовун ва узумдек машруъ ҳазни киши не тавр хотирдин чиқарғай. Бу фурсатта бир қовун келтуруб эдилар, кесиб егач, ғариб таъсир қилди. Тамом йиғлаб эдим»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 329- бет

Бобур Афғонистон ёки Ҳиндистон ҳақида ёзар экан, ҳар бир гиёҳда, ҳайвонот оламида, дарахту меваларда ўз ватани соғинчини ҳис қилади. Уларни қиёслаб кўради: «Ҳиндистондаким, оқар сув ҳаргиз бўлмас, чашма худ не тилар, Аҳёнан чашма ҳамким бор, ердин зах суйидек сизиб чиқар. Ул ернинг чашмаларидек қайнаб чиқмас»<sup>1</sup>.

Бобур табиат қўйнида бўлишни, ундаги гўзал манзараларни томоша қилишни хуш кўрган. Ундаги ғайриоддий кўринишлар ва ҳодисаларни нозик фаҳмлаган. Уларни эҳтирос ва ҳайрат билан кузатган. У, айниқса, куз фаслини ёқтирган. Хазонрезги боғларни сайр қилиш унга завқ ва илҳом бахш этган. Бу фикримизнинг исботини «Бобурнома»да кўп учратамиз. Асарда куз тасвирини муаллиф назарида қайта - қайта кузатамиз. қўйдаги парчада табиат гўзалликларига унинг шоирона муносабатини яққол кўрамыз:

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 301- бет

«Истарғачнинг оёғидаги подшоҳий боғини сайр қилилди. Бир олма ниҳоли яхши хазон бўлуб эди. Ҳар қайси шохида беш – олти барг сиёқ била қолиб эди, андоқким, агар наққошлар такаллуф била тортсалар, анча торта олмағай эдилар»<sup>1</sup>.

«Бобурнома» да Бобурнинг ота сифатидаги феъл- атори ҳам ўз ифодасини топади. У оиласига яқин ёки узоқ яшаганда ҳам, юмушлари ҳаддан кўп бўлганда ҳам ҳеч қачон фарзандлари тарбиясини эътибордан четда қолдирмаган. Фарзандлари оналаридан ва махсус мураббийлардан ҳаёт сирларини ўрганишган. Аммо, Бобурнинг ўзи ҳам бу масалага жиддий қараган. Сухбатларда, йироқдалигида эса мактублар орқали уларни баркамол инсон этиб тарбиялашга ҳаракат қилган. У «Бобурнома»нинг бир неча ўрнида Комрон, Ҳумоюнга ёзган мактублари ҳақида маълумот беради. Комрон кадҳудо этиб тайинланганда,

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 227- бет

Аскарый девонбеги этиб тайинланганда ўз хурсандчилигини яширмайди. Ҳумоюннинг сипоҳигарликда ва жанггоҳларда кўрсатган жасорату матонатини кўрганда фахр туйғусини ошкор баён этади. Айниқса, тўнғич фарзанд ва валиаҳд Ҳумоюннинг ҳар томонлама тўқис инсон бўлиб етишганидан мамнунлик изҳор қилади. 1529 йил бир йиллик айрилиқдан сўнг Бадахшондан Аграга келган Ҳумоюн билан дийдорлашувини «Бобурнома»да шундай эслайди: «...Ограга етиб, ўшул соатким, биз анинг онаси билан отини тутуб, сўзлашиб ўлтуруб эрдукким, ета ўқ келди. Кўнгуллар гул янглиғ очилиб, кўзлар чироғдек ёруди. Муқаррар ҳар кун жашн эди... Ва неча муддатгача бир ерда бўлуб, мусоҳибона бир – бир билан сулук қилур эрдик. Ва алҳақ суҳбатта бебадал эрди ва инсони комилким дерлар, ўшал эрди» (354).

«Бобурнома»да 1528 йил Ҳумоюнга ёзган бир мактубини тўлик

келтиради. Унда биз Бобурни донишманд ва талабчан тарбиячи қиёфасида кўрамиз. У Ҳумоюнда адолатли, жасоратли, жаҳонгир подшоҳ феъл- атворини мукаммал шакллантиришга ҳаракат қилади. Уни ҳар бир нарсага эътиборли бўлишга даъват этади. Фарзандига Альамон деб исм танлаши муносабати билан исмининг маъноси ва талаффузини ҳисобга олиш лозимлигини уқтириб фикрлар билдиради: «...касрати истиъмол била авом Аламо дерлар, ё Эл Амон дерлар, ўзга мундоқ алифлом отта кам бўлур» (320).

Фарзандларини ҳар доим Темурзодалар таназзулига боис бўлган ноаҳилликдан сақланишга даъват этган: «Яна ининг била яхши маош қилғайсан. Улуқлар кўтаримлик керак, умидим борки, сен ҳам яхши ихтилот қилғайсан. Анинг ҳам муташарриъ ва яхши йигит қўюбтур, ул ҳам мулозамат ва яқжиҳатлиқта тақсир қилмағай» (321).

Ушбу мактубда подшоҳликнинг ўзига хос машаққатлари, талаблари ҳақида сўз боради. Бўшлик ва сокинлик подшоҳликка ёт, тезкорлик ва ғайратлилик унга хос хусусият бўлмоғи таъкидланади: «Гаранжонлик била, коҳиллик подшоҳлик била рост келмас...» (320).

Подшоҳ ҳеч қачон ўзининг шахсий ташвишларинигина ўйлаши номуносиб эканлигини, у ҳар доим халқ дарду ташвиши билан уйғоқ ва ҳамкор бўлиши лозимлигини уқдиради. У подшоҳликни қайдга - кишанга қиёслайди. Шу топиб ишлатилган биргина сўз Бобур айтмоқчи бўлган кўп насихатларни, руҳиятнинг ранго – ранг тилсимларини ўзида мужассамлаштиради: «Яна хатларингда ёлғузлук, ёлғузлукким, дебсен, подшоҳликда айбдур... Ҳеч қайде подшоҳлик қайдича йўқтур. Подшоҳлик била ёлғузлук рост келмас» (321).

Бобур Ҳумоюнга давлат ишларини ҳал этишда атрофидаги ишбилармон,



тадбирли, донишманд умаро билан кенгашиб иш қилишни маслаҳат беради. Халқнинг орасига яқинроқ кириб бориш, уларнинг дарду ташвишларидан йироқлашмаслик лозимлигини уқтиради. Уларнинг орзу армонларини англашга, улар билан бир хил ҳаводан нафас олишга чақиради: «... иш кўрган, рай ва тадбирлик беклар била кенгашиб, аларнинг сўзи била амал қилғайсен.

Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишинликни ва эл била кам ихтилотликни бартараф қилғил...» (321).

Бобур Ҳумоюннинг ёзган мактубини эслатиб, ёзма нутқига, саводхонлик салоҳиятига жиддий эътибор қаратади. Бу нарсалар эл назаридаги инсоннинг савияси, маданий даражасини белгилашини уқтиради.

Бобур шу ўринда Ҳумоюннинг хато ва камчиликларини кўрсатиш билан бирга, мактуб ёзиш маданияти ҳақида ҳам сабоқ беради. Бу ҳар бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Ўзига керакли

ибратни ола олади: «Хатингни худ хар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлак алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур. /олибо хат битирда коҳиллигинг ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллуф қилай дейсен. Ул жиҳаттин муғлак бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити: ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғучиға» (321).

Кўринадики, бизга эътиборсиздек туюлган кичик нарсаларга ҳам Бобур тарбиячи – ота сифатида жиддий қарайди.

Бобур «Бобурнома»да маҳоратли саркарда сифатида ҳам гавдаланади. У ёшлигида тажрибасизлиги туфайли йўл қўйган хатоларини кўп эслайди. Улардан муҳим сабоқлар чиқаради. Лашкарни бошқаришда тадбирли, салоҳиятли, ноёб иқтидорли сипоҳигарга айланади. Бу соҳада турли кашфиётлар қилади. Янгиликлар киритади. Жангда устод Алиқули яратган тўп – замбараклардан фойдаланишни йўлга қўяди. Черикни 6

бўлакка бўлиб, ҳар бир полкнинг кечқурунлари қоровуллик қилишини ташкил қилади. Лашкарни содиқ ва аҳилликда сақлаш мақсадида куръонни ушлаб қасамёд қилишни жорий этади. Ҳиндистон муҳорабасида жанг олди чўчиб, ҳайкиб турган лашкар олдида Бобурнинг мурожаатини ўқиб унинг нақадар таъсирли нутқ сўзловчи нотиклигининг ҳам гувоҳи бўламиз.

«Бобурнома»да унинг ёш, тажрибасиз саркардадан жанггоҳ пасту баландини шахмат тахтасидек аниқ кўрувчи, лашкарни унинг доналаридек бехато жойлаштирувчи, бобоси Амир Темур каби салоҳиятли, тадбиркор сипоҳигарга айлангунгача бўлган умр дафтارينинг ифодасини кўрамиз.

Бобур «Бобурнома» да ўзининг яхши амаллари билан бирга баъзи хатоликлари, каттиққўлликлари, шафқатсиз-ликлари ҳақида ҳам ошкора ёзади. Яширмайди. У адолатни барқарорлаштириш мақсадида баъзан

каттиқ чора – тадбирлар кўради. Ибрат бўлиши учун амалга оширган баъзи ишларида талабчанликни ҳаддан ошириб юборади. Баъзи жойларда калладан миноралар ясаганини сўзлайди. Аммо, «Бобурнома»ни ёзишда холисликка қатъий амал қилган Бобур фаолиятига биз ҳам холис баҳо бермоғимиз лозим. У яшаган давр, вазият, ижтимоий муҳитни тўғри англамоғимиз даркор. Бобур фаолиятининг бу жиҳати ҳақида «Бобурнома» таржимони ва тадқиқотчиларидан бири шотландиялик олим Уильям Эрскин (1773-1852) шундай мулоҳаза билдирган эди: «Бобурнома» да баъзан бешафқат қатл этиш манзаралари учраб туради, лекин бунинг сабабини айрим бир шахснинг фаолиятидан эмас, балки ўша тарихий муҳитдан кидириш зарур»<sup>1</sup>.

*«Тарихий шахслар тимсоли»*  
«Бобурома»да жуда кўп тарихий шахслар

---

<sup>1</sup> Уильям эрскин. Бобур Шиндистонда. Ингизчадан /Сотимов тарж., Т., Чылпон, 1995,107-бет.

ҳақида маълумот берилади. Муаллиф уларга баҳо берар экан, фазилатларини ҳам, нуқсонларини ҳам муфассал тасвирлайди. Баъзан ниҳоятда қисқа – бир ёки икки жумла билан бир шахснинг табиати, феъл – атвори, иқтидору салоҳияти ҳақида тасаввур бера олади.

Бобур ўзига яқин кишилар – отаси, амакилари, тоғалари, укалари, ўғиллари ҳақида ҳам, темурзодалар, ўзбекхонлар ҳақида ҳам, ижодкору санъаткорлар ҳақида ҳам муҳим далилларни келтиради.

**Умаршайх Мирзо тимсоли.** Бобур отаси Умаршайх Мирзо ҳақида фахр билан ёзади: «Умаршайх Мирзо баланд ҳимматлиқ ва улуғ доиялиқ подшоҳ эрди. Ҳамиша мулкгирлик дағдағаси бор эрди...»<sup>1</sup>.

Унинг «покиза эътиқодлиқ киши» эканлигини таъкидлайди. Адабиёт мухлиси сифатида дoston ва маснавийлар, тарих ва «Шоҳнома» ўқишни ёқтирганини айтади. Шеърни

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 10-бет.

яхши англаши ва ҳис қилишини эътироф этади: «Равон саводи бор эди. «Хамсатайн» ва маснавий китобларни ўқуб эди. Аксар «Шоҳнома» ўқур эди. Табъи назми бор эди, вале шеърға парво қилмас эди»<sup>1</sup>.

Бобур қисқа чизгиларда отасининг феъл – атори ҳақида ҳам мукамал тасаввур уйғотади. Бундай тасвирларни ўқир эканмиз, Бобур табиатидаги кўп фазилатлар отамерос жиҳатлар эканлигини кўрамиз: «Бисёр саховати бор эди. Хулқи дағи бор эрди, хушхулқ ва ҳарроф ва фасиқ ва ширинзабон киши эрди, шужоъ ва мардона киши эди»<sup>2</sup>.

Унинг адолати ҳақида ҳам ҳавас билан сўзлайди. Бу борадаги ишларидан айрим мисоллар келтиради. Жумладан, бир Хитой карвони келаётганда, Андижон яқинидаги тоғлардан қор кўчади ва карвон қор кўчкилари остида қолади. Мингдан ортиқ кишидан атиги 2 киши

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 10-бет.

<sup>2</sup> Ыша асар, 10-бет.

омон қолади. Умаршайх Мирзо ворисларни топиб, карвондаги барча мол – мулкларни уларга зиёнсиз топширади. Ҳатто, айрим меросхўрларни бир неча йилларгача излатиб, уларга ҳам ўз улушларини саломат етказди.

*Хусайн Бойқаро тасвири.* Бобур темурзодалар орасида Хусайн Бойқарога катта эҳтиром билан қараган. Унинг ҳақиқий подшоҳга хос фазилатлар эгаси эканини таъкидлайди. Уни «каримут – тарафайн эди» асл подшоҳ эди дея алқайди.

Бобур «Бобурнома»да унинг шакл - шамойили, ахлоқ ва атвори ҳақида муфассал маълумот беради: «... Ҳарроф ва хушхулқ киши эди. Хулқи бир нима гузаророқ воқе бўлиб эди, сўзи ҳам хулқидек эди. Баъзи муамалотта шаръни бисёр риоят қилур эди»<sup>1</sup>. У адолат ва шариатга қаттиқ амал қилган. Бир ўғли бир кишини ўлдиргани учун уни ўзи қозихонага юборгани ҳақида сўзлайди. Бу

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 147-бет.

далил унинг ватанпарварлик, халқпарварлик бурчини оталик бурчидан кўра устун кўя олганини кўрсатади. Бу фазилат унинг асл ва адолатли подшоҳлигини тасдиқлайди.

Ҳусайн Бойқаро Хуросонда 40 йилга яқин подшоҳлик қилди. Бобур унинг подшоҳ ва жангчи сифатидаги матонати ва мардоналигини кўрсатувчи далиллар келтиради. Темурбек наслидан ҳеч ким Ҳусайн Бойқарочалик қиличбозликда маҳорат қозонмаганини маълум қилади. Унинг Ҳусайний таҳаллуси билан шеърлар ёзгани, девон тузгани ҳақида сўзлайди. Шеърларига адабиётшунослик нуқтайи назаридан баҳо беради. Ютуқ ва камчиликларини кўрсатади: «Баъзи байтлари ёмон эмастур, вале Мирзонинг девони тамом бир вазндадур»<sup>1</sup>.

Бобур Ҳусайн Бойқарони таърифлар экан, унга холис баҳо беришга ҳаракат қилади. Унинг давлат

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 148-бет.



бошқарувидаги, сипоҳигарчиликдаги  
маҳоратига тан бергани, ҳавас билан  
қарагани ҳолда, умрини  
фароғатнишинликда ўтказганини  
маъқулламайди. Темур каби мамлакатини  
марказлаштиришга интилмаганликда,  
ишратпарастликка берилганликда  
айблайди. Ҳусайн Мирзога баҳо берар  
экан, унинг феъл - атворидаги  
нуқсонларни ҳам яширмай баён этади: «...  
ҳеч кун йўқ эдиким, намоз пешиндин  
сўнг ичмагай, вале ҳаргиз сабуҳий қилмас  
эди, ўғлонлари ва жамиъ сипоҳиға ва  
шаҳриға бу ҳол эди. Ифрот била айш ва  
фисқ қилурлар эди»<sup>1</sup>.

Бобур темурзодалар таназзули  
сабабларини таҳлил қилиб боради. Бу  
нуқтаи назари Ҳусайн Бойқаро ва унинг  
ўғиллари фаолиятига баҳо берганда ҳам  
кўринади. Улар инқирозининг сабабини  
фисқ - фужур ва ноаҳилликда деб билади:  
«Фисқ ва фужур ўзида, ўғлонларида ва эл  
– улусида асру шое эди. Ушбуларнинг

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 147-бет.

шоматидин эдиким, мундоқ хонаводадин 7-8 йилда бир Муҳаммад Замон Мирзодин ўзга осор ва аломат қолмади»<sup>1</sup>.

Бобурнинг Ҳусайн Бойқарога ҳурмати юқорилигини «Бобурнома»даги кўп далиллар кўрсатиб туради. Айниқса, унинг замонасида Ҳиротнинг ҳар тарафлама тараққий этганини фахр билан эътироф этади: "Ҳирийниким, рубъи маскунда андоқ шаҳр йўқтур ва Султон Ҳусайн Мирзонинг замонида Мирзонинг тасарруфидин ва такаллуфидин Ҳирийнинг зеб ва зийнати бирга ўн, балки йигирма тараққий қилиб эди»<sup>2</sup>.

Бобур унинг давридаги Хуросон ва Ҳирот маданий тараққиётига, адабий муҳит қиёфасига, адабиёт ва санъат ривожига катта эътибор беради. Бу жараёни холис баҳолайди: «Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳирий шаҳри мамлу эди»<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 153-бет.

<sup>2</sup> Ыша асар, 170-бет.

<sup>3</sup> Ыша асар, 159-бет.

*Алишер Навоий тасвири.* Бобур «Бобурнома»да Алишер Навоийни кўп марта тилга олади. Ҳаётида у билан учрашмаган бўлсада, асарларидаги мулоҳазаларидан сезиладики, Навоийни ижод йўлида ўзига устоз деб билади. 1500 йилда Навоийдан бир бор олган мактубини «Бобурнома»да фахр билан ёдга олади. Шу мактубга қайтарилган жавоб хатда устоз назарига туркийда ёзган бир шеърини юборади: «Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат юбориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб юбориб эдим»<sup>1</sup>.

Навоийнинг асарлари Бобур учун ибрат мактаби бўлган. Улардаги донолик ва ҳикмат, соҳир туйғулар ва гўзал ифода унга ҳамиша илҳом берган. Бобур Навоийнинг барча асарлари билан таниш эди. «Бобурнома»да уларнинг деярли барчаси ҳақида ўз мулоҳазаларини

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 78- бет.

билдиради. Маснавий – дostonларига, 4 девондан иборат «Хазойин ул - маоний»сига юқори баҳо беради. «Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас», дея биргина жумлада уларнинг адабий қимматини баҳолайди. Ҳатто, Афғонистонда устози девонидан кўнгил дардларига монанд туйғулар ифодаланган шоҳ ғазаллар ва байтлардан саралаб «Сайланма» девон кўчирганини маълум қилади: «Алишербекнинг тўрт девонидин бухур, авзон бир байти била ғазаллар ва абётким, интихоб қилиладур эди, итмомиға етти»<sup>1</sup>.

Навой ижодига баҳо берар экан, Бобур ўз билим қамровининг кенглиги ва теранлигини, бадий дидининг юксаклиги ва алабиётшунос олим сифатида тафаккур миқёсининг чексизлигини намоён эта олади. У Навойдек даҳо шоир меросининг ҳам айрим номукамал туюлган жиҳатларига

---

<sup>1</sup> Ыша асар,227-бет.

эътибор қаратади. «Мезон ул – авзон»да айрим вазнлар талқинида хатоликлар кўради. «Мактубот»ида Жомийга тақлид сезилганидан қоникмайди. Форсий шеърларида туркийда айтганчалик тароват ва янгилик кўришга иштиёқ сезади.

«Бобурнома»да Алишер Навоий тасвирида Ҳирот адабий муҳитининг пири муршиди ва ҳомийси сиймосини кўрамыз. Унинг бу йўналишдаги фаолиятига ҳам Бобур юқори баҳо беради. Устоз кулмуҳаммад, Шайх Нойи, Удий каби мусиқачилар, Беҳзод, Шох Музаффар каби мусаввирлар, шоирлар, хаттотлар ва ҳунармандларга раҳнамолиги улар камолида муҳимлигини кўрсатади: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай»<sup>1</sup>.

Асарда Навоийнинг сиёсий фаолияти, давлат бошқарувидаги ўрни,

---

<sup>1</sup> Ыша асар,154-бет.

мавқеи ҳақида ҳам мукаммал тасаввур берилади.

Бобур асарида баъзи далилларни келтирадики, улардан Навоийнинг халқ орасидаги ҳурмати, обрўси ҳақида хулоса чиқарамиз. Навоийга замондошларининг ҳурмати беқиёс эди. Унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир қадами ибрат эди: «Алишербеки, қалин нималар ихтироъ қилиб эди ва яхши нималар ихтироъ қилиб эди, ҳар кишиким, ҳар ишта бир нима пайдо қилди, ул ниманинг ривож ва равнақи учун «Алишерий» дер эди»<sup>1</sup>.

**«Бобурнома»даги салбий тимсоллар.** «Бобурнома»да юқорида айримлари тилга олинган ижобий шахслар билан бир қаторда Бобур салбий муносабатда бўлган тимсоллар тасвирини ҳам кўрамиз. У амакизодаларидан Султон Маҳмуд Мирзо ҳақида маълумот берар экан, кўп номаъқул хислатларини санаб ўтади: «Зулм ва фисққа кўп машғул эди. Мутаассиб, чоғир ичар эди...

---

<sup>1</sup> Ёша асар, 162-бет.

табъи назми бор эди, девон тартиб килиб эди, вале шеъри бисёр сушт ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондин айтмоғон яхшироқдур. Бад эътиқод киши эди... Бадкалом эди»<sup>1</sup>.

Султон Маҳмудхон амирларидан Хусравшоҳ ҳақида сўзлаганда ҳам ана шундай салбий муносабатни сезиш мумкин: «... гавдан ва бефаҳм ва бевафо ва ҳаромнамак киши эди. Беш кун ўтар дунё учун бир ўзи ўстурғон валинеъматзодасини кўр қилди, яна бирини ўлтурди»<sup>2</sup>.

Бу каби тасвирларда Бобурнинг дунёқарашини, инсон маънавиятини баҳолаш меъзонлари ўз ифодасини топган. Албатта, асардаги айрим шахсларга бундай муносабатига улар билан ҳаёти давомидаги тўқнашувлари, зиддиятлари ҳам сабаб бўлган. Аммо, шунда ҳам Бобур холисликни сақлаб қолишга интиланган. Салбий бўёқларни

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 26-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 29-бет.

бироз муболағали йўсинда қўллаган бўлсада, бу шахслар ҳаёт йўлидаги, феъл – атворидаги ижобий қирраларни ҳам кўрсатиб ўтади. Жумладан, Султон Маҳмудхон ҳақида баъзи фазилатларни ҳам тилга олади: «Намозни тарк қилмас эди. Тузуки ва забти бисёр яхши эди. Сиёқ илмини хўб билур эди...»<sup>1</sup>.

Ўз фарзандлари қотили сифатида тарихда доғ қолдирган Хусравшоҳ табиатида хирагина кўринган нурли қиррани ҳам назардан четда қолдирмаган: «Агарчи намоз қилур эди ва таомдан парҳиз қилур эди, вале тийра фосиқ эди...»<sup>2</sup>.

*Шайбонийхон тимсоли.* Бобур асарда Шайбонийхон тимсолини чизишда ўзининг асосий ғаними сифатида салбий бўёқни кўпроқ ишлатади. «Агарчи саҳархез эди ва ҳар вақт намозни тарк қилмас эди, қироат илмини тавре билур эди, вале мундоқ гўлона аблаҳона ва

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 26-бет.

<sup>2</sup> Ыша асар, 29-бет.



кофирона аҳвол ва афъол андин бисёр содир бўлур эди»<sup>1</sup>, - дея Шайбонийнинг Ислом, куръон ва ҳадис соҳасида яхши илмга эгалигини эътироф этган ҳолда, унинг ўз илмига амал қилмаганини исботловчи далиллар келтиради. Музаффар Мирзонинг Хонзодахоним исмли завжасини шариатга хилоф равишда, иддаси чиқмай никоҳга олганини, Хусайн Бойқаронинг хотини Хадичабегимга подшоҳларга ярашиқсиз ҳаракатлар билан кўп озор берганини нафрат билан сўзлайди.

Ҳиротнинг улуғ фузало ва шуароларига, мулло ва олимларига беҳурматлик қилганидан ғазабланади. «Бобурнома»да Шайбоний ўзига ўта бино қўйган такаббур шахс сифатида тасвирланган. Бобур унинг замонасининг билимдон уламоларидан қози Ихтиёр ва Муҳаммад Мир Юсуфга тафсирдан сабоқ берганини айтиб истехзоли кулади. Муаллиф нуқтаи назарини хурматлашни

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 29-бет.

юксак маданият деб билган Бобур Шайбонийнинг Беҳзод мусаввирнинг ва Султон Али Машҳадийнинг «тасвир ва хаттига қалам киюруб, ислоҳ қилган»ини такаббурлик ўрнида қабул қилади. Унинг шоир сифатида яратган шеърларини ҳам ижобий баҳоламайди: «Яна ҳар неча кунда бир бемаза байт айтур эди ва минбарда ўқутуб, Чорсуда остуруб, шаҳр элидин сила олур эди»<sup>1</sup>.

Аmmo, бу муносабатни биз тўғри тушунишимиз лозим. Бу фикрлар Бобурнинг Ватанидан бош олиб кетишига, бутун умрини ёт юртларда сарсон – саргардонликда ўтказишига сабабчи бўлган шахслардан бири хусусида айтилаётганини унутмаслигимиз керак.

Ҳасанхожа Нисорий “Музақкири аҳбоб” тазкирасида Шайбоний ҳақида ижобий фикрларни билдирган: «Соҳибқирон хон (Шайбонийхон–И.А) илму фазилатлардан хабардор...Шеърят

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 186-бет.

соҳаси ва шоирларга эътиқод – эътибори катта бўлган. Мудом олиму фозилларни ўзига ҳамсуҳбат қилган. Яхши шеърлари бор»<sup>1</sup>.

Шайбоний девон тузган шоир эди. Девони бизгача етиб келган. Кўринадики, Бобур асарда ўз ғанимларига баҳо берганда, муболағали бўёқлардан фойдаланади. Уларнинг салбий хислатларини бўрттириброк тасвирлайди.

**«Бобурнома»да Ҳирот адабий муҳити тасвири.** Бобур «Бобурнома»да Ҳирот адабий муҳитининг мукамал киёфасини кўрсатган. Бу ижодкорлар жамоасининг сардафтери Абдурахмон Жомий эди. Бобур асарда санъатнинг турли йўналишида ижод қилган 30 дан ортиқ соҳибқаламлар ҳақида мулоҳаза билдиради. Улар орасида турли савиядаги шоирлар, мусаввирлар, хаттотлар, бастакору мусиқашунослар, созандалар, мусаннифлар, адабиётшунос олимлар бор. Бобур уларнинг ижодларига ўта

---

<sup>1</sup> Шасанхожа Нисорий. Музаққир ашбоб. Т.: 1993,20-бет.

синчковлик билан муносабатда бўлади. Ютуқ ва камчиликларига баҳо беради. Бу борада холислик тамойилига амал қилади. Бобур уларнинг ижодларига баҳо берар экан, адабиёт ва санъатни чуқур англовчи, синчков олим сифатида тасаввуримизда пайдо бўлади.

Бобур қисқа ҳажмда Ҳирот адабий муҳитини жонли, ҳаракатда тасвирлаб бера олган. У асарда ижодкорлар иқтидорининг барча қирраларини ёритади, қиёфасига баҳо беради. Шахсий феъл – атворини тасвирлашни ҳам назардан четда қолдирмайди. Асарда Алишер Навоий табиатининг бизга номаълум янги жиҳатлари билан танишамиз. Унинг ноқулай вазиятлардан ҳазил – мутойиба билан чиқиб кета олувчи, хушхулқ, ҳазилкаш киши бўлганини тасаввур этамиз. Бобурнинг тасвирлашича, бир шатранж мажлисида Алишербек оёғини узатганда, Биноийга тегиб кетади. Шунда Навоий мутояба билан шундай дейди: «ажаб балоест дар

Ҳирӣ агар пой дароз мекуни ба (пушти) шоир мерасад» (мазмуни: Ажаб бир балодирки, Ҳиротда оёғингни узатсанг, шоирга тегади). Шунда Биноӣ ҳам бу кувноқ кинояга муносиб жавоб қайтаради: «агар жамъ мекуни ҳам ба (пушти) шоир мерасад»<sup>1</sup> (Мазмуни: йиғсанг ҳам шоирга тегади).

Бобур Шайхӣ Суҳайлий ҳақида сўзлаётӣб ҳам, худди шундай кувноқ лаҳзаларни тасвирлайди. Суҳайлий куйидаги байтини Абдурахмон Жомий ҳузурида ўқибди:

Шаби ғам гирд – боди оҳам аз жо бурд гардунро,

Фурӯ бурд аждаҳои сели ашкам рубъи маскунро.

(Мазмуни: ғам тунида оҳим қуюни осмонни ўрнидан қўзғатди. Қўз ёшим аждаҳоси ер юзини ютиб юборди).

Бу ғазални эшитган Жомий қувноқлик билан «Мирзо, шеър айтасиз ё

---

<sup>1</sup> Ёша асар, 162-бет.

одам кўркутасиз?»<sup>1</sup> дея чуқур мазмунли муносабатини изҳор қилади. Юқорида келтирилган айрим мисоллардан биз Ҳирот адабий муҳитидаги жонли жараёни тасаввур қиламиз. Улуғ алломаларимизнинг юз ифодаларини кўз олдимизга келтираемиз. У давралардаги қаҳқаҳалар жарангини эшитгандай бўламиз. Бу, албатта, Бобурнинг ўзига хос ифода услуби ва маҳоратининг натижасидир.

Бобур Ҳирот адабий муҳити тасвири жараёнида юқорида эътироф этганимиздек, бадиий ижодни нозик ва чуқур тушунувчи олим сифатида намоён бўлади. У қисқа ҳажмда бадиий матнларни таҳлил этиб бера олади. Ҳар бир асарнинг ўрни ва мавқеини белгилай олади. Биноий, Мир Ҳусайн Муаммой, Шох Ҳусайин Камолий, Оҳий каби ўнлаб шоирларнинг асарларини объектив баҳолайди.

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 156-бет.

Адабий муҳитда маснавийгўйлик мақоми ҳақида маълумот беради. Абдулло Ҳотифийнинг «Хамса» муқобаласида дostonлар айтганидан хабардор бўламиз. «Ҳафт пайкар», «Искандарнома», «Лайли ва Мажнун» муқобаласида «Ҳафт манзар», «Темурнома», «Лайли ва Мажнун» дostonларини яратганини айтади. Уларнинг бадиий қимматига эътибор беради. "Бу маснавийлардин «Лайли ва Мажнун машхурроқтур. Агарчи латофати шуҳратича йўқтур»<sup>1</sup>, дея баҳо беради. Аммо, шунга қарамай, бу маълумот адабиётшунослик илмида катта қимматга эга. Чунки, унда Ҳирот адабий муҳитида «Хамса» яратишга уринишлар бўлганини англаймиз. «Темурнома» дostonининг янгидан киритилиши кўзга ташланади. Бу дoston, Бобур нуқтаи назарича муваффақият қозонмаган бўлсада, хамсачилик анъанасини янгилашга

---

<sup>1</sup> Ёша асар, 163-бет.

уриниш намунаси сифатида эътиборга моликдир.

Ҳилолий ижодига баҳо берар экан, «Шоҳ ва дарвиш» достонига алоҳида тўхталади. Унда бадий жиҳатдан диққатга сазовор ўринлар борлигини эътироф этган ҳолда, «вале бу маснавийнинг мазмун ва устухонбандлиги бисёр ковак ва харобтур»<sup>1</sup>, дея таассуф билдиради. Бу ерда Бобурнинг достончилик талқинида мазмун ва композицияга эътибор қаратиб, унинг муҳимлигини таъкидлаганининг гувоҳи бўламиз.

Бобур ижодкорларга баҳо берар экан, холисликни унутмайди. Жумладан, Ҳилолийнинг маснавийларини танқид қилсада, лирик шеърларини "азаллари ҳамвор ва рангин ва камхадшадур", дея тавсифлайди. қуввайи ҳофизасига ҳавас билан қарайди: "Бисёр қавий ҳофизаси бор эмиш, ўттуз - қирқ минг байт ёдида бор эмиш. Дерларким, "Хамсатайн"нинг

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 163-бет.



аксар абёти ёдида бор"<sup>1</sup>. Аруз, қофия ва шеър илмининг билимдони эканлигини тан олади.

Ҳирот адабий муҳитидаги дostonчилик савиясини англашда Бобурнинг Муҳаммад Солиҳ дostonига муносабати ҳам муҳимдир. Муҳаммад Солиҳ ашаддий ғаними саройида яшаб ижод қилган бўлсада, Бобур унинг асарларини холис баҳолашга уринади. Ҳикмат ва донолик билан яратилган ғазалларининг бадиийлиги бир хил даражада бўлмасада, маъно хусусиятлари диққатга сазоворлигини эътироф этади: "чошнилик ғазаллари бор. Агарчи ҳамворлиғи чошнисича йўқтур, туркий шеъри ҳам бор, ёмон айтмайдур"<sup>2</sup>. Бу борадаги Бобурнинг фикрлари Навоий мулоҳазаларига мутаносиб келади: "Табъида хейли диққат бирла чошни бор"<sup>3</sup>. Аммо, Бобур "Шайбонийнома"

---

<sup>1</sup> Ыша асар 163-164 бетлар.

<sup>2</sup> Ыша асар, 163-бет.

<sup>3</sup> Навоий. Мажолисун-нафоис. Асарлар. 15 томлик, 12-том, 150-бет.

достони хусусида ижобий фикр билдирмайди: "Шайбонийхон отиға бир туркий маснавий битибтур. Рамали мусаддаси махбун вазнидаким, "Субҳа" вазни бўлғай, бисёр суст ва фурудтур, ани ўқуғон киши Муҳаммад Солиҳнинг шеъридин безътиқод бўлур". Бундай баҳо беришининг бир қанча сабаблари бор. Биринчидан, дoston Шайбонийхон ҳузурида эътибор қозониш мақсади билан яратилган. Асар яратишда мақсад, тама биринчи ўринда турган. Иккинчидан, дostonда ҳис – туйғулар талқини ва руҳий туғёнлар таҳлили етакчилик қилмайди. Учинчидан, мазмун тақозоси билан бадийликка путур етган ўринлар ҳам йўқ эмас. Кўринадики, Бобурнинг дostonчилиқ борасидаги мулоҳазаларини айнан қабул қилмасакда, аммо, улар асоссиз эмаслигини ҳам тан олишимиз керак.

Ҳирот адабий муҳитида илм–фан, адабиёт ва санъатнинг турли йўналишлари тараққий этган. Бадий

ижод билан бир каторда адабиётшунослик илми ҳам ривож топган. Бу йўналишда катор асарлар яратилган. Бобур "Бобурнома"да, айниқса, Мир Атоулло Машҳадий (Ҳусайний – И.А.), Сайфий Бухорий каби ижодкорларнинг рисолаларига эътибор қаратади. Уларнинг олим сифатида кенг қамровли ва чуқур билим соҳибчилигини эътироф этади. Бадиият илмининг моҳир тадқиқотчиси Атоулло Ҳусайний асарларининг қимматини белгилайди. Унинг шеърӣ санъатлар талқинига бағишланган "Бадойӣ ус – санойӣ" рисоласини ҳурмат билан тилга олади: "Яна санойи шеърда " Бадойӣ ус – санойӣ " отлиқ рисола битибтур, хейли яхши битибтур"<sup>1</sup>.

Ундан ташқарии, қофия илмига бағишланган рисоласига ҳам яхши баҳо беради. Шахсларга баҳо берганда, уларни ҳар томонлама кузатиш "Бобурнома" услубига хос хусусият. Шундан келиб

---

<sup>1</sup> Ёша асар, 161-бет.

чиқиб, "қофия" рисоласи ҳақида сўзлаётиб, Ҳусайнийнинг шахсиятига, феъл – атворига ҳам эътибор қаратади. Камтаринликни маданият белгиси деб билган Бобур, рисола муаллифи фикрини далиллаш учун мисолларни фақат ўз шеърларидан келтириши ва уни таъкидлаб кўрсатиши Бобурга нокамтарлик бўлиб туюлади: "қофияда бир форси рисола битибтур, тавре битибтур, айби будурким, амсила учун тамом ўзининг абётини келтурубтур. Яна ҳар байтидин бурун "чун онки дар ин байти банда" лафзини лозим тутубтур"<sup>1</sup>.

Асарда Сайфий Бухорий қиёфаси ҳам муфассал ёритилади. Бобур унинг донишмандлиги ва нотиклигини тан олади. Икки девони ҳақида сўзлаб, улардан бири ҳунармандлар учун айтилганини эслатади. Бу далил Ҳирот адабий муҳиtida махсус мавзули девонлар ҳам тузилганини кўрсатади. Унинг масал жанридаги асарлари

---

<sup>1</sup> Ыша асар 161-бет.

машҳурлигини, аммо маснавий яратмаганини маълум қилади. Ва унинг сабабларини ҳам кўрсатади. Бобур Сайфийнинг бадий ижоддаги ютуқларини сарҳисоб этиш билан бирга, "Аруз рисоласи"нинг маромига етмаган жиҳатлари хусусида ҳам ўз мулоҳазаларини билдиради: "Бир форсий арузи бор. Бисёр камсухандур, бир ҳисоб била асру пурсухандур. Камсухан бу маъни билаким, кераклик нималарни битимайдур. Пурсухан бу маъни билаким, равшан ва зоҳир калималарни нуқта ва эъробифача битибтур"<sup>1</sup>.

Ана шу бир жумладагина айтилган хулоса Сайфий рисоласининг бадий савияси ҳақида тасаввур уйғота олади. Шу ўринда биз Бобурнинг сўз қўллаш маҳоратига яна бир бор тан берамиз. "Камсухан" – камсўзлик ва "Пурсухан" – кўпсўзлик сўзларини қўллаш ва уларни изоҳлаш билан рисола моҳияти ва

---

<sup>1</sup> Ыша асар 162-бет.

услугига оид, бир рисола бўлгулик мулоҳазаларни ифодалай олган.

Ҳирот адабий муҳити тасвирида хаттот, мусаввир, мусиқашунос, мусанниф каби санъатнинг турли йўналишларида ижод этган иқтидор соҳиблари ҳам тилга олинади. Бобур улар ҳақида махсус билимга эга киши каби фикрлайди. Ютуқлари ва камчиликларини кўрсатади. Мусаввир Беҳзод, Шох Музаффар тасвирларини нозик баҳолайди. Шох Музаффарнинг мусаннифликдаги маҳоратига, дид ва қобилиятига ҳам тан беради: "Яна бир таснифи бор, ул таснифи тасаввуфтадур, ямон эмас, ғолибо агар сўз анинг эмас"<sup>1</sup>.

Худди шунингдек, айрим ижодкорлар санъатнинг, хунарнинг бир неча турларини баробар маҳорат билан эгаллаганликлари ҳақида ҳавас билан сўзлайди.

кулмуҳаммад Удий, Шайх Ноий, Ҳусайн Удий, Шохқули /ижжакий каби

---

<sup>1</sup> Ыша асар, 164-бет

мусиқашунослар санъаткорлигини , уларнинг ҳаёт саҳифаларини ёритувчи кизиқарли ҳикояларни сўзлайди. Улардан ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамиятга молик мусиқашунослик такомил борасида янги маълумотларга эга бўламиз.

Сарҳисоб этилган қисқача далиллардан кўринадик, "Бобурнома"да Ҳирот адабий муҳитининг яхлит, жонли кўриниши, тасвири ўз ифодасини топган. Буни чуқур талқин этиш адабиётимизнинг ривожланган бир даври билан боғлиқ кўп масалаларни ойдинлаштириш имконини беради.

## **БУХОРО АДАБИЙ МУҲИТИ. ХОЖА ИЖОДИ. АСАРЛАРИНИНГ ТАЛҚИНИ**

*Бухоро адабий муҳити. XVI –XIX* аср Бухоро адабий муҳити айрим ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради. Бу, албатта, бевосита ижтимоий-сиёсий жараён билан боғлиқ.

Бухоро ижтимоий ҳаётида ислом дини ғоялари, қоидалари етакчи мавқеда турган. Аммо, санъат, хунармандчилик, адабиёт ҳам ўз йўлида тараққий этган. Чунки, халқ буюк санъаткор. У ҳамиша илғор ғоялар яратади. Ўз ижоди билан камолотга интилади.

Бухоро адабий муҳити аҳоли этник қатламидан келиб чиқиб, айрим хос хусусиятларга эга. Биринчидан, у ерда зуллисонанлик (икки тиллик) анъанасининг узоқ тарихи бор. Ижод соҳиблари, асосан, икки-ўзбек ва форс-тожик тилида ижод қилишган. Иккала тилда ҳам ибратли асарлар яратилган. Хусусан, Вола, Шавқий, Шукурий, Хиромий, Жоний каби кўплаб ижодкорлар яратган адабий меросни эътироф этиш мумкин. Иккинчидан, бошқа хонликлардан фарқли ўлароқ, бу ерда марказлашган адабий муҳитнинг йўқ. Ижодий жараён тарқоқ ҳолда мавжуд эди. Аммо, бу адабиёт равнақиға салбий таъсир этмаган.



Адабий муҳитда яратилган асарларни кузатар эканмиз, уларда диний тушунчаларнинг фаоллигини кўрамиз. Дунёвийлик эса улар замирида юзага чиқади. Бу адабий муҳитда Навоий, Фузулий, Бедил, Ҳофиз каби донишманд шоирларимиз анъаналари давом эттирилди. Мавзу, ғоя ва жанрлар такомиллаштирилди. /азал, мухаммас, таърих, қитъа, маснавий каби анъанавий жанрларнинг янги қирралари кашф этилди. Янги замонавий фикрлар билан бойитилди.

*Хожа ҳаёти ва ижоди манбалари.* Бухоро адабий муҳитида муҳим ўрин тутган ижодкорлардан бири Ибодулла Сайид Подшохожа бинни Абдулваҳҳобхожа Хожа тахаллуси билан ижод қилган. У ўзбек адабиётида кичик насрий ҳикоялар устаси сифатида машҳур. Хожа ва унинг ҳаёт йўли, ижоди ҳақида маълумот кам. Мавжуд фикрлар эса бизгача адибнинг асарлари ва ўғли Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музақкири

аҳбоб» тазкираси орқали етиб келган. Ушбу тазкирада зикр этилишича, Хожанинг ота-боболари йирик давлат арбоблари ва шеърлар ёзувчи ижодкор кишилар бўлишган. У 1484 йилда Балхда таваллуд топган. Маълум вақт садрлик (вақф ерларининг ҳисоби ва текширишларини олиб боровчи шахс) , кейинчалик энг йирик диний лавозим шайхул-исломлик (бу мансабдаги киши подшоҳнинг ўнг томонида 1 ўринда турган) мансабларида ишлаган. У давлат бошқарувида эътиборли шахслардан ҳисобланган. Кўп зиддиятли вазиятларни сулҳ йўли билан ҳал этишга ҳисса қўшган.

Хожа фаолияти замонавий адабиётшунослигимизда ҳам жиддий тадқиқ этилган. Филология фанлари номзоди М.Мирзааҳмедова ўз изланишларини «Хожа»<sup>1</sup> номли монографиясида мужассамлаштирган. Унда адибнинг кичик ҳикоялар мажмуаси

---

<sup>1</sup> М.Мирзааҳмедова. Хожа. Т., 1975.

«Гулзор» ва «Мифтохул-адл» чуқур таҳлил этилган. А.Тоҳиржонов «Хожанинг янги топилган асари»<sup>1</sup> мақоласида унинг достони борасида тўхталади. Н.Маллаев, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев каби адабиётшунослар ҳам турли тадқиқотларида Хожанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида муҳим маълумотлар беришади. Матншунослик йўналишида эса унинг шеърлари, ҳикоялари ва достонидан парчалар бир неча бор чоп этилган.

Хожанинг вафот йили ноъмалум. Аммо, Нисорий маълумотларидан келиб чиқиб, у XVI асрнинг сўнги чорагигача умр кечирган, дейиш мумкин.

*Адабий мероси.* Унинг шеър, дoston, ҳикоя ёзгани ҳақида маълумот бор. У иккита (ўзбек ва форс-тожик тилида) девон тузган. Аммо, бизгача етиб келмаган. Мавжуд шеърлари тазкираларда, ҳикоялар тўпламида

---

<sup>1</sup> А.Тоҳиржонов. Хожанинг янги топилган асари. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. 1975 3-сон.

сақланган. У шоир сифатида Бобурни хурмат қилган. Рақиб сулола саройида яшаганига қарамасдан, у билан дўстона муносабат ўрнатишга интиланган. Ёзишмалар олиб борган. Бобурга ўз шеърларидан намуналар юборган. Унинг хонадонига Бобур асарлари ҳам етиб келган. У 1528 йилда Низомийнинг «Махзанул-асрор» достони таъсирида «Мақсадул атвор» манзумасини яратган. Бизга унинг айрим парчалари маълум.

**Хожя меросида кичик ҳикоячилик такомилли.** Хожанинг энг кенг тарқалган асари «Гулзор» ва «Мифтоҳул-адл» (адолат калити) ҳикоялар мажмуасидир.

«Гулзор» ахлоқий-таълимий руҳдаги кичик ибратли ҳикоялардан иборат. Унда қирққа яқин ҳикоя киритилган. Асар муқаддима, китоб таснифи ва ҳикоялардан иборат. Муқаддимада асарнинг ёзилиш сабаблари ҳақида гапирилади. Асар Шайбонийхонлар сулоласидан

Жонибекхоннинг ўғли, Балх ҳокими Кистан қаро султонга бағишланади. Унинг туркийзабон қавми эҳтиёжини ҳисобга олиб, туркий тилда ибратли ҳикоялар мажмуини яратганини эътироф этади: «Саодат ахтар подшоҳнинг (Кистан қаро султон) хайлу ҳашами турку тотор қавмидан бўлур эрдилар ва турк алфози ва гуфториға мойил ва шомил эрдилар. У жиҳатдин шикастахотирға бу андиша йўл бердиким, бир туркий китоб бу қавмнинг алфози бирла тасниф қилиб, адл ва инсоф бирла маош қилган анбиёю салотин ва хавоқиннинг равишлари бирлан атвори писандидаларидан дарж қилиб, ҳазрати хилофатпаноҳи мулкининг ҳумоюн одиға муаммал қилолумким, олам ичинда тухфаи намудор ва бани одам орасинда ҳидоя ва ёдгор ўлғай».

Хожа «Гулзор»ни яратганда, 60 ёшда эканлигини таъкидлайди. Бу 1538 – 39 йилларга тўғри келади. «Гулзор» ягона сюжетга эга эмас. У турли-туман мавзуларда . Асар тузилиш жиҳатидан

Саъдийнинг «Гулистон»и га ўхшайди. Ҳикоялар ҳажм жиҳатидан кичик бўлишига қарамай, тугал композицияга эга. Улар муаллиф фикри, ҳикоя ва якуний хулоса, яъни қиссадан-ҳисса шаклидадир. Ҳикоялар ичига қитъа, рубоий, маснавий, ғазал каби лирик чекинишлар, шеърий изоҳлар, шеърий хотималар ҳам киритилган.

Адабиётшунослигимизда «Мифтоҳул-адл» узоқ йиллар XIV аср адабий ёдгорлиги деб келинди. Аммо, 1960 йилларда В.Зоҳидов унинг XVI асрга мансублиги, муаллифи Хожа эканлигини аниқлади.<sup>1</sup> «Мифтоҳул-адл» ўн беш бобдан иборат. Улар Олимлар баёни, одил султонлар баёни, золим султонлар баёни, Султонларга мутеъ бўлмоқнинг баёни, султонлар вазирлар билан маслаҳатлашиши, ҳукм қилмоқ баёни каби номлар билан аталган. қолган 9 бобда фақат назарий-дидактик фикрлар баён қилинади. Ҳикоялар берилмайди.

---

<sup>1</sup> В.Зоҳидов. Ўзбек адабиёти тарихидан. Т., 1961

«Мифтоҳул-адл» Шайбонийхоннинг ўғли шахзода Темур султонга бағишланади. Асар тузилиш жиҳатидан «Гулзор» га яқин. Унда ҳам назарий-дидактик фикрлар, ҳикоядан кейин ёзувчининг хулосаси берилади. «Мифтоҳул- адл» да ҳам қирққа яқин ҳикоя жамланган.

Хожа ҳикояларида ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий ғоялар илгари сурилган. Унинг тимсоллар қамрови турли-туман. Подшоҳлар, вазирлар, Чўпон, шайх, мурид, камбағал кампир, пайғамбарлар, ҳатто пашша, ел каби образлар мажмуига дуч келамиз. Ҳикояларнинг тили содда ва равон. Уларнинг яратилишига халқ оғзаки ижоди намуналари, Низомий, Навоий асарларидаги турли сюжетлар туртки ва асос бўлган. Хожанинг мақсади ҳам, бизнингча, форс-тожик адабиётидаги ибратли сюжетлар билан, юқорида таъкидлаганимиздек, туркийзабон қавмни таништириш бўлган. Аммо, у ҳеч бир мавзуни, фольклордан оладими, форс-

тожик адабиётидан оладими, айнан келтирмайди. Уларни қайта ишлайди. Ўз фантазияси билан бойитиб, замонавийлаштиради. Асардаги ғояларни теранлаштиради. Ўзининг донолик ва ҳикматларга бой ҳаётий хулосаларини ҳикоялар замирига сингдиради. Бу жиҳатдан унинг «Искандар ва Чин хоқони» ҳикояси ибратлидир. Унинг қисқача мазмуни куйидагича: Искандар Чин мамлакати мусодараси учун отланади. Хоқон қон тўкишдан сақланиб, Искандарга таслим бўлади. Уни кечки зиёфатга таклиф этади. Дастурхонга олтин ва кумуш идишларни бўш қўяди. Искандар овқати қани деб сўраганда, хоқон сенинг мақсадинг ош эмас, балки олтин, кумушлар-ку ! Шунинг учун қон тўкасан-ку деб хижолат қилади. Низомий ва Навоий «Ҳамса»сида ҳам шу мазмун берилган. Аммо, уларда хоқон Искандарни ош-овқатлар, ноёб тухфалар билан кутиб олишади. Демак, ҳикояга Хожа киритган кичик янгилик жуда катта



моҳиятга, доноликка эга. Асардаги хирож тўлаш борасидаги тасвирда ҳам ҳикоянависнинг маҳорати аён кўринади. Худди шунга ўхшаш топқирлик ва моҳирлик намуналарини Хожанинг «Луқмони Ҳаким; Шайх ва мурид; Ҳорун ар-Рашид; Нўширавон, кампир ва Озарбайжон беги; Султон Маҳмуд ва толибул-илм каби ҳикояларида ҳам кўрамиз.

Унинг айрим ҳикояларида халқ оғзаки ижодига хос белгилар кўзга ташланади. Жумладан, улар эртақлардагидек «айтурлар, дебдурлар, нақл қилурлар» каби иборалар билан бошланиб, қиссадан-ҳисса чиқариш билан яқунланади.

Хожа асарларида ифодаланган ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий мавзулар бугун учун ҳам ибратли. Ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

## қул Убайдийнинг ўзбек мумтоз адабиётида тутган ўрни (1487- 1540)

Ўрганилиши. Кўплаб шоҳ - шоирлар қисмати каби узоқ йиллар унинг ҳаёти ва ижоди илмий нуқтаи назардан ўрганилмай келинди. Аммо, бизгача кўп манбаларда маълумотлар етиб келган. Ўз замонасида – XVI асрдаёқ яратилган тарихий, илмий, тазкира асарларда унинг сиёсий фаолияти, ғайрат – шижоати, ноёб истеъдод эгаси эканлиги, мероси ҳақида қимматли далилларни кўрамиз. Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъул вақоеъ», Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музақкири аҳбоб», Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома” «Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома», Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарлари кабилар ана шундай муҳим манбалардир. Убайдий ижоди /арб олимлари эътиборига ҳам тушган. Машҳур адабиётшунос олим Фитрат

ўзининг мақолаларида Убайдийга юқори баҳо берган. Шоҳ ва шоир фаолиятини ўрганиш мустақиллик даврида янги босқичга кўтарилди. Унинг ижоди илмий нуқтаи назардан изчил тадқиқ этила бошланди. 2000 йилда Муҳаммад Абдуллаев «Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти» мавзуида фан номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди<sup>1</sup>.

Асарларидан намуналар крилл алифбосида 1994 йил «Вафо қилсанг»<sup>2</sup>, 2000 йил «Ишқ дафтари»<sup>3</sup> мажмуаларида, 2005 йил «Муҳаббат тароналари»<sup>4</sup> номли рубойлар тўпламида чоп этилди.

Таржимаи ҳоли. Убайдий 1487 йил Хоразмда Вазир шаҳри яқинида (амакиси Шайбонийхон ва отаси Маҳмуд Султонларнинг Хоразмга юриши пайтида) туғилган. Отасининг пири Убайдуллоҳ Хожа Аҳрори Вали унга ўз

---

<sup>1</sup> Абдуллаев М. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Автореферат. Т.: 2000.

<sup>2</sup> Убайдий. Вафо қилсанг. Т.: 1994.

<sup>3</sup> Ишқ дафтари. Рубойлар. Т.: 2000.

<sup>4</sup> Муҳаббат тароналари. Рубойлар. Т.: 2004.

исмини беради. У отасининг ёлғиз ўғли бўлган. Ёшлиги Бухорода кечган. У Амир Абдулло Яманий (Мир Араб), Хожа Муҳаммад Садр каби алломалардан таҳсил олган. Убайдийнинг, айниқса, Абдулло Яманийга ихлоси кучли эди. У Хожа Аҳрорнинг, улар Яъқуб Чархийнинг, улар эса Баҳовуддин Нақшбанднинг муридлари эди. Убайдуллохон ўз фаолияти давомида Мир Араб билан ҳамиша маслаҳатлашиб иш олиб боради. Бу фикримизни «Бадоеъул – вақоеъ» ва «Музақкири аҳбоб»да келтирилган кўп далиллар тасдиқлайди.

Убайдуллохон саркарда сифатида жуда шижоатли, тадбиркор эди. Ўзбекхонларнинг 1511-1512 йилларда Мовароуннаҳрни қайта эгаллашида уч минг кишилиқ кўшин билан 60 минг кишига қарши жанг қилиб ғалабага эришгани, Шайбонийхоннинг кўп зафарлари ҳам Убайдуллохон матонати

натижаси эканлиги манбаларда эътироф этилади.

Отаси Маҳмуд Султон вафотидан кейин(1504 йил) амакиси Шайбонийхон уни Бухорога ҳоким этиб тайинлайди. 1533 йилда эса Убайдуллохон пойтахтни Самарқанддан Бухорога кўчиришга мажбур бўлади ва бош хонлик маросимини ўша шаҳарда ўтказди. Ўз номига хутба ўқитади. Шундан сўнг у умрининг охиригача-1540 йилгача Бухоро хонлигини бошқаради. Ундан Абдулазизхон ва Муҳаммадраҳимхон исмли ўғиллар қолди. Абдулазизхон отасидан сўнг 1540-1550 йилларда хонлик қилди.

Убайдуллохон ўз даврида шариат қонунларини бидъатлардан холи сақлашга катта эътибор қаратди. Уларнинг амалиётини назорат қилиб борди. Бухорода боғлар барпо қилди. Мир Араб мадрасаси, Кўҳак дарёсидаги Меҳтар қосим кўприги каби иншоотлар қурдирди.

У ижодкор – шоир сифатида илм-фан, санъат, адабиёт равнакига кенг йўл очади. Ҳар куни Бухоро шахрининг фозил, олим ва шоирларини жамлаб суҳбатлар, мушоиралар уюштиради.

Маълумки, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маданий ҳаётнинг энг гуллаган даври Ҳусайн Бойқаро(Жомий ва Навоий) замонига тўғри келади. Мирзо Ҳайдар ўзининг «Тарихи Рашидий» асарида Убайдуллоҳон давридаги Бухоро маданий ҳаётига «Бухоро Ҳирот ва Ҳусайн Бойқаро замонини эслатади» дея жуда юқори баҳо беради. У Убайдийнинг «барча фазилатлар билан безанган» шахс эканлигини эътироф этади. Бир қанча манбаларда унинг салтанат ташвишлари билан бандлигига қарамасдан, тиришқоқлик билан илм ўрганганлиги, вақтдан ниҳоятда унумли фойдаланганлиги, уни ҳеч беҳуда кетказмагани эътироф этилади.

Убайдий серқирра истеъдод, билим ва тафаккур кўламига эга эди. У ҳадис

илмида Хожа Мавлоно Исфаҳонийнинг, фикҳда Мавлоно Маҳмуд Азизоннинг, куръон кироатида Мавлоно Ёрмуҳаммад қорий каби замонасининг пешқадам алломаларининг шогирди эди. Шу боисдан бу йўналишлардаги фаолиятида чуқур билим ва асосли далилларга таянганлиги яққол кўзга ташланади. У куръон кироатида тажвидсиз ўқишни ножоиз санаган. Туркий тилда куръонга Тафсир ёзган. Фикҳга бағишланган рисола ҳам яратган.

У етти хил ҳуснихатда ёза олган. Насх хатини ёзишда маҳорати беқиёс бўлган. Мусиқа илмининг билимдони, чалувчи созанда, куйловчи навозанда сифатида замондошларининг таҳсинига сазовор эди.

*Адабий мероси.* Óáàéäéé øìèð ñèòàòèäà óóðê, ôîðñ, àðáá òèèèàðèäà èæíä këèäáí. Áèçãà óíèíã ó÷àèà òèèäà ÿðàòãáí àñàðèäðè æàìèáíãáí, 695 ñàùèòàãáí éáíðàò “Éóèèè,ò”è àòèá èãèãáí. Óíèíã 4-200- áàòèäðèäà ôîðñèé, 201-210- áàòèäðèäà

àðàáéé, 211-695-áàòëàðèää òóðèèè àñàðëàðè æíéëàøãáí.

«Сустлик таъбнинг бўшашишига сабаб бўлади ва зеҳни ўтмаслаштиради» деган тамойилга қатъий амал қилган Убайдий замондош ижодкорларни ҳар куни ижод билан шуғулланишга даъват этган. Уларга раҳнамолик қилган

Убайдийнинг ижодкор сифатида Хусрав Деҳлавий, Жомий, Котибий асарларига ихлоси баланд бўлган. Адабиётни теран англаган. Тафаккури кенг миқёсли бўлган. Ҳатто, замондошлари хон билан учрашишдан олдин, имтиҳонга бораётган талаба каби, кўп китоблар ўқиб, шеърлар ёдлаб, янги асарлар яратиб боришга ҳаракат қилишганини эслашади. Чунки унинг тафаккур кўлами суҳбатдошидан чуқур билимдонликни, донишмандликни тақозо қилар эди.

Øíèð “Êóëë, ò”èíéíã üãííà kûë, çìà íóñðàñè Ûçááèèñòíí Ôáíèàð àèàááíèÿñè Ááó Ðàéúíí Ááðóíéé ííèääãè Øàðқóóíñèèè



είπὸεὐόοὲ κῦε,çìàèàð ôííäèää 8931 ðàκàìè  
áεεàì ñàκεàíàäè. Óíεíã òàðèèéäèää ó÷ òεèäääè  
àñàðèäðääí òόçεèääí äääííääí òàøκαδè äεíεé-  
τασаввуфий, ахлокий- äèääèòèè ðóùäääè  
“Íííàòííà”, “Øääκίíà”, “/áέðàòííà”,  
“Ñääðííà” ìàñíàäèèèäè ùàì áíð.

Óääéäèè íóìòíç ääääè,òíεíã êùíèää  
èèðèè æáíðèäðèää καèàì òááðàòääí. Άέίεκñà,  
óíεíã γαçàè, ðóáíèé, ùèèìàò, òόρκ èääè  
æáíðèäðääè ìàùíðàòè äεκκàòää ñαçíàòð.

Óääéäèèéíεíã ùçáäè òεèèäääè äääííèää  
310ääí íðòεκ γαçàèè ìääæóä. Óèäð ìääçó  
æèùàòèèääí ðáíã-áàðáíã. Íèàì äà ìääì κεñíàòè  
билан боғлик барча масалаларга  
íóííñàáàòèèè êùðàìèç. Óíεíã èèðèè κàùðáííè  
ùà,ò ìαçíóíεíè ÷όκóð áíãèäèèè. Øíù áúèèèèää  
κàðáíäé, äóí,íεíã ùòèèí÷è, ýèòèðík  
æèèääèäðèää àèääííäèèè. Èíñííè èàìíèää  
áòèèαçóá÷è Άñè Ìακñàääääí ÷àèγèíäèèè.  
κóεèäääè γαçàèèää øíèð äóí,κàðàøííεíã øó  
æèùàòèè ùç èòíàñèíèè òííääí:

Úíñèèó èääíó ìàèíí êýñíääà áεð ðαñáóð  
ìáíãà,

Óøáo ùèmiàò èèèè îëàì è÷èää àañäóð  
iáíã.

Ùàì êûðyíãñ åð þçè áèð òèðíκ÷àèèì,  
Åòèè êûè àéáííè áèð òìκè íóκαðíãñäyρ  
манà<sup>1</sup>.

Óáàéäèé κóðúííè Êàðèì, ùàäèñè øàðèò  
fÿÿèðèìè íóèàììäè ýãäèèããàì. Øó ñãáááèè ó  
áóí,, ùà,ò, òèðèèèèè àà èíñíí ìùèÿòèìè òãðàì  
ìóøùàää ýòääè. Øìèð øåúðèàðèää àòàè÷è  
iàãçó èøκ. Ó iàæíçèé íóùáááàò ùàκèää ñûç  
àéòãáíãà ùàì èèìùèé íóùáááàò íàçàðèèáì ÷àòää  
κíèìàèèè. Øóíèíã ó÷óí, óíèíã fàçàèèàðèèãèè  
èøκ òóøóí÷àñèìè èèèèãà àæðàòèá áúèìàéèè.  
Ôèòðàò Óáàéäèéíèíã øìèðèèè iàκíìè ùàκèää  
ãàìèðèé: “Óáàéäèéèèè øìèð ùàì íóòàñããáóò  
øìèðèèè... Óíèíã ôíðñè÷à àèð fàçàèèè iàøùóð  
ìóòàñããáóò Ìàðãóìè Áúçàì òìííèèèè òàñããáóò  
òñèóáèèèè øàðù κèèèííí”<sup>2</sup>, -ããÿ áàùí áãðãèè.

<sup>1</sup> +ул Убайдий. Вафо =илсанг. Тошкент., 1994, 5-бет. Кейинги парчаларнинг сашифаси кырсатилади.

<sup>2</sup> Фитрат. Ясавий мактаби шоирлари тырисида текширишлар. Ясавий ким эди? Ма=олалар ва шикматлар. Т.: А. +одирий номидаги хал= мероси нашриёти, 1994, 3

Ìáúëóíêè, âàùääòè áóæöä, Oëëù  
 àãñëèã àòèø òàñàâáóô òáúëèíðèíéíã áíø  
 ãÿñè. Áó ìàκíìãà ÿñà òàκàò èøκ âíñèòàñè  
 áèèáíãéíà ÿðèøèø íóíêéí. Øó ñàáááèè, íóíòøç  
 àáááè,òèìèçää èøκκà éíñííè ðóúèè  
 êáíãèèèäðãà áíøëíâ÷è âíñèòà ñèòàòèää  
 κàðàèääè. Ó ááð÷à òíð κàòàñèäðääí, ãàì-  
 ãóññàèäðääí êÿíãèèèè íçíã κèèääè. Óíè  
 úòðèèèèè íøíí ÿòääè. Óáàèèèè èèðèè  
 κàúðàííè ùàì íèàì àà íääíèè áíà øó -æííáàðø  
 èøκ âíñèòàñè áèèáí áíãèèèèè. Ó ìðκàèè  
 èàùçàèèèè ìàâçóèèèè òñòèèèèè ãàèääà κíçííà  
 íèääè:

**Èøκèíãää ñáíéíã ãóèçóèè ìèàìãà  
 ñíèóðíéí,**

**Èøκèíã ñèñíùè áèðèè áó ìèàìíè  
 ìèóðíéí...(30-áет)**

ïèè:

**Øíã áèèèá áíéíã ,àè áèèè òàñòà  
 êúíãÿéíè,**

**Ûçèíè ãàìó ãóññàèèè íçíã  
 ÿòääóðíéí.(31-бет)**

Шарият аҳкомларининг қаттиқ  
 ҳимоячиси бўлишига қарамай, шоирнинг

айрим шеърларида ишқ зуҳду вараъдан  
устун келган руҳий ҳолатлар тасвирини  
ҳам кузатамиз:

Зухду вараим дафтарин,эй банда  
Убайдий,

Бир-бир қилибон, ишқида барбод  
этадурмен(31).

Шоирнинг «Музаккири аҳбоб»  
тазкирасида бир форсий ғазали  
келтирилган. Унда лирик қаҳрамон  
кўнглидаги Оллоҳга ишқнинг қанчалар  
юксак даражада эканлигини ҳис қиламиз.  
Ишқ мақомининг рамзига айланган Робия  
ал-Адавия ҳақидаги ривоятда муҳаббати  
оташининг баландлигидан ҳайратда  
Каъба унинг зиёратига боргани эътироф  
этилади. Убайдий лирик қаҳрамони ҳам  
ишқ рутбасида ўзини шундай юксакда  
ҳис қилади. Ва бу туйғуни ошкор  
этишдан ҳайикмайди:

Бўйи арбоби вафо аз гули мо  
меояд,

Каъба зи он рў ба тавофи дили мо  
меояд



äåðäè øèôî òïîãáí äèè áúëñà Óááéäèé áèçíéíã  
íóðíãèãà àðíããáí äèèèìèçíé òááíð ÿóããèè  
èãèããóð.

Øáúðèÿò- éíñíí ðòùèÿòèíè, áíðèíéíè  
òàèκéí ÿóóã÷è íáéãíí, êúíãèè íóèèèãà ñà, ùàò.  
Øó ñããããèè Óááéäèé øáúðèÿòèãà éíñíííè  
áíãèãø, óíè òóøóíèøãà äáúããò áðàè÷èèèè  
κèèããè. Ùàòòí, èèðèè κàχρàíííéíã æèíÿò÷èãà  
íóíñãããòè ùàí ùçãã÷à. Ó éíñíííéíã æèíÿò÷èãà  
áéèáíèø ñããããèðèéè òúγðè òóøÿíèøãà  
÷íðèáéèè. Óèãðãà ùàí éíñíííãðããðèèè íóκòàè  
íãçàðèããáí, íããøèø èøçèèèèèèè èÿτιборни  
καταди. Унинг боисини àððíð- íóùèòããáí,  
èæòèíèèèè ùà, ò òàðçèèããáí èçèáéèèè. Áó ÿñà  
áèçíé Óááéäèéíéíã òàκàò øíèð ÿíãñ áãèèè øíù  
ñèòãòèèããèèè òãçèèãòèãðèèèè ùàí áíðãããð  
κèèããèè:

**Æèíÿò àχèèãà êúí òáúíã òðíãγèè  
çèíúð,**

**Êúκ óè ñèòãò èèøèèè, áÿèíãγàè  
ðè, íãòñèç. (14-бет)**

Íãκóãáíáíííèèè òàððèκàòèíéíã “Ùóø äãð  
ããí, íãçàð áãð κãããí” àκèããñèíéíã çàíèðèèè  
γáíèíãòèèèèèè áíãèãøãà äáúããò ùàí

ñeíãäèðeēãáí. Øóíãáí êãèèá ÷èκεά Óááèéàèè  
øáúðeäðeäã ìãâæöæèèéíè, éíñoííè γαίεíàò  
βeèèø, óíeíã ìíííàòèèèéíè áíãèàø, καäðeäø êãéè  
туйғулар уàì ûç èôíããñèíè èííãáí:

**Äèéãíð γαίεíàò òóðóð, ýé òãèãá  
Óááèéèé,**

**Äèéãíðèèéí àeðeèíàèè, äèéãíð òííèèíã  
(14-бет).**

Óááèéèé γαçãèèäðeäããè ûçèãã òíñèèè  
ðíño òóéγóèäðíeíã èуeèáíèøeäã óeäðíeíã  
ñàìèíèèé, òãáèèé èòíããèàð, òãñãèðeäð ìðκãèè  
áà,í ýòeèèøeäã уàì èúðeíããè. Õàèκ æííèè  
ñúçèàøóã òñèóáèγà үκèí èáíðãèäð, ñúçèäð  
òèçèìèèèáí ìùèðííà òíéããèàíããè. Áó  
øáúðeγτιδαγí ãíãããèèè äã ãàìèìèèèèèèèèèè àóèñ  
áúèããè:

**Ìãíè çíð ýòðeíã, ýé èúíãèè, äãìã óè íé  
æãííèèèè,**

**Èèíèè, ãáí áíγè ìãíããè àeðíããã çíð  
áúèγãèñáí (27-бет).**

“èè:

**Ìãí èúíãуè äãðãèγã èèγèäðíáí, èúíãуè уàì  
úíèèèà,**

**Ìáí áíãà ùàéðíñáíó óë äîġè ùàéðíñáóð ùáíãà (7-βετ).**

Øîēð ġaçàēēàðè κεñκà ùàæìēē. Àñññáí 5-7 ááéòääí éáíðàò. Àìì, óēàðää òóããē àà éáíã καιðíãēē, ÷όκóð ìàçìóíēē òēēðēàð áà, í ýòēēääí. Èôíãà òñēóáē ùçēãà òíñ. Õàēκíãà, ññããà, áíεκ, ùēēìàò àà ìàκíēēàððãà ìíáíã òóēíñãēàð áà, í κεēããē. /àçàēēàððēãà êóòēēìããáí, æóðúàòèи хулосалар êãèòēðēēããē. Áēðéí÷è ìēñðããà êãèòēðēēããí òãçēñãà 2-ìēñðããà ùàéðãòííóç εçíùēàð áãðēēããē. Øîù Óááéãééíéíã òááéãòēãà òíñ æãññðàò, æóðúàò ġaçàēēàððēãà çãì ùçííí ìáí, í ýòããē.

**Õàãðēíē äãġè íã ñúðãñéí, çíð Óááéãéé,**

**βðè áéēà ýðøèġ, ìí áéēà ìíñáí(28-βετ).**

Íãáíēē, Áíáóð èæíãēãà ýùòēðíí áéēáí κãðããáí Óááéãéé ðóáíēéíããēñēēããà ùàì óēãð εçēãáí áíðãē. Íãáíēē èæíãē äãáíēēãà 700ãáí ìðòεκ, Áíáóð 230ãáí ìðòεκ ðóáíēē ýðãòããáí áúēñà, Óááéãééíéíã òóðēēē äãáíēēãà 485ãáí ìðòεκ, òíðñēē äãáíēēãà 418òà ðóáíēēñē



èèðèòèëääí. Äáíàè, Óááéäéé ûçáâè áääè, òèää  
ýíá êûî-900ääí îðòèκ δόάίεé èæíá κèëääí øíèð  
ñèòàòèää κàäðèè.

Ó δόάίεé æáíðèää òàκàò ñíí æèùàòääí  
ýíàñ, ááèèè ìàçíóí, îùèÿò æèùàòèääí ùàì  
ûκóâ÷èíè ùàèðàòöà ñíèàäèääí àñàðèäð ÿðàòà  
îèääí. Óèàðíè øàðòèè ðààèøää ìàâçòñèèà  
êùðà ó÷ òóðää áûèàìèç: 1.Îèèκííà 2.Äðèíκèé-  
æèääèòèè 3.Îðèòííà éúíàèèøðàγι ρυβοιηλαρ.

Øíèð δόάίεéèàðè èè÷èè ùàæíàà ýãà  
áûèèøèèà κàðàìàé, ûκóâ÷è èæκκàòèéè æèèá  
ýóóâ÷è òóãóí, òèèð àà òóéçóèäð ðèáíæè,  
â÷èìääí èáíðàò ûçèèà òíñ êíííçèòèÿàà ýãà.  
Äàñòèèà ìóðèèñàà òèèð àà ñàáíèèäð  
óéçíòóóâ÷è òàçèñèèäð ùðòààà òàøèàìéá ñúíá  
àñíñèé òóèíà áà, í ýòèèääè. Áó δόάίηíääè  
ìáíòèκèé ÿðèèòèèèé, èç÷èè áíçèèκèèèé  
òàúíèíèèèèè:

**Áóéáóèçà äääèèèè, áóè ýíà  
ñÿèçóñèèèè,**

**Éúíàèóíá çàíó áíáóù áèèà  
òùèçóñèèèè.**

**Áóéáóè äääè: “-Ýé áûñò,-ìáíà ñíèà  
κèèèá,-**

**Òακᾱèðè ðóáíé íᾱ áúēñà, óē áúēγóñèᾱèð”(42-βετ).**

Óøáo ðóáίηíᾱᾱ ñᾱâîē-ᾱᾱâíᾱ óñöèiéì κῠēèᾱø ÷όκόð ðóùèé äðàìàòèè ìàίçàðáíé èôîᾱᾱèᾱø, òèìñîēèᾱð κè,ôàñèiéì íéᾱèíðîκ ,ðèèèø èìèíííéì áᾱðᾱáí. Øîèð èíñîí òᾱᾱᾱèòèéíᾱ çèᾱᾱèÿòèè èᾱ÷èìᾱðèié òᾱᾱèèè òᾱñᾱèðèᾱøᾱ ḡðèøᾱ ìēᾱáí. Ἀέðèì ðóáíèèᾱèᾱðèᾱᾱ ḡñᾱ, ᾱᾱñòèᾱᾱ, ÷όκόð ìᾱçîíóíèè ùᾱ,òèè ðóèñᾱ ᾱᾱðèèèᾱ, èᾱèèì óíᾱáí èèðèè κᾱùðᾱíí ðóùèèÿòèéì øᾱðùèᾱø ó÷óí òîéᾱᾱèᾱíᾱᾱè:

**Ýé ,ð, êúíᾱÿè èøèéè ᾱóçÿᾱ áúèìᾱéᾱóð,**

**Ἀγ,ð ᾱᾱòîñèγᾱ òúçÿᾱ<sup>1</sup> áúèìᾱéᾱóð.**

**Ùᾱð íᾱ÷ᾱ ὄçᾱé êúíᾱèÿíèè ᾱᾱðîᾱí ñᾱíᾱéí,**

**Ñᾱíᾱᾱê èèøèðìν êúíᾱÿè ὄçóᾱ áúèìᾱéᾱóð.**

Êúíᾱèè –òèèñèì. Óíè ᾱíᾱèᾱø ìóøéóè. Ó ṽᾱð ᾱíèì ṽᾱì èíñîí ðîñèèøèᾱᾱ áúèñóíᾱᾱðìᾱéᾱè. Øîèð ᾱíᾱ øó ìóðᾱèèᾱᾱ ìᾱᾱᾱóᾱèèèèíᾱ ᾱñðîðèéè ᾱíᾱèᾱøᾱᾱ èíðèèᾱᾱè. Óóñóñᾱí, ñᾱíᾱᾱè èèèè ìèñðᾱᾱᾱ óíéíᾱ ᾱíø ñᾱÿñè èðîᾱᾱèᾱíᾱᾱè. Ìᾱùíðᾱò ᾱèèᾱí κῠèèᾱíᾱᾱí òèèð ᾱᾱ ñᾱçèᾱð òèçèèè èíñîí

---

<sup>1</sup> тызмо= - чидамо= маъносида.



**Ýé äàðáåøëàð, ùàìèøà  
äàðáåøëëäèèç!(94-бет)**

Ó îøèëäðííã, ñÿôèèèäðííã  
èàìäèèäèèè ñãðæèè ðóùèè äóí,ñèíè èèðàí  
èäðíè êèèäèè. Óèäðíè êàäðèèèè àà ðκíðè  
áàùí ááðäèè :

**Óè κààì àñèðè äñèè χèæðííäèðèð,  
Óóíðκ áèèáí ÿèðáíáó ÿèñííäèðèð.  
Äàðáåø èàèè äÿèñààà óèèð  
ñóáðàðèè,**

**Ìàúí ìèàìèèè øíóó ñóèðííäèðèèð (95-  
бет).**

Äóí,íííã ÿòèèí÷èèèèèè, ùà,òíííã  
ìàçíóí àà ìàκñáäèèè áíãèàøíííã ùçè ìí,ç  
ðàçèèèèèè. ×óíèè èíñíí ðóíáà òùñè èúèèè  
àààøíííèè. Æαχίνè ÿáèèèèèè Èñèáíáàð ùàí  
ùà,ðèíííã ñíííèèè èúííèèè àèð äÿøèèκñè  
χèñ êèèèèèè, èíñííèèèè èáðàð ó÷óí ðíáóðèè  
äÿø κÿèèèè ÷èκàðèá κúèèèèè ààñèèèè êèèèè.  
Ó áííèèè àðèèè ðàðíñèíííã èáèèèèè àáèèè  
ùà,ðèèèè êèèèèèèèèèèèèè èñòèèèè. Óáèèèèè  
ùàí ðóèè øóííèèè ùç òàæðèèèèèèèèèèèè,

êe÷éíiàèàðèäái ñááík áeðèøíè íóuèì äáá  
ùèñíáèàéèè:

Úóèíèíãää ìããð ììèèèàòè Ìèñðó  
βíái,

Ôaðííèíãää íóèè Õèòíé ùàìää  
Õúòái,

Áíð áíèèèãèíè èèññàíã-ää áð ñçèíèíã,  
Ýé øíù, æàùííääí ÿòññái áèòòà  
èàòái!(85-βετ)

Éíñíí ñðããèää ÿçãóèèè àà ,âóçèèè  
κóòòèèè ìääæóä. ``âóçèèè ñíèèá áúèääí  
âóæóä κúðκεί÷èèèèð. ×óíèè ó òàκàò ùçèíè  
ýíãñ, áãèèè àððíòääãèèèðíè ùàì íóáíçáíàòääí  
÷èκàðääè. Íèèíúääí óçíκèàøèðèðääè. Øíèð  
ìèðèè κàùðàííèè ùàì àíà øóíääé ùíèàòää  
òóøèøääí ðääíðèðää. Óíèíã øáúðèÿðèää íèàì  
ííùèÿòè ùàκèääãè ðàèñàðèè íóøíúääãèèèð áèèái  
áèð κàòíðää, áíà øóíääé íääèè èíñííèè  
èçòèðíèèèð, ääðáó àðíííèèèð ùàì ùç èòíääñèíè  
ðííääí:

Ýé äèè, ìáíè íà äááó, íà äää  
κúðκèòääé,

`` áéáó ãóííùèèð áäääää κúðκèòääé.

**Îèàìäà áóèàðäàí ñèðà éúκ ðàâðèκ,  
ëäé**

**Äûñð éúíãèèääè èείó ùàñää  
κúðκèðääé.**

Øíèð èèðèè καὐðαιίè äóí,íείã ìàèää  
òóεγóèàðèääí áαçääíää, óíääí ðàèíñ áúèèø  
éúèείè èçèèèè. "ðóγ ðà, èèàð, ίóðèè ìáιçèèèàð  
ñàðè éίòèèääè. Èøκκà ðàèíñèíðèèè víñèðàñè  
ñèðàòèèää íèèääíð áίκääè:

**Øíèèé áó çàíí γαìèääí àðñíà áúèèé,  
Àðñíàéι ùàð ίκèèó ðàðçíà áúèèé.  
Îøèκ áúèèð èèèè æàùííääí êà÷èáíí  
Áèð Èàèèèèèèèè èøκèää ìàðáííà  
áúèèè(95-βετ).**

Øíèð èèðèè καὐðαιίí κè, ðàñείè èøκίείã  
òóðèè ðóυèè ñíγíàèàðèää ðàèκεί γòääè.  
Ááύçáí ìàæíçèè ìàυðó ίóυάάάò ðàñàèðèää,  
ááύçáí ýñà Îèèùää áúèèè èøκ, èείíí, γύðèκíã  
òóεγóèàðèää äó÷ èàèèèè. Ááύçáí èøκίείã γíã  
ðèñàè ìυðòáíàèàðèää áαχóäγ ááυóø, υçείè  
óίγòääí ίøèκ êà÷èíàèàðè äá,íείè èυðàìèç.  
Óèàðää ìàððááííà ðóυ àà óñèóá  
òñòóáíðèèèèèèèè äóáíùè áúèèèèè:



қооқаоғо÷è ÷èí ðíùè ñàèñàò  
ооëäèð(88-бет).

Биз Оллоҳга муҳаббат кўйишни,  
кўнглимиздан унга макон ажратишни  
баъзан тор мистик доирада тушунамиз.  
Аммо, унга ишқимиз риёсиз, соф бўлса,  
бизни у кўп кулфатлардан омон сақлайди.  
қалбимизни қулликдан озод этади. Бизни  
лоқайдлик ва ғафлатдан хушёрлантириб,  
кўнглимизга тириклик ва ҳаёт бахш  
этади. Шоир лирик «мен»и ҳам худди  
шундай фикрда:

Ким Ҳақни унутса – ўша ғофил  
бўлмай,

Кўнгли ўлару, тупроқ ила гил  
бўлмай.

Ким кўнглига Ҳақ ёди била берса  
ҳаёт,

Ул икки жаҳонда барҳаёт дил  
бўлмай! (88-бет.)

Ёíãèèç òóðèøóíñè ß. Ýèìáí  
“Óáàèäèéíèíã áèðèí÷è ðèçíàòè ×èғàòíé  
àããáè,òèää ùèèíàò øàèèèèè  
æóíèáíòèðèðèíäèèð”, äãá ááùí беради.



Фитрат ҳам XVI аср адабиётига баҳо  
 áàðàð ýêáí, “ßññàâéé ìàèòàâé ñàðíéãà÷à  
 êùòàððèëãàíéíè” òàúéèëääá ùòàâè. Àéãàòòà,  
 Óááéäèéíéíã ùçàâè íóíòíç áããáé,òèääãè ùðíé  
 òàκαò òó æàíð òàèíèèè èèèáí áãéãèèáííãñàãà,  
 Àùìää ßññàâéé çàííéääí èáééí òýðò àñð èàí  
 κýèèáíèèãáí ùèèìàò øíèð èæíäèää ýíà òàíè  
 æàíðãà àéèáíãáíéíè ýúòèðîò ýòèø èíçèì. Óíéíã  
 äãáííèãà 1786 ááéòääí èáíðàò 235òà ùèèìàòè  
 èèðèòèèãáí.

“Ààôî κèññàíã” òùíèàìèää øíèðíéíã  
 òóðκèàðèääí ùàì ìàìóíàèàð áàððèèãáí. Óíãáí  
 óøáó æàíðãà ìàíñóá 5òà àñàðè æíé ìèãáí.  
 Óèàðíéíã áàð÷àñèää øíèðíéíã ññùç  
 òíãèáíèèèàðèääí, màúíòàéé æèèíèàðèääí  
 ìàùíðàò áèèáí òíéääèáíãáíéíéíã ãóáîùè áùèàìèç.  
 Ó øàèè áà ìàçìóííéíã ìòðàííñèá óéçóíèèèèãà  
 ýðèøà ìèãáé. Óãðáí òèèðèàð, èùèàíáíð  
 òóèíñàèàðíè ùçíãà òíñ, ýíãè÷à òàñãèèð òèçèìè  
 áíñèòàñèää èðíãàèèèèè. Óóðκèàð ìàáçó  
 æèùàòääí ùàì èáíã κàíðíãèè. Óèàðãà áíèçàðá  
 èæòèíèèè ìãñàèèèèè, ìàðäèèè áà æàñíðàòòà  
 ÷íðèòà÷è èíèèè àðèíκèè òóøóí÷àèàð áà

αίυίαάέε εοκιέ εα÷είιlääð ûç èôiañéιέ  
òĩĩáí.

Àĩĩ, Óááéäéé “Èóëë,ò”εää αίøkà  
øìèðäðíéíä äéðèì añäðëäðè ùàì äðäëäøéä  
êäòääí êüðéíääè:

**Cûġä è÷είιά ùëòóðóáóóð “άóëäð,  
“άóëäðíéíä ìéíäí ìèè ,άóëäð.  
“άóëäðíéíä èëäëñí ýë ðèñääè,  
“άóëäð óóðñéí áó äðäà , άóëäð.**

Óøáo óórkää “,άóëäð” ñûçè  
âĩñèòañëää òàæíèñ ýðàòèëääí. Ó÷ ùðéíää ó÷  
ìäúííää (1-ìèñpraää óðóġ ìíè, 2-ìèñðäää ìò  
óóðè, 4-ìèñðäää “,èè άóëäð” ìäúííñëää)  
kûëäíèëääí. 1566 éèëää ,çèëääí Ùañáíðíæä  
Íèñíðééíéíä “Íóçàêëèðè àúáíá” òàçèèðañëää  
áéíáí øó óórk Øáéáííéé κàëàìëää ìàíñóáëèèè  
áéòèëääè äà òüèèκ êäëòèðèëääè<sup>1</sup>. Ííøðíéíä  
ýúòèðíòè÷à, òàçèèðà ìóäëèèò ùà,òèëèè  
äääðèää êü÷èðèëääí kûè,çíà añññëää ìäøð  
ýòèëääí. Óááéäéé “Èóëë,òè” ýñà 1583  
èèëää Ìèð Ùóñàéí äè-Ùóñàéíèè òĩĩíéääí

---

<sup>1</sup> Ùañáíðíæä Íèñíðéé. Íóçàêëèðè àúáíá òíðñ ðèëèääí È.Ááëæíí  
òäðæèíañè Ó. 1993. 20-á. Á. +íäèðéé ìíèäääè ðäè= ìäðíñè  
íäøðè,òè.



Óáàéäéé íοίοιç ääääè,òäääè ýíã  
 ίοδαέεää æαίðèäðääí áèðè ίοàiîí áèòèø äà  
 å÷èø όñòèèäðèíè ùàì ίοèàiìäè ýääèèääái. Άóíè  
 κóèèäääè ñòúääò æαδà,íèääí áíãèø κèèéí  
 ýíãñ: “Øóíääí ñúíã äääèèäð (Óáàéäóèèíðíí –  
 È.À.): ίοàiîíèäðèíãèç όñèóáè òàðìèíái ìàβèóì  
 áúèäè. Êúîðìκ ίοàiîíèäðèíãèçíè ááíî òíîà  
 íèàiái. Άèð και÷à ,ääà κíèääí ίοàiîíèäðèíãèç  
 áúèñà, òíòèðää èäèòèðèá ,çèíã”. Íοàiîíèäðääí  
 áèð και÷ànè (79 òà) ,íèìää ýäè. Ùαçðàòè òíí  
 äääèèäð: ,çääí ííèäðèíãèçíè ù÷èðèíã. Ìái  
 äàðàκ áíèèäääè ííèäðíè ìèκρίç áèèái ù÷èðäèì  
 äà ùαçðàòè òííãà òíîèðäèì. Øó ίοàiîíèäðääí ùí  
 òúðòòànè ííèèè áèòèøää ýùòè,æ áúèäè.  
 κíèääíèèè ùαçðàòè Óáàéäóèèíðíí ííñèç  
 òííäèèäð...”<sup>2</sup>

Óáàéäéé èúí øíèðèäðíè ùçèää όñòíç  
 äää áèèääí, óèäðíèíã àñäðèäðèèè ίοòíèää  
 κèèèá, øåúðèýò ñèðó ñèííàòèèè ùðääíèá  
 áíðääí. Ó, áéíèκñà, Ìääèíí Êíòèáèèíèíã  
 èæíäèèää ýùòèðíí áèèái καðääái. Óíèíã  
 àñäðèäðèèää ùçè ùàì, çàíííáiø øíèðèäðè ùàì  
 íαçèðäèäð, òàðìèñèäð ,çèøääí. Άóíääí

---

<sup>2</sup> Ùøà àñäð. 48-á

Óááèäèéíéíã øáúðèÿòíè, óíéíã κῆῖ κεδδὰεὲ  
 ìáúíí-íñùèÿòèíè ÷ókód ùèñ κεῖóâ÷è,  
 íçèèòáùì øíèð ýèáíèèãéíè áíãèáéíèç. ×óíèè,  
 Êíòèáéè ùàκèää Íáâíèé “Íáæíèèñóí-íaòíèñ”  
 àñàðèíéíã I ìàæèèñèää ùòðíàò áèèáí ÿñèáèè.  
 Óíãã «...áíéíã àñðèèéí áó éóíãà÷à àíγα ρολιби  
 махз шеърнинг барча услубида киши  
 йўқтур», дея ρκíðè áàùí ááðàèè.

XVI àñðááí êáééíãè ùçááè áääáè,òéíè  
 òàáκèκ ýóãáí áääáè,òøóíñ íèè Òèòðàòíéíã  
 “Áó éóíãè ìàòðèàèèèðãà êúðà,  
 Óááèäòèèíóííè áó äááðíéíã ýíã ÿðøè øíèðè,  
 ááá κááóè κεῖèøãà òúϒðè êáèääè”<sup>4</sup> áããáí  
 òóèíñáãà êáèèøè βεζιζ эмас. ×óíèè ó “øáúð  
 èèíèàðèèà ñíùèáè òáí”<sup>1</sup> - ìàùíðàò ñíùèáè ýáè.  
 Øíèð øáúðèÿòèèãà κεῖéíãáí κèñκà ñà, ùàòááí  
 ùàí êúðèíéá òóðèááèèè, àñàðèàðè ìàçíóíè,  
 ìáúíí æèùàòèèáí κáí÷àèèè ñãðèêúèè àúèñà,  
 áááèíé ìàùíðàò íókòàè ìàçàðèèáí ùàí øóí÷àèèè  
 òàèðíðèáííáñèèð.

Øíèð øáúðèèàðè, ááááèí, ñíçèàð  
 òàçèíáñèíéíã ùçèãà òíñèèèè áèèáí àæðàèèè

<sup>4</sup> Òèòðàò. Òáíèáííáí àñàðèèð. Ò.,2000, 2 – æèèè. - ááò  
<sup>1</sup> Ùáñáíðíèèá Íèñíðèè. Íóçàèèèèè àùáíá, -βετ

óóðàäè. Èôîäà óñóëèíéíã ñîäãã, ðàëκííàëëèè  
óíé äèèäððãã ÿκéí ÿòããè. Æñððèäèéè ùκèð  
ÿèàíìç, áèçãã òàíèø òóéçóèäð òàññèððéíè  
èùðàìèç, ùàííãã ìàúéóí èã÷éíàèäíéíã  
ìóñããèððííà íí,á ÷èçãèèäèèãã äó÷ èãèàìèç:

**/óí÷à èàáè ìàéèííèèκ ùκè èúíãèóíà  
àðãã÷,**

**Ìàéèííéí àíéíã ìù ùκè áèðèà  
òàðíòèèáíáí(32-βετ).**

Èèèè ððããè ñèκèèããáíãã “ìù” òíððèèèèè  
øíèð ìàκãããð ÷èðíéèè øàðùèèãã áãððãí! Æàí,  
àññèèè òèíñèè - çóí÷ãããè èúíãóè ùàκèãã  
áíðÿìèè. Áó òèíñèè - ðíóκèèè, ñèκèèèáíéèèèè  
èòíãèèèèè. Óíããèè ìçíðèèð-ùκèèð. ððàèèè  
áíãèèèèè áãðèè ó÷óí “ìù” òíððèèèèè. Øíèð øó  
ùíèèèèè èçèèè òíñ òèíñèèèèè àà ñùçèèè òèçèèè  
áíñèèèèèè èçíùèèèèè: çóí÷ãããè ñèκèκ  
èúíãèóíãã àðããí ùκèèðíè “ìù” òíððèèèè ìðκàèè  
òàðκàòàíáí, ÷èκàðèè ààøèèèèíáí.

Õàèκííà ùèèíàðèèèèèè, èðíããíéíã  
òñòóáíðèèèèè øíèð øáúðèèèèèè òááèèèèèè  
áàçèèèèèè:

**Ìáí èúíãèè ààððèèè èèçèèèèèè, èúíãèè ùàí  
ùíèèèè,**

**Íáí àírà ùàéðíñáíó óë äîrè ùàéðíñáóð  
íàíãà (7-βερ).**

Ùàð êûíãëë – áéð òèëñèì. Óíë òûëëκ  
áíãëàø íóøëóë. Øóíëíã ó÷óí ùàì ðàëκ  
“áúëëìãáé áúë òííãèìó êûíãëëìãáé êûíãëë òííã  
íëìããèì” ääÿ àòñóñ ÷ãëëáí. Ùàκëκàòáí ùàì,  
ùà, òíë íóðáëêãáëàøòèðàãëëáí, êëøëãàðíë  
αçíãëëãëëãáí íáðñà áó – êûíãëë äãðãë, óíë  
áíãëëìãñëë êçòèðíãë. Βκòðëãããë ááéòãã øíëð  
ðóããë áíà øó ðóùëé γãë, ííë òãñãëðëãëë.  
Øíëð òíííëãáí ñûçëàð òèçëìë øóíããë  
òáíëãíãáíëë, óëàð ëèðëë “íáí”íëíã è÷êë  
èã÷ëíãããðëíë æóãã òãðáí òàëκéí ÿòà íëãáí.

Øíëð øáúðëÿòèãã òóéγóëáðíëíã íí, á  
òàëκéíëãðëíë íóìòíç äããáë, òãã êáíã κûëëáíãáí  
áããëëë ñáíúáòèãã äîñëòãñëãã íàùíðàò áéëáí  
èðíãããããáíëíë êûðáíëç:

**Óçíðëíë , øóðóá, ãóëíë òàøëããë “Íë!”  
ããá,**

**Íá íë ÿòãð íàíãà óë ñãðãë ãóë óçíðë  
áëëã.**

Óøáó ááéòããáí äãñòèãã íàùáóááíëíã  
òàøκë κë, òãñë – ñãðã êãáé κííàòë, ãóëíë  
ÿñëàòóã÷ë íàòëñ ÷áùðãñë áíðãñëãã òãñãããóð

uîñëë κεëàìεç, Àìîî, øìεð óíεíã òàáéàòε  
 ùàκεääãε ÷εçãëëàðíε ùàì øó κεñκà  
 ìεñðàëàððãã ñεíããëðà íεããε. Àεããòòà, áóíãã ó  
 ñûçëàðíεíã ìàúíòãéé æëëíεàððëääí ìàúíðàò  
 áεëàí óíεããëàíεø íðκãëé ýðεøããé. Óçíð, ãóé,  
 ñàððã, ãóëóçíð εãáε ñûçëàð òεçεìèíεíã ùçε,κ  
 ìàúáóáà ãûçàëëëãéíε òàúéëããøãã òεçíàò  
 κεëããí. Áóíε ðç, ÷ãùðà ñûçëàððëíεíã ìóκíβελε  
 “óçíð”íεíã κûëëàíεøëããíκ áíãëø ìóíεéí. Øíεð  
 ááéòãã “oë” ñûçéíεíã áεð íã÷à ìàúíñéíε  
 εøëàòããí. Áεðéí÷ε ìεñðããããε “oë”- áóéðók  
 ôãúéé, ýúíε ìεíκ ãà κεçεë ìàúííεàððëãã  
 κýëëáíããí, Óøáó ùðéíãã øíεð áó ñûç  
 áñεòàñεãã ééùí ñáíúàòéíε ýðàòããí. Èëëéí÷ε  
 ìεñðããããε “oë”-ùééëà, ôεððéá ìàúííεàððëãã  
 ìñòãúòíãã κεëéíããí. Äãíãé, øíεð øó ñûç  
 íðκãëé ýíá áεð ñáíúàò – òãæíεñ ñáíúàòéíε ùàì  
 ýðàòããíεíε êùðàìεç.

Áó ôεëðëàððããí Óããéãéíεíã ñûç  
 ìàúííεàððéíε íçεé ôãúíéíã÷ε, óëàðããí  
 øãúðεýòεãã ìàúíðàò áεëàí óíεããëàíã íεòã÷ε  
 íí,á εκòεãíð ññùéáé ýéáíéëãéíε áíãëáéíεç.

Øíεð éãíãéíεíã ùðããíεëëøé éíçéí  
 κεððãëàððé áεñ,ð êε÷εé áεð òããκεκíòãã



áàð÷à ìàñàèàèàðíè ààðàá îèèø íøøéóë. Áó  
áíðàääãè íóùè ààçèðàèàð ûç  
òàäкèкìò÷èèàðéíè, èàøòè, ò÷èèàðéíè éóòìкàà

## ТУРДИ ФАРОИЙ

*Турди Фароғий ҳаёти ва ижоди манбалари.* Мероси кам ҳажмда етиб келганига қарамасдан, ўзбек мумтоз адабиётида Турди Фароғийнинг муносиб ўрни бор. У ўзига хос услуби, бадий тимсоллар тизими, ишлатилган тарҳи тоза сўзлар хазинаси, янгича ифода воситалари билан бизга қадрлидир. Шунинг учун ҳам, асарлари адабиётшунос-лигимизда маълум бўлгандан бери унга қизиқиш ҳеч ҳам сусайгани йўқ. Шоир ижодига юксак баҳо берилган, баъзан эса мунозарали фикрлар ифодаланган тадқиқотлар яратилган.

Турди Фароғий мероси дастлаб 1924 йил Абдулҳамид Мажидий томонидан топилган. 1925 йил “Зарафшон” газетасида чоп этилган.

А. Мажидий 1925 йил “Маориф ва ўқитғучи” журналида “Ўзбек шоири Турди” мақоласи ва шеърларидан намуналар эълон қилди. Шоир асарлари юксак ижтимоий ғоялар талқинига бағишлангани эътироф этилиб, юқори баҳоланди.

1928 йил шу журналнинг 12-сонида Фитратнинг “Ўзбек шоири Турди” мақоласи эълон этилди. Унда шоир асарлари юксак ижтимоий ғоялар талқини сифатида эмас, шахсий рақобат ифодаси сифатида баҳоланди.

Ушбу мунозара ҳозиргача ҳам айрим тадқиқотларда давом этиб келмоқда. Шоирнинг айрим асарлари шахсий зиддиятлар инъикоси сифатида эътироф этилмоқда.

Аmmo, шу ўринда бир мулоҳазани билдирмоқчи эдик. Тўғри, айрим шеърларнинг яралишида шахсий муносабатлар сабаб бўлган бўлиши мумкиндир. Бироқ, бу уларнинг ижтимоий аҳамиятини рад эта олмайди.

Чунки Турди ижодини кузатиб, асарлари шахсий манфаатдан юқори кўтарилганига амин бўламиз. Шунинг учун ҳам шоир мероси асрдан-асрга ўтиб бизгача етиб келган. Энг муҳими, бугунги кунга келиб яна янги мазмун касб этди.

Шоир шеърларининг ўзак моҳияти-Ватаннинг қисмати учун қайғуриш, келажаги учун куйиниш, баъзи амалдорларнинг қилмишларидан нафратланиш. Бундай бедор туйғулар кўнгилларда Ватан туйғусини шакллантиради, улғайтиради. Бугун хурлигимизни, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, барқарорлаштириш учун эса худди ана шундай миллий уйғоқлик, тирик маънавият керак.

Турди каби шоирларнинг асарлари эса миллий ўзликни англашга, кадриятларни қатъий ҳимоя қилишга, миллатни ҳушёрликка, бирлик ва аҳилликка чақирувчи, ватан учун фидойилик билан қайғуришга ўргатувчи манбалардир.

1930 йилнинг охирларида Турди ижодини ўрганиш билан О.Шарафиддинов, Ҳ. Ёкубовлар шуғулланганлар. Мақолалар чоп этганлар. 1951 йилда Ҳ. Ёкубов шоирнинг “Танланган асарлар”ини нашр эттирди.

1971 йил шоир асарлари профессор А. Ҳайитметов томонидан яна нашр этилди. Бу анча мукамал нашрлиги билан муҳимдир. Унга ёзилган сўзбоши ҳам катта илмий қимматга эга. Ушбу мақолада олим Турдининг ҳаёти, ижоди борасида анча янги маълумотлар баён қилади. Олдинги нашрлардаги матн хатоликларини бартараф этади.

Турди Фароғийнинг ҳаёти, ижодига оид маълумотлар жуда кам. Унинг қачон туғилгани ҳам номаълум. XVII асрларда яратилган тазкираларда ҳам, жумладан, Малехо Самарқандийнинг “Музақкири асҳоб” тазкирасида ҳам Турди ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамайди. Фақат шоирнинг асарлари

билан танишиб, ундан айрим хулосалар чиқариб олиш мумкин.

Турди Бухорода Аштархонийлар сулоласидан бўлган Абдулазизхон (1645 йил тахтга ўтирган) ва укаси Субҳонқулихон (1680 йил тахтга ўтирган) ҳукмронлиги даврида яшаган.

Турди Абдулазизхонни адолатпеша, инсофу диёнатли, мурувватли хон сифатида эътироф этади. Унга эҳтироми беканор эди. Ўз навбатида, шоирнинг сўзи ҳам, ўзи ҳам Абдулазизхон даврида эътиборли, иззатга сазовор эди. Юз уруғининг обрўли оқсоқоли бўлганди.

Субҳонқулихон даврида эса у Абдулазизхоннинг яқин маслакдошларидан бўлгани сабабли назардан четда қолади. Оқсоқоллик лавозимидан ҳам узоқлаштирилади. Сарой аҳли орасидаги нуфузи йўқолади. Шоирнинг юрт тараққиёти бобида Абдулазизхондан умиди катта эди. Чунки

юксак маънавиятли хонлардан бўлгани учун унга ишончи зўр эди.

Аммо,узок йиллик тож-тахт учун кураш бўҳронларининг гувоҳи бўлган шоир Субҳонкулихондан норози эди. Ўз акаси кутлуғ Султонни, жияни қосим Султонни ўлдиртирган инсонга юрт тақдирини ишонолмасди. Ана шундай салбий муносабатлари натижасида Турди Субҳонкулихон замонида кўп машаққатлар чекади. Бухородан бош олиб кетиб, Жиззах, Ўратепа, Хўжанд атрофларида сарсон саргардонликда қолган умрини кечиради. қирқ ёшларида (1680-81) ёзган бир мухаммасида бу кечмишларини куйидагича ифодалайди:

Воқифе йўк, бу мусофирлиғда  
мандин не ўтар,

Баски юз кўйи била рўзе  
келиб, рўзе кетар,

Ўзмағай бундин балое,  
бўлмағай бундин батар,

Ақраболар суҳбатимдин ор  
эдар, қошин чатар,

Салб дилларда, назарларда  
кариҳ супрундиман.

Юз фарозидин озиб, тушдум  
нишеби қирққа,

Хавфу бийму ваҳм аросинда  
қариби қирққа,

Дона деб побаст ўлуб, доми  
фириби қирққа,

Вой, юз минг вой, юз бўлдум  
ғариби қирққа,

Ҳокими Диззах мутеъи, пайрави  
журкундиман.

Турди фақат нола афғон чекувчи  
пассив шахс эмас. У фаол. Бир қанча  
исёнларга қатнашгани ҳақида фикрлар  
мавжуд. У бутун умр юрт равнақи учун  
қайғурди. Беку хонларга адолат-  
инсофдан, ўткинчи оламнинг моҳияти-  
мақсадидан, покликдан, ватан  
истикболидан насиҳатлар этди. У 1700  
йилда сарсонликда вафот қилди.

Турди Фароғий икки-ўзбек ва форс тожик тилида ижод қилган. Унинг девони ҳақида маълумот йўқ. Бизгача 434 мисрадан иборат ўн саккиз асари етиб келган. Улардан бештаси мухаммас, ўн иккитаси ғазал, биттаси фард.

***Шоир асарларининг мавзу ва зоявий кўлами.*** Шоир ижодида ватан ва халқ қисмати энг асосий мавзулардан биридир. Бу мавзу тадқиқи шоир шеърятининг ўзига хослигини, оригиналлигини таъминлаган. Бадиий салмоғини оширган. Чунки бу давр адабиётида ҳам анъанавий-ишқ талқини етакчилик қиларди. Турди ўз ижоди билан шу анъанавийликдан маълум даражада юқори кўтарила олди.

қадрсизлик, адолатсизлик бор жойда, албатта, исён бўлади. Биз Турди шеърятини ана шундай исённи кўрамиз.

Маърифатсизлик ва жаҳолат ватанни, халқни инқирозга етакловчи омиллардир. Турди ижодкор сифатида буни яхши тушунган. Ва бутун умри



давомида маънавий қашшоқликка, унинг асоратларига қарши курашган. Ватан манфаатидан ўз манфаатини устун қўя олган беклар, амалдорларни аёвсиз фош этган. “Кенглик қилинг”, “Бу мулк” ғазаллари, “Субҳонқулихон” ҳажвияси ана шундай жасорат билан ёзилган асарлардандир:

Бир сори азм айла жойи  
номусулмондур бу мулк.

Фитнайи авбошу зулму куфру  
туғёндур бу мулк.

“Бу мулк” радифли ғазал кескин танқидий руҳдаги асар. Унда XVII асрда Бухоро не кўйларга тушгани ҳақида фикр юритилади. Шоирнинг она юрти учун куйиниш изтироблари ифода этилади.

Турди яшаган даврда ўзбек уруғларининг тарқоқлиги, парокандалиги шоирни қаттиқ ранжитади. У ватанпарварлик руҳидаги асарларида ватандошларини гоҳ танқид, гоҳ танбех,

гоҳ насиҳат, гоҳ ҳажв йўли билан бирлик ва тотувликка тарғиб этади:

Тор кўнгиллик беклар, ман-ман деманг,  
кенглик қилинг.

Тўқсон икки бовли ўзбек юртидур,  
тенглик қилинг.

Беклар фаолиятини фoш этиш Субҳонқулихон ҳажвига бағишланган мухаммасида яна янгиланади. “Тор кўнгуллик беклар...”да қандай кескин муурожаат этган бўлса ушбу мухаммасда худди шу руҳда давом этади. Ҳажвия 1681 йилда ёзилган. Юрт ғамида куйган кўнгул кайфиятлари содда, халқона услубда ифодаланган. Асарда Субҳонқулихон ўта салбий образ сифатида талқин этилади. Унинг бирорта ҳам ижобий томони ҳақида сўзланмайди. Шунинг учун ҳам бу мухаммасни ўрганганда, танқидий назар билан қарашимиз керак. Чунки, айрим манбаларда Субҳонқулихоннинг

фазилатлари эътироф этилган. Масалан, 1961 йилда чоп этилган “Ўрта Осиёлик қирқ олим” китобида ёзилишича: Субҳонқулихон Нишоний тахаллуси билан шеър ёзган. “Тибби Субҳоний” асари етиб келган. У немис тилига таржима қилинган. Асл нусха билан биргаликда нашр этилган. Дорилар ҳақида “Иҳё ут-тибби Субҳоний” номли китоб ҳам ёзган.

Бухорода бир қанча қурилишлар бино қилган. 1697 йил 18 ҳужрали “Доруш-шифо” номли мадраса барпо этилди. Унинг қошида касалхона, дорихона, кутубхона бўлган. Бир нечта ходимлар дори тайёрлаш билан шуғулланган.

Ушбу мухаммас факат Субҳонқулихон ҳажви билан чекланмаган. Унинг ғоявий қамрови кенгрок. Унда шоирнинг ҳаёт, олам ҳақидаги, шоҳлик ҳақидаги фалсафий мушоҳада ва хулосалари ҳам ўз ифодасини топган.

Турди шеърятининг мавзу камрови кенг. У юксак ахлоқ учун, маънавий камолот учун қайғурган, лирик шеърларида тасаввуфий моҳият устивор. У табиат гўзалликларини зийраклик билан кўра олган. Улардан теран фалсафий хулосалар чиқарган. “Жойи осойиш эмас ҳеч кима бу кўҳна равоқ”, дея куйлаган Турди фоний дунёнинг моҳиятини, ўткинчилигини чуқур англаган. Замондошларини бундан огоҳлантиришга, уларни яхшиликка, эзгуликка рағбатлантиришга ҳаракат қилган.

### ***Шоирнинг маҳорат қирралари.***

Турди шеърлари мавзу жиҳатдан ранг-баранг бўлиши билан бирга бадий баркамол асарлардир. Халқдан улуғ санъаткор йўқ. Буни яхши билган шоир асарлари она тилимиз бойлигини ўз бағрида асраб келган, бадий сайқал берган қомусдир. Асарларини ўқиб шоирнинг сўз хазинаси бошқа мумтоз шоирлардан катта фарқ қилишини кўриш

мумкин. Шу жиҳати билан шеърлари тил тарихини ўрганишимизда, бугунги сўзлар хазинамизни бойитишда ҳам улкан манбадир. Шоир “Эл работу тўра кўнок”, “Ёғ ишқордин олуру қаро сувдин қаймоқ” каби кўплаб халқ мақолларидан ҳам фойдаланадики, бу асарларининг ҳаётий, ишонарли, таъсирчанлигини таъминлаган.

Турди фикрларини далиллаш мақсадида табиат ҳодисаларидан янгича муқоясалар топади.

Ҳар қанда ғами дўст дили порани истар,

То субҳ яко йиртмади-меҳр ўлмади пайдо.

Юрагингни поралаб фидо этмагунингча дўст дийдорига, орзумидингга, олий мақсадингга, камолотга эриша олмайсан. Чунки, тонг-субҳ яко йиртмагунча куёш чикмайди, дейди шоир.

Турди асарларида вазн ва қофиядан ҳам маҳорат билан фойдаланади. У,

айникса, қофия учун бутунлай янги сўзларни танлайди. Бу Турдининг анъанавий меъёрлар қобиғини синдириб ўтган, янгича йўл излаган ижодкор эканлигидан далолат беради. У қўллаган қофия, аввало, оҳангдорликни, кейин тасвир, ифода кульминациясини таъминлаб беради:

Ёд мандин ким берур, яхши  
замонлар кўрдиман,

Ринд сархайлию хуш айши  
дамодам сурдиман.

Ҳалқайи ушшоқда базми мажолис  
курдиман,

Мушти хокам, даври давронлар  
кузаткан Турдиман,

Хушдимоғ этган майи софи  
ҳарифлар дурдиман.

## **СЎФИ ОЛЛОЁР ВА «САБОТ УЛ- ОЖИЗИН» АСАРИНИНГ /ОЯВИЙ- БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Сўфи Оллоёр ҳаёти ва ижоди манбалари.* Президентимиз И.А.Каримов

“Маънавияти юксак халқ буюк давлатдир”, деган эдилар. Элнинг маънавиятини юксалтирадиган, камолга етказадиган энг кучли воситалардан бири эса адабиётдир. Мустақиллик шарофати билан миллатга маънавий баркамоллик бахш этувчи ҳадиси шарифлар, Аҳмад Яссавий, Ҳувайдо, Сўфи Оллоёр каби ўнлаб ижодкорларимизнинг асарлари дастурларга киритилди. Уларни чуқур ўрганиб, ёшлар онгига сингдириш йўлга қўйилди.

Юртимизнинг жаҳонга машҳур улуғ фарзандларидан бири Сўфи Оллоёр 1644 йилда Самарқанднинг Минглар деган қишлоғида дунёга келди. Отаси Оллоқули тақводор киши эди. Ўғлининг билим олишига эътибор беради. Оллоёр дастлабки таълимни масжид мактабида олади. Ўн ёшларида Бухорога бориб Жўйбор шайхлари ҳузурини ўқийди. У ерда ўн беш йил мобайнида турли илм ва касбларни ўрганади. Бухорода уйланади. Муҳаммадсодиқ, Амина, Ҳалима деган

фарзандлари бўлганлиги ҳақида маълумот бор.

Оллоёр 25 ёшида Бухоро божхонасида божгир бўлиб ишлайди. Бир неча йилдан сўнг Бухоро уламоларидан шайх Ҳабибуллоҳга мурид бўлади. Тариқат йўлига киради. У шайх кўлида 12 йил таҳсил олади. Шарқ мамлакатларида машҳур олим, кароматлар кўрсата олувчи вали даражасига кўтарилади.

Сўфи Оллоёр дини ислом қонун-қоидаларини, тасаввуф таълимоти моҳиятини, гўзал инсоний ахлоқ мезонларини ёритувчи бир қанча асарлар яратган. “Маслак ул-муттақин”, “Сирож ул-ожизин”, “Сабот ул ожизин”, “Мурод ул- орифин”, “Махзан ул-мутеъин”, “Нажот ул-толибин” каби асарлари шулар жумласидандир.

*«Сабот ул-ожизин» асари.* Сўфи Оллоёрнинг энг машҳур асари “Сабот ул-ожизин”дир. У Саудия Арабистони, Покистон, Туркия каби кўп чет



мамлакатларда ҳам чоп этилган. Икки марта шарҳ ёзилган. Бу-асар дунё халқларида катта қизиқиш уйғотганини кўрсатади.

“Сабот ул-ожизин” маданий меросимизда муҳим ўрин тутган диний-ахлоқий ва дидактик асар. У узоқ йиллар XX аср бошларигача Ўрта Осиё мактаб, мадрасаларида дарслик сифатида қўлланиб келинган.

Асарнинг яратилиш тарихи, ёзилиш сабаблари, мазмун-моҳияти ҳақида муаллиф томонидан анча маълумот берилган. Жумладан, асарда ислом динининг асосий қоидалари, энг юксак инсоний фазилатлар, тасаввуф илми борасида мубоҳасага киришилуви ҳақида ахборот берилади.

“Сабот ул-ожизин” дастлаб форс-тожик тилида ёзилган. Кейинчалик туркигўй қавмлар эҳтиёжи ва илтимосига биноан Сўфи Оллоёрнинг ўзи уни ўзбек тилига шеърӣ услубда таржима қилган. Асар ҳажми 12.000 байтдан ортиқ. У

катта-кичик бир қанча бобларга ажратилган.

“Сабот ул-ожизин” асарининг курилиши ҳам ўзига хос. Унда яхлит сюжет чизиғи йўқ. Аммо, фикр-ғояларни умумлаштириб, бирлаштириб турувчи реша бор. У КОМИЛ ИНСОН масаласи. Асардаги барча ҳикоятлар, мавъизалар, фикрлар камолотнинг моҳияти, шартлари, белгиларини ёритишга қаратилган. Шунинг учун ҳам бу асарни маънавиятимиз жуда чанқоқ ахлоқий қобуснома, ахлоқий қомус деб баҳолашимиз мумкин.

“Сабот ул-ожизин” китобининг охирида Сўфи Оллоёрнинг бир қанча рубоий ва ғазаллари ҳам киритилган. Улар шоир дунёқараши, шахсияти ва истеъдоди борасидаги тасаввурларимизни бойитади. Таржимаи ҳоли саҳифаларидаги кемтикликларни тўлғазишга, камолот тарбиясига хизмат этади.

“Сабот ул-ожизин” маънавий маърифат берувчи асар. У бугунги кун ўқувчиси кўнглини ҳам уйғоқликка, тирикликка, бедорликка, тозаликка бошловчи буюк кучга эга. У инсониятни гафлатдан огоҳлантиради. Уни енгиш сир-синоатидан хабардор этади.

*Ноёб бадиият намунаси.* Чуқур гоёлар тарғибига бағишланган “Сабот ул-ожизин” асари бадиий балоғатнинг ҳам нодир намунасидир. Асарнинг ўзига хослиги кўпроқ бадииятида, янгича топилмаларда намоён бўлишини кўриш мумкин.

Сўфи Оллоёр ижодида мумтоз адабиётда кенг қўлланилган кўплаб бадиий санъатлардан унумли фойдаланади.

Айниқса, шоир инсон характерини ёритишда табиатдан далиллар излайди. Ўзига хос, кутилмаган ўхшатишлар, жонлантиришлар топадики, улардан ҳайратланамиз. Табиатга яна бир қадар яқинлашгандек бўламиз:

Кулуб меҳмон қошиға чиқғил, эй  
кул,  
Шажар мевадин олдин кўрсатур  
гул.

Сўфи Оллоёр асарида ҳарфий  
санъатдан (китобат) ҳам кўп  
фойдаланади. Уни ўзига хос топилмалари  
билан бойитади. Бу санъат орқали  
ҳикматли сўз даражасидаги гўзал  
фикрларни, хулосаларни баён этади:

Калиди ганжи маъниким, забондур,  
Анга бир нуқта кўб бўлса зиёндур.

Тил-маънолар хазинасининг  
калиди. У орқали инсон кўнглига дуру  
гавҳарлар сочилади. У туфайли дунё  
моҳияти забонга кўчади. Моҳият гўзал  
либосларга бурканади.

Аммо, тил ўз меъерини унутса,  
сўзни беҳадду ҳудуд ишлатса зарарга  
айланади. Шоир бу мазмунни жуда

оригинал мисраларда ифодалайди. Каму хўб сўзлаш доноликнинг ва беҳуда кўп сўзлаш нодонликнинг белгиси эканлигини “забон”нинг араб алифбосидаги ёзув шакли орқали жуда чиройли акс эттиради. Шоир сўзнинг ташқи ўзгаришидан чуқур маъноли моҳиятни, донишмандона хулосани ифодалашда усталик билан фойдаланган.

“Сабот ул-ожизин” бадииятида энг яққол кўзга ташланадиган жиҳат бу шоирнинг тажнис санъатидан ниҳоятда кенг фойдаланганидир. Бу санъат омоним сўзларни қўллашга асосланган. Асарнинг ҳар бир саҳифасида ўнлаб тажнис билан музайян мисраларга дуч келамиз:

қаноат маъданига оч кўзинг оч,

Тамаъ бўйи кўринмай бўйидин  
қоч.

Ушбу байтда толиб сабр-қаноатга даъват этилади. Биринчи мисрадаги “оч” сўзи аввал очлик, очкўзлик, кейин эса

очмоқ, кўзни очиш маъноларида ишлатилган. Иккинчи мисрада “бўй” сўзи билан тажнис яратилган. Дастлабки “бўй” таманинг қадди баста, тамагирлик туйғуси маъносида, кейингиси бўй-ҳид маъносида қўлланилган. Байтда бу санъатдан фойдаланиш муаллифга қисқа ҳажмда йирик мазмунни ифодалаш имконини яратган.

Бу санъат асардаги ихчамликка, тилининг содда, равон бўлишига, халқона қисқалик ва доноликка эришишга сабаб бўлган. Асар ўқувчини ўйлашга, фикрлашга мажбур этади. Уни ҳайратлантира олади. Кўнгилда ҳайратнинг уйғониши эса фақат эзгулик белгисидир. Шундай экан, шоир ўз мақсадига эришган. Зеро, унинг муддаоси ҳам инсониятга ёмонликдан қочиш йўлларини кўрсатиш ва уни абадий яхшиликка ошно этиш эди:

Киши санчиқ сўз айтса, сан чик ондин,

Ёмондин қоч, ёмондин қоч,  
ёмондин.

## БОБОРАҲИМ МАШРАБ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

*Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди манбалари.* Ўзбек мумтоз адабиётимизда ўзига хос услубга, ижодий йўлга эга бўлган шоирларимиздан бири Бобораҳим Машрабдир. У ўз ҳаётини Ўрта Осиёнинг кўп шаҳар ва кишлоқларида қаландарона яшаб ўтказди. Шоир фаолиятига кароматпеша бир авлиё, дарвеш, қаландар сифатида халқ катта ихлос ва эҳтиром билан қараган. Шунинг учун ўз замонасидан бошлаб Машрабнинг асарлари кенг ёйилган. У ҳақда кўплаб ривоятлар яратилган. Мажзуб Намангонийнинг “Тазкират ул-авлиё”, Исҳоқ Боғистонийнинг “Тазкираи қаландарон”, Малехо Самарқандийнинг “Музаққири асҳоб” каби тазкираларида Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахаб ут-

таворих”, Мирзо Олимнинг “Ансабус-салотин” асарларида ҳам шоир ҳақида айрим маълумотлар, мулоҳазалар учрайди. Машрабнинг шахс сифатидаги, ижодкор сифатидаги қиёфаси ҳақида мукамалроқ тасаввур ҳосил қилувчи манба бу-Пирмат Сеторий томонидан тузилган “қиссаи Машраб”дир. У XX аср бошларига қадар “Девона Машраб”, “Шоҳ Машраб”, “Эшон Машраб”, “қиссаи Машраб” каби номлар билан жуда кўп нусхаларда китобат қилинган.

Машраб ижоди, фаолияти билан XIX аср охири XX аср бошларида рус шарқшунос олимлари қизиқа бошладилар.

1889 йилда “Туркистон вилоятининг газетида” бир қатор мақолалар эълон қилинди.

1895 йилда Н.И.Веселовскийнинг “Восточнѣе заметки” асарида ҳам Машраб хур- фикрлилик намунаси сифатида жиддий ўрганишга лойик ижодкор эканлиги эътироф этилади.



1910 йилда Н.С.Ликошин шоир ҳақидаги қиссани рус тилига таржима қилади. Шарҳ, изоҳлар билан нашр эттиради.

1923 йил В.Л.Вяткин шоир ҳақида мақола эълон қилади. Унда Машрабнинг халқ орасида машҳурлиги, асарлари кенг тарқалгани таъкидланади. Шу мақолада илк бор икки Машраб масаласи кўтарилади.

Шоир ҳаёти ижоди борасида ўзбек адабиётшунос олимларимиздан Иззат Султон, В.Зоҳидов, И.Мўминов, /афур /улом, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Э.Шодиев, В.Абдуллаев кабилар ҳам бир қанча мақолалар эълон қилишган. Уларда Машраб шахси, ижоди билан боғлиқ турли масалалар ёритиб берилган.

Машрабшунослигимизни кузатиб, узоқ йиллар сиёсий мустамлака таъсирида шоир ижоди сохта талқинларга дучор этилганининг гувоҳи бўламиз. Машраб ижодидаги илоҳий муҳаббат дунёвий муҳаббат сифатида талқин этилади. У

динни рад этувчи-атеист, дея баҳоланади. Шоир шеъриятидаги жўшқин исён ҳам синфлар манфаати билан боғлаб изоҳланади.

Аммо, мустақиллигимизнинг беназир шарофати билан Бобораҳим Машраб ижоди ўзининг холис баҳосини ола бошлади. Олимларимиз унинг асарларига теранроқ назар ташламоқдалар. Жумладан, И.Ҳаққулнинг “Машраб”<sup>1</sup>, Н.Комиловнинг “Қамоли нури раҳматман”<sup>2</sup> мақолаларини Н.Жумаҳўжанинг “Миллий истиқлол мафкураси ва адабий мерос” номли докторлик диссертациясидаги Машрабга оид маълумотларни айтиш мумкин. Улар шоир дунёкараши, фалсафасини атрофлича ёритишга ҳаракат қилишган.

Машраб ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида матншунослик йўналишида ҳам анча ишлар амалга

---

<sup>1</sup> И. Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. Т., 19... - бет.

<sup>2</sup> Н.Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Т., 1999, 131-бет.

оширилган. Жумладан, 1958 йил биринчи бор П.Шамсиев ва А.Ҳайитметовлар томонидан Машрабнинг “Танланган асарлар”и нашр этилди. Бу 1960 йилда қайта нашр бўлди. 1963 ва 1971 йилларда А.Абдуғафуров Машраб асарларининг тўлароқ нашрини яратди. 1979 йилда В.Раҳмонов томонидан яна мукамалроқ нашр тайёрланди. Унга ёзилган “Сўзбоши” ҳам маълумотларининг янгилиги, шоир асарларига чуқурроқ ёндашилганлиги билан катта илмий қимматга эга. Машраб асарларининг сўнгги наشري 1990 йил Самарқандлик адабиёт муаллими Жалолиддин Юсупов томонидан амалга оширилди. Китобда келтирилган “Сўнгсўз”да ушбу нашрнинг олдингиларидан тафовутлари, афзалликлари батафсил шарҳлаб берилган. Машраб ҳаёти ва ижодига оид муаммоларга бирламчи манбалар воситасида аниқликлар киритилган, Машрабнинг таҳаллуслари, “Мабдаи нур”, “Кимё” асарларининг муаллифлиги,

Ўрта Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатларида Машраб тахаллуси билан ижод этган шоирлар борасида янги хулосалар баён қилинган, равшанликлар киритилган.

Кўринганидек, Машраб ҳаёти ва ижоди хусусида анча тадқиқот ишлари амалга оширилган. Аммо, биз ҳали шоир шахсини, дунёқарашию фалсафасини, асарлари моҳиятини тўлалигича ўрганганимиз йўқ. Бу борада ҳали ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп.

***Шоир таржимаи ҳоли ва ижодий фаолиятини ёритишда «қиссайи Машраб»нинг ўрни.*** Бобораҳим Машраб 1640 йилда Наманганда Валибобо бўзчи оиласида дунёга келган. Отадан ёш етим қолган. Шунга қарамай чуқур билим олишга ҳаракат қилади. Дастлаб ўз қишлоғидаги мулладан таҳсил олиб савод чиқаради. Унинг болалиги, таҳсил йиллари ҳақида “қиссайи Машраб”да кўп ривоятлар келтирилган. Улардан биз унинг ёшлигидан илоҳий

жазба теккан, ғайри оддий, ғайб асроридан воқиф бир инсон бўлганини кўрамиз. Жумладан, илк таҳсил кунларининг бирида устози ундан “алиф” дейишини сўрайди, “Алиф” дейди. Энди “бе” (араб алифбосидаги 2-ҳарф) денг, дейдилар. Шунда шоҳ Машраб устозларидан “алиф” ва “бе”нинг маъносини тушунтириб беришни сўрайдилар. Шунда домла бироз аччиғланади. Буни кўрган Машраб айтдилар: “Эй домла. “алиф”ни маъносини сиз айтмасангиз ман айтарман”. Устозлари айдилар: Эй ўғлум, “алиф”ни маъниси нимадур?” Шоҳ Машраб айдилар: “Домла, “алиф”ни маъниси бирдур. Ул сабабдин “Бе” демасман. Мундин ўтмак хатодур”. Буни эшитган устоз шогирднинг қувваи афкоридан ҳайратда қоладилар. Чунки шундай ёшда олам ва одамнинг моҳиятини бунчалик теран англаш ғайри одатий ҳол эди. Бу ривоят бизни Машраб дунёқарашининг энг муҳим асрори билан

ошно этади. У бутун борлиқни Оллоҳнинг зуҳури деб билишини, Оллоҳ битта бошқа барча мавжудот унинг тажаллиси деб тушунишини англатади.

Унинг бундай ўткир зехнини кўрган ота-онаси замонасининг энг улуғ шайхларидан бўлган Мулла бозор Охунд кўлига таҳсил учун топширадилар. Машраб у ерда диний ва тасаввуфий фалсафани ўрганади. Мансур Ҳаллож, Фаридиддин Аттор, Насимий, Иброҳим Адҳам дунёқараши билан танишади. Ҳофиз, Лутфий, Навоий шеърятининг файзосор наволаридан баҳраманд бўлади. Уларнинг кўплаб асарларини ёд олади. Улардан илҳомланиб, ўз туйғуларини, руҳиятининг ранг-баранг манзараларини ифодалаб ўзига хос асарлар ярата бошлайди.

Машраб Наманганда хар томонлама пухта билим олгандан кейин, ундаги ғайритабiiй лаёқатни кўрган устози уни қашқарга Офоқ Хожа ҳузурига

билимини янада чуқурлаштириш мақсадида юборади.

Машраб Офоқ Хожа даргоҳида 1665 йилдан бошлаб 7 йил хизмат қилади. Шу йилларда у тариқат босқичларини, амалиётини босиб ўтади. Тасаввуф таълимоти ғояларини шеърлятига олиб киради.

“қиссайи Машраб”даги ривоятлар орқали биз Машрабнинг руҳий такомил босқичлари ҳақида ҳам хулосалар чиқариб олишимиз мумкин. Тасаввуф таълимотида Оллоҳ асрорини ўрганишнинг 2 йўли мавжуд. Биринчиси, илми қол. У мантиқий тафаккурга асосланган. Иккинчиси, илми ҳол. У руҳий такомил даражаларига таянади.

Машраб Офоқ Хожа ҳузурида ана шу илми ҳол таҳсилини олади. Шу ердаги ҳаёти пайтида шоир буни эътироф этган ўринлар бор: “Билдики, илми ҳолни олдида илми қол бир касб”.

Офоқ Хожа канизаги билан Машраб ўртасидаги мунозара ҳам ҳар хил

шарҳланади. Кимдир бу мунозарада дунёвий мазмун кўрса (буни тушуниш кийин эмас,) кимдир унда илоҳий ишқ даражаларини кўради: “Канизак нозу карашма бирла дедики: Эй Машраб, то етти йилдирки, сени доғи ишқинг мани сийнамға жой олибдур. Букун менинг бирла бир ерда ўлтурмасанг қиёматда мани қўлим сенинг этагингда бўлғай. Шоҳ Машраб ани кўруб беҳуд бўлдилар. Яна ҳушларига келиб айдиларки: Эй бор Худоё мунингдек офати жон бандаларинг бор экан, - деб беҳуд бўлуб йиқилдилар”. Бу воқеа аён бўлгач, Офоқ Хўжа “қизил либос кийиб шамшири бараҳна бирла рўбарў бўлдилар”, - дейилади қиссада.

“Ранглар сўфий руҳий ҳолатлари. Аллоҳ томон сафаридаги даража-босқичларини билдириб туради... қизил рангда солиқнинг руҳи вужуддан ажрала бошлагани, маърифатга яқинлашгани, маънавий моҳиятлар оламини англагани маълум қилинади. Аммо, бу босқич ҳали



хирс кутқусидан халос бўлмаган бир ҳолатдир”.<sup>1</sup>

Демак, Машрабнинг гоҳ худ, гоҳ бехуд бўлиши, Офоқ Хожанинг қизил либосда тасвирланишидан шоирнинг маърифатга яқинлашганини хулоса қилишимиз мумкин. Худди шундай руҳий даражада солиққа пирнинг раҳнамолиги зарур бўлади. Шунинг учун ҳам Офоқ Хўжа Машрабга пешвоз чиқади. (Уни тўғри руҳий манзилга йўналтириш учун шаҳват томирига муҳр қиздириб босади). Бу борада шу вазиятда айтилган айрим шеърий парчаларда ҳам ишора бор:

Бир оҳ урубон Лайлини Мажнун  
қилаёздим,

Пирсиз кишилар боргусидур нори  
аламга,

Тасаввуф луғатларида соч-зулф  
Оллоҳ билан дунё ўртасидаги  
парда сифатида изоҳланади. қуйидаги

---

<sup>1</sup> Н.Комилов. Тасаввуф. 2-китоб. Т., 1999, 175-бет.

<sup>2</sup> +иссаи Машраб. Т., 1992, 36-бет

байтда девоналик-бехудлик шу пардани паришон қилиши, тўзитиши ҳақидаги фикр сингдирилган. Мумтоз адабиётда Лайли ва Мажнун ошиқ ва маъшуқ тимсоли ҳисобланади. Машрабнинг шу ўринда келтирилган ушбу ғазалида ошиқ ва маъшуқа ўртасидаги масофа йўқолади, яъни маъшуқа ҳам ошиққа айланади. Ягоналик, бирлик пайдо бўлади. Буни “Анал-ҳақ”ликнинг талқини дейиш мумкин:

Бир ҳу чекибон Лайлини Мажнун  
қилаёздим,

Девоналиғим шона урур зулфи  
санамга...

қиссининг шу ўрнида Машраб  
юқоридаги шеърини парчаларни айтгандан  
сўнг Офоз Хожа унинг шу пайтдаги  
руҳий ҳолати ҳақидаги ҳукми баён  
этади: “Эй сўфилар, Машрабни

тутингларки, андан Мансури Ҳалложнинг  
бўйи келадур”<sup>2</sup>

1673 йилда Машрабнинг онаси  
вафот этади. У шундан кейинги ҳаётини  
қаландарлик билан ўтказди. Кўп вилоят  
ва шаҳарларга боради. Ҳамма жойда халқ  
уни улуғ авлиё, сўфий шоир сифатида  
қабул қилади. У қаерга бормасин,  
замондошларига оламнинг ва ҳаётнинг  
моҳиятини тушунтиришга хизмат қилади.  
Тўғри йўлдан адашган, нафсига мағлуб  
кимсаларни ҳушёрликка, уйғоқликка  
даъват этади. Инсониятни мудроқликдан,  
маънавий сўқирликдан огоҳлантиради.

қиссадаги айрим ривоятлар  
инсоният табиатидаги уни таназзулга  
етакловчи кусурлар, хислатлардан  
огоҳлантиради. Жумладан, манманлик,  
такаббурлик кишини назардан қолдиради,  
Оллоҳдан узоқлаштиради. Бунга  
Машрабнинг муносабати қисқагина  
ривоятда ёрқин ифодалаб берилади.  
Машраб Бухоройи Шарифда бир

---

каландардан отини сўрайди. “Мани отим Понсадмандур. Шоҳ Машраб айдилар: Шайтон бир маротаба манлик қилиб бўйнига тавқи лаънат тушти, сан беш юз манни (Понсад-форс-тожикчада беш юз демакдир.-И.А.) кўтариб юрурсан. Муносиб шулки сандин қочмоқ керак”<sup>1</sup>

Машраб инсониятни мол-дунё, нафс, ҳирсу ҳаво тўғри йўлдан оздиришини жуда теран англаган. Ўзи билган моҳиятни замондошларига уқтиришни фарз деб билган. қуйидаги ривоят Машрабнинг дунёга, бойликка муносабати ҳақида хулоса чиқаришимизга асос беради. Бухорода Машраб бир ғариб бечорани чақириб айтдилар: “Агар белимдаги фўта тушиб қолса, санинг бахтингдур, агар қўлум бирла берсам дунё айтурки, мани Машраб қўли бирла тутти, аммо ерга тушса, сан ердин олғил, миннатдор бўлсун ер”.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> +иссаи Машраб. Т., 1992 138-бет.

<sup>2</sup> +иссаи Машраб. Т., 1992 142- бет

Машраб бир неча чақирим миниб йўл босган отини оёғини чопишни буюради. Муридлари сабабини сўрашганда, -”То ўрдадин регистони Бухороға келгунча ушбу отни миниб, Оллоҳи таолодин ғофил бўлдум. Яна ҳар бандайи мўъмин бу отни устиға миниб, худойи таолодин ғофил бўлмасун, шу сабабдин ўлдурунглар, дедим”,-деб жавоб берадилар. Бу билан Машраб қандай мансаб мартабада бўлсада, инсоннинг “оёғи ердан узилмасин”, кўнгли Оллоҳдан узоқлашмасин деган фикрни илгари сурмоқда.

“қиссайи Машраб”да шоирнинг илоҳий ишқ куйчиси эканлиги, бу ишқ оташининг меъёру ҳадиси борасида ҳам бир қанча ривоятлар келтирилади. Шулардан бирида ҳикоя қилинишича, Машраб Ёркентга борганда, чилим сўраб чекади. Нафас тортиб тутун чиқарганда, бутун олам қоронғу бўлди. Аммо, чилимнинг сархонасини олиб ерга қоққанларида халқ бир дона ҳам банг

куймаганлигининг гувоҳи бўлади. Бу албатта, бир томондан Машрабнинг кароматпешалигини кўрсатса, иккинчидан, шоир ишқи шарорасининг ўткирлигини намоёиш этади. Бир ўринда Машраб намоз ўқиб, “ху”деб нафас чиқарганларида куйган кабобнинг иси келарди, дейилади<sup>1</sup>.

Кўришиб турибдики, “қиссаи Машраб” ривоят тарзида яратилган бўлса ҳам, бизга шоирнинг дунёқарashi, шахсияти, асарларининг мазмун-моҳиятини англашимизда асосий манба вазифасини ўтайди. Ундаги ривоятлардан мантиқий хулосалар чиқаришимиз мумкин. Шоир асарлари билан қиссадаги фикрларни муқояса этиб, айрим муаммоларга ойдинлик киритишимиз мумкин.

Машраб 1711 йилда Балх ҳокими Маҳмуд қатағон томонидан дорга остирилади.

---

<sup>1</sup> 59-бет.

Бобораҳим Машрабнинг бизгача шеърларидан ташқари “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарлари ҳам етиб келган. Адабиётшунослигимизда бу икки асар муаллифи борасида узоқ йиллар баҳс - мунозара олиб борилди. Айрим олимларимиз уларни Бобораҳим Машрабга нисбат беришса, айримлар улар Машраби Соний тахаллуси билан ижод этган Мулло Рўзибой Охунднинг асаридир, дейишган. Аммо, сўнгги йилларда бу мунозарага бироз ойдинлик киритилди. Бу асарлар тузилиши, мазмуни ва ғоявий йўналишига кўра, тили, бадий воситаларининг ишлатилишига кўра ва Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган айрим қўлёзмалардаги маълумотларга кўра Бобораҳим Машрабникидир, деган хулосага келинди. 1997 йилда “Мабдаи нур” асари ҳозирги ёзувимизда нашр ҳам этилди.

## **БОБОРАҲИМ МАШРАБ ШЕЪРИЯТИ**

**Машраб шеърятининг ғоявий хусусиятлари.** Бобораҳим Машрабнинг лирикаси махсус девон тарзида тартиб берилмаган. Унинг мероси бизга “қиссаи Машраб”ларнинг кўплаб нусхалари орқали етиб келган. У Риндий, Умам, Маҳдий, Зинда ва Машраб тахаллуслари билан шеърлар ёзган.

Машраб тахаллусининг маънолари ҳар хил изоҳланиб келинган. Шулардан иккитаси ҳақиқатга яқин келади. Улар бир-бирининг мазмунини тўлдириш учун ҳам хизмат қилади.

Машраб-маслак, маслакдош деган маъноларни ифодалайди. “қиссаи Машраб”да ҳам шунга яқин изоҳланади: “Ҳар киши манга рафиқ бўлса ман анга рафоқат қилурман. Ҳар қозонга тушсам қайнайдурман, анинг учун отим Машраб қўйдум” (32-б.) Демак, Кимки, манга дўст бўлса, ман ҳам унга дўстдирман. Бу ерда ҳам ғоявий йўлнинг бирлиги,



маслакдошлик ҳақида фикр билдириляпти.

Тахаллусни яна “Илоҳий шаробдан насибали” деган маънода ҳам шарҳлаш мумкин, илоҳий ишқ билан ошно юрак, албатта, инсонларни эзгулик сари етаклайди. Уларнинг тўғри йўл топишида раҳбар-раҳнамолик қилади.

Бобораҳим Машраб асарларини икки-ўзбек ва форс-тожик тилида яратган.

Шоир асарлари ҳақида узоқ йиллар баҳс-мунозарали фикрлар баён этиб келинди. Аммо, сўнгги йилларда унинг шеърлари моҳиятини сиёсатдан келиб чиқиб эмас, балки объектив англай бошляпмиз. Чунки Машрабнинг ижодкор сифатидаги асл қиёфаси шеъриятидадир.

У сўфий шоирдир. Унинг шеърияти асосида тасаввуфий ғоялар талқини туради.

Хўш, тасаввуфнинг ўзи нима? Тасаввуф-бу инсон ўзини таниш орқали Оллоҳни таниш ва севиш илмидир. У

“Инсоннинг ички олами, яъни ботинини тадқиқ этувчи илмдир”.<sup>1</sup> Инсон умри тадрижи икки қарама-қарши қутб-эзгулик ва ёвузликнинг курашидан иборат. Тасаввуф таълимотининг моҳияти одамзодга ўз вужудида мавжуд нафсоний интилишларни фош этиш, уларни енгиш йўллари кўрсатиш, руҳидаги илоҳий фазилатларни уйғотиш, тараққий топтиришдан иборатдир. Чунки инсоннинг яшашдан бош мақсади илоҳийлашиш, асл моҳиятга етишдир. Бунинг йўли эса битта. Ўзини енгиш, ўзидан ўтиш ва ўзига етишдир. Бу борада “Насойимул-муҳаббат”да келтирилган Боязид Бистомийнинг хулосаси ибратлидир: “...Боязид дедиким, Оллоҳ таолони туш кўрдум, сўрдумки, бор худоё, йўл санга не навъдур? Дедиким, ўзунгдин ўттунг, еттинг”.<sup>1</sup>

Машраб шеъриятидаги асосий ғоялардан бири ҳам ана шу -инсонни

---

<sup>1</sup> Н.Комилов.Тасаввуф,2-китоб.Т., 1999, 194-б.

<sup>1</sup> Алишер Навоий.Асарлар,15 томлик,15-том, 79-б.

ўзига танитишдан иборатдир. У кўп юртлар кезиб, кишиларнинг яшаш тарзи, табиатини кузатиб, барча фожеаларига, изтиробларига сабаб уларнинг нафси деган хулосага келди. Ва ибрат сифатида, ўзи англаган дунё моҳияти борасидаги тасаввурларидан замондошларини огоҳ этиш мақсадида қаландарлик йўлини танлайди.

Қаландарийлик йўли адабиётшуносликда мукамал талқин этилган эмас. Аммо, айрим манбаларда, айрим илмий тадқиқотларда баъзи чизгилар, моҳиятини ёритувчи мулоҳазалар баён этилган.

Навоий асарлари луғатида ушбу истилоҳ қуйидагича изоҳланади: “Қаландар – дунёнинг ҳамма борди-келдиларидан воз кечиб, дайдиб юрувчи дарвеш; девонатабиат киши, лоқайд”. Бу изоҳ истилоҳнинг моҳиятини қисман ойдинлаштиради, тўлиқ тасаввур беролмайди.

Қаландарийлик борасида адабиётшуносликда турли баҳс-мунозаралар мавжуд. Баъзи олимлар у XIII- XIV асрда шаклланган дейишса, айримлари , жумладан, Фитрат Яссавийликдан кейин XII – XIII асрларда пайдо бўлган дейди.

Қаландарийликнинг ўзига хослигини изоҳлаш борасида ҳам алломаларнинг бир-бирини тўлғазувчи турли қарашлари мавжуд. Жумладан, “Ҳафт кулзум”да: «Қаландар бутун расмий тақлифлардан, бутун қайдлардан (кишан – И.А.) озод бўлган, ҳар турли диний амал ва одатлардан айрилган, бутун моддий, ҳаётий алоқаларни тарк қилган, ибодат ва одатларнинг ҳаммасини бузғувчи кишининг исмидир», дейди.

Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳотул-унс” асаарида эса “Қаландарлар диний ибодатларнинг фарз бўлган қисмларинигина адо қиладилар.

...Маломатийлар диний ибодатларни ижро қиладилар, бироқ

ижро қилганларини халқдан яширадилар. Қаландарлар эса, тўғридан-тўғри диний ибодатларни ва одатларни бузадилар”, дея баҳоланади.

“Баҳори Ажам”да куйидаги байт келтирилади:

Санамораи қаландар сардор ба ман  
намон,

Ки баса дароз дидам раҳу расми  
порсоён.

(Мазмуни: Тақво йўли жуда ҳам  
узоқ экан, менга қаландарийлик йўлини  
кўрсатинг).

Агар қаландарлар фаолиятини  
кузатсак , улар ҳақида айтилган  
фикрларни умумлаштирсак, уларнинг  
йўлида бир нечта тариқатларга хос  
хусусиятлар биргаликда мужассамлигини  
кўрамыз. Жумладан, уларнинг ҳаёт  
тарзларида яссавийликка хос  
жаҳрийликни, маломатийликнинг айрим  
белгиларини, нақшбандийликка хос  
умумбашарий , гуманистик ғоялар  
мутаносиблигини ҳам кузатамиз.

Қаландарларнинг ўзига хос юриштириш, ахлоқ ва кийиниш одоби бўлган. Улар амал қилиши, риоя этиши лозим шартлари мавжуд. Ўзбекистон РФА Беруний номидаги ШИда 9175 рақами остида сақланаётган тасаввуфга оид қўлёзма таркибига “Рисолаи қаландарий” ҳам киритилган. Унда қаландарлик ва улар риоя этиши лозим шартлар ҳақида қисқача маълумот берилади. Айниқса, феъл-атворида шаклланиши зарур бўлган фақр тушунчаси ҳақида алоҳида тўхталинади. Унинг 3 та муҳим белгиси таъкидлаб кўрсатилади: “Тариқат машойихлари фақрнинг уч нишонаси: қуёш каби шафқатли, ёмғир каби саховатли, ер каби тавозели бўлиш деб айтганлар”<sup>1</sup>

Хирқа кийиш ва фақр мақомини эгаллаш тариқатда муҳим ҳисобланган.

Қаландарларнинг жанда, кулоҳ, камар, асо, качкул, сепоя қўйиш, суянчиқ қўйиш, пўстин кийиш каби махсус

---

<sup>1</sup> Рисолаи қаландарий. “Ёшлик” журн., 2000, 3-сон, 46-б.

кийиниш одоблари бўлган. Буларнинг ҳар бирининг рамзий мазмуни ва қатъий масъулияти бўлган. Рисолада, айниқса, дарвешларнинг бош кийими ҳисобланган кулоҳга кенг изоҳ берилган. Унинг энг муҳим моҳияти сифатида куйидагилар кўрсатилган: “Ва билгинки, кулоҳнинг тўртта хонаси бор. 1. Шариат хонаси. 2. Тариқат хонаси. 3. Маърифат хонаси. 4. Ҳақиқат хонаси. Ва яна шуки, кулоҳнинг тўрт тарки бор. 1. Нафс тарки. 2. Халқ тарки. 3. Дунё тарки. 4. Охират тарки.”<sup>1</sup>

Маълумки, қаландарлик билан гадолик чамбарчас боғлиқ. Рисолада гадоликнинг уч тури кўрсатилади ва изоҳлаб берилади: “Агар гадолик неча хил, деб сўрасалар, уч хил деб жавоб бер: 1. Шоҳ гадолик. 2. Нар гадолик. 3. Хар гадолик...”<sup>2</sup>

Барча кўрсатмалар,  
маълумотлардан сўнг рисола сўнгида  
қаландарийлик тариқатининг моҳияти

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 47-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 47-бет.

умумлаштирилиб берилади: “Эй дарвеш, қаландарлик тариқати шуки, ҳақиқат йўлида иккиланмасин ва одамларга беҳуда сўзламасин. Ва яна качкулини кўтариб юриш одоби шуки, аввало, то уйига келгунига қадар таҳоратлик ва рўзадор бўлсин. Ва йўлда чор - атрофга кўз ташлаб номахрамга назар солмасин. Ва тилини ёлғон сўзлашдан асрасин, пирига беадаблик қилмасин, фақирларга раҳм қилсин ва ҳамма аъзоларини пок тутсинки, Худонинг кутби Хожа Баҳоул Ҳақ ваддин қаддасаллоҳу руҳаҳу шундай қилганлар ва ҳам шундай буюрганлар”<sup>1</sup>

Етук адабиётшунос Фитрат қаландарийлик тариқатига оид кўп манбалар билан танишган. Ҳаётда ўзи гувоҳи бўлган ҳолатларни эслаган. Уларнинг ҳаммасини умумлаштириб, қуйидаги хулосаларни баён этган: “Қаландарлик мусулмон тасаввуфининг шўъбасидир. Бу маслак бизнинг ўлкамизда сўнг кунларгача давом қилди.

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 47-бет.



Ўзбекистон шаҳарларидан ҳар бирининг ташқарисида “қаландархона” исмли гўзал боғча ҳолига келтирилган бир жой бор эди. Қаландарлар шунда турар эдилар. Булар қисман маҳаллий, қисман мусофир, ерсиз, хусусий мулклари бўлмаган кишилардан иборат бўлиб, асосий касблари тиланчилик эди. Ҳафтада икки дафъа тиланчиликка чиқиб, шаҳар ва бозорларни айланар эдилар. Ўзларига махсус қаландарий куйлари бор эди. Ораларидан энг яхши товушлиси шу куйларда Яссавий, Машраб каби шоирларнинг шеърларини ўқур ва бошқалари унинг нақоратини қайтариб турар эдилар. Ораларида бир бошлиқлари бўлиб, мунга “бобо” дерлар. Тиланчилик чоғида тўпланган пулни шу боболари терар ва шундан уларни таъмин қилиб турар эди”<sup>1</sup>.

Юқорида манбалардан келтирилган фикрлар бизга қаландарийликнинг мазмун моҳиятини

---

<sup>1</sup> Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд.Т.: 2000, 50-бет.

англашимизга ёрдам беради. Уларнинг ташқи қиёфаси, ботиний олами ҳақида тасаввур уйғотади.

Мумтоз адабиётда айрим ижодкорлар қаландарликнинг мақсади ва моҳиятини ёритувчи бадиий асарлар ҳам яратишган. Жумладан, Машраб ҳам унинг инсонпарвар ғояларини ойдинлаштирувчи, изоҳлаб берувчи ғазаллар ёзган. Унинг “Қаландар бўл, қаландар бўл” радифли ғазали шундай асарларидан биридир. Бу асар ҳам қаландарликнинг , ҳам Машраб ижодининг ўзак-моҳиятини англашимизда асос бўлади. Бунда лирик қаҳрамон солиққа Асл мақсадга етиш, руҳан озод бўлиш йўлини кўрсатиб беради. Лаҳзалик фоний ашёлардан ғолиб кела олиш ва боқийликка Мушарраф бўлиш синоатидан сабоқ беради:

Риёзатсиз<sup>1</sup> бўлай десанг, таним  
озод юрай десанг,

---

<sup>1</sup> Риёзат – машаққат.

Жаҳонни сайр этай  
десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Разолат<sup>1</sup> куйдурай десанг, залолат<sup>2</sup>  
ўлдурай десанг,

Ҳамасин супурай десанг, қаландар  
бўл, қаландар бўл.

Бу тақводин<sup>3</sup> кечай десанг,  
хонақоҳдин<sup>4</sup> қочай десанг,

Ҳақиқатни очай десанг, қаландар  
бўл, қаландар бўл...

Инсон умрини улкан, поёнсиз бир  
тўқайзорга ўхшатиш мумкин. Чунки,  
ҳаётда ҳеч ким учун тайёр, силлиқ йўл  
йўқ. Ҳар ким ўз йўлини ўзи излаб топади.  
Бу аснода баъзан тўсиқлар учрайди.  
Баъзан равон юрилади. Баъзан  
адашишлар, хатоликлар ичра изтироб  
чекилади. Инсон ўзини, тўрт қадам  
нарида нима кутаётганини билмайди.

---

<sup>1</sup> Разолат – разиллик, тубанлик.

<sup>2</sup> Залолат – адашиш, йўлдан чиқиш, гумроҳлик.

<sup>3</sup> Такво – диндорлик, парҳезкорлик.

<sup>4</sup> Хонақоҳ – масжид. Машраб талқинида риёкорлик маскани.

Бизни ана шу чигалликлардан олиб ўтувчи раҳнамолардан бири адабиёт. Аждодларимиздан қолган доно фикрларга музайян мерос.

Ҳазрати Шайх Саъдий инсон ҳаёти ҳақида армон билан мушоҳада этиб, “қанийди одамзодга икки карра умр берилса. Биринчи марта хатоликлардан, адашишлардан хулоса чиқариб, тажриба ўрганиб, иккинчи марта кўнгилдагидай, армонсиз яшаса”, деган эканлар.

Ҳазрати Алишер Навоий ҳам шунга яқин фикрни баён этганлар:

Ёраб, эшигингда ул гадомен  
Ким, бошдин оёққача хатомен.

Шундай улкан ақл соҳиблари, донишманд алломаларимиз ҳам дунёнинг ғалатликларидан афсус-надомат чекишган. Ва бутун умрларини юртдошларига тўғри йўл кўрсатишга бағишлаган. Уларни хушёрликка, тийракликка даъват этишган.

Бобораҳим Машраб ҳам ана шундай доно ижодкорлардан. Аммо, унинг донолиги, дунёни англаши ўзига хос. Шеъриятидаги лирик қаҳрамоннинг руҳи баланд. Олам ва одам моҳияти, муносабати ҳақида гапирганда, ишонч билан қатъий хулосалар чиқаради. У ҳам дунёнинг хатолардан, армонлардан, ёлғонлардан иборатлигини билади. Аммо, бу шоир лирик қаҳрамонини тушкунликка туширмайди. Чунки, у ана шу хатолар заминида ишонса ва суянса бўладиган биргина ҳақиқат борлигини ҳам англайди. Бу-Оллоҳ:

Бир худодин ўзгаси барча ғалатдур,  
Машрабо,

Гул агар бўлса қўлумда, ул тиконни  
на қилай?!

Демак, Худога ишониш, унга  
муҳаббатда бўлиш

инсонни хатолардан асрайди. Ҳаётига гўзал мазмун бахш этади. Мукамал ахлоқли, ҳалол, пок бўлишга бошлайди.

Машраб шеърятидаги асосий ғоялардан бири дунёнинг ўткинчи эканлиги. Ҳаётда буни англаш жуда муҳим. Чунки, лаҳзалик нарсаларни ғанимат билиш лозим. Машраб асарларида шу жаҳоншумул муаммога катта эътибор беради. Инсониятни ғафлатдан, мудроқликдан огоҳ этади. Кўнгилларни тирикликка, уйғоқликка даъват қилади. Шоир фикрлари билан танишган ҳар бир ўқувчи ўзида ғайрат, куч-қувват пайдо бўлганини ҳис этади. Атрофга тийрақроқ назар ташлай бошлайди. қуйидаги каби мисралар эса ҳар бир кишига, мен ёнимдаги инсонни англаяпманми? Унинг юрагида қандай армонлар қоляпти? қандай қилсам у ўзини бахтли ҳис қилиши мумкин, деган саволлар беришга мажбур этади:

Ҳасратимга тоғу тузлар  
йиғлагай,  
Ҳеч ким йўқтур сўзимни  
англагай,

Машраб юрагида армон уйғотган нарса бу-инсонлардаги лоқайдлик, бепарволик. Машраб “Дили ғамгин“, дардчан халойиқни хуш кўради. Дардсизлар уни ҳасратга гирифтор этади. Унинг юрагидаги чўнг дарддан метин тошлардан иборат тоғлар, тилсиз-забонсиз дала-тузлар йиғлайди. Аммо, афсуски, инсонлар уни англамайди, бепарво. Шоир ана шу биргина байтда чуқур рухий манзарасини чизиб бера олган. Асосий мазмун- рухий, маънавий ёлғизлик, Ҳамиша ёлғизлик билан сукунат йўлдош. Тоғлар эса қанчадан-қанча замонлар асрорни ўз бағрида, сукунат кўйнида асрайди. Унинг мангу эртақларини тинглай ва англай билиш лозим. Демак, шоир тоғ тимсолини бежиз қўлламаган. У ана шу сокинликнинг

мангу салтанатини шоир қалби билан тушунади. Ўзининг ёлғизлик изтироблари тасвирини унда кўради. Бағридан оқаётган жилғаларни унинг кўз ёшларига менгзайди. Не-не авлодлар кечмишини кўрган тоғларни ўзига ҳамдард, ҳамроз деб ҳис этади. Инсонлар орасидан ҳам ўзини англагучи сирли, дардли кўнгилларни соғинади. Ана шу соғинч унга ёлғизлигини эслатади. Аммо, бу тушкунлик белгиси эмас. Бизга маҳзунлик бўлиб туюлган шу соғинч лирик қаҳрамон руҳини юксакка кўтаради. Тор-вужудий, нафсоний интилишлар дунёсини синдиришга муяссар этади. Ўзини аслидан оллоҳдан узоқда ғариб сезади, ёлғиз ҳис қилади. Натижада, унинг мақсад манзили, интилиш ҳудуди кенгаяди. Вужудини оллоҳ билан бирлашиш ишқи қамрайди:



Мудом мискин эрурман чун ғуломинг-  
Машрабингдурман, Мени бечора бу дунё  
билан укбоға<sup>1</sup> сиғмамдур.

Турли даврларда яшаган турли  
шоирлардаги рухий яқинлик, дунёни  
англаш борасидаги мутаносиблик  
тимсоллар яқинлигига сабаб бўлади. Биз  
кўп ижодкорларнинг асарларида  
жонлаштириш санъати воситасида тоғ  
тимсолининг такрорланмас ифодаларини  
кўришимиз мумкин. Жумладан, Шавкат  
Раҳмон ижодида ҳам тоғ тимсолига теран  
фалсафий мазмун юклатилганлигининг  
гувоҳи бўламиз:

Тоғ хўрсиниб юборди оғир-  
Теран хобдан уйғонди юрак,  
Тоғлар каби хўрсинмоқ  
керак.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> Укбо-охират .

<sup>2</sup> Ш.Раҳмон. Юрак кирралари. Т. 1981. 73-б.

Ушбу мисраларда ҳам инсонни англаш, инсонлардаги лоқайдликдан бешиш туйғулари акс этган. Машрабда ҳам, Ш. Раҳмонда ҳам бу тимсол ўқувчини фикрлашга, ҳушёр тортишга ундайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Машраб шеърятининг асосий мақсади-инсонларни мудроқликдан уйғотиш. Бир-бирига муҳаббат билан боқиш, бир-бирини англаш ва бу орқали Оллоҳни англашга йўналтиришдир.

Шоир ҳар бир кўнгилни сирли бир олам деб тушунади. Замондошларини уни севишга чақиради. Бирор дилни оғритишни, унга озор беришни юзлаб Каъбани вайрон этишга тенглаштиради:

Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар  
башардин сен,

Агар бир дилни сен бузсанг, юзар  
Каъба бузулмазму,

Хўш, Машраб нега шундай фикрда?  
Бизда пайдо бўлган бу саволга Ҳазрат  
Навоий ижодидан аниқ жавоб топамиз:

Каъбаки оламнинг ўлуб қибласи,  
қадри йўқ андоқки, кўнгул  
каъбаси.

Ким, бу халойиққа эрур  
саждагоҳ,

Ул бири Холиққа эрур жилвагоҳ.

Навоий фикрича, Каъба халойиқнинг  
саждагоҳи, кўнгул эса Холиқнинг -  
Оллоҳнинг жилвагоҳи, макон тутгувчи  
маскани. Шунинг учун ҳам, у  
мўътабардир.

*Машраб шеъриятида ишқ  
талқини.* Кўнгилни англаш ва уни  
поклаб бориш инсонни Оллоҳга  
яқинлаштирувчи воситадир. Чунки,  
ғуборлардан тозаланган камиш-найдан  
рухбахш наво таралганидек, покиза  
кўнгилда ҳам илоҳий ишқ, ҳаётга

муҳаббат, гўзалликка ошуфталик муждалари уна бошлайди.

Машраб шеъриятида биз ана шу илоҳий ишқ талқинини кузатамиз. Аммо, узоқ йиллар илоҳий ишқ моҳиятини инкишоф этувчи асарлари тор маънода, яъни мажозий ишқ тасвири сифатида баҳоланиб келинди. Шоир ижодидаги “динга қарши мотивлар” ҳам бир ёқлама талқин натижасидир.

Машраб ижодидаги ишқ талқини ўзига хос. У Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож, Атторни ўзига ғойибона пир деб билади. Уларнинг йўлидан боради. Мансур Ҳаллож каби ўтли ишқ оташида ёниб яшайди. Бу Оллоҳга бўлган муҳаббат. У ҳаётнинг, тирикликнинг мазмунини шунда кўради. Унинг асосий мақсади Оллоҳни севиш ва у билан бирлашиш. Чунки у инсонни ғуборлардан, вужудий, нафсоний қафаслардан фақат шу ишқгина озод этишига ишонади. Шоир тасаввурича, бундай муҳаббатга ошно бўлмаган кўнгул

хақиқий гўзалликни ҳис қилолмайди. Борар манзиллари тораяди. Кўрар кўзлари хиралашади. куйидаги байтлар ҳам шоирнинг худди шундай нуқтаи назари натижаси сифатида майдонга келган дейишимиз мумкин. Унинг тасаввурича, Оллоҳ ёдсиз, ишқисиз Маккага бориш бесамар, Каъба эски дўкон янглиғ беътибор:

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ  
не керак?

Иброҳимдан қолғон ул эски дўконни  
на қилай?!

Ураинму бошима саккиз биҳишту  
дўзахин,

Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни  
на қилай?!

“Сигмадим” радибли ғазалида шоир рухий манзараларининг энг юксак чўққиси ифодаланган. У Тавҳид ҳолатининг баёнидир. Оллоҳ васлига етган, у билан бирлашган лирик қахрамон

бир лаҳзалик фонийлик оламига, ўткинчи олам унинг руҳий кенгликларига сиғмайди. Бу сиғмасликнинг чексизликнинг сабаби “аналҳақлик”дир:

Онқадар нурга тўлибман осмонга сиғмадим,

Тоқи Аршу курсию лавҳу жинонга сиғмадим.

Кимга соям тушса бир нури яқин бўлди у ҳам

Дафтари руҳи қудсдурман, забонга сиғмадим.

Машраб илоҳий ишқ сарҳадларида зоҳидлар билан келиша олмайди. Чунки унга зоҳид жаннат илинжида юрган тамагир бўлиб туюлади. Шунинг учун ҳам у зоҳиднинг риё аралаш намозини бир коса май-Ишққа алмашмайди:

Зоҳид, манга бир шишада май, сенга намозинг,

Минг тақвину бир косаи майга сота қолдим.

Умуман, зоҳидликни рад этиш мумтоз адабиётимизда анъана. Бунинг моҳиятини улуғ Озар шоири Насимийнинг қуйидаги байти янада ойдинлаштиради, деб ўйлаймиз:

Зоҳиди кўр бир бармоғин кессанг  
тониб Ҳакдан кечар,

Ошиғи бошдин оёқ сўярлар  
йиғламас.

Машраб тасаввуф ғояларини тарғиб қилувчи етук мутафаккир, мутасаввуф шоир бўлиши билан бирга, оддий инсоний кечинмалар куйчиси сифатида ҳам намоён бўлади. Унинг асарларида Ватан соғинчи, она олдида қарздорлик туйғусидан изтиробланиш каби кечинмаларнинг самимий ифодасини кўрамыз.

**Машраб шеърларида бадиий маҳорат.** Машраб асарлари бадиияти ҳам ўзига хос. Унинг ғазаллари кутилмаган халқона ифодалар билан сайқалланади. Тимсоллар тизимининг ҳам ўз силсиласи мавжуд.

Шоирнинг куйидаги байтини ўқиб, юрагингда ҳижроннинг заъфар рангини ҳис эта бошлайсан, киши:

Сариғ садбарг ширин сўзлук юзингни  
кунда бир кўрсам,  
Юзунгдин юз ўгурмасман агар юз минг  
бало кўрсам.

Халқ орасида сариқ гул ҳижрон-айрилиқ тимсоли дейишади. Демак, бу байтда “сариқ садбарг”-атиргул ҳақида гапирилиши тасодифий эмас.

Бу каби янгича қиёсу ташбиҳларни , тимсоллар тизимини шоир шеъриятидан кўплаб келтириш мумкин.

**ХЎЖАНАЗАР /ОЙИБНАЗАР Ў/ЛИ**



## ХУВАЙДО.

*Хувайдонинг ҳаёти ва ижоди манбалари.* XVIII асрда яшаб ижод этган машҳур шоирлардан бири Хўжаназар /ойибназар ўғли Хувайдодир. Унинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида жуда кам илмий тадқиқотлар яратилган. Биз у ҳақдаги айрим маълумотларни В. Абдуллаевнинг Ўзбек адабиёти тарихи кўлланамасида, Ўзбек адабиёти тарихи 5 жилдлигининг 4-жилдида, Н. Жумахўжанинг "Хувайдо меросининг маънавий-маърифий аҳамияти" каби асарларда учратамиз. 1994 йилда, шоирнинг 290 йиллик юбилеи арафасида, у ҳақдаги дастлабки диссертация ҳимоя қилинди.<sup>1</sup> "Роҳати дил" достони чоп этилди.<sup>2</sup>

Хувайдонинг таржимаи ҳоли ҳақида жуда кам маълумот етиб келган. Унинг келиб чиқиши Ўшлик бўлиб, Чимёнда

---

<sup>1</sup> Абдусалом Худойбердиев. Хувайдо ҳаёти ва ижоди.

<sup>2</sup> Х. Шувайдо. Роҳати дил. Т. 1994 й.

таваллуд топган. У қариндошларининг тахминига кўра 1704 йилда туғилган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи дostonда шундай эътироф этади:

Каминанинг оти  
Хўжаназардур,  
Атосининг оти  
/ойибназардур.  
Насабда Ўшу мавлуди  
Чимёний,  
/арибу хокисору дил  
паришоний.

Отаси /ойибназар Шарқ оламида машхур қашқарлик Офоқ Хожанинг муриди бўлган. У илмли, маърифатли, донишманд, ориф мулло киши эди. Чимёнда мактабдор эшон бўлган. Хўжаназарнинг исмини ҳам пири шарафига қўйган экан.

Хувайдо бошланғич таълимни Чимёнда, кейин қўқон мадрасаларида олди. Ўқишни тугатиб Чимёнда

муаллимлик, хонақоҳларда ваъзхонлик килди. Тасаввуф таълимоти моҳиятидан келиб чиқиб тўқувчилик хунари билан ҳам шуғулланди. Ҳувайдо умрбод Чимёнда яшади. Замондошлари Носеҳ ва Садойиларнинг марсия-таърихларида шоирнинг 1780-81 йилларда вафот этгани айтилади.

***Шоирнинг мероси.*** Ҳувайдонинг кейинги авлодларидан Мавлавий Сирожий, Самарбону, Салоҳиддин Соқиб каби соҳибдевон шоирлар етишиб чиққан. Шулардан Соқиб бобоси асарларини жамлаб, мукаммал бир девон ҳолига келтирган. У қайта-қайта кўчирилган. Девонга шоирнинг 351 ғазали, 28 рубойиси, 41 тўртлиги, 3 мухаммаси, 1 мусаддаси, 1 мусаммани, 1 мустазоди, 3 маснавийси ва "Роҳати дил" достони киритилган.

***Ҳувайдонинг дунёқараши ва шеърӣ маҳорати.*** Ҳувайдонинг асарлари халқ орасида машҳур эди. қашғар, Ёркент, Оқсув, Хўтан, Балх, Бухоро, Хоразм,

Фарғона вилоятларида кенг тарқалган.

Хувайдо устозлари ғояларини, дунёқарашини тасдиқлаган, такомилга етказган шоирдир. Унинг асарларида Навоий, Машраб, Сўфи Оллоёр каби ижодкорларнинг таъсирини яққол кўриш мумкин. Шоир шеъриятида, айниқса, Машрабона руҳ устувор. Унинг "ўтти", "ўзум", "куяр" радифли ғазаллари қофия ва радиф учун танланган сўзлар жиҳатидан ҳам, мазмун, ғоя ва фалсафий дунёқараш жиҳатидан ҳам Машраб асарларига жуда яқин. Хувайдо ҳам олам ва одамнинг моҳиятини теран англайди. Ўзи билган ҳақиқатлар билан замондошларини ошно этишга ҳаракат қилади. Уларни ўз нафсларидан ғолиб, камтар, камсуқум, қаноатли, муҳаббатли кўришни орзу қилади. Хувайдо инсониятни барча ранжу фалокатига боис кенг маънодаги НАФС эканлигини эътироф этади. Шоир унинг қилмишини аждарҳога ўхшатади:

Нафсинг сени қаттиғ бало, албатта,  
ургил пой анго,

Ҳар дам сени ўтқа солур, зинҳор  
берма рой анго...

Ўз ройига қўйсанг они, бир дамда  
аждарҳо бўлуб

Бошинг ютарға ўғрагай, эркингни  
берма бой анго.

Манманлик, такаббурлик ҳам нафсга  
мағлубликнинг бир кўринишидир. Инсон  
табиатидаги бу нуқсоннинг охири қандай  
хотима топишини шоир ибратли, ҳаётий  
хулосалар орқали баён этади:

Чандон кишилар "дунё менинг "  
деб қучуб ўтти,

Дунё талашиб бир-биридин қон  
сочиб ўтти...

Ман-ман дедилар, сиғмадилар  
ушбу жаҳонга,

Кўргилким, ани уч қари ерни  
қучуб ўтти.

Хувайдо ғазаллари, асосан, ошиқона ва орифона рухдаги ғазаллардир. Орифона ғазалларида шоир дунёнинг қоронғу кечмишларини фош этиш билангина чекланиб қолмайди. Балки, ундан кутулиш, озод бўлиш йўл-йўриқларини ҳам кўрсатади. Уни енгиш тамойиллари билан таништиради: Шоирнинг фикрича, дунёни танишнинг йўли битта - камолот ҳосил қилиш, Оллоҳни таниш- марди худо бўлиш:

Дунёни билиб, равзанидин  
марди худолар,  
Солмай назарин анга, йироқдин  
қочиб ўтти.

Аммо, бу каби фикрлар шоир кишиларни узлатнишинликка даъват этган, деган хулосага олиб келмайди. Чунки, у одамзотни, тирикликни, инсонларни ғанимат билишга, умрни

яхшилар ва яхшиликлар ичида хушбахт  
ўтказишга чақиради:

Тирикликни ғанимат бил, май ич,  
умрингни хуш ўткар,

Тегиб ўт дунё молини, ҳама ранжу  
фалокатдур.

Хувайдо шеърларидаги дунё, ёр, май,  
ишқ, ошиқ, каби кўп сўзлар кенг маънода  
қўлланилган. Уларни англашимиз учун  
ислом, тасаввуф таълимотидан, илмий-  
назарий манбалардан хабардор, теран  
тафаккур иқтидорига эга бўлишимиз  
керак. Аммо, айрим ўринларда бу  
масалаларни ойдинлаштиришда бизга  
шоирнинг ўз асарлари ҳам ёрдам беради.  
Жумладан, Алишер Навоийнинг,

"Ашрақат мин акси шамсил-каъси  
анворул-худо,

Ёр аксин майда кўр, деб жомдин  
чиқти садо."

байти билан бошланувчи ғазали таъсирида яратилган бир ғазалида шоирнинг фалсафий дунёқараши, олам ва одамга муносабати, ёр ва май тимсолларининг моҳияти аниқ ифодаланади. У зоҳид дунёқарашига қарама-қарши ўлароқ, тоат-ибодатнинг энг яхшиси нафсни енгишдир, деб тушунади:

Зоҳидо, савму салот эттим дею кўб  
урма лоф,

Беҳтарини тоат улдур бўлса  
нафсингга хилоф.

Ушбу ғазалдаги лирик қахрамон ўзлигини енгиб шундай бир руҳий юксакликка кўтарилганки, ўз вужудини унутган - беҳуд ва мастона. Аммо, одамларга катта муҳаббат билан қарайди. Уларнинг ҳар бирини Оллоҳнинг элчиси - абадий (тирик) барҳаёт Хизр пайғамбардек суяди.



Бехуду мастона юрмишман ўзимни  
билмайин,

Кимни кўрсам Хизр деб, илгин тутуб  
қилдим тавоф.

Кейинги байтда қадах, ёр, май  
тимсоллари бор. Уларни Навоийнинг  
юқорида эсланган ғазали ва Ҳувайдо  
талқинидан келиб чиқиб қуйидагича  
шарҳлаш мумкин: қадах-кўнгил, ёр-  
оллоҳ, май-илоҳий ишқ. Ушбу изоҳлар  
воситаси билан шоир байти моҳиятини  
англаш енгиллашади: Демак, Оллоҳ  
висолига етиш ишқ даражалари билан  
боғлиқ экан:

Бир садо чиқди қадахдин: ёрни кўр  
майда деб,

Кўра олмассан деди то этмагунча  
майни соф.

Юқорида эслаганимиздек, шоир  
ижодида ёр тимсоли кенг маънода

кўлланган. Шоир фикрлари, хулосалари, дунёқарашидан келиб чиқиб, қуйидаги байтдаги "бевафо ёр" тимсолини биз фоний дунё, молу дунё рамзи сифатида англашимиз мумкин: Чунки биринчи мисра шундай тушунишимизга асос беради.

Бевафо ёрға кўнгул берган киши  
одам эмас,

Меҳнату жавру жафо андин замоне  
кам эмас.

Хувайдо дин ақидаларини,  
шариатни мукаммал эгаллаган, тасаввуф  
таълимоти ғояларини ижод ва ҳаёт  
йўлида дастуруламал деб билган шоир.

Улуғ машойихларимиз қисқа қилиб  
"тасаввуф ўзингдин ўлиб, Оллоҳ билан  
тирилмоқдир", дея таъриф беришган.  
Бундай мақомга эришиш воситаси эса-  
ишқ. Ишқ йўли - кўнгил йўли. Бу йўл  
оғир, машаққатли, дарду армонларга тўла.  
Ишққа гирифтор ошиқ жондан, ўзликдан

кечмагунча мушкули осон бўлиши  
душвор:

Игнада чоҳ қозғоғондин онча  
мушкул кори ишқ,

Токи жондин ўтмагунча кори осон  
топмадим.

Ўувайдонинг турли ошиқона  
ғазалларида турли даражалардаги ишқ  
шиддати ўз ифодасини топган. Айрим  
ғазалларда, фалсафий-рамзий маънолар  
билан суғорилган рубойларида ишқ ва  
ошиқлик сокинлик билан шарҳланади:

Гулзор керак йўқ, манга гул  
рўйинг бас,

Гулзор юзунгсиз манга монанди  
кафас.

На айб, бу боғ ичра юзинг  
олида

Гар айламасам биҳишт боғини  
ҳавас.

Айрим асарларида эса ишқ энг юқори - жунунвор пардаларда, машрабона услубда куйланади. "Куяр" радифли ғазали худди шундай асардир. Ундаги лирик қаҳрамон ишқ оташига айланган. Ўз маҳбубаси васлига эришиш учун тўсиқ бўлиши мумкин бўлган барча хилқатни барбод этишга тайёр. Унинг учун Оллоҳдан ўзга мавжудлик йўқ. Фақат Оллоҳ бор. қолган ҳамма нарса таназзулга маҳкум. Ҳатто, қаландарлар кийими- далқ ҳам, кулоҳу жанда ҳам унинг учун ташқи зебу забар. Уларни ҳам рад этади. Ушбу ғазал Ҳувайдо руҳий парвозининг энг юқори чўққиси дейиш мумкин. Лирик қаҳрамонни ҳуру жаннат, ҳавзи кавсар ҳам қизиқтирмайди. Унинг мақсади битта-илоҳий васл:

Чикса танимни учқуни, тушса  
жаҳонни мулкига,

Ваҳшу<sup>1</sup> таюру<sup>2</sup> деву жин,  
мўъмину кофаринг куяр.

/арқайи ўтдурур таним, келма,  
табиб, қошима.

Носури<sup>3</sup> ғамни ёрғоли кўлдаки  
ништаринг куяр.

Куштайи тиғи ишқман, келма  
қошима, қотило

Чиқса шарорае нафас<sup>4</sup>, сайф<sup>5</sup> ила  
ханжаринг куяр,

Кий деманг, эй жунун эли, манга  
кулоху жандани,

Оташ эрур таним манинг, далқи<sup>6</sup>  
қаландаринг куяр.

Хур ила жаннатинг нетай, анда  
юзингни кўрмасам,

Хаста Хувайдо оҳига ҳавз ила  
кавсаринг куяр.

---

<sup>1</sup> вацший, щайвонот;

<sup>2</sup> =ушлар;

<sup>3</sup> яра;

<sup>4</sup> уч=ун;

<sup>5</sup> =илич

<sup>6</sup> =аландарлар кийими

Хувайдо мумтоз адабиётнинг ўндан ортиқ жанрида қалам тебратган. Ҳар бир жанрда ўзининг санъаткорлиги, маҳоратини намоёиш эта олган. Уларнинг янги имкониятларини кашф қилишга интиланган. Жумладан, мустақод жанрида ўзига хос санъат асари ярата олган. Оддий лирик мазмундаги фикрларини воқеабандлик асосида ёритган. Бу асарнинг тасаввур манзарасини кенгайтирган. Тимсоллар табиати чуқурроқ таҳлил этилишига асос берган:

Айдим: "Эй пари, қайда борурсан жадал айлаб?"

ач

чиғлан

иб

айтур:

"Шўхим, на сўрарсан, на ишинг бор бу замоне?"

па

ЗМОН

бўла  
қолди  
М...

Шоир девонида турли бадий санъатлар воситасида анъанавий тимсолларнинг янгича талқинларини кўплаб учратамиз. Хусусан, ҳарфий санъат орқали яратилган қуйидаги манзара ҳайратланарлидир:

Боши-етмиш, юз-оёғ, уч юз  
баданлик қуш келиб

Тан тузида мурғи жон сайд  
этмишин кўрдум бу кун.

Бир қараганда бу байтнинг мазмунини англаш қийиндай туюлади. Аммо, абжад ҳисоби бўйича сонларни ҳарфларга айлантирсак, масала ойдинлашади. 70-(айн), 100-(қоф), 300-(шин) ҳарфидир. Уларни мисрада кўрсатилгандек ёзсак " ИШқ" - ( ) сўзи

келиб чиқади. Демак танни сайд этиб кетган ишқ куши экан.

Хувайдо шеърияти мазмун, гоя жиҳатидан қанчалик ўткир мушоҳадага бой мерос бўлса, бадий маҳорат нуқтаи назаридан шунчалик ўзига хос ва янгиладир. Бунга девондан истаганча мисол келтириш мумкин.

***Шоирнинг «Роҳати дил» достони ва унинг адабиёт тарихидаги ўрни.*** Инсониятни лоқайдлик, жаҳолат, ғафлат таназзулга етаклайди. Эзгуликлардан йироқлаштиради. Маънавий қашшоқликка маҳкум этади. Шунинг учун ҳам мумтоз адабиётимиз вакиллари баркамол инсонни тарбиялашни муҳим вазифа, бурч деб билишган. Замондошларига камолотга, маънавий хазиналарга йўл кўрсатишган. Жумладан, Хувайдо "Роҳати дил" достонини ҳам худди шу муаммоларга бағишлаган. Унинг маснавий йўлида ёзилган ушбу достони халқ орасида машҳур. У



шеърларидаги мазмун ғояни тўлдиради,  
теранлаштиради.

Хувайдо достонида инсониятни  
моддий бойлик эмас, балки маънавий  
бойлик учун интилиши кераклигидан  
огоҳ этади. Шоир фикрига кўра, бу  
йўлдан бормаган кишининг ҳайвондан  
фарқи қолмайди:

Талаб қил маънавий ганж, эй  
биродар,

Вагарна сандин авло гов ила  
хар...

Киши бўлмаса маънидин  
хабардор,

Ани одам дема, де нақши  
девор...

Шоир достонининг ёзилиш сабабига  
алоҳида кичкина боб бағишлайди. Ундан  
биз шоирнинг наслу насаби, туғилган  
жойи, исми шарифи ҳақидаги юқорида  
келтирилган маълумотларни билиб  
оламиз. Хувайдонинг дoston яратишдан

мақсади, тарихи борасидаги фикрлари билан танишамиз:

Китобимнинг отидур "Роҳати дил",  
Эрур ҳар бир сўзи танбеҳи  
Ғофил...  
Кўнгул шаҳрия ягона азм  
қилдим  
Китобим наср эди, ман назм  
қилдим.  
Бу Чимён шаҳрининг пири  
жавони,  
Тамомиси эрурлар  
туркийхони.  
Алар гарчи сўзга беҳунарроқ,  
Дедим бўлса китобим туркий  
беҳроб ...

Демак, Ҳувайдонинг "Роҳати дил"ни ёзишдан мақсади замондошларини маънавий ғафлатдан уйғотиш. У асарни дастлаб насрда ёзган. Кейинчалик талаб ва таклифларни

инобатга олиб, уни назм йўли билан қайта яратган. Шоирнинг бутун умри кечган Чимён шаҳри аҳолиси туркигўй бўлгани сабабдан дostonни туркий тилда ёзган.

Дoston 30 бобдан ва Иброҳим Адҳам ҳикоятидан иборат. Асар анъанавий - Оллоҳга ҳамд ва пайғамбарларга наът билан бошланган. Кейин чаҳорёрлар - Абу Бакр Сиддик, Умар, Усмон ва Алининг ибратли фаолиятлари баёни берилган. Шариат қонун-қоидалари, талаблари шарҳланган. Шундан сўнг бир қанча панднома-ҳикоятлар келтирилган.

"Роҳати дил" диний-дидактик асар. Унда ислом ва тасаввуф таълимотининг умуминсоний ғоялари ибратли ҳикоялар воситасида таҳлил этилади. Мол-дунёга ҳирс қўйиш, нафсга қул бўлишнинг оқибатлари, билим олишнинг улуғлиги, илм аҳли иззатини ўрнига қўйиш; ота-она олдидаги фарзандлик бурчини адо этиб, розилигини олиш; қўни-қўшниларнинг бир-бирига меҳр оқибатли бўлиши; эру хотиннинг меҳр-муҳаббатли

бўлиб, иззат- ҳурматини жойига қўйиши; риекорлик, хиёнат, тамагирлик, такаббурлик, мунофиқлик каби инсон табиатидаги иллатларни фoш этиш масалалари асарнинг марказида туради. Бу муаммоларнинг ҳар бири қисқа ҳажмли ҳикояларда халқона услубда содда, тушунарли тилда баён этиб берилади. Бу асар комил инсонни тарбиялашга қаратилган. Инсон ўз-ўзини танишга, табиатидаги нуқсонларни йўқотишга даъват қилинади. Асар яхлит сюжет чизиғига эга эмас. Аммо, ундаги фикр, ғоя, мазмунни бирлаштириб турадиган ягона умумлашма - комил инсон тарбияси масаласи бор.

Шоир илгари сурган, айтмоқчи бўлган фикрларнинг энг юқори чўққиси Иброҳим Адҳам ҳикоятида мужассамлашган. Ундаги мазмун сайёр сюжетга асосланган. "Иброҳим Адҳам ҳикояти"да-беҳад мол-дунёга эга бўлган, бойлик, тожу тахт, роҳат-фароғатда яшашдан воз кечиб, фақирлик йўлини

танлаган Балх ҳокими қиссаси ҳикоя килинади. Ўзбек мумтоз адабиётида бу мавзунини ёритувчи кўп асарлар яратилган. Ҳувайдо ана шу анъанавий ҳикоятни ўзига хос услубда янги туйғу ва кечинмалар, янги руҳий манзаралар тасвири орқали ифодалашга эришган. Унда фақат Иброҳим Адҳам эмас балки бир қанча тимсоллар иштирок этган. Аёли Зулҳаё ва ўғлининг ҳам ички изтироблари тасвирга олинган. қисқа сатрлар орқали бўлсада, чўпон ва туякаш тимсоллари ҳам ўз чизгиларига эга. қисса қаҳрамонларининг табиати уларнинг ўз сўзлари, дунёқараш ва ҳаётининг фалсафалари воситасида ёритиб берилган. Жумладан, куйидаги бир байт Иброҳим Адҳам тутган мақом ҳақида тасаввур бера олади:

Сени деб тахту бахтимни  
кечибман,  
Ки, мен ваҳдат шаробидин  
ичибман.

Бу сўзлардан Оллоҳ ёди учун тахту  
бахтидан воз кечган, илоҳий бирликка  
мушарраф бўлган муқаддас ошиқ  
маънавиятини англаш мумкин.

қисса сўнгида шоир томонидан  
келтирилган бир ғазал Иброҳим Адҳам  
фаолиятининг мазмун- моҳиятини яққол  
шарҳловчи хулоса ўрнини боса олади:

Дунёни тарк қилувчи уқбоға юз  
урғон киши ,

Жаннат ила ҳурни нетар мавло юзин  
кўрган киши.

Ким беҳабардур Мавлодин мағрур  
эрур дунёйиға ,

Дунёнинг мулкин найласин ондин  
хабар олғон киши.

Фағфури қайсар мулкни бошиға  
урсунми они,

Нетсун Сулаймон тахтини ишқ  
тахтига минган киши.

Ушбу қисса Ҳувайдонинг "Роҳати дил" достони олдига қўйилган муҳим вазифа, яъни комил инсон тарбияси учун хизмат қилган. Бутун Шарқ мумтоз адабиётида ибратли, ҳақиқий ошиқ бўлиб келган Иброҳим Адҳам тимсолининг қайта яралиши " Роҳати дил"нинг аҳамиятини янада оширади.

## **Қўқон адабий муҳити**

Қўқон хонлиги худудига ҳозирги Фарғона, Наманган, Андижон, Тошкент, Хўжанд, Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистон кирган.

XVIII аср бошлари (1702-1710)га келиб Бухоро хонлигида парокандалик кучайди. Бундан фойдаланиб, кейинчалик Қўқон хонлиги деб аталган худудда, Минглар уруғи оқсоқоллари бирлашиб мустақил давлат тузишга қарор қилишди.

1709 йилда Минглар Фарғона водийсида ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. йўлбошчилардан бири

Шохруҳбий ҳукмдор деб эълон қилинди. Шу тариқа Мовароуннаҳрда Бухоро ва Хива хонлиги қаторида мустақил Қўқон хонлиги вужудга келди.

Қўқон хонлигида Шохруҳбий (1709-1721), ўғиллари – Абдурахимхон (1721-1733), Абдулкаримхон (1733-1750) ҳукмронлик қилишади. Кейинчалик уларнинг авлодларидан Эрдона (1751-1762), Норбўтабек (1763-1798), Олимхон (1798-1810), Амир Умархонлар (1810-1822) хонликни бошқардилар. Улар ўз фаолиятлари даврида ҳудудни кенгайтиришга, марказлаштиришга ҳаракат қилишди. Жангу жадаллар олиб боришди. Қўшни давлатлар билан ҳамкорлик ва дўстона алоқалар ўрнатишга интилишди. Баъзан ютуқлар қўлга киритилди, баъзан ютқазилди. Ижтимоий ҳаётни яхшилаш чоралари изланди.

Олимхон даврида Қўқоннинг сиёсий мавқеи кучайди. Ҳарбий ислохотлар ўтказилди. У 1805 йили



расман ўз давлатини Қўқон хонлиги деб эълон этди. Ўзига хон рутбасини қабул қилди. Олимхондан кейин укаси Умархон ўзини “хон” эмас “амир” деб атади. 1818 йили “амирул - муслимин” унвонини олди.

Қўқон хонлари халқнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий даражасини кўтариш чораларини излашган. Ижодкорларга раҳнамолик қилиб, рағбатлантиришган. Адабиёт ва санъат ривожига имкон яратишган. Улар воситасида халқнинг маънавий камолига таъсир ўтказишган.

XVIII аср I ярмида Қўқон адабий муҳити ташкил топа бошлаган. Жумладан, бу борада Мирзо Олим “Ансобус – салотин” асарида 1732-1733 йилларда Абдулкаримхон даври ҳақида шундай ёзган: “Абдулкаримхон... хизматига эшон, домолло, Олим Конибодомий ва домолло Вали Хўжандий ва Машраби девонайи Намангоний келиб суҳбат тутар эрдилар. Аларнинг

сухбатидин ифода ва истифода топиб,  
неча умумий диний ва кашф яқиниға  
олим ва қошиф бўлиб камолот ҳосил  
қилди”<sup>1</sup>

Қўқон адабий муҳитининг энг  
гуллаган, тараққий топган даври бу –  
Амир Умархон давридан бошланган.  
Унинг ўзи шоир бўлгани сабабли ижод  
аҳлига имконият яратиб берган. Уларга  
ҳомийлик ва раҳнамолик қилган. Миён  
Бузрукнинг 1930 йилда Тошкентда чоп  
этилган “Ўзбек адабиёти тарихига  
умумий қараш” китобида бу давр Қўқон  
адабий муҳитини “Олтин бешик даври  
адабиёти” деб атади. Бу таъриф,  
биринчи навбатда, Сарой тарихчилари  
томонидан тўқилган “Олтин бешик” ва  
Бобур ҳақидаги афсона билан боғлиқ<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> А.Қаюмов. Қўқон адабий муҳити. Т.: 1961,41-б. (“Ансобус-салотин, 18-б варақ”).)

<sup>2</sup> Унга кўра гўё Кобул томон кетаётган Бобур энди туғилган чақалоғини олтин бешикка белаб, йўлда қолдириб кетган экан. Фарғона водийсидаги ўзбек қабила бошлиқлари бешикни топиб олишиб, болани катта қиладилар... Шохруҳбий “Олтин бешик”нинг 10-пушти ҳисобланган.-Н.Норкулов, У.Жўраев. Ўзбекистон тарихи. 8-синф учун дарслик. Т.: 2004,165-бет.

Иккинчидан, адабий муҳитда яратилган қулай ижодий шароит ва жараён ҳам назарда тутилган.

Амирий таҳаллуси билан ижод қилган Амир Умархон ўзининг сиёсий фаолиятидан ташқари адабиёт ва санъат, илм-фан ривожига ҳам катта эътибор берган. Хонлик ҳудудидаги барча иқтидорли ижодкорларни саройга жамлаб фаол ижодий жараённи ташкил этди. Ушбу адабий жамоа ўзини турли йўналишларда намоён эта олган. Тарихнавислик, тазкиранавислик, шеърят, наср, матбаа ишлари, адабий ҳамкорликнинг ноёб маҳсуллари дунёга келган. Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахабут-таворих”, Авазмухаммад Атторнинг “Тухфатут - таворих”, Исҳоқхон Тўранинг “Тарихи Фарғона”, Мушрифнинг “Ансобус салотин ва таворихи Хавоқин”, Мутрибнинг “Шаҳномаи девона Мутриб”, Мушрифнинг “Шаҳномаи Нусрат паём” каби тарихий асарлари, Фазлий

Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкираси мазкур даврда яратилган, у ҳақдаги маълумотларни ўзида жамлаган. Умархон ташаббуси билан дунёга келган Фазлий тазкираси тазкиранависликда янги йўналишни шакллантирди. Кейинчалик бу анъана бошқа адабий муҳитларда ҳам давом эттирилган.

Қўқон адабий муҳитида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўзлаштиришга, жамлашга, ёзма адабиёт билан уйғунлаштиришга катта эътибор берилган. Бу ҳаракатнинг ноёб маҳсули сифатида Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарини эслаш кифоя. Увайсий, Нодира, Фазлий, Адо, Махмур, Амирий каби ижодкорларнинг асарларида ҳам халқона ҳикматлардан, иборалардан унумли фойдаланиш яққол кўзга ташланади.

Қўқондаги матбаачиликнинг ўз тараққиёт тарихи мавжуд. Мазкур даврда ҳам кўплаб қўлёзмалар қайта-қайта кўчирилди. Айниқса, Ушбу давр матбаа

тарихини адабий алоқалар, адабий ҳамкорликлардан айри тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, Бедил девонлари кўчириб, кўп нусхаларда тарқатилган. Унинг асарларига шоирлар назиралар, мухаммаслар боғлашган. Лутфий, Навоий, Амирий девонларидан иборат “Муҳаббатнома” мажмуаси Туркия султониغا совға тариқасида юборилган. 1836-1837 йилларда Амирий ва Нодиранинг ўғли Муҳаммадалихон буйруғига биноан хаттот Дабир томонидан Фузулий девони кўчирилган. XIX аср Кўкон адабий муҳитида яшаган адибларнинг ижодида Фузулийнинг адабий таъсири кучли бўлган. Шоир асарларидаги сўзлар хазинасидан фойдаланишган. Унинг асарларига назиралар, мухаммаслар боғлашган.

## **АМИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ (1787 -1822)**

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида кўқон адабий муҳитининг ўзига хос ўрни бор. Маданий меросимиз залворини у ерда тарбия топган Гулханий, Увайсий, Нодира, Махмур, Фазлий, Адо каби саноксиз ижодкорларнинг асарларисиз тасаввур қилиш қийин.

Атоқли адабиётшунос Абдурауф Фитрат «XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш» номли мақоласида Фарғона адабиётига ҳам эътибор қаратади. Унинг ютуқлари ва ноқисликлари борасида сўзлайди. Таъкидлаш керакки, ундаги Фитрат диққатини тортган барча ижобий жиҳатларнинг ҳамда юқорида санаб ўтилган адиблар ижоди равнақининг ҳомийси ва раҳнамоси Амир Умархондир.

Жумладан, унинг таклифи ва ташаббуси билан яратилган Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарини назарда тутиб Фитрат, «бу даврда Фарғона сарой адабиётларининг халқ

адабиётига айрича диққат қилганлари ҳам кўриладир»<sup>1</sup> дея таъкидлайди.

Тазкирачилик тараққиётида янгича кўриниш ва босқичнинг шаклланишида ҳам Амир Умархоннинг муносиб хизмати бор. У пайров шеърлардан тазкира тузиш анъанасини бошлаб берди. Фитрат диққат қилганидек, кейинчалик бу анъана бошқа адабий муҳитларда ҳам давом эттирилди: «Шундай бўлса ҳам Фарғона шоирларининг Хоразм шоирлари устида катта таъсирлари бўлганини инкор этиб бўлмайди. Фарғона «Мажмуат уш-шуаро»сиға ўхшатиб, Хоразмда ҳам бир «Мажмуат уш-шуаро» тузуми буни кўрсатадир»<sup>2</sup>.

Амир Умархон – Амирий фаолияти, ижоди «Адабиёт қоидалари» каби бошқа асарларида ҳам Фитрат эътиборини жалб этган. Ўз фикрларини асослашда унинг асарларига мурожаат қилган.

---

<sup>1</sup> Фитрат. Танланган асарлар.Т.: 2000, 2-жилд, 59-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 59-бет.

Кўринганидек, Амирий ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига кўп томонлама ҳисса қўшган мўътабар мутафаккирлардан биридир.

У 1787 йилда кўкон хони оиласида дунёга келди. Тўлиқ исми Амирсайид Муҳаммад Умархон. Тахаллуси Амирий. У ўзининг насл-насаби ҳақида, «...вужудим гулбуни Темир Кўрагон гулистони шажарасини самарасидур. ...Хилқатим ниҳоликим, Бобур Султон чаманининг навбодасидур»<sup>1</sup>, дея темурзодалар сулоласига мансублигини эътироф этади.

Акаси Олимхон (1800-1809) хонлик ҳудудини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Фарғона, Тошкент, Чимкентни қўл остига марказлаштирди. Ҳукмронлиги жангу-жадаллар ичида кечди.

1807-1808 йилларда Олимхон укаси Умархонни Фарғонага ҳоким этиб тайинлайди. Умархон шу фаолияти

---

<sup>1</sup> Амирий. Девон. Т.: 1972, 19-бет.



давомида умарою уламоларнинг хурматини қозонди.

Ўзининг тадбирли ва донолиги, жанжалли вазиятларни моҳирлик билан тинчйтиши, амалдору фозиллар кўнглига йўл топа олиши, муаммоларни адолатли ҳал этиши билан халқ эътиборига сазовор бўлди.

1808 йилда Умархон Андижон ҳокими Раҳмонқулибийнинг қизи Моҳларойим (Нодира)га уйланади. Уларнинг оиласи, бир-бирига муҳаббатли муносабати, ижоддаги устоду шогирдлиги, фарзандлари, уларнинг тақдири ҳақида кўп манбаларда маълумотлар етиб келган.

Олимхоннинг кетма-кет юришлари, қон тўкишлари халқ норозилигига сабаб бўлди. Бу норозилик фитна билан якунланди. 1809 йилда Олимхон фитначилар томонидан ўлдирилди. қўқон тахтини укаси Умархон (1809-1822) эгаллади.

Шундан сўнг, Умархон 12 йилдан ортиқ кўкон хонлигида ҳукмронлик қилди. У девони дебчасида таъкидлаганидек, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни ўрнатди. Зулмни баргараф этди. Адолатни барқарорлаштирди. Халқнинг иқтисодий, ижтимоий яшаш шароитларини яхшилашга интилди. Бу йўлда кўча ва бозорларни обод қилди. Муҳтожларга ҳиммат кўрсатди. Хонақоҳ ва мадрасалар барпо этди. Уларда ўқитиш ишларини такомиллаштирди. Илм аҳли ва толиби-илмларни қўллаб қувватлади. Ҳомийлик қилди. Кўплаб ариғу анҳорлар қаздирди. Боғлар барпо қилди. Ҳаммом, сардоба ва гузарлар ташкил этди. Сипоҳ ва аскарлар, мулозиму ходимларга ғамхўрлик қилди. Хонлик чегаралари ва савдо йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрди<sup>1</sup>. Тошкент, Бухоро, Хива карвон йўллари туташадиган жойда мустаҳкам Оқмачит қалъасини қурдирди.

---

<sup>1</sup> Амирий. Девон. Дебоча. Т.: 1972, 19-20-бет.

Умархон ҳукмдор сифатида хукмронлигининг дастлабки йиллариданоқ кўшни мамлакатлар билан алоқаларни яхшилаш чораларини излаган. Чор Россиясининг улкан мустамлакачилик режаларини сезган Умархон улар билан музокаралар олиб борган. 1812 йилда Россияга элчи юборади. 1813 йилда эса рус элчиси Ф. Назаров рус подшоси топшириғи билан кўқонга келади. Аммо, ноёб моллар юкланган карвон ва қимматбаҳо совғасаломлар билан келган рус подшоси вакилларини, асосий мақсадларини билгани сабабли, Умархон хушламай қарши олади<sup>1</sup>.

Туркияга ташрифдан мақсад уч - кашғар, Бухоро ва Россия томонидан хонликка солинаётган таҳдидни бартараф этишда мадад сўраш эди.

1820 йилда Усмонли турк давлати султони Маҳмуд II га ҳам бир мактуб ёзиб элчи юборади. Умархон анъаналарга

---

<sup>1</sup> Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз кадри. Т.: 2004, 59-бет.

кўра Турк султониға кўп совға-саломлар жўнатади. Улар орасида Лутфий, Навоий ва Амирийнинг шеърларидан жамланган «Муҳаббатнома» номли шеърый девон ҳам бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Амир Умархон кўмак сўраб ёзган мактуб Султон фармониға кўра сарой аъёнлари мажлисида кўриб чиқилади ва муҳокама этилади. Аммо ҳеч қандай амалий ёрдам берилмайди<sup>1</sup>.

Кўринадики, Умархон хонликни ниҳоятда мураккаб вазиятда бошқаришиға тўғри келган. У шундай шароитда ҳам сиёсатда тўғри йўл топиб, қалтис ҳолатни мўътадиллаштириш чораларини излайди.

Аммо, тарихий маълумотлардан кўринадики, Умархон ҳам идеал подшоҳ бўлган эмас. Унинг сиёсий фаолиятида ҳам қаттиққўллик ва шафқатсизлик билан ёндашилган, ҳал этилган вазиятлар, воқеа-ҳодисалар кўзга ташланади. Биз

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 59-бет.

бундай ҳолатларни, албатта, холис баҳолашимиз лозим.

Умархон 1822 йилда 35 ёшида вафот этади.

XIX аср бошларида адабиёт ва санъатни, маданиятни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Бухоро, Хива ва қўқонда ўзига хос хусусиятларга эга адабий муҳитлар шаклланди. қўқондаги ана шундай адабий ҳаракатга Умархон раҳнамолик ва ҳомийлик қилди. Атроф вилоятлардаги барча ижодкорларни қўқонга тўплади. Олиму фозил, шоиру санъаткорлар билан суҳбатлар уюштиради, мушоиралар ўтказади: «...гоҳи уламо суҳбатларинда ўлтурдим. Оёт ва аҳодис гавҳарлари бирла қулоқ садафин тўлдурдим. Ва гоҳи фазлу камол аҳли бирла мажоласат қилдим. Илму дониш нуридин баҳра олдим. Фунуни маоний жавоҳирларин кўнгул хазинасиға солдим»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Амриий. Девон. Дасбола. Т.: 1972, 20-бст.

Умархоннинг илмпарварлиги, раҳнамолиги натижасида шу даврда кўқонда кучли адабий жараён вужудга келди. Гулханий, Фазлий, Адо, Махмур, Ҳозик каби шоирлар, Увайсий, Нодира, Маҳзуна, Дилшод Барно каби шоиралар етишди. Бирор адабий муҳитда Умархон давридагичалик аёлларга ўз иқтидорини намоён этиш учун имконият берилмаган. Умархоннинг ўзи ҳам Амирий таҳаллуси билан шеърлар ёзиб, адабий муҳитда устод мақомида турган.

«Бу даврда Фарғона сарой адабиётларининг халқ адабиётига айрича диққат қилганлари ҳам кўриладир»<sup>1</sup>. Бунинг натижаси ўлароқ, Гулханийнинг «Зарбулмасал»дек ноёб асари ҳам хон ташаббуси, таклифи ва ҳомийлиги туфайли майдонга келган. Адабий жараён ҳақида муҳим далилларни ўзида жамлаган Фазлийнинг «Мажмуаи шоирон» тазкираси ҳам Умархон тавсияси билан яратилган. Бу типдаги

---

<sup>1</sup> Фитрат. Танланган асарлар. Т.: 2000, 2-жилд, 59-бет.

тазкиралар кейинчалик Хива адабий мухитида ҳам таълиф этилган Амирий улкан сиёсий фаолият билан банд бўлишига қарамай, маънавий камолотга, адабиёт ва шеъриятга катта эътибор берган. Назми теран англаган. Уни тушуниш, ҳис қилишни ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган ноёб фазилат дея қадрлаган:

**Гавҳари назм баҳосиздур Амир,  
Анга ҳар сифла<sup>1</sup> харидор ўлмас<sup>2</sup>.**

Англашиладики, Умархоннинг Ўрта Осиё ижтимоий тараққиётида, маданий равнақида жуда катта ўрни бор. Яратган шеърий мероси эса маъно, моҳият, бадиий тасвир усуллари жиҳатидан ўз мақомига эга.

Шу пайтгача Амирий фаолиятининг айрим қирралари адабиётшунос ва тарихшунослар

---

<sup>1</sup> Сифла – тубан, паст, пасткаш.

<sup>2</sup> Амирий. Девон. Т.: 1972, 92-бет. Кейинги шеърий парчалар шу манбадан олинди ва қавс ичида саҳифаси кўрсатилади.

томонидан ўрганилди<sup>1</sup>. Асарлари антология, хрестоматия ва мажмуаларда чоп этилди. Девони нашр қилинди<sup>2</sup>. Аммо, унинг ижтимоий ҳаётдаги хизматлари, ижодкор сифатидаги ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни етарлича баҳоланган эмас. Шеърляти маъно, тимсол ва бадий санъатлар мутаносиблигида ўз талқинини топгани йўқ. Бу ишларни амалга ошириш мустақиллик даври адабиётшунослиги олдида турган муҳим вазифалардандир. Чунки, тарихнинг манфаатимизга мос келувчи қисмларини танлаб ўрганиш, объектив хулосалар чиқаришимизга ҳалал беради. Уни яхлит ўрганиш, муҳим сабоқлар чиқариш келажак тараққиётини белгилайди.

Амирий ўзбек ва форс-тожик тилида лирик шеърлар яратган. Шеърларини девон ҳолида тартиб берган. Унда ғазал, мухаммас, мусаддас,

---

<sup>1</sup> Қаюмов П. Қўқон тарихи ва адабиёти. Т.: 1998; Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. Т.: 1961.

<sup>2</sup> Амирий. Девон. Т.: 1973.



мусамман, туюқ, рубоий каби жанрлардаги асарлари жамланган. Девони дебеча билан бошланади. Шоирнинг жами 10000 мисрадан ортиқ шеърлари бизгача етиб келган. Амирий девонининг кўплаб кўлзма ва тошбосма нусхалари мавжуд. Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи Текстология ва публикация бўлимининг каталогига шоир девонининг 26 та нусхаси ҳисобга олиниб, илмий тавсиф этилган. Бу кўлзма девонлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Ленинград кутубхоналарида сақланади.

Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлзмалар фондида шоир девонининг 17 та кўлзма нусхаси сақланади. Бундан ташқари, шу фондда XIX аср охири XX аср бошларида чоп этилган бир нечта тошбосма нусхалар ҳам мавжуд. Девонининг 1881-1887 йилларда Истанбулда чоп этилган 8 нусхаси ҳам шу фондда. Аммо, шоир девонининг автограф нусхаси маълум эмас.

---

Амирий девони таркибидаги ғазаллар араб алифбоси тартибида жойлаштирилган. Бошқа жанрлар ҳам девон тузилишининг асосий тартибларига риоя қилган ҳолда жамланган. Девон махсус номланмаган. Аммо, муаллиф томонидан «дебоча» ёзилган.

Шоир шеърларининг яратилиш тарихи, мавзу қамрови, маъноси, тимсоллар моҳиятини тўғри англашда «дебоча»нинг аҳамияти беқиёс. Чунки унда шоирнинг ижтимоий фаолияти, ижодий мақсади борасида шарҳлари, изоҳлари ўз ифодасини топган. Бу маълумотлар бизга кўп масалаларни тўғри англаш ва хулоса чиқариш имконини беради.

Дебочага шоирнинг иккита рубойиси киритилган. Биринчиси таронайи рубойий бўлиб, а – а – а – а тарзида қофияланган. Мавзу жиҳатидан ҳасби ҳол йўналишида:

**Чун маъдалат<sup>1</sup> айвонини<sup>2</sup>  
бунёд эттим,**

**Эҳсон ила эл хотирини<sup>3</sup> шод  
эттим.**

**Бас, жуду<sup>4</sup> сахоу<sup>5</sup> адл<sup>6</sup> ила дод<sup>7</sup>  
эттим,**

**Андоқки, жаҳон мулкани обод  
эттим. (20-бет)**

Ушбу рубоийда Умархон-Амирийнинг хон сифатидаги бошқарув тамойили шарҳланган. У жаҳонни обод этишнинг сирини адолат ва саховатда кўради. Шоир рубоийда ўзи амалга оширган ишларни сарҳисоб этиш билан чекланмайди. Балки, ўз фаолиятидан келиб чиқиб, инсониятга олам ва одамни мукаммаллаштириш йўл-йўриқларидан сабоқ ҳам беради.

---

<sup>1</sup> Маъдалат – адолат.

<sup>2</sup> Айвон – кўшк, қаср.

<sup>3</sup> Хотир – бу ўринда кўнгил маъносида.

<sup>4</sup> Жуд – инъом, эҳсон.

<sup>5</sup> Сахо – сахийлик.

<sup>6</sup> Адл – адолат.

<sup>7</sup> Дод – инсоф, адолат.

Иккинчи рубоийда шоир шеърятда асосий мавзу бўлган ишқ талқинининг шарҳи берилган:

**Агарчи хуш диёрида ғолиб ўлди кўнгул,**

**Жунуни ишқу муҳаббатға роғиб<sup>1</sup> ўлди кўнгул.**

**Шухуд<sup>2</sup> базмида паймонаи<sup>3</sup> муҳаббат ичиб,**

**Мудом соғари<sup>4</sup> саҳбоға<sup>5</sup> толиб<sup>6</sup> ўлди кўнгул. (21-бет)**

Ушбу рубоийда шоҳ ва шоир Умархон табиатидаги зиддият, шоҳликнинг шоир табиатига, руҳий ҳолатига таъсири ўз аксини топган. Лирик қаҳрамон фаолиятида шоҳ сифатида хушёрлик, ақл билан иш юритиш етакчилик қилсада, кўнглининг

---

<sup>1</sup> Роғиб- мойил.

<sup>2</sup> Шухуд – кўз билан кўриш, мушоҳада қилиш.

<sup>3</sup> Паймона – қадах.

<sup>4</sup> Соғар – май қадаҳи.

<sup>5</sup> Саҳбо – қизил май.

<sup>6</sup> Толиб – талаб қилувчи, изловчи.

ишқ-муҳаббат беҳушлигига, девоналигига рағбати, майли кўпроқ. Мушоҳада мақомида эса қизил май тўла қадахга талабгор. Рубоий мазмундан кўринадики, у зоҳирий ва ботиний мазмунга эга. Жунун, ишқ, шухуд базми, паймонаи муҳаббат, соғари саҳбо каби рамзларни қўллаб, шоир ўз шеъриятидаги ишқ моҳиятини ойдинлаштириб беради. Бу тимсолларнинг барчаси илоҳий муҳаббатни шарҳловчи рамзлардир. Бу ерда тимсоллар марказида турган май илоҳий ишқ моҳияти билан боғлиқ. Шундай экан, Амирий шеърларидаги ишқ талқинини, тимсоллар моҳиятини ҳар доим ҳам мажозий маънода тушуниш тўғри эмас. Унинг замиридаги кўпмаънолилик ва ботиний мазмунни ҳам эътиборга олиш лозим. Бу фикрларни «Девон»и дебочасидаги шоирнинг куйидаги мулоҳазалари ҳам тасдиқлайди: «Бовужуд мунча шуғлу тараддуд ва бу микдор тажассуси тааддуд кўнгул ишқу муҳаббат завқиға роғиб ва замиримда

ошиқона, шўрангез ғазаллар шавқи ғолиб эрди.

Паричехра гуландом шоҳидлари сафҳаи оразида сунъи қалами бирла ёзилгон хатти райҳони ғуборин ва хол бинафша нуқталари саводин мутолаа ва мушоҳада бирла ҳақиқат сармашқин олур эрдим...Ва ҳар гоҳким, гулрухсор санамлар ҳуснининг ойинастиким, маҳбуби бемисл жамолини(нг) жилваси мазҳаридур, хаёлим назариға манзур бўлғоч табъим тўтиси мушоҳада ҳайратгоҳида ширин ашъорлар бирла азал наққошининг иродати хомаси чеккон бадеъ нақшлар офаринонда суруд қилур эрдилар»(20-21-бет). Демак, шоир санамлар ҳусни ва ёки атрофидаги ҳар бир табиий гўзалликни ўхшаши йўқ маҳбуба жамолининг – Оллоҳнинг «жилвай мазҳари», яъни тажаллиси деган тасаввурда.

Шоир шеърлари, ўзи таъкидлаганидек, асосан, ошиқона йўналишда. Тимсоллар марказида

турувчи ҳам ошиқ тимсоли. Шоир асарларида ишқ чуқур моҳиятга эга. У зоҳирий ва ботиний маънони ўзида мужассамлаштиради. Агар биз фақат зоҳирий маънолар ҳақида сўзласак, шоирнинг бадиий мақсадидан узоқлашамиз. Чунки ижодкорнинг асли ниятини ифодалаши учун зоҳирбинлик бир восита, холос. Агар ботиний моҳиятни англамасак, шоир асарлари сийқа ва жўн ижод намуналарига айланиб қолади.

Амирий шеъриятида назарда тутган барча ишораларни тушуниш учун асарнинг маъноси ва тимсоллар моҳиятини англаш лозим.

Маълумки, ишқ асрори пинҳонийдир. Уни ҳаммага ошкор этиш салбий ҳолат, иродасизлик белгисидир. Бундай хатога йўл қўйган ошиқни Мансур Ҳаллоҷлар қисмати таъқиб этарди:

**Васлдин дам урма, эй ошиқ, агар  
Мансурсен,**

**Дединг: асрори аналҳақ, дордин  
андиша қил. (148-бет)**

Шу сабабли ҳам мумтоз адабиётда  
, жумладан Амирий ижодида ҳам  
рамзийлик муҳим аҳамиятга эга.  
Тимсоллар моҳиятидаги кўпмаънолилик  
ва сирлилик ишқнинг мумтоз талқини  
билан изоҳланади.

Жалолиддин Румий ишқ моҳияти  
ҳақида сўзлаб, «Ишқ - устурлоби асрори  
худо», яъни ишқ Оллоҳ асрорини  
ўрганувчи восита, дея баҳолаган эдилар.  
Амирий лирик қаҳрамони ҳам худди  
шундай нуқтаи назарда туради. У дунё  
моҳияти, ҳаётнинг мазмуни ва сир-  
синоатини ишқ орқали англашга  
интилади. Натижада, ўзи тушунган  
ҳақиқатлардан сабоқ берувчи  
донишмандга айланади. Буни шоир  
«Фалотун ишқ дарсида менга шогирд  
эрур», дея эътироф ҳам этади.

**Мулки маънида сўзум  
шухрати фош ўлди Амир,**



**Баски, шамшири забоним  
эди жавхар афшон. (182-бет)**

Ушбу байтда ҳам шоир ўз сўзининг моҳиятбинликда шуҳрат топганини эслатяпти. «Мулки маъни» деганда ҳам ботинийлик назарда тутилган.

Шоир ўз шеърларида ишқ ва ошиқликнинг ҳақиқий мезонларини белгилаб кўрсатади. Бу йўлга тушган солиқ учун мақсад йўлида ҳеч нарса, гарчи у ширин жон бўлсада, тўсиқ бўлолмаслиги лозим:

**Ошиқ улдурким, лабингни  
ҳасратида жон берур,**

**Йўкса кўпдур булҳаваслар  
кўнглида ёлғон ҳавас. (94-бет)**

Ёки:

**Кечгунг ўзлукдин агар базми  
висолин изласанг,**

**қилмағил, эй хаста кўнглум, жон  
била жонон ҳавас. (94-бет)**

Фарғона адабий мактабида  
Машрабдан кейин яшаган шоирлар

ижодида унинг таъсири яққол сезилади. Бу Амирий шеърларида ҳам кўзга ташланади. Жумладан, қуйидаги байт Машрабнинг «Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак, Иброҳимдин қолғон ул эски дўконни на қилай» мисралари билан ниҳоятда ҳамоҳанг:

**Расмдур аҳли жунун бўйнига  
туммор осмоғи,**

**Доғи дил гар бўлмаса, бўйнида  
туммори ғалат. (104-бет)**

Демак, шоир лирик қаҳрамони ҳам ташқи нақшу нигордан кўра кўнгил нақшини устун қўяди. У бу борада Машраб лирик қаҳрамони билан бир нуқтаи назарда.

Асл мақсад манзилига етиш воситаси ишқда икки йўналиш мавжуд. Бири сукра – беҳудлик, иккинчиси саҳв – ҳушёрлик йўли. Сукра йўлида жунун етакчилик қилади. Ақл раҳнамолиги инкор этилади. Саҳв йўлида эса ақл етакчилик қилади. Амирий адабий фаолиятида ўзи мансуб нақшбандийлик

тариқати меъёрларига ўз муносабатини  
хам билдириб кетади. Жумладан, у ақл ва  
жунунни бирлаштириш тарафдори:

**Ақл манъ айлар, жунун туғён этар  
юз кўргали,**

**Бу икковин элтиб ул ёра дучор  
айлай букун.**

(177-бет)

Ёки:

**Булҳавас<sup>1</sup> ишқ рамузин  
на билур,**

**Бехирад<sup>2</sup> махрами асрор  
ўлмас. (91-бет)**

Амирий шеърларида ишқ  
мазмунини ёритади, шарҳлайди.  
Ошиқнинг бош мақсади – бақо. Фано  
бақога кўприк. Шоир ориф сиймо  
сифатида унга эришиш йўлларини  
кўрсатади:

**Ишқ йўлида фано ўлмак эрур  
айни бақо,**

---

<sup>1</sup> Булҳавас – бекарор, енгилтак.

<sup>2</sup> Бехирад – ақлсиз, нодон.

**Кимки ўлди ханжари ноз ила  
қурбон топти жон. (202-бет)**

Ёки:

**Манзили мақсад тариқини тай  
этғайсен, Амир,**

**Гар бу йўл ичра кўнгул қонидин  
этсанг, зоднинг<sup>1</sup>. (135-бет)**

Шоир шеъриятидаги ошиқ тимсоли табиатини ёритишда зоҳид тимсолининг ҳам маълум ўрни бор. Ошиқнинг ҳам, зоҳиднинг ҳам асл мақсади битта. Дийдорга восил бўлиш. Аммо, унга етиш йўллари турлича. Ошиқ ишқ орқали, зоҳид эса тоат-ибодат орқали ниятига етишга интилади. Амирий шеъриятидаги ошиқ худди шу нуктада зоҳид дунёқараши ва тасаввурлари билан келиша олмайди:

**Зоҳидо, дерсенки ошиқлиғда  
мақсудинг надур,**

**Бўлмағай ишқидин ўзга ҳеч  
дилхоҳим менинг. (132-бет)**

---

<sup>1</sup> Зод – Рух озиғи, озик.

Демак, ошиқнинг асосий кўнгул мулки, бойлиги, бору йўғи ишқдан иборат. У пировардида бирор эгаликка даъво қилмайди. Ҳазрати Румий ҳам ошиқларга баҳо бериб, «Ошиқлар ушбу чеҳрага ўзларини фидо қилиб, эвазига ҳеч нарса истамаслар»<sup>1</sup>, деган эдилар. Зоҳид эса ўз дунёқараши нуқтаи назаридан ушбу ўринда ошиқни сўроққа тутяпти. Демак, зоҳиднинг ошиқлиги ортида даъвогарлик мавжуд. Тамагирлик мужассам. Шунинг учун ҳам Амирий шеъриятидаги бош қаҳрамон зоҳид билан чиқишолмайди. Унинг танлаган йўлини инкор этади. Ўз қарашини эътироф этиш орқали унга енгилгина, кинояли тарзда танбеҳ беради:

**Мен киму зуҳди вараъ, ишқу  
муҳаббатдур ишим,**

**Менга қошинг хамию зоҳида  
меҳроб керак. (127-бет)**

Зоҳид фаолиятида моддиюн  
бирламчи. У қибла ва меҳробга

---

<sup>1</sup> Жалолоддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. Т.: 1997, 25-бет.

диққатини каратади. Ошиқ фаолиятида эса тахайюлот бирламчи. У қибла ва меҳробни кўрмайди. У бевосита маҳбуба билан мулоқотга киришади. Маҳбубани кўради. Шоир шеъриятида маҳбуба тимсолини, унинг тавсифини изоҳлайди. Моҳиятига ойдинлик киритади. Уни тор англаган зоҳидга унга яқин тушунчалар орқали изоҳлаб беришга уринади. Ҳатто, зоҳид сажда қиладиган меҳробнинг ҳам қиблага орқа ўгириб турганини эслатиб, у танлаган йўл нотўғрилигини таъкидлайди:

**Зоҳид ар қошингни  
инкор айлади,**

**Юз ўгирди қибладин  
меҳробдек. (123-бет)**

Амирий қаҳрамони зоҳид фаолиятида кибрни ҳам кўради. Унинг назарида зоҳид тоат-ибодатдан шаҳодат берувчи дасторини ҳаммага кўз-кўз этади. У билан кибрланади. Лирик қаҳрамон зоҳид билан мулоқотга киришиб, унга дастор ҳақида эслатади. Ана шу биргина

сўзни кўллаш орқали шоир зоҳид хулқидаги номукамалликка эътиборни тортади. Комил ошиқ табиатига хос хокисорликни алқайди:

**Ёнар ўтга хусумат айласа  
бўлғайму, эй зоҳид,**

**Муҳаббат аҳлига дам урма,  
дасторингни куйдурма. (219-бет)**

Амирий ижодида дастор-салбий тимсол. У дунёга майл қўйиш, мансаб, мартаба белгиси:

**Нега арбоби хирад аҳли  
жунундин ори бор?**

**Ким булар урён, аларнинг  
жуббау дастори бор. (52-бет)**

Ишқ аҳлининг жунундан, ошuftаликдан ўзга бойлиги йўқ. Ақл аҳли эса руҳан занжирбанд, боғлиқ. Ҳашаматли тўн ва салла уларни асл моҳиятдан йироқлаштиради.

Лирик қаҳрамон табиатида шоҳлик ва шоирликнинг зиддиятли кечинмалари, туйғулари кўзга ташланади. Шоирлик–

ошиқлик, ҳақиқий ошиқлик–  
фақирликдир. Фақирлик–ҳою хавасдан  
ғолиб келишдир. Шунинг учун ҳам ҳою  
хавасларга берилиш, тожу тахтга  
боғланишни шоир фақирликка зид қўяди.  
Уни қоралайди. Талабгорликдан чекиниш  
деб баҳолайди:

**Саодат гавҳари эл қўйнида поси<sup>1</sup>  
адабдиндур,**

**Кулоҳи фақр афсар<sup>2</sup> бўлмоғи  
тарки талабдиндур. (80-бет)**

Амирий шеъриятида кўнгул  
тимсолига ҳам катта эътибор берилади.  
Унинг Каъба янглиғ мўътабарлиги ўзига  
хос ифода тизими билан эътироф  
этилади:

**Кўнгул уйи сари ихром боғла,  
қасди ҳаж этма,**

**Биёбонлар кезиб чўх захмату  
дайри ҳарам чекма. (216-бет)**

Шоир шеърларида, юқорида  
таъкидлаганимиздек, ишқ етакчи мавзу.

---

<sup>1</sup> Пос – эътибор, риоя, сақлаш.

<sup>2</sup> Афсар – тож.



Аммо, унинг замирига шоирнинг кенг камровли ҳаётӣй хулосалари, фикрлари ҳам сингдирилган. Ишқ изтироблари, кечинмалари, маъшуқа таърифу тавсифи билан бир қаторда чуқур донишмандона, орифона фалсафӣй мушоҳадалар ҳам баён этилган. У ишқ воситасида дунёни ва асл моҳиятни ёритиб берган. Бу фикрлар баъзан дунёвий, баъзан илоҳӣй талқинда ўз ифодасини топган. Баъзи шеърларида шоирнинг замон ва замондошларига муносабати акс этган. Давлат арбоби сифатида сиёсий ҳаётдаги ўйинлардан оғриниб, куйиниб айтган кечинмаларини ҳис этамиз:

**Эй фалак, ёғдурма кўп ғам  
жоласин,**

**Жоми айшим синди тошингдин  
сени. (253-бет)**

Шоир даврон изтироблари ҳақида сўзлар экан, сўзлар тизимини катта маҳорат билан танлайди. Бир қараганда «айш жомининг фалак тошидин синиши» оддийгина жумла. Аммо, айнан шу

сўзларнинг қўлланиши лирик қаҳрамон калбидаги озорларни, ҳис-туйғуларни аниқ етказиб беришни таъминлаган.

Амирий шеърларида атрофдаги оддий ашёлардан ҳам бадий тимсол сифатида маҳорат билан фойдаланади:

**Бўлмагон бўлса аёгинг ҳажридин  
қолиб тихи<sup>1</sup>,**

**Нега хайрондур кўзум янглиғ  
узангу ҳалқаси. (235-бет)**

Шоир от узангусининг туришида ҳам мантиқ кўради. Ва ундан ошиқ руҳий ҳолатига мутаносибликни кашф қилади.

Маъшуқадан йироқ кўз ва кўнгул – йўлини йўқотган ва хайрон. Бўм-бўш узангу ошиққа ўзининг ана шундай руҳий ёлғизлик ҳолатини эслатади. Узангу шакли хайратдан катталашган кўзга ва бўм-бўш кўнгилга менгзалади.

Амирий ижодида Навоий ва Фузулий асарларининг таъсири яққол кўринади. Унинг, айниқса, устоз Навоий ижодига эҳтироми баланд. Унинг 20га

---

<sup>1</sup> Қолиб тихи – ўлмоқ.

яқин ғазалига мухаммас боғлаган. Ўзи яратган асарларини эса камтарлик билан Навоий мероси олдида бир машқ, ҳавас деб ҳисоблайди:

**Бир парипайкар хати лаълини шарҳ эттим Амир,**

**Бу ғазал не зери машқидур Навоий дафтари. (243-бет)**

Хулоса қилиб айтганда, Амирий шеъриятида ҳаётнинг ҳар жабҳасидан сўз боради. Асарларининг мавзу қамрови кенг. Олам ва одам, уларнинг муносабатларига оид барча масалалар хусусида фикр юритилади. Шоир асарларининг эътиборли томони умумбашарий масалаларни ифодалашда ўзига хос янгича тасвир воситаларидан, бадий тимсол, ташбеҳу қиёслардан, тарҳи тоза сўзлар қатлаמידан фойдаланганидир.

## ГУЛХАНИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ.

### *Гулханий ҳаёти ва ижоди манбалари*

XVIII-XIX аср ўзбек мумтоз адабиётида Гулханийнинг ўзига хос ўрни бор. Бу даврлар насри тараққиётини унинг ижодисиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам шоир асарлари ҳар доим адабиёт мухлислари ва кашшофлари диққат марказида турган.

Унинг ижоди ҳақида маълумотлар, мулоҳазалар ўз замонасида яратилган тазкиралар, тарихий асарлар, бадий асарлардаёқ баён этила бошланган. Жумладан, бирламчи, муҳим манбалар сифатида Фазлий Намангонийнинг "Мажмуаи шоирон", Возеҳнинг "Тухфатул- аҳбоб.." тазкираларини, Авазмуҳаммад Атторнинг "Тарихи жаҳоннамо" асарини, Дилшод Барнонинг "Тарихи муҳожирон" рисоаларини кўрсатишимиз мумкин. П.

қаюмовнинг кейинроқ тасниф этилган "қўқон тарихи ва адабиёти " асаридан ҳам Гулханий ҳақида маълумот олиш мумкин. Шоирнинг энг машҳур асари "Зарбулмасал". Унинг 6 қўлёзма ва 10 дан ортиқ босма нусхалари мавжуд. У билан XIX аср охирларида рус шарқшунослари ҳам қизиқа бошлаган. 1895 йилда рус тилига таржима этилган.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб Гулханий асарлари криль алифбосида нашр этила бошлаган. Жумладан, "Намунаи адабиёти тожик"(1926й.), "Ўзбек адабиёти хрестоматияси " (1945й.), "Ўзбек поэзияси антологияси "ни айтиш мумкин. 1951 йилда "Зарбулмасал" алоҳида нашр этилади. 1958,1960 йилларда ҳам қайта чоп қилинган.

Гулханий ижодини ўрганиш борасида бир қанча илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилган. Дастлабки иш 1938 йил "Машъала" журналида чоп этилган Фитратнинг "Зарбулмасал" номли

мақоласидир. 1948 йилда Р. Муқимов йирик тадқиқот, яъни махсус диссертация ёзди. Иқтидорли адабиётшунос олимларимиздан Ҳ. Ёқубов, В. Зоҳидов, В. Абдуллаевларнинг бу борадаги хизматлари ҳам эътиборга молик. А. қаюмовнинг "қўқон адабий муҳити"(1961й.) номли китобидан ҳам Гулханий ҳаёти, ижоди, ўзбек мумтоз адабиётидаги мавқеи бобида муҳим маълумотлар олиш мумкин. Шоир ижоди тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам ўрганила бошланган. Х.Назарованинг бир қанча илмий тадқиқотлари маълум.

Гулханий ижоди ҳозиргача ҳам олимларимиз эътиборини жалб этиб келмоқда. Мактаб дастурларида ҳам ўрганилмоқда. Аммо, шоир ижодини тадқиқ этишимиз, кашф этиб англашимиз лозим бўлган жиҳатлари ҳали жуда кўп. Асарларининг тил хусусиятлари, сўзлар хазинаси, бадиий маҳорат қирралари, лирик меросининг теран моҳиятини ёритиш каби масалалар

адабиётшунослигимиз олдидаги долзарб муаммолардир.

Гулханийнинг ҳаёти ҳақида мукаммал маълумот етиб келмаган. Маълум далиллар ҳам манбаларда турлича баён этилган. Бу холис, ягона хулоса чиқаришимизни мураккаблаштиради. Шундай бўлсада, биз мавжуд фикрларни умумлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Шоир XVIII асрнинг 70-йилларида қўқонда таваллуд топган. Унинг аждодлари, турмуш тарзи ҳақида "қўқон тарихи ва адабиёти" асарида шундай маълумот берилади: "Шоир Гулханий. Бу кишининг номи Муҳаммад Шариф бўлиб, қўқонда туғилган. Онаси ўзбек бўлиб, отаси тожик эди. Шоҳи қушбегининг юзбошиларидан бўлган. қоратегиндан келган, Хўқандда уйланган. Онаси хон саройида оддий қора хизматда кун кечирган. Гулханий мадрасани тамом эта олмаган. Кейинчалик аскарий сипоҳликда пастрок даражада туриб,

сарой доирасида кун кечирган. қора кўз,  
қора гирдоб соқолли, буғдой рангли  
кўринишда хушчеҳра бир киши бўлган,  
жун чакмон кийиб юрар экан".<sup>1</sup>

Возеҳнинг маълумотига қараганда,  
Гулханий Наманганда ҳаммомдорлик  
қилган. Шунга таяниб, шоир ҳаётининг  
маълум бир даври Наманганда ҳам  
яшаган, деган хулосага келамиз.  
Наманган ўша даврларда Мулла Бозор  
Охунд каби улуғ шайхлар, унинг  
муридлари, дин ва тасаввуф уламолари,  
Машраб каби маъруф шоирлар яшаган  
замин эди. Гулханийнинг лирик  
шеъриятидаги мазмун, ғоя, фалсафа ва  
дунёқараш талқинидан келиб чиқиб, у  
ҳам шундай улуғлар изидан борган ориф  
шоир бўлганини англаш мумкин.  
Шундай экан, Гулханий Наманганга  
тасаввуф, тариқат бобидаги билимини  
чуқурлаштириш мақсадида борган  
бўлиши мумкин, деймиз. Бу фикримизни  
Фазлийнинг шоир табиатига

---

<sup>1</sup> П. +аюмов. +ы=он тарихи ва адабиёти. 45-бет.



"девонафеъл ", "оташтабиат" дея берган баҳолари ҳам тасдиқлаши мумкин. Биз ушбу фикримизнинг исботини Дилшод Барнонинг "Тарихи муҳожирон"<sup>1</sup> рисоласида келтирилган, Гулханий ўз умрининг кейинги йилларида ҳам қаландарларча ҳаёт кечирган, шоирлар билан ҳаммом гўлаҳида кун ўтказган, деган маълумотларда ҳам кўрамиз. Унинг сўфийлар кийими бўлган жун чакмон кийиб юриши ҳақидаги маълумот ҳам, ҳаёт тарзи, ижоди моҳиятини бир оз ойдинлаштириш учун хизмат қилади. У умрининг маълум қисмини сипоҳий сифатида, маълум даврини сарой шоирлари даврасида, сўнгги даврларини эса дарвеш, қаландар сифатида ўтказган. Ҳаётининг поёнида дунё моҳиятини теран англаган шоир қолган умрини Оллоҳ йўлида, қаландарларча яшаган, деган хулосага келиш мумкин. Замондошлари Фазлий, Возеҳ ва Дилшод

---

<sup>1</sup> Дилшод Барно. Тарихи муҳожирон, инв.№12076, 30-33- бетлар.

Барноларнинг унинг ижодига катта хурмат ва ҳавас билан баҳо беришлари ҳам бунга асос беради.

Гулханийнинг вафоти, қабри ҳақида ҳам турли маълумотлар, ривоятлар бор. Айримларида шоир Муҳаммадалихоннинг одамлари томонидан Сирдарёга чўктириб юборилган дейилади. Айримларида шоирнинг қабри қўқон яқинидаги Эшонқишлоқда эканлиги маълум қилинади.

### *Гулханийнинг шеърӣ мероси.*

Гулханийнинг бизга маълум мероси ҳажм жиҳатидан унча катта эмас. "Тухфатул-аҳбоб"да шоирнинг девони борлиги ҳақида маълумот бор. Аммо, девон ҳалигача топилмаган. Шоирнинг бизгача 12 та ғазал, 1 қасида ва "Зарбулмасал" асари етиб келган.

Гулханийнинг қасидаси Амир Умархонга бағишланган. Шоир Умархонга юрт равнақи, халқ камоли йўлида катта умидлар билан қарайди.

Ҳақиқатдан ҳам, у маърифатли, шоир,  
ижодкор аҳлига раҳнамо киши бўлган.  
Унинг даврида, ҳиммати билан кўқон  
адабий муҳити шаклланади. Шоҳнинг бу  
фазилатлари ҳақида Нодира  
дебочаларида, шеърларида ҳам ёзиб  
қолдирган. қасида 52 мисрадан иборат.  
У қуйидаги юксак маҳорат билан ёзилган  
мисралар билан бошланади:

Саҳаргоҳ булбули шўрида  
нолае сар кард,  
Зи хуни дида гули сўрх  
домане тар кард.  
(Мазмуни:

Саҳарда бечора булбул нола  
бошлади.  
қон ёшидан қизил гул этаги  
нам бўлди.)

Гулханий шеърларини икки-- форс-  
тожик ва ўзбек тилида яратган. У  
ғазалларини Гулханий ва Журъат

тахаллуслари билан битган. Шоирнинг тахаллусини замондошлари икки хил изоҳлашган.

Фазлий тазкирасида бу борада куйидаги фикрларни баён этган: "Гулханий билимдон шоирдир. "Гулхан" эмас "гулшан"дан ҳам чиройлироқдир. Девонафеъллиги, оташинтабиатлиги туфайли у ўзига "Гулханий" тахаллусини олган".

Раҳматуллоҳ Возеҳ эса, "Шоир ҳаммомдорлик билан шуғуллангани учун "Гулханий" деб тахаллус танлаган", дейди.

Гулханий шеърларида ҳам ўзига хос ифода услубига эга, чуқур мушоҳадали шоир сифатида намоён бўлади. Шоир лирикасида асосий мавзу-ишқ. Лирик қаҳрамон-ошиқ. Унинг барча ўй-фикрлари, фалсафий дунёқараши ана шу анъанавий мавзу талқинида юзага чиқади. Ундаги ишқ кенг маънода. Шоир борлик, олами у орқали англайди. Ҳаёт, инсон моҳиятини ишқ воситаси-ла

ўрганади. Ўзини, кўнглини унинг сарҳадсиз кенгликларидан излайди. Бу йўлда мумтоз адабиётдаги барҳаёт ошиқлар тимсоли Фарҳод ва Мажнунлар ишқини таҳлил этади. Уларнинг нуқсонларини фош қилиб, ютуқларига ҳавас билан боқади. Фарҳод-ошиқликнинг энг юқори мартабасига кўтарилган образлардан. Ишқ даражасини, отагини ўлчовчи меъёрий бир тимсол. Гулханий шу образга мурожаат этганда ҳам, ўзига хослиги кўринади. Ишқни ҳаммага ошқор этгани учун уни беҳаёга чиқаради:

Доша изҳор айлади Фарҳод  
Ширин дардини,  
Ишқ ойинида улдур  
беҳаёлардин бири.

Мажнун ҳақида эса, аксинча мушоҳада этади. У жунун илмининг чўққисида. Унга интилиш, шу даражага кўтарилиш шоирнинг орзуси:

Сенга, эй Мажнун, жунун илмида  
таслим айларам,

Сен расолардан бири, мен  
норасолардан бири.

"Этмаз" радифли ғазали шоир  
шеърятининг ғоявий кўлами ва бадий  
маҳорати борасида мукамал тасаввур  
ҳосил қилади. Унда шоирнинг дунё ва  
инсон моҳияти ҳақидаги англамлари,  
яшашдан мақсади, ҳаётда тутган йўли ўз  
ифодасини топади.

Кўнгул озодадур, дунёга арзи эҳтиёж  
этмаз,

Тариқат солики бу йўлда майли  
издивож этмаз.

Ушбу байтдан биз шоир лирик  
қаҳрамони табиати ҳақида хулоса  
чиқара оламиз. Унинг кўнгли озод, ҳур.  
У ҳар қандай маънавий қафасларни  
синдирган, чексиз рухий кенгликка  
мушарраф. Бунга эришишнинг боиси

битта-дунёга ҳарис бўлмаслик.  
Моддийликка эҳтиёжсизлик. Булар  
тариқат йўлига кирган солиқнинг,  
комилликка интилаётган , камолот ҳосил  
қилган кишининг фазилатларидан.  
Унинг асл муддаоси - Оллоҳ висоли.  
Бунга оташин ишқ билангина эришиш  
мумкин. Бу йўлда лирик қаҳрамоннинг  
энг катта бойлиги-ҳижрон. У шундан ҳам  
мамнун. Чунки, бу матоҳ фақат уники.  
Унинггина кўнгил мулки. Уни ҳеч ким  
талон-тарож этолмайди. Ушбу  
фикрларни ифодалар экан, шоир  
маҳорати яна бир бор намоён бўлади.  
Ишқу ҳижроннинг ёқимли ва азобли  
дард эканлигини, уни ҳеч ким ўғирлай  
олмаслигини, лирик қаҳрамоннинг бору  
йўғи шулар биланлиги ўзига хос сўзлар,  
образлар ва ифодалар тизими орқали  
тасвирлаб берилган:

Раҳи ишқингда дарду доғи  
ҳижронинг матоимдур,

қароқчи айламас торож они, кимса  
бож этмаз.

Лирик қаҳрамон Оллоҳга етиш  
фақат ишқ йўли орқали амалга ошади,  
деган фикрда. Шунинг учун ҳам у  
бошқа ҳар қандай йўлни рад этади.  
Жумладан, унга зоҳид ёндирган кўнгил  
шамчироғи нури хира туюлади. Ундан  
қониқмайди ва инкор этади:

Сен ўз динингни туз, зоҳид, мени кўп  
йўлдин озғурма,

Бу сураат шаъм ёндурдунг зиёси нур  
ривож этмаз.

Гулханийнинг бизга маълум кам  
ҳажмли лирик меросидан ҳам, унинг  
теран мушоҳадали, донишманд шоир  
эканлигини англаймиз. Ўзига хос бадий  
тасвир тизимлари, бадий кузатувлари  
борлигининг гувоҳи бўламиз. Шеърияти  
камонида, айниқса, Навоий ва Ғузулий  
мактабидан баҳрамандлик самараси  
сезилади. Ғузулийёна сўз ва иборалар



қўлланганини кўрамыз. қуйидаги каби  
Навоийвор мисралар, тимсоллар, сўзлар  
талқинига дуч келамиз:

Бир дам айла мардумлиғ дийдам  
ичра манзил қил,

Дурру лаъл сочсунлар мақдамингга  
мижгонлар.

Шоирнинг кўп илмий адабиётларда  
таҳлил этилган "Бер" радифли ғазали  
бор. Уни биз узоқ йиллар Гулханий  
шеърятининг етук намунаси сифатида  
талқин этиб келдик. Аммо, унинг  
ижодига катта ҳурмат билан қараган,  
асарларига юқори баҳо берган,  
ҳавасланган замондошлари бу каби  
шеърларига шоир ижодининг сустроқ  
маҳсули сифатида қарашган. Жумладан,  
Фазлийнинг "Мажмуаи шоирон"  
тазкирасида бир форсий шеър  
келтирилади. Унинг мазмуни  
қуйидагича.: "Жаннатмакон амир даврида  
Гулханий бенаволик асири бўлди.

Умрида дурустроқ нон ушатмади, яхши дастурхон атрофида ўтирмади. Сипоҳгарчилик қилди-ю, роҳат кўрмади. Меҳнат ва машаққат илкидан осойишталик топмади. Амир унинг ҳолига мурувват билан боқмади. Амирнинг илтифотсизлиги туфайли фақир бир парча нонга муҳтож бўлди. кўли қисқалик охири унинг жонига тегди. Камбағаллик фиғонини оширди. Йўқчилик туфайли у хижолатчиликлар чекди, тама йўлини тутиб, хўрликлар кўрди". Ушбу фикрлар Гулханий ҳаёт тарзи, ҳаёт йўлини кўрсатади. Унинг иқтисодий қийинчиликлар исканжасида яшаганлигини англаймиз. "Бер" ғазали мазмуни ҳам буни тасдиқлайди. Аммо, тама маъносидаги ғазал шоир шахсини хўрлайди. Юксак интилишлар, улуғ мақсадлар ҳақида куйлаган ижодкор мавқеига путур етказади. Балки, буни англаган, шоирнинг ўзи ҳам, сипоҳгарликни тарк этиб, қаландарона

хаёт тарзини маъкул кўрган бўлса , ажаб эмас.

Адиб **“Зарбулмасал” асарининг зоявий ва бадий хусусиятлари.**

Гулханийнинг бизга етиб келган йирик асари "Зарбулмасал"дир. Унда ўзбек халқининг, ижодкорнинг нақадар донишмандлиги ва зукколиги намоён бўлади. Бу асар Амир Умархоннинг таклифи билан яратилган. У бундай масъулиятли, теран тафаккур ва халқона услубни тақозо этувчи юмушни Гулханийга ишониб топширади. Бу Гулханийнинг иқтидори ва салоҳиятига замондошлари ва Амир томонидан берилган юқори баҳо эди. "Зарбулмасал"нинг 6 кўлёзма, 10 дан ортиқ босма нусхаси бор. Ҳозиргача маълум энг қадимий кўлёзма 1855 йилда кўчирилган. " Зарбулмасал" арабча "зарб" ва "масал" сўзларининг қўшилувидан ҳосил бўлган бўлиб, "масал урмоқ", "масал орттирмоқ"

маъносини англатади. "Масал келтириб сўзлашмоқ" мазмунида ишлатилади.

Форс-тожик ва туркий халқлар адабиётида "Зарбулмасал" номли илмий-бадий асарлар кўп бўлган. Уларнинг айримлари масал, мақоллар йиғиндиси, айримлари бир тилдан бошқа тилга таржима луғатлардан иборат.<sup>1</sup>

Гулханий "Зарбулмасал"и эса ўзига хос услуб ва мазмун, сюжет ва композицияга эга. Унинг ғоялар ва тимсоллар тизими талқини ўзига хос.

Аммо, шоирнинг ўзи таъкидлаганидек, унда Жомийнинг "Силсилат уз-заҳаб", Шарқ ҳикоячилигининг ноёб намунаси "Калила ва Димна" нинг таъсирини сезиш мумкин. Ундан ташқари, "Зарбулмасал"да Хусрав Дехлавий, Жомий, Ҳофиз Шерозий, Навоий, Сўфи Оллоёр, Машраб

---

<sup>1</sup> а) Зоконий. Зарбулмасал; б) Заруби амсоли Туркия, Истанбул, 1893й.; в) Зуруби амсоли усмония. Истанбул, 1870й.; г) Рожий. Зарбулмасал.; д) Нозил Хыжандий. Щажвиёт. ЫзФАШИ, инв.№12080.).

каби улуг устозлар асарларидан парчалар келтирилади. Шоир ўз фикрларига улардан қувват олади.

"Зарбулмасал"нинг воқеалари жуда пухта-халқ латифаларидек содда, мухтасар ўйланган.

У "Калила ва Димна", "Минг бир кеча" каби асар ичида асар тарзида ёзилган. Лекин улар бир-бири билан узвий боғланиб ягона асарни ташкил этган.

Гулханий маҳоратини намойиш қилувчи яна бир хусусият, қаҳрамонлар характерини тавсифий тарзда эмас, суҳбатлар воситасида бадийй фош қилади.

Гулханий "Зарбулмасал"да 400 та халқ мақолини бадийй восита сифатида қўллайди.

"Зарбулмасал"-мураккаб асар. Уни англаш учун кўрқуш сўзи билан айтсак, "ботин кўз" керак.

"Зарбулмасал"-мажозий асар. Ундаги шоирнинг ғоялари, мақсади-турли

образлар, мақол, матал, ҳикоят ва ривоятлар воситасида пардали тарзда ифодаланади. "Кордон Бойўғлиға боқиб айди: Сиз била бир парда ичинда наво қилали ва бепарда сўзлашмайлук".

Асарда шоирнинг ватан, халқ қисмати, инсоннинг маънавий дунёси борасидаги ўй-фикрлари, дарду армонлари, нола- фиғонлари ўз ифодасини топган. Бу асарда ҳам эътироф этилган:

Наво парда ичра навосоз  
бўлур,  
Ки, бепарда оҳанг афғон  
бўлур.

Гулханий "Зарбулмасал"да турлича тимсоллар тизими воситасида бутун жамиятнинг тирик, ҳаракатдаги манзарасини яратиб бера олади. Бизга замоннинг ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий ҳаёт тарзи ҳақида хулосалар чиқаришимизга имкон беради. Шоира

Дилшод Барно: "Гулханийнинг "Зарбулмасал"ларини ўқуб, ўз диёрим кишлоқлари борасида ажойиб ойинанамо масаллар ёзганлари кўп таъсир қилди",-дейди.

Асарда турли тимсоллар тизими мавжуд. Булар: а) Бойўғли, Япалоққуш, Кўркуш, Гунашбону, Кулонқир султон, Ҳудхуд, Шўранул, Куйкунак, Малик Шоҳин, Кордон, Турумтой, Навозанда, Бозанда каби қушлар; б) Туя, бўталоқ, тошбақа, чаён каби ҳайвонлар; в) Холбоқи мисгар, Ёдгор пўстиндўз, Отабой Амин, Сафарбой боғбон каби кишилар образларидир.

Уларнинг табиати орқали шоир турли тоифа инсонларнинг маънавий қиёфасини фош этиб беради. Уларнинг орасида амалдорлар, хунармандлар, деҳқонлар ва бошқа касб эгалари ҳам бор. Шоирнинг асосий мақсади-кишиларни ўзига танитиш, нуқсонларидан огоҳ этиш. Чунки, ўзини англаш Оллоҳни танишга олиб боровчи

воситадир. Ўзини англашгина оламини  
фожиалардан асрайди. Шоир Кордон  
тилидан Бойўғлига бу борада шундай  
насихат қилади: "Агар сенинг хирадинг  
дийдаси хира ва замиринг ойнаси тийра  
бўлмаса эди, аввал ўз айбингга боқиб,  
ўзгалар айбини яшурсанг хўб эрди".

Ўз нафсига мағлуб Холбоқи мисгар  
ҳикоятдан сўнг қуйидаги халқ  
мақоллари хулоса ўрнида келтирилади:"  
Сазовори нафсингизни битказинг, ё  
султон амрини"; "Икки суюклик бир  
кўнгилга сиғмас"; "Икки кема тутган  
қолди ғарқоб ичинда, чиқмас ул  
денгиздин бир кема тутмагунча". Ушбу  
хулосалар замирида шоир айтмоқчи  
бўлган улуғ ниятни англаш қийин эмас.  
Бу ҳикоятда ҳам намоз ўқиб, ҳам нафс  
кемасини маҳкам тутган Холбоқи  
мисгар фош этилади. Шоир ушбу ҳикоят  
орқали замондошларини ислом ва  
тасаввуф таълимотининг "Оллоҳ битта.  
Фақат унга эътиқод қўйиш лозим"лиги  
ҳақидаги фалсафаси билан ошно этади.



Кўрганимиздек, "Зарбулмасал"нинг бош ғояси-халқ мақоллари, ҳикматлари, матал ва ҳикоятлари орқали инсониятни маънавий ғафлатдан огоҳ этиш. Унинг нуқсонларини фош этиб, камолот йўлини кўрсатиш. Комил инсонни тарбиялаш. Асардан бу фикримизни тасдиқловчи далилларни истаганча топиш мумкин.

"Зарбулмасал"нинг ғоявий кўлами қанчалик теран ва чексиз бўлса, бадиияти ҳам шунчалик баркамол. Унда, насрий асар бўлсада, сажъ, ирсоли масал, китобат, хусни таълил, ўхшатиш каби ўнлаб бадий санъатларнинг янги, ўзига хос намуналари яратилган. Асарда қўлланган сўзлар хазинаси, тимсоллар тизими ҳам ўзига хос.

## **НОДИРАНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ**

*Нодира ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихи.* Катта иқтидорга эга бўлган ўзбек шоираси Моҳларойим-

Нодира ҳаёти ва ижодини ўрганиш ўз давриданок бошланган. Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахабут-таворих”, Авазмуҳаммад Атторнинг “Тухфатут-таворих”, Исҳоқхон тўранинг “Тарихи Фарғона”, Мушрифнинг “Ансобус салотин ва таворихи Хавоқин”, Мутрибнинг “Шоҳномаи девона Мутриб”, Андалибнинг “Шоҳномаи девона Андалиб” каби тарихий асарларида, Увайсийнинг “Воқеоти Муҳаммадалихон”, Нодирнинг “Ҳафт гулшан” номли дostonларида Нодиранинг иқтидори, фаолияти борасида қимматли маълумотлар баён этилган. Жумладан, “Ҳафт гулшан”да унинг ижодкор, давлат арбоби ва оддий ўзбек аёли сифатидаги қиёфаси қисқагина парчадаёқ муфассал ёритиб берилган:

Ҳама бошдин аёғи эрди идрок,  
Жаҳон ичра анингдек келмагай пок.  
Агар ҳар ишни ул этса ирода,  
Карам бобида юз эрдин зиёда.  
Анингдек келмагай даҳр ичра ойим,

Анинг кўнгли саховат ичра доим,  
Жаҳон гулзорида андоғ сифатлик.  
Топилмас хотун ичра оқибатлик.

Бизда шоира ҳақидаги дастлабки мақолани Лутфулло Олим 1923 йил “Билим ўчоғи” журналида эълон этган. Т. Жалоловнинг “Ўзбек шоирлари”, Ўткир Рашиднинг “Уч шоира”, А. қаюмовнинг “қўқон адабий муҳити”, М.қодированинг “Нодира” каби асарларида ҳам Моҳларойимнинг нодир шоирона салоҳияти, давлат арбоби сифатидаги фаолияти ёритиб берилган.

**Таржимаи ҳоли.** Нодира 1792 йилда Андижон ҳокими Раҳмонқулибий оиласида дунёга келди. Асл исми Моҳларойим. У замонасидаги тартибга биноан отинойи кўлида таҳсил олади. У 1808 йилда ўша пайтда Марғилон ҳокими бўлган Амир Умархонга турмушга чиқади.

1810 йилдан акаси Олимхон ўрнига тахтга чиққан Умархон билан қўқонга

келади. Умрининг охиригача шу ерда яшайди.

1822 йил Умархоннинг фожиали вафотидан сўнг ўғли Маъдалихон кўқон хонлигини бошқара бошлади. У 14 ёшда эди. Нодира оқила, доно ва тадбиркор аёл эди. У Умархон даврида Бибихонимни эслатади. Ўғли даврида эса мамлакатни баравар бошқаради. Мадраса, масжид, ҳаммом, карвонсаройлар қурдиради. Илм аҳлига раҳнамолик, фақирларга ҳомийлик қилади.

1842 йил Амир Насрулло томонидан қатл этилган.

***Шоира шеърятининг мавзу ва зоявий хусусиятлари.*** Нодиранинг шеърӣ мероси бир нечта девонларининг қўлёзмалари орқали бизгача етиб келган. 1960 йилгача “дол” ҳарфигача бўлган 109 ғазални ўз ичига олган битта нотугал девони маълум эди. Унинг дебочасида Комила тахаллуси билан ҳам асарлар ёзгани ҳақида маълумот бор.

1962 йилда Наманганда Нодиранинг девони топилди. Унга 180 та асари киритилган эди.

Ҳамкор ва ҳамфикр устози Увайсий Нодиранинг Макнуна тахаллуси билан ҳам ижод қилгани ҳақида хабар беради. Шарқшунослик институтида 333 ғазалдан иборат Макнуна тахаллуси билан ёзилган девони ҳам бор.

Нодира-зуллисонан шоира. У икки тилда форс-тожик ва ўзбек тилларида ўз асарларини яратган.

Нодиранинг бизгача 10.000 мисрага яқин мероси етиб келган. У мумтоз адабиётимиздаги ғазал, мухаммас, рубой, фард каби кўплаб жанрларда асарлар яратган. У Навой, Фузулий, Бедилни ўзига устоз деб билган. Уларнинг асарларидан таъсирланган, ижод сирларини ўрганган. Асарларига кўплаб мухаммаслар боғлаб, устозлари фикру ғояларини ривожлантирган.

Нодира Амирий тахаллуси билан шеърлар ёзган Умархонни ҳам ўзига

устоз деб билган. Камтаринлик билан шеър ёзиш сиру услубини ундан ўрганиб, назм салтанатига қадам қўйганлигини эътироф этади: “Мен ҳам алар мутобаатида назм услубидин баҳра топиб “Ас-суҳбату муассиратун” натижаси бирла кам-кам шеър қонунидин хабардор бўлур, гоҳо бирор мисраъ ва гоҳо бирор байт тақлид бирла айтур эрдим.”

Нодира муҳаббат, садоқат ва вафо куйчиси. Ҳамфикр устози Умархоннинг фожиали вафоти Нодира кўнглига, ҳаётига катта зарба бўлди. Унинг шеъриятида маҳзунлик кучайди.

Дарддоши, ҳамхонасидан айрилган шоира шеърлари ғамгин изтироблар, мунгли наволар бўлиб кўнглимизни дарднок этади.

Шарқ аёлларига хос фидойи вафодорлик, садоқат, иззат-икром намунаси бўлиб тасаввуримизни, тафаккуримизни абадий бойитади.

Аммо, Нодира шеъриятини фақат Саййид Умархондан айрилиқ изҳорлари

деб баҳоласак, бирёқлама тушунган  
бўламиз. Чунки шоира шеъриятининг  
илдизи чуқур. Маъно-моҳияти жуда  
теран.

Фурқат ғамида ёлғизланган кўнгул  
бир ғамгусорга эҳтиёж сезади. Ана шу  
эҳтиёж шоира шеъриятини тафаккурнинг  
юқори босқичига кўтаради. Яъни ҳаётининг  
заминдаги ошиқлик илоҳий ишқ сари  
юксалиб боради.

Нодира замонасида мажозий (яъни,  
дунёвий) ишқни куйлаш ҳам, ҳақиқий  
(яъни, илоҳий) муҳаббатни васф этиш ҳам  
аёл киши учун осон бўлмаган. Мана бу  
оташин байт шундан нишона:

Манъи муҳаббат на  
килурсан менга,

Рамзи ҳақиқат эрур ишқи  
мажоз.

Шоирамиз юраги турли  
маломатлардан куйиниб, “эй замондош,  
менга муҳаббат” навосини манъ этма.

Ахир, Ҳақ ишқини куйлашим учун бу дунё ишқи фақат рамзу тимсолдир, холос”, дея надомат чекадилар.

Шоира наздида илоҳий ишқ инсонни камолотга етаклайди. Ундан беҳабарлик эса тубанликка юз туттиради.

Эзгу фазилатлардан маҳрум этади:

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,

Гар одамсан-муҳаббат ихтиёр эт.....

Ошиқлик-кўнгил иши. Бу йўлда зоҳидликни-дунё меҳнатларидан бутунлай воз кечиб фақат тақво билан шуғулланишни Нодира рад этади:

Ишқ мақомида қабул истасанг,

Комила, қил зуҳд элидин ихтироз.

Инсон ҳаёти ҳамиша қарама-қаршилиқлар исканжасида кечади. Кўнгил хоҳишлари, мақсадлари турлича эл дунёқарашлари тўқнашади. Яхшилиқлар тилаган юракка кўпроқ озор этади. Нодира шеъриятида ҳам бепарво, такаббур замондошлари зарбаларидан



захмдор дил нолалари эшитилади. Шоира  
лоқайд, ошиқликнинг файзосор  
муждаларидан бебахра кимсалар  
мавжудлигидан таассуфлар чекади.  
Бундайлар билан ҳамқадам бўлиш  
туйғуларингни ўлдириши, руҳингни  
қашшоқлаштиришидан куйинади:

Бевафолар меҳрини тарк айла, эй  
шайдо кўнгул,

Йўқса бу йўлда алигда ҳар на вор  
алдин кетар.

Нодира ана шундай замондошлари  
кўнглига дунё, ҳаётнинг моҳияти  
борасидаги ўзи англаб етган  
ҳақиқатларни сингдиришга эҳтиёж  
сезади. Олам ва одамнинг мазмуни, бир-  
бирига муносабати хусусидаги фалсафий  
хулосаларни ошкор этади. Натижада,  
асарлари теран мазмунли ирфоний мактаб  
даражасига кўтарилади. Замондошлари  
ҳаёт неъматларини ғанимат билишга,  
ундан баҳраманд бўлишга даъват  
этилади.

*Шеърӣ маҳорати.* Шоира шеърӣяти мазмун жиҳатдан ҳам, бадийлик жиҳатидан ҳам баркамол асарлардир. У фикрларини ўзига хос, янги топилмалар, қиёслар билан ифодалашга интилан. Кузатишларига аёлларга хос нозиклик ва синчковлик билан муқоясалар топа олган. Натижада, тазод, таҷоҳул ул-ориф, талмеҳ, ҳусни таълил, ташбеҳ каби бадий санъатлар билан музайян янги талқинлар, янги образлар, янги ифодалар яратишга эришган:

Юз чок сочинг ҳасратидин шона  
юроги

Машшота<sup>1</sup> эрур турраи<sup>2</sup>  
тарроринга<sup>3</sup> муштоқ,  
ёки:

Ул юз наззорасидин бўлди сафоси  
мониъ,

Хуршидни кўрарға бўлмиш зиёси  
мониъ,

---

<sup>1</sup> Машшотга - пардозчи.

<sup>2</sup> Турра - ёрилган соч, кокил.

<sup>3</sup> Таррор - ёри, киссауру.

ёки:

Сени, эй нозанин, базм ичра  
топмай,  
қилур фарёду афғон най била даф.

## УВАЙСИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

*Увайсий ҳаёти ва ижодининг манбалари.* Жаҳонотин Увайсий ижоди ўзбек мумтоз адабиётида ўзига хос мавқеда туради. У XVIII асрнинг 80-йилларида Марғилоннинг Чилдухтарон маҳалласида туғилган. Маърифатли оилада тарбия олган. Отаси икки тилда шеърлар ёзган адабиёт мухлиси эди. Онаси Чиннибиби отин эди. Акаси Охунжон Ҳофиз ҳам Жаҳонотиннинг тарбиявий камолида муносиб ҳисса қўшади.

Увайсийни Ҳожихон исмли касибга узатишади. Ҳаёти яхши бўлмай, қуёшхон ва Муҳаммадхон исмли бир қиз, бир ўғли бўлганда бева қолади. У Нодири билан

хамдардликда кўқонда саройда маълум муддат яшайди. Маъдалихон ўғлини кашқарга сарбоз этиб юборади. қизи вафот этади. Ёлғизланиб ва кексайиб қолган Увайсий Марғилонга қайтади. 1845 йилларда 65 ёшларида Марғилонда вафот этади.

Увайсий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар унинг асарларида, айрим тазкираларда, ҳозир Марғилонда яшаётган қариндош-уруғларининг хотираларида бизгача етиб келган. Увайсий яшаган давр адабий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи Фазлий Намангонийнинг "Мажмуатуш-шоирон" тазкирасида ҳам шоира фаолиятига муносабат билдирилади. Шоира ижодини изчил илмий йўналишда ўрганиш 30-йилларда бошланган. Чўлпон "Ёрқин турмуш" журналининг 1933 йил 3-сонида "Увайсий" мақоласини эълон қилди. Шоиранинг шеърлари "Ўзбек адабиёти хрестоматияси", "Ўзбек поэзияси антологияси" китобларида чоп этилди.

Увайсий ижодини ўрганиш 60-йилларда янги босқичга кўтарилди. Шоира асарлари алоҳида девон ҳолида нашр этилди. Бир қанча илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Жумладан, Т. Жалоловнинг "Ўзбек шоирлари", А. қаюмовнинг "кўкон адабий муҳити", Э. Иброҳимованинг "Увайсий" рисолаларини айтиш мумкин. Сўнгги йилларда яратилган И. Хаққуловнинг "Увайсий шеърляти" рисоласи ҳам диққатга сазовор.

**Шоира мероси.** Увайсийнинг 15 минг мисрага яқин шеърй асарлари мавжуд. Унинг бир девони ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланади (инв.№1837). Унда 269 ғазал, 29 мухаммас, 55 мусаддас, 1 мураббаъ бор. "Шаҳзода Ҳасан", "Шаҳзода Ҳусайн" ва "Воқеоти Муҳаммадалихон" дostonлари киритилган. У 1857-58 йилларда Муҳаммадшоҳ Юнусхон томонидан китобат қилинган.

1960 йилларда Андижонда шоира девонининг 3 та нусхаси топилди. Уларнинг биринчиси 404 бетдан иборат бўлиб, шоиранинг эвараси Холжонбиби - Мағзий томонидан кўчирилган. 5628 байтни жамлаган. Кўплаб жанрларда яратилган асарлар бор. Иккинчи нусха 161 бет, 2093 байтдан иборат. Учинчи нусха 228 бет, 1870-71 йилларда китобат қилинган. Иккинчи ва учинчи нусхалар таркиби 1837 рақамли қўлёзмага яқин туради. Биринчи нусхада эса, бошқа қўлёзмаларга кирмай қолган 300 дан ортиқ асар бор.

Увайсийнинг 3 та достони бор. "Шаҳзода Ҳасан", "Шаҳзода Ҳусайн", "Воқеоти Муҳаммадалихон".

***Шоира шеърларининг мавзу ва ғоявий қамрови.*** Жаҳонотин Увайсий шеърияти Ўзбек мумтоз адабиётида ўзига хос мавқеда туради. Увайсий деярли барча жанрларда қалам тебратган. Шоира асарларининг мавзу ва ғоялар қамрови теран, бадиияти баркамол. Ижодкор

сифатида дунё, олам моҳиятини англаши,  
улар ҳақидаги хулосалари файласуфона.

Увайсий шеърятининг бош мавзуси  
- ИШК. Шоира ижодидаги ишқнинг  
моҳияти жуда кенг. Мажозий ишқ,  
ҳақиқий ишқ, моддий эҳтиёжсизликнинг,  
маънавий эҳтиёжнинг улғайиш ишқи.  
Асарларидаги муҳаббат - яралмиш ва у  
орқали яратувчига, эзгуликка бўлган  
муҳаббатдир. У маҳбуба, ваҳдати вужуд,  
илоҳий бирлик ҳақидаги тушунчаларни,  
қарашларни изҳор этар экан, олам ташқи  
кўринишидан - моддий, ички моҳияти  
билан эса-илоҳий, деган тасаввурда  
туради:

Менинг маҳбубим, эй дилбар, ўшал  
ном ичра ёстанмиш,

Тафаккур қилмағил, мазмуни пайғом  
ичра ёстанмиш.

Нечукким, орзу қилмай кўлингдин  
журъа ичмакни,

Маи ваҳдат сенинг илгингдаги жом  
ичра ёстанмиш.

/азаб кўп қилма, пири дайр, ул юз сори  
термулсам,

Тажаллийи худо ул ҳусни гулфом  
ичра ёстанмиш.

Бу замирига тасаввуфий ғоялар  
сингдирилган газал. Ундаги май-илоҳий  
ишқ тимсоли. Майи ваҳдад-илоҳ билан  
бирлашиш ишқи. Жом-бу дунё, борлиқ,  
жаҳон рамзи. Демак, шоира илоҳий  
бирликка ушбу-фоний дунёни кечиб  
ўтиш, унинг яхши-ёмонига қаноат қилиш  
орқали эришиш мумкин, деб билади. У  
жаҳоннинг эзгуликларига, гўзалликларига  
муҳаббатда бўлиш Тангрига кўнгил  
қуйиш билан баробар. Чунки оламдаги  
барча мавжудот худонинг  
зуҳури, худонинг тажаллиси, деган  
фикрни илгари суради.

Ваҳдатул-вужуднинг бошланиши ва  
охири бўлмаганидек, Ҳақ тажаллисининг  
ҳам ибтидо ва интиҳоси йўқдир. Унинг  
зоти ҳар жойда зоҳир ва мазҳарлари зоти  
билан ўхшашдир. Увайсий оламга,



гўзалликка худди ана шундай тасаввур  
ила муҳаббат боғлайди:

Исми аъзамнинг сифоти дилбарим  
номиндадур,

Билсалар асли тажалли юзи  
гулфоминдадур,

Мен нечук масту аласт бўлмай анинг  
ҳижронида,

Журъаи ваҳдоният илгиндаги  
жоминдадур...

Увайсий шеърятининг ғоявий  
йўналишини , моҳиятини ўзи шарҳлаб  
берган ўринлар бор, масалан, бир  
ғазалида :

Гар киши бўлса харидори, Увайсий  
ичра бор-

Ул матойи рамзга бозордурман  
ишқида,- дейди .

Ушбу мисралар орқали шоира  
шеърятининг рамзий шеърят  
эканлигини таъкидлаётгандек туюлади,

бизга. Бозорда ҳар бир харидор истаган нарсасини топади. Демак, Увайсий асарида бозор сўзини бекорга қўлламаган. Ишқ асрорини англашга иштиёқманд харидор учун лирикасида ишқ рамзи, унинг сир-синоатлари борасида хоҳлаган саволига жавоб топиши мумкинлигини таъкидлаяпти.

Албатта, Увайсий маълум бир макон, замон ва жамиятда яшаган. Шунинг учун ҳам асарларида инсоний муносабатлар, уларнинг эзгу ва дардчил кечинмалари, шодлиги ва қайғулари ўз ифодасини топган. У имон-эътиқодли, эзгу амаллар йўлида жонфидо, дунёни, инсонлар кўнглини мусаффо кўриш иштиёқида ёнган дардчан юраклар--дард эли билан ҳаммаслак, ҳамдард :

Меҳнату аламларга мубтало  
Увайсийман,  
қайда дард эли бўлса, ошно  
Увайсийман.

Дард, дардмандлик-шоира шеъриятининг бош моҳияти. Увайсийни маҳзун, кўнглини вайрон этадиган нарса эса бу--эътиқодсизлик, лоқайдлик, риёкорлик. Уни бутун умр қийнаган оғриқ ўткинчи оламнинг лаҳзалик фароғатларига алданган, қул бўлган "дардсизлар захмидин беморлик":

Истасам марҳам ажаб эрмаски,  
сендин, эй табиб,  
Дардсизлар захмидин бемордурман  
ишқида.

Увайсий шеърияти дунё, олам, инсонлар муносабати борасида чуқур тафаккур мезонларидан туриб мушоҳада юргизувчи фалсафий шеъриятдир. Шоиранинг асосий фикрлари дунё ва ишқ маърифати хусусида юзага чиқади. У қуйидаги байтда дунё нима деган саволга қисқа ва мукамал жавоб бера олган:

Демишлар саййиди кавнайн, дунё  
сижни мўъминдир,

Агар оқил эсанг, дунёни кўнглинг  
ичра зиндон тут.

Увайсийни бутун умр қийнаган,  
изтиробли, оғриқли мисралар ёзишга  
ундаган дард бу- маънавий сўқирликдир.  
Шоира оламнинг, дунёнинг асл  
моҳиятини англамаган, ўзлигини ва  
раббини танимаган замондошлари учун  
қайғурган. Тангрига муҳаббатга даъват  
қалбига шавк, руҳига қанот бермаган  
кимсалардан кўнглига озор етган.  
Шунинг учун шоира бундайларнинг  
кескин баҳосини беради. Улар  
маънавияти ҳақидаги холис ҳукмини  
эълон этади:

Бугун бу даҳри фонийда кимеким,  
шоду хуррамдир,

Ўзин аҳволидин бу бандани мен  
беҳабар кўрдим.

Нидо келгай харобот аҳлидин : "Кел,  
бода нўш айла! "

Эшитмас ҳеч кимса, мен аларни кўру  
кар кўрдум.

Шоиранинг сўзлари одамларни  
маънавий бедорликка, ишқ, садоқат ва  
инсонийликка чорловчи сўзлардир.  
Шоира наздида энг олий ҳақиқат  
дунёнинг меҳмоний ҳис-туйғуларига  
алданмаслик. Шарқона ахлоқий  
фазилатларга -- камолотга эришиш.

Моддий оламни кузатиб, Оллоҳ  
таоло томонидан яратилган ҳар бир  
нарсада мўъжизага дуч келамиз.  
Уларнинг барчаси ўз шаклу шамойили,  
мутаносиб ва мукамал меъёру  
ҳадисидалигидан ҳайратга тушамиз.

Табиат инсониятнинг энг яқин  
зарраси, узвий боғлиқ бир қисми  
сифатида унга ҳамиша ўзлигини эслатиб  
туради. Ўзлигини англаш борасида,  
яшашнинг , оламнинг моҳияти борасида  
одамзод ундан сабоқ олади. Кўп  
фалсафий мушоҳадаларига ундан яқуний  
хулосалар чиқаради. Бу узвийлик

ифодасини биз, айниқса, мумтоз шоирларимиз ижодларида кўрамиз.

Оллоҳ таолонинг, табиатнинг гўзал ва мўъжизавий неъматларидан бири анордир. Анор доналарининг ақиқ лаъллардек бир текисда терилганлиги, нафис пардага ўралганлиги ва бу сирли гўзалликнинг анор пўсти ортида пинҳонлиги Тангрининг мўъжизаси дейиш мумкин.

Увайсий анорни олиб унга шеър ёзар экан, кўнглидан теран мушоҳадалар ўтганини сезиш қийин эмас.

Ул на гумбаздур: эшиги туйнугидин йўқ нишон,

Неча гулгунпўш қизлар манзил айлабдур макон.

Синдуруб гумбазни, қизлар ҳолидин олсам хабар,

Юзларида парда тортиғлик, турарлар бағри қон.

Увайсий ижодида анор фоний дунё тилсимларини ўзида мужассамлантирган рамзий тимсол даражасига кўтарилади.

Увайсий анорнинг ташқи кўринишини чеку чегарасиз нилий гумбаз бўлиб кўринувчи дунёга қиёслаяпти:

Ул на гумбаздур : эшиги туйнуғидин йўқ нишон.

Тасаввуф таълимотида гулгун ранг, қизил ранг, бағриқонлик – ҳижрон, айрилиқ, Тангри васлидан йироқликни ифодаловчи рамзлардир. Қизлар, инсонлар илоҳий жамол зухури. Юзларидаги парда – солиқ ёки ошиқ билан Оллоҳ таоло васли ўртасидаги тўсиқ, яъни фоний дунё тимсоли.

Демак, хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Ушбу тўртликда шу пайтгача биз талқин этиб келган зоҳирий мазмундан ташқари , теран фалсафий, ботиний ғоя ҳам мужассамлашган. Шоира анорда дунё тимсолини тасаввур этаяпти. Анор дунёга ўхшайди. У шундай бир гумбазки, на эшиги бор, на туйнуғи. Унда кўплаб инсонлар макон қурган. Уларнинг ҳолидан хабар олинса, у ердаги ҳаётнинг асл мазмуни ҳақида тафаккур қилинса,

ҳақиқат аён бўлади: Илоҳий висолдан маҳрумлик. Бу йўлда моддий дунёнинг тўсиқ, парда эканлиги.

Шоира анор тузилишида илоҳий висолдан фоний дунё пардаси-ла тўсилган, ҳижрону айрилиқдан бағри қон кимсалар тақдирини кўргандек бўлади. Демак, анор тилсимотини, асрорини англаш учун қафасни, унинг пўстини синдириб чексиз кенгликка эришиш керак. Вужудий қафас, лаҳзалик оламнинг барча тўсиқларини, моддий манфаату эҳтиёжларини енгиб ўтибгина ҳақиқий озодликка, руҳий эркинликка етиш мумкин. Ана шундагина анор сирини англаганимиздек, дунё ва Мутлақият моҳиятига, ҳақиқатга етамиз.

Увайсий шеърларини ғоявий нуқтаи назардан учга бўлиш мумкин:

1. Ошиқона.
2. Орифона.
3. Автобиографик .

**Шоира лирик қаҳрамони.** Увайсий лирик қаҳрамони дадил, талабчан,



матонатли, мардона табиатли. У фақат ошиқ эмас, балки, аёл-ижодкор сифатида ҳам тасаввуримизда намоён бўлади. У атрофни, инсонларни аёлларга хос теран нигоҳ билан кузатади. Руҳига тириклик, уйғоқлик бахш этувчи оламнинг ёруғ рангларини тез илғайди. Юракда захму жароҳатлар очувчи ғофиллик ва жаҳолат белгиларини кўриб кўнглидан қон сирқиб оғринади. Инсониятни улуғликка кўтарувчи меҳр-оқибат, муҳаббат, иззат-хурмат, ҳалол-покизалик, адолат, имон-этиқод каби эзгу фазилатларни соғиниб изтироб чекади.

Шоира асарлари орасида унинг таржимаи ҳолини тўлғазувчи, она ва аёл сифатида қиёфасини ёритувчи намуналар мавжуд. "Соғиндим" радибли ғазалида сарбозликка кетган олисдаги фарзандини соғинган, кўнгли не ҳадику хавотирда ўртанган, кеча-кундуз йўл қараб интизор ёнган онаизорнинг қалб тугёнлари ўз ифодасини топган. Аммо, асарни ўқиганда, умидсизликка

тушмайсиз. Чунки, онанинг сўз билан таърифлаш қийин бўлган соғинчи фарзандини асраб, эсон-омон унинг бағрига қайтаришига беихтиёр ишонасиз.

Увайсийнинг ўзлигини, ҳаётдаги оддий аёл сифатидаги табиатини англашимизда "Кафшим йўқолди, сандаму?" радифли ғазалининг алоҳида ўрни бор. Бизнингча, ушбу асарда Фарғона аёлларининг шўх-шаддод, ҳазил мутойибага уста характер тимсоли ўз ифодасини топган. Шоира ҳикоя қилишича, кўқондан Хўжандга сайру томошага келишади. Анча кўнгил чигаллари ёзилиб, енгил тортишади. Аммо, шу жараёнда лирик қаҳрамон ковушини йўқотади. Бу деталдан шоира усталик билан ҳазил-мутойиба, аския манбаи сифатида фойдаланади.

/азалнинг бошдан охиригача енгил бир кулги кўзғатувчи юмор сингдирилган. Шу усул билан шоира кафш ўғрисини беозоргина танқид ҳам

этиб ўтадики, бу унинг оқила, доно ва маҳорат соҳибилигидан далолат беради.

Шоира асарларига тажохул-ул-ориф, хусни таълил, ташбеҳ, тажнис, тазод, ийҳом, тарсеъ каби бадий санъатлардан моҳирлик билан фойдаланиш ўзига хослик ва жозиба бахш этади. Айниқса, чистон жанридаги асарлари Увайсийнинг маҳоратини намоён этади.

## **Хива адабий муҳити**

Шайбонийхон босқини арафасида Хоразмда кўнғиротлар қабиласидан чиққан Чин Сўфи ҳукмдор эди. Унинг мустақиллик учун кураши Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” достонида бадий ифодасини топган.

1505-1506 йилларда Шайбонийхон, Исмоил Хоразмни босиб олдилар . Аммо, Хоразм эли мустақиллик учун қаттиқ курашди. 1511 йилда Эрон кўшини буткул мамлакат ҳудудидан қувиб чиқарилди. Тахтга Шайбонийлар

сулоласидан Берка Султоннинг ўғли Элбарсхон ўтказилди. Хоразм мустақил давлатга айланди. У энди Хива хонлиги деб атала бошланди. Пойтахт Вазирдан Урганч шаҳрига кўчирилди. Арабмуҳаммадхон (1602-1621) даврида Амударё ўзанининг ўзгариши (1573) муносабати билан пойтахт Урганчдан Хивага кўчирилди.

***Хива адабий муҳитининг хусусиятлари.*** Хива адабий муҳити Хива хонлиги саройида шаклланди, тараққий топди. Унинг гуллаб яшнаган даври XIX асрга тўғри келади. Бу асрда Хоразмда маданиятнинг турли йўналишлари ривожлана бошлайди. Мусиқа ва мусиқашунослик такомил, театр санъатининг кўринишлари базм, сайл, масхарабозлик, маросим шаклларида кўзга ташланади.

Китобат ва хаттотлик санъатининг ўзига хос мактаби вужудга келади. Кўп қўлёзмалар кўчирилади. Котиблар бу ишда уларнинг жанр хусусиятларига ҳам

эътибор берганлар. “Баёзи ғазалиёт”, “Баёзи мухаммасот” каби алоҳида жанрлардан иборат кўлёмалар ҳам кўчирилган. Девонлар жамланган. Энг муҳими хаттотлик санъатининг назарий-илмий қоидаларига бағишланган махсус рисоалар ҳам яратилган (Мунис. “Саводи таълим” рисоласи ).

Таржима ишларига катта эътибор қаратилди. Жаҳон адабиётининг кўплаб нодир намуналари араб, форс, усмонли турк тилларидан ўзбек тилига маҳорат билан ўгирилди. XIX асрда 170 дан ортиқ ноёб асарлар таржима қилинган. Биргина Огаҳийнинг 20 га яқин бадий, тарихий, илмий-ахлоқий асарларни таржима қилишиёқ, бу давр таржимачилик миқёсини кўрсатиб бера олади. Огаҳий Хоразмда эркин таржима мактабини шакллантирди. Таржимачиликни такомиллаштирди.

Таржима билан боғлиқ равишда адабий алоқалар ҳам ривожланди. Жомий, Бедил, Фузулий, Саъдий каби

кардош халқ шоирларининг асарлари ҳам мухлисларни ўзига ром эта олди.

Тарихнавислик янги босқичга кўтарилди. Уларни яратиш Мунис, Огаҳий,Баёний мисолида силсилавий тус олди. Абулғози анъаналари муносиб давом эттирилди. Даҳо шоирларимиз маҳорати туфайли тарихий асарлар ўзбек насрининг ҳам ноёб намуналарига айланди.

Литография, кино санъати кириб келди.

Тазкиранависликка эътибор берилди. Аҳмад Табибий томонидан яратилган «Мажмуат уш-шуаро» тазкираси, Баёний тузган “Ҳафт шаҳзода” номли мажмуалар бу давр адабий муҳити ва адабиёт кўламини ёритишда муҳим илмий қимматга эга. Лаффасий томонидан яратилган тазкира ҳам давр адабий жараёнини тасаввур этишимизда асосий манбалардан. Шу билан бир қаторда, ушбу тазкира, мажмуалар адабиётшунослик тарихи, унга оид

асарларнинг яратилиш сабаблари ва жараёнлари ҳақида ҳам маълумот беради. Жумладан, Лаффасий ўз тазкирасида Муҳаммад Раҳимхон II нинг невараси Саидносир Тўра Султоний ҳаёти ва ижоди ҳақида ёза туриб шундай хабар беради:”Ферузшоҳий доғи (Султонийнинг-И.А.) кўб шеърларини мувофиқи табъ кўруб Муҳаммад Юсуфбек Баёнийга фармон қилиб, тамоми “Ҳафт шаҳзода” исмида бир мажмуа – девон чоф қилдирадур”(22-бет).

Хива адабий муҳитида Навоийга эҳтиром, унинг анъаналарини давом эттиришга интилиш кучли эди. Навоий асарларига кўплаб татаббулар, тахмислар яратилди. Достончилик тараққиётида ҳам Навоий достонларига эргашиш кўзга ташланади. Шоир достонларининг насрий баёнлари (Умар Боқий “Насри хамсайи беназир”) майдонга келди. Халқ китоблари йўналишидаги “Санобар”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Юсуфбек

ва Аҳмадбек” каби дostonлар ҳам яратилди.

Хива адабий муҳитининг энг гуркираган даври Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз замониға (1845-1910) тўғри келади. Унинг раҳнамолиги, ҳомийлиги бақувват адабий жараённинг шаклланишини таъминлади.

***Манбалар. Уларни ўрганиш тамойиллари.*** Мазкур адабий муҳитнинг адабиётшунослигимизда ўрганилиши ва асосий манбаларини ҳам қисқача сарҳисоб қилиб ўтайлик.

Лаффасий Ҳасанмурод Қорининг “Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари” тазкираси Хива адабий муҳитини ёритишға хизмат қилувчи ишончли манбалардандир. У 1944 йилда ёзилиб, ЎзФА Шарқшунослик институтида А.Муродов томонидан 1951 йилда кўчирилган нусхаси 9494 - рақам билан сақланаётган бўлса-да, моҳиятан, XX аср бошларигача бўлган Хива адабий муҳитини ёритади.



Тазкирада Хива сарой адабий муҳитининг кенг манзараси, адибларнинг таржимаи ҳол ва саргузаштлари, анъанавий назм намуналари акс эттирилган. Тазкирадан 50 дан ортиқ шоирнинг ҳаёти, ижоди, ўзаро муносабатлари, адабий муҳитда тутган ўрни, хизматлари, мероси ҳақида маълумот олиш мумкин. Мазкур манба ихчам адабий-қомусий маълумотнома вазифасини ўтаб келади.

Тазкира муаллифининг шоир ва хон Феруз ҳақидаги мана бу сўзлари давр адабий муҳитининг умумий бир кўринишини гавдалантиради: “Ўзига Феруз тахаллуси билан бир ранг ғазаллару мухаммаслар ёзиб хейлигина адабиётда машғулот ҳосил қиладур. Шунинг билан бирга Феруз мусиқийга ҳам ҳаваскор бўлуб ҳамма вақтлар хизматида беш-ўн мусиқашунослар доимий танбур, ғижжак, булобонлар машқ этиб, яхши, ширин, фараҳафзо ашъорлар айтишиб ўлтурадурлар. Шул

сабабли, Ферузнинг таъбиға мувофиқ, Ферузға қўшимча пайравона ғазал, мухаммас, мусаддас ва ҳажвиётлар ёзиб турадурлар. Доимо Ферузнинг хизматида ўттуз-қирқ нафар шоир ва адабиёт суновчилар бўлуб, алардин баъзилари доимий котиблиғ қилиб, ҳар ранг китобларни ёзиб ва таржима этиб турадурлар”(12-бет). Бундан англашиладики, санъат ва адабиётнинг турли қирралари баравар ривожланиши учун Хива адабий муҳитида табиий шароит муҳайё бўлган.

XIX аср II ярми Хоразм адабий муҳитини махсус ёритишга бағишланган ягона китоб “Аваз ва унинг адабий муҳити”<sup>1</sup> дир. Китобнинг “XIX аср охири – XX аср бошларида Хоразмда маданий ва адабий ҳаёт” деб номланган биринчи боби филология фанлари номзоди Н.Қобулов томонидан ёзилган бўлиб, унда мавжуд манбалардаги маълумотлар умумлаштирилган, адабий муҳитнинг

---

<sup>1</sup> Н.Қобулов ва бошқ. Аваз ва унинг адабий муҳити. Т., 1987.

умумий руҳини, ижодкорларнинг адабий кифласини ёритишга ҳаракат қилинган. Аммо, тадқиқотда кўнгил тўлмайдиган, шубҳали ўринлар кўп. Бадиий парчалар асосидагина фикр юритилади. Чуқур таҳлил этилмайди. Масалан, Фаррух, Муродий каби шоирларнинг адабий мероси яхлит олинганда қанақа эканлиги очилмайди. Адабий муҳит тадқиқотчиси далилий хатоларга ҳам йўл қўйган. Адабиётни сунъий иккига ажратиш йўлидан бориб баҳолаган ўринлар бор (15,21-бетлар).

Сарҳисоб этилган манбаларнинг баъзилари мажмуа, маълумотнома руҳида, яна баъзилари илмий тадқиқот йўлида яратилган бўлса, Баёнийнинг “Шажарайи хоразмшоҳий” солномасида тирик, ҳаракатдаги адабий муҳитни кузатиш мумкин. Баёний бу асарда маданий – адабий муҳитни махсус тасвирлашни кўзда тутмаган. Лекин у қаламга олган воқелик сахнасида Хоразм

маданияти намояндалари бевосита ҳаёт  
жараёнида иштирок этадилар.

“Шажарайи хоразмшоҳий”да  
Муҳаммад Раҳимхони соний  
салтанатининг биринчи куни тасвиридаёқ  
Хоразм хонлиги саройидаги адабий муҳит  
манзараси билан танишиш мумкин:  
“Вақтеким, Саййид Муҳаммад Раҳим  
баҳодирхони соний сарири салтанатда  
қарор тутдилар, шуаро ва фузало хайли  
жулуслари учун тарихлару қасидалару  
маснавийлар айтиб, инъоми шоҳона ва  
атоӣи хусравоналаридан саршор  
бўлдилар”(440-бет).

Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг  
“Шажарайи хоразмшоҳий” солномаси  
қадим тарихимизнинг мумтоз кўзгуси  
бўлиши билан бирга, XIX аср Хоразм  
ижтимоӣ-маданий муҳитини равшан акс  
этирувчи манба ҳамдир. У тарих ва  
адбиётшунослик илмига муайян  
аниқликлар киритишга асос беради. Асар  
айрим сиймоларимиз ҳаёти ҳақидаги  
қизиқарли тафсилотларни аён этади.

Хусусан, ҳассос шоир Муҳаммадниёз Комилнинг жасур жангчи, паҳлавон саркарда бўлганлиги ҳаётий ҳодисаларда кузатилади.

Айрим саҳифалар сарой адабий муҳитидаги мурасасиз кураш, рақобат, мунофиқлик манзараларидан гувоҳлик беради.

Лаффасий тазкираси “Шажарайи хоразмшоҳий” маълумотларини тўлдиради. Ҳар икки асар биргаликда эса XIX аср Хоразм адабий муҳити ва ундаги ижодкорлар ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилади.

“Шажарайи хоразмшоҳий”дан ижоди шу пайтгача деярли ўрганилмаган бир қанча шоирлар ҳақида ҳам маълумот олиш мумкин. Жумладан, Исо Тўра ибн Раҳимқулихон, яъни Хусравий 1886 йили саёҳатга чиқиб кўп мамлакатларни сайр этгани, Истанбул, Макка, Қуддус шаҳарларини зиёрат қилиб 1887 йили Хивага қайтиб келгани, 1889 йили вафот этгани, ундан тўрт ўғил қолгани ҳақида

хикоя қилади. Шу ўринда унинг шеърий истеъдодига баҳо бериб ўтади: «Бу сайрларида манзил ба манзил борғон ерларида ажойиботу ғаройиботдин не кўрсалар, китобат қайдиға киргузуб бир саёҳатнома битдилар ва онда сўзни ибораторолиқ била баён этиб, балоғанинг додин бердилар. Не учунким, ул ҳазрат бир фозили суҳандон ва шоири хушбаён эрдиларким, ўзларин Хусравий таҳаллуси била мутаҳаллус этиб, шеър ҳам айтур эрдилар. Байт ул-ҳарамнинг зиёрати шавқида бир қасида айтибдурлар, Ушбу байт андиндур. Байт:

**Эй, хуш ул давлатки, саъй айлаб  
сафову Марвда,**

**Бўлмоқ Исмоилдек Минода  
қурбони ҳарам.**

Бу байт ул қасиданинг  
мақтаъидур, байт:

**Сайри гулшан Хусравийга  
келмаса хуш, не ажаб,**

**Орзу кўнглидадур гашти  
биёбони ҳарам(497-бет).**

Ушбу парча Хусравийнинг бадий иқтидори тўғрисида тасаввур уйғотиши билан бирга , ўзбек мумтоз адбиётидаги муҳим адабий жанр – “Саёҳатнома” Хоразм адабий муҳиtida ҳам мавжудлигидан далолат беради. Хусравий адабий муҳиtida каттагина обрў, мартабага эга бўлса керакки, унинг вафотига бағишлаб Комилдай йирик шоир 20 байтли тарих ёзади.

“Шажарайи хоразмшоҳий” бизни шоир Муродий билан ҳам таништиради. Муаррих Муродийнинг ҳаёти ва вафоти ҳақида куйиниб ёзар экан, унга бағишланган бир ғазалини келтиради. 508 б варақда жойлашган ушбу ғазалнинг куйидаги таъсирчан байтларини эътиборсиз қолдириш қийин:

**...Бермадинг кимларга сен юз оли найранг ила ранг,**

**Қилмадинг кимларни юз минг гадр ила турбатнишин?!**

**Номурод эттинг Муродийдек мукаррам зотни**

## **Ким, эди гулзори маъни ичра фикри хурдабин.**

Ғазалда жамият зулмидан, умрнинг нечоғлик қисқалигидан (Муродий 54 ёшида вафот этади) фиғон чекиш, маслакдош дўстидан ажралиш қайғуси, унинг хотирасини эъзозлаш туйғулари уйғун ифодаланган. Шунингдек, шоир бир сатрда биргина ишора билан Муродий истеъдодининг баҳосини бериб ўтади.

Хива адабий муҳитига Муҳаммад Раҳимхон қандай равнақ бағишлаганини ҳам Баёний жонли баён этган: "Хон ҳазратлари шеърга кўп завқ пайдо қилиб эрдилар. Ўзлари ҳам бурундан Феруз тахаллуси била мутахаллус бўлиб, шеър айтур эрдилар. Сўнгроқ шеърга кўпроқ ҳарис бўлдилар. Ҳар кишининг шеър айтмоққа саҳл қобилиятлари бўлса, навъи шеърларини айтиб даргоҳи олийға олиб бора бердилар. Шоирларнинг ададлари кам беш қирқға ёвуқ эрди"(509 а). Маълум бўладики, Феруз теварак –



атрофдаги талантли шоирларни шу ерга тўплаган ва уларга раҳнамолик, ҳомийлик қилган. Натижада, ўзига хос шоир, адиб ва санъаткорлар уюшмаси - маданий-адабий муҳит барпо бўлган. Унда қалам тебратган ижодкорлар маданиятимиз тарихида муҳим из қолдирдилар.

Масалан, Аҳмад Табибийдек йирик, сермаҳсул адибнинг етишиб чиқиши ва “Мажмуат уш-шуаро”дек нодир маданий бойликнинг яратилиши шу муҳит ютуғи эдики, бу ҳақда ҳам Баёний қизиқарли шохидлик беради: “Али маҳрамнинг Аҳмад отлиғ бир ўғли бор эди. У ҳам ўзини Табибий тахаллуси била мутахаллус этиб, шеър айтмоқ бошлади. Хон ҳазратлари ўз ғазалларидан 100 ғазални шоирларга бериб буюрдилар: “Мунга пайравлик этиб ғазал айтинглар”. Шоирларнинг ҳар бири онга пайравлик этиб, 100 ғазал айтдилар. Хон ҳазратлари Табибийга амр этдилар, токи, ул ғазалларни маснавий зимнида жамъ қилиб бир китоб этгил. Табибий фармони

мужиби била амал қилиб,ул ғазалларни жамъ қилиб, ҳар ғазални ёзмокчи бўлғонда, маснавий била ул ғазални айтғон ким эрканин баён этиб, бу тариқада тамоми ғазалларни жамъ қилиб, тамом этиб,ул китобға “Мажмуат уш-шуаро” от қўюлди ” (509 а).

Баёний “Мажмуат уш –шуаро”нинг яратилиши тарихини насрий йўлда ифодалабгина қўя қолмай, бу ҳодисага 26 мисрадан иборат назмий таърих ҳам бағишлайди. Унда Табибий мазкур мажмуани икки йил мобайнида яратганини айтиб, бу адабий ҳодисани “шеърдан қолди оламда от” дея баҳолайди. Жамоавий ижодий меҳнатнинг бундай умумлаштирилган кўриниши умумжаҳон адабиёти миқёсида ҳам камёб ҳодисадир. Аммо, таассуфки, адабиётшунослигимизда у ҳанузгача эътибордан четда қолдирилиб келмокда. Агар “Мажмуат уш-шуаро” адабий муҳит маҳсулини акс эттирувчи манба сифатида тадқиқ этилса, XIX аср Хоразм адабий

муҳитининг чинакам қиёфаси ва савияси янада ойдинлашган бўлади.

Баёний Аҳмад Табибийга ихлосини хурмат билан эътироф этади. Унинг инсон ва ижодкор сифатидаги қиёфасини қисқа сатрларда ҳаётий чизиб бера олади. Асардан Табибий ижодкор сифатида қандай ишларни амалга оширгани, ҳаёт тарзи қанақа кечгани ҳақида ҳам қимматли маълумотлар олиш мумкин. Ушбу мўътабар манбада адабий муҳит тириклиги, ҳаракатчанлигича акс этган.

## **Абулғози Баҳодирхон (1603-1664)**

Абулғози Баҳодирхон ўзбек халқи тараққиёти ва маданияти тарихида муҳим ўрин тутган давлат арбоби ва ижодкор мутафаккирдир. У XVII аср I ярмида халқ манфаатини ҳимоя қилувчи, мамлакатни марказлаштиришга, ҳар томонлама ривожлантиришга интилувчи-ватанпарвар хон сифатида шуҳрат

қозонди.-Умрини миллат равнақи йўлида фидо этди. Қисматнинг мураккаб зарбаларига мардона бардош берди. У ижодкор инсон сифатида неча-неча авлодларга ибрат бўлгулик ирода ва матонатга, ноёб ва серқирра истеъдодга эга эди.

Абулғози тақдир йўлидаги ғалаёнли сиёсий талотумлардан ортиб, ғолиб келиб, Хоразмда шажаравий тарихнависликка асос солди. Унинг изидан Мунис, Огаҳий, Баёний каби тарихчилар сулоласи майдонга келди.

***Таржимаи ҳоли.*** Абулғози Баҳодирхон 1603 йил 23 августда Хоразм хони Арабмуҳаммадхон оиласида туғилди. 1609 йил, 6 ёшлигида онаси – Меҳрбонухоним вафот этди. 1616 йил – 13 ёшлигидан бошлаб тож-тахт учун курашлар гирдобига тушди. Шу йил оғалари Ҳабаш ва Элборс Султон оталарига қарши исён кўтардилар. Отаси уларга Урганч яқинидаги Вазир шаҳрини бериб, фитнани тинчлантирди.

Аммо, 1621 йил низо урушга айланди. Бир томонда Арабмуҳаммадхон ўғиллари Асфандиёр, Абулғози, иккинчи томонда Ҳабаш ва Элборс Султонлар. Бу урушнинг охири фожиа билан тугайди. Ҳабаш ва Элборс Султонларнинг кўли баланд келиб оталари Арабмуҳаммадхоннинг кўзларига мил тортиб, сўнг қатл эттирадилар. Унга кўшиб укалари Хоразмшоҳ Султонни (12 ёшда эди), Асфандиёрнинг 3 ва 1,5 ёшли ўғилларини ҳам ўлдиртирадилар. Ўн ёшли укалари Афғон Султонни рус подшосига юборишади. У Россияда 30 йил яшаб вафот этади.

Асфандиёрхон қочиб Эрон подшоҳи Шоҳ Аббос ҳузурига боради. Абулғози олдида қолган 10 кишиси билан Мовароуннаҳрга кетади. У Самарқандга Имомқулихон ҳузурига боради. У ерда икки йил яшайди.

Икки йилдан кейин Асфандиёрхон Ҳабаш ва Элборс Султонлардан Хоразмни қайтариб ўз кўлига олди. У хон

деб эълон қилинди. Укаларини чақиртириб Урганчни Абулғозига, Вазирни Шарифмуҳаммадга берди. Ўзи Хива, Ҳазорасп ва Катни бошқара бошлади. Аммо, бу билан хонлик худудида осойишталик ўрнатилмади. Фитна, исён, душманлик давом этди. Ҳокимият учун кураш тўхтамади. Парокандалик авжига чиқди. Абулғози Хоразмдан бош олиб Туркистонга кетди. Эшимхон хузурида уч ой туриб, Тошкентга Турсунхон даргоҳига борди (Эшимхон таклифига биноан). У ерда икки йил турди. Эшимхон Турсунхонни ўлдиргандан сўнг, Абулғози Бухорога – Имомқулихон саройига қайтди. Имомқулихоннинг Турсунхон билан душманлиги бор эди. Шу сабабли бу гал у Абулғозини хушламай кутиб олди. Абулғози, натижада, у ерда узок қололмади.

Туркманлар таклифига кўра, Абулғози Хивага келди. Аммо, Шарифмуҳаммад билан Асфандиёр

бирлашиб, Абулғозига қарши жанг қилди. Ҳийла ва фитна билан Асфандиёр, уни Эрон худудига босқин қилишда айблаб, Эрон шоҳи Сафиъ I (1629-1642) хузурига сургун қилди. Абулғози Эронда Обивард, Ироқ, Ҳамадон, сўнг Исфаҳонга юборилди. Исфаҳонда унга бир ҳовли берилиб, уй қамоғида сақланди. У ерда ўн йил яшади (1630-1639). Ўзининг ёзишича, ўн йил бўлганда, атрофида ишонса бўладиган уч кишигина бор эди. Уларнинг ёрдами билан Исфаҳондан қочишга муваффақ бўлади. Уч йиллик машаққатли сарсон-саргардонликдан сўнг Орол ўзбеклари орасига етиб келади (1642). 1643 йил улар Абулғозини хон этиб кўтардилар. 1644 йил бутун Хоразм хонлигини эгаллашга муваффақ бўлди.

Шундан сўнг у умрининг охиригача 20 йил ҳукмронлик қилди. Аммо, бу йиллар ҳам унга осойишта, ҳаловатли умр кечиришга имкон бермади. У гоҳ Туркман уруғлари, гоҳ Рус қозоқлари, гоҳ қалмоқлар билан

курашди. 1663-1664 йилларда бир неча марта Бухоро ҳудудига юриш қилди. 1664 йилда Абулғози хасталаниб, тахтни ўғли Абулмузаффар вал Мансур Анушахон ибн Абулғозихонга топширди. Шу йил апрелда Абулғози 60 йилу етти ой умр кўриб, вафот этди.

*Ўрганилиш тарихи.* Абулғозининг асарлари XIX аср I ярмидан бошлаб, шарқ, рус ва ғарб олимларининг ҳам эътиборини тортган. «Шажарайи турк» Қозонда Румянцев (1825й.), Саблуков (1854), Демезон (1871)лар томонидан литографик усулда нашр эттирилган. «Шажарайи тарокима» 1898, 1906 йилларда бир неча марта нашр қилинган.

1871-1874 йилларда П.Н.Демезон «Шажарайи турк»ни француз тилига таржима қилади. Бу иши унга шуҳрат келтиради. Асар Англия ва Америкага ҳам шу таржима туфайли етиб боради.

Абулғози асарларининг тарихшуносликдаги ўрни беқиёс. Улар туркман, тожик, ўзбек, мўғул халқлари



тарихини ёритишда таянч манбалардандир. Б.Аҳмедов, Қ.Муниров, К.Юсупов, Я.Ғуломов, М. Йўлдошев каби олимларимиз ўз асарларида Абулғози маълумотларидан кенг фойдаланишган. А. Кононов, А.М. Ҳчербак, С.И.Иванов каби тилшунос олимлар ҳам тилшуносликнинг турли муаммоларини ечишда Абулғози асарларига суянишган. О.Шарафиддинов, М.Юнусов, В.Абдуллаевлар адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этишган.

1950 йил К.Юсупов «XVII асрнинг I ярмида Хива хонлиги ва Абулғози» мавзуида номзодлик диссертацияси ёқлади.

Абулғози Баҳодирхон асарларининг Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида бир қанча қўлёзма нусхалари мавжуд (инв. № 7668, 1228, 4017).

Мустақиллик йилларида «Тарихсиз келажак йўқ» ақидасига амал қилиниб, Абулғози каби алломаларимиз фаолияти

ва асарларини ўрганишга эътибор кучайтирилди. Туғилган юрти Хоразмда унга ҳайкал ўрнатилди. Асарлари чоп этилди<sup>1</sup>. Ҳалим Худойназаров Абулғози ҳақида бир қанча тадқиқотлар олиб бориб, рисола ва монографиялар чоп эттирди<sup>2</sup>.

*Адабий мероси.* Абулғози қатъиятли, талабчан ҳукмрон сифатида мамлакатда адолат ва бирдамликни қарор топтириш йўлида фидойилик кўрсатди. Майда манфаатлардан келиб чиққан фитналарни бартараф этишга интилди. Унинг хон сифатида мамлакат тараққиётида хизмати катта. Аммо, уни бизга қадрли этган жиҳатларидан бири тарихий-адабий меросидир

Абулғозининг бизга учта асари етиб келган: "Манофёъ ул-инсон", "Шажарайи тарокима", "Шажарайи турк".

---

<sup>1</sup> Абулғози. Шажарайи турк. Т.: 1992; Абулғози. Шажарайи тарокима. Т.: 1995.

<sup>2</sup> Худойназаров Ҳ. "Шажарайи турк" ва унинг ўрганилиши. Т.: 1993; Худойназаров Ҳ. Абулғози Баҳодирхон тарихчи ва адиб. Т.: 1994.

Абулғозининг истеъдод қирралари ранг-баранг. Бу ҳақда "Шажарайи турк" асари муқаддимасида унинг ўзи батафсил сўзлайди: "Бу фақирға худойи таоло иноят қилиб кўп нимарса бергантурур. Хусусан, уч хунар бергантурур. Аввал, сипоҳигарликнинг қонуни ва йўсуниким, нечук отланмоқ ва юрумак ва ёвға ёсоқ ясамоқ, кўп бирлан юруганда нечук қилмоқ, оз бирлан юруганда нечук қилмоқ, дўстға, душманға нечук сўзлашмак. Иккинчи, маснавиёт ва қасойид, ғазалиёт ва муқаттаот ва рубоиёт ва барча ашъорни фаҳмламаклик, арабий ва форсий ва туркий луғатларнинг маъносини билмаклик. Учинчи, Одам аҳлидин то бу дамгача Арабистонда, Эрон ва Туронда ва Мўғулистонда ўтган подшоҳларнинг отлари ва умрларининг ва салтанатларининг кам ва зиёдин билмаклик»<sup>1</sup>.

*«Манофеъул-инсон»асари.*

---

<sup>1</sup> Абулғози. Шажарайи турк. Т.: 1992, 12-бет.

Абулғозининг ўзи эътироф этганидек, у мохир сипоҳигар, сўз мулкининг нозикфаҳм мухлиси, жаҳон тарихининг нодир билимдони. Унинг тиббиёт илмидан ҳам бохабарлиги бизга маълум. Айниқса, 20 йилга яқин ҳаёти Хоразмда кечган Ибн Сино асарларини яхши ўрганган. Улардаги тавсиялардан амалда фойдаланган. Ўзи эгаллаган тиббий малака ва билимларни эҳтиёжмандларга етказишни савобли иш деб билган. Шу улуғ ният маҳсули сифатида яратилган «Манофеъул инсон» (инсон манфаатлари) асари тибга оиддир. У Ўзбекистон ФАШИ қўлёзмалар фондида 4107-инвентарь рақам билан сақланади. Асар 1664 йилда ёзилган. Муаллиф асарнинг ёзилиш тарихи ва сабаблари ҳақида малумот берар экан, «Китобларни назарга келтириб эрдик, мақсад гоҳо топилур эрди ва гоҳо топилмас эрди, улким топилур эрди, ҳозир машаққат бирла ўртага келур. Шул сабабдин, иллатга илож қилмоқ учун, мўътабар китоблардин

хоҳлаб жам қилиб, ондин сўнг иллатларни баён қилдим»<sup>1</sup>, дея эътироф этади.

«Манофеъул-инсон» тўрт бобдан иборат. Ҳар бир боб тиббиётнинг маълум бир йўналишига бағишланган. Абулғози ҳар бир хасталик ҳақида тўхталар экан, аввал табиб ва олимлар томонидан айтилган фикрларни келтириб, сўнг ўзининг муносабатини, мустақил хулосаларини баён этади.

Асарда кўз, жигар касаллиги, бел оғриғи, иситма сабаблари, буйрак, талоқ касалликлари каби 120 дан ортиқ хасталик борасида маълумот беради. Уларнинг келиб чиқиш сабаблари, даволаш усулларини изоҳлайди. «Манофеъул - инсон»да оддий ва мураккаб дорилар, уларни тайёрлаш ва ишлатиш йўллари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар беради.

---

<sup>1</sup> Абулғози. Манофеъул-инсон. Ўзбекистон ФАШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 4107, 48-бет (Худойназаров Х. “Абулғози Баҳодирхон тарихчи ва адиб” китобида 35-бет).

Кўринганидек, Ушбу асар ўз даврида табиблар учун муҳим қўлланма вазифасини ўтаган. Ҳозиргача ҳам ундаги маълумотлар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

*«Шажарайи тарокима» асари.*

Абулғозининг «Шажарайи тарокима» асари туркман халқининг тарихий этногенезини ёритишга қаратилган. У Билан боғлиқ равишда муаллиф қадимги тарих – Одам алайҳиссалом, Нуҳ пайғамбар, қорахон, Ўғузхон кабилар қисмати Билан боғлиқ ҳодисаларни ниҳоятда қизиқарли услубда баён этади. Муаллиф эътирофича, асар ҳижрий 1071, милодий 1660 – 1661 йилларда ёзилган. Унинг ўнлаб қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Тошкентдаги Алишер Навоий кутубхонаси, Туркменистон Фанлар академияси кутубхонаси, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлими, Истанбул кутубхонаси қўлёзмалар фондларида сақланмоқда. Бу

асар 1958 йилда танқидий матн ва русча таржимаси билан академик А.Н.Кононов томонидан чоп этилган эди. Мустақиллик шарофати билан тарих ва кадриятларимизни ўрганишга эътибор кучайди. Бунинг натижаси ўлароқ, биз бебаҳра кўп асарлар дунё юзини кўрди. Жумладан, «Шажарайи тарокима» асари ҳам 1995 йилда қозоқбой Маҳмудов томонидан нашр этилди.

Асар муқаддимасида унинг ёзилиш сабаблари ҳақида маълумот берилади: «... Туркман беклари менинг тарихни яхши билуримни эшитибтурурлар. Таки бир кун барчалари келиб, арз қилдиларким, бизнинг ичимизда “Ўғузнома” кўптурур, аммо ҳеч яхшиси йўқ, барчаси ғалат ва бириси бирисинга мувофиқ эрмас. Ҳар қайси бир турлук ва бир дуруст эътибор қилғудек тарих бўлса эрди, яхши бўлур эрди, теб ўтун қилдилар эрса, онларнинг ўтунларини қабул қилдим»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Абулғози. Шажарайи тарокима. Т.: 1995, 5-бет.

Демак, Абулғози «Шажарайи тарокима» асарини туркман халқи улуғлари илтимосига биноан ёзади. Аммо, асарнинг дунёга келишига Абулғози юрагидаги туркман уруғлари олдидаги бурчдорлик ҳисси ҳам туртки бўлган. Тарихдан маълумки, Хоразмшоҳлар туркман уруғларини бўйсундириш учун доимий қаттиқ сиёсат олиб боришган. Жумладан, Абулғози ҳам ўз жанговор фаолиятида улар билан учрашганини эслайди.

Маълум йиллардан сўнг ўз ҳаёт йўлига назар ташлар экан, қилган ишларидан афсусланган пайти ҳам бўлади. Асар ёзилишидан 17 йил илгари туркман авбошлари билан бўлган жангдаги қатли омни ҳам Абулғози таассуф билан хотирлайди: Унда 20 мингга яқин аҳоли қирғин этилганини сўзлаб, ўз гуноҳини ювиш йўлларини излайди. Улар тарихини битиши жангдан қолган дилхираликни бироз бўлсада аритишига умидвор бўлади; «...Аввалдин



то охирғача биз сабабли яхши ва ёмондин 20 минг чоқлиқ кишилари ўлди. Анинг ичинда гуноҳкорлари ҳам бор эрди ва бегуноҳлари ҳам бор эрди. ...Худойи таолодин умидим борки, мунинг савоби агар ул қатли олда гуноҳ бўлган бўлса, анга ғолиб келгай теб ва тақи улким, бир кун бир киши бу китобни ўқуб билмаганини билса бизнинг руҳимизга фотиҳа ўқуғай тедук. Тақи китобни айтмоққа ружуъ қилдук. Тақи бу китобға «Шажарайи тарокима» теб от қўйдук»<sup>1</sup>.

Абулғозининг юқоридаги фикрлари бизга феъл- атворининг айрим қирраларини тасаввур этиш имконини беради. Маълумки, сиёсат ўрни билан шафқатсизликни ҳам тақозо этади. Абулғози давлатбоши сифатида сиёсатнинг шу қонуниятига амал қилишга мажбур бўлади. Аммо, мавриди билан ўз қилмишидан афсус чекади. Виждон азобида қийналади. Бегуноҳлар руҳи олдида жавобгарлик ҳисси уни изтиробга

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 5-6-бетлар.

солади. Бу каби рухий ҳолатлар Абулғозининг меҳр-мурувват, шафқат ва инсонийлик туйғуларини унутмаган соҳибқарам киши эканлигидан далолат беради.

Тарихшуносликда "Шажарайи тарокима" асарининг қиммати беқиёс. Чунки XVII асрда мозийни билишда Абулғозига тенг келадиган соҳибқалам кам эди. Асарда ҳам у тарих илмининг доно билимдони сифатида кўринади. Одам алайҳиссалом давридан то асар ёзилган кунгача бўлган тарихни ишонч билан баён этади. Тарихнависликдаги айрим хато маълумотларни тўғрилайди. Уларни асослаб изоҳлайди: "...туркманларнинг тарих билатурған кишилари Ўгурчиқ Алпни ўн олти орқада Ўғузхонға етқариб, мундақ санаб турурларким, бу сўз мазах, ғалаттурур..."<sup>1</sup>. Муаллиф бу фикрнинг ғалат- хато эканлигини муҳим хулосалар билан изоҳлайди. Ўз фикрини асослаш

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 40-бет.

учун муҳим илмий қимматга эга учта сабабни кўрсатади. "Шажарайи тарокима"да Абулғозининг бу каби мунозараларга киришувини бир неча ўринда учратамиз.

Асарда Ўғузхон авлодлари, исмлари, уларнинг маънолари, феъл-атворлари, давлат рамзларининг маънолари ва шакли-шамойили ҳақида ҳам маълумотлар беради. Бу қисқа чизгилар уларнинг давлатни бошқариш усуллари, мақсадлари, маънавий дунёқарашлари ҳақида мукамал хулосалар чиқаришимизга имкон яратади. Масалан: "Авшарнинг маъниси ишни йилдам ишлагучи темак бўлур, тамғасининг суврати бутурур: куши чора Лочин. Чебнининг маъниси баҳодир темак бўлур, тамғасининг суврати бутурур: куши Хумой"<sup>1</sup>.

Асарнинг ифода услуби ўзига хос. Тарихий ҳодисаларни баён этар экан, муаллиф ундаги шахсларни бадий

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 22-бет.

тимсол даражасида тасвирлай олади. Уларнинг табиатини ойдинлаштирувчи ўта нозик ҳолатларни илғаб, ниҳоятда таъсирли қилиб ифодалаб беради. Кўз ўнгимизда тирик тарих қайта жонланади. Уларнинг кўз қарашлари, тафаккур тарзлари, юрак уришларию хўрсиниқларигача ҳис қила бошлаймиз: «Кунлардан бир кун Гулэркихон ўргада ўлтуруб эрди. Туман тақи анда ҳозир эрди, қонли Ёвли эшикдин кириб келди ва ўрта ерда ўлтурди. Тақи Гулэркига боқиб айтди: Эй бобо бу ўлтурған тахтинг улуғ отам Дуйли қайинингтурур, бу вақтғача отам Туманни ёштурур теб бермадинг. Эмди не учун бермагайтурурсен, теди. Гулэркихон бошини қуйи солиб кўп ўлтурди. Тақи бир фурсатдин сўнг бошин кўтариб айтди...»<sup>1</sup>

Асарда бизга қадимги Ўрхун-Энасой битикларидан маълум бўлган қадимги турк хоқонлари Буғраҳон ва

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 29-бет.

униг ўғиллари Эл тегин ва Қўзи тегин (Кул тегин деб келинарди)-ларнинг ҳаёт йўллари кенгрок ёритувчи янги маълумотларга дуч келамиз. Буғраҳондан сўнг ҳукмронликни Қўзи тегин ўз қўлига олади. Абулғози тафсилотлари орқали биз униг феъл-атвори, аъмоллари ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Саройида содир бўлган оддий инсоний, кундалик ташвишлари, кечинмалари билан ошно бўламиз. Бу тасвирларнинг табиий услуби бизни мозийнинг тирик нафасини ҳис этишга муяссар қилади.

Асарнинг яна бир муҳим томони шундаки, унда Ўғуз элида беклик қилган қизлар зикрига алоҳида боб ажратилади. Унда етти бегойим ҳақида қисқача маълумот беради. Уларнинг моҳир элбоши эканликларини шарҳлайди: "Туркманнинг тарих билатурғон яхшилари ва яхшилари айтибтурурлар: етти қиз барча ўғуз элини оғзина бақиндуруб, кўп йиллар беклик қилдилар". Улар Олтун Кўзача, Барчин

Салур, Шабати, Кунин Кўркли, яна бир Кунин Кўркли, Керча Булоди, Қуғадлибегимлар эди. Ушбу маълумотлардан қадим момоларнинг шижоати, матонати ва донишмандлигидан хабардор бўламиз. Одатда тарихий китобларда аёллар ҳақида маълумот беришдан тарихнависларимиз сақланишган. Абулғози шу анъанадан воз кечиб, асарида тўмариссийрат аёллар<sup>^</sup>ҳақида сўзлашга жасорат ва журъат топади. Ўзининг бу матонати билан тарихнинг биз учун жуда муҳим, аммо қоронғу сарҳадларини ёритишга муҳим ҳисса қўшади.

***«Шажарайи турк» асари.***

Абулғози серқирра истеъдод соҳиби, айниқса, тарих илмида ноёб қамровга эга. У ўтмиш ва тарихнинг келажакдаги, давлат бошқарувидаги ўрнини чуқур тушунган. Машҳур инглиз ёзувчиси Пауло Коэлонинг «Бешинчи тоғ» романи бош қаҳрамони Илёс пайғамбар ўз

нутқида «Ҳаётдаги ҳамма жангу жадаллар бизга бирор нарсани ўргатмоқ учун зарур. Ҳатто, биз бой берадиган жангу жадаллар ҳам»<sup>1</sup>, деган эди. Абулғози ана шу ҳақиқатни англаган, беқиёс сиёсатдон сифатида ўз хатолари, ютуқлари сабоқларини келажак авлодга етказишнинг аҳамиятини тўғри тушунган.

Абулғози ўзидаги салоҳиятдан фойдаланиб, аждодлари тарихини ёзишга жазм этади: «Бизнинг ота ва ақаларимизнинг бепарволиқи ва Хоразм халқининг бевуқуфлиқи, бу икки сабабдин, бизнинг жамоатимизни Абдуллохоннинг оталари бирлан то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилали теб фикр қилдук. Ҳеч муносиб киши топмадук. Зарур бўлди, ул сабабдин ўзимиз айтдук»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Пауло Коэло. Бешинчи тоғ. Роман. “Жаҳон адабиёти” журн., 2004, апрель, 61-бет.

<sup>2</sup> Абулғози. Шажарайи турк. Т.: 1992, 11-бет. (Кейинги парчалар шу нашрдан олинади. Қавсда саҳифаси кўрсатилади).

«Шажарайи турк»да асарнинг ёзилиш тарихи, сабаблари ва мақсади ҳақида маълумот беради. Шу ўринда муаллифнинг кўп фазилатлари очилади. Тарихни, тилни мукамал билиши, тил софлигини сақлаш маданияти яққол кўринади.

Тарихий асарлардаги маълумотлардан бизга маълумки, тарихни ёритиш холисликни тақозо этган. Бу қонуниятни яхши билган Абулғози ҳам унга қатъий амал қилган. Сўзининг аввалида бу масалага китобхон диққатини қаратган. Ўз ҳукмронлик даврини ўзи ёритгани учун узрхоҳлик этган: «Ҳеч подшоҳ ва амир ва ҳеч ҳақим ва донишманд ўз тарихини ўзи айтган эмастурур. Бизнинг юртимизнинг ҳавосиндин ва аҳли Хоразмнинг бебизоатлигидин ҳеч замонда бўлмаган иш бўлди. Эмди кўнглингизга келмасунким, фақир тараф тутуб ёлғон айтган бўлғайман ва ё ўзумни ғалат таъриф этган бўлғайман»(11-12 -бетлар).



«Шажарайи турк» асари муаллиф маълумотига кўра ҳижрий 1074, милодий 1663-1664 йилларда ёзилган. Асар 9 бобдан иборат. Биринчи бобда Одам Атодан Мўғулхонгача, иккинчи бобда Мўғулхондан Чингизхонгача бўлган тарих мухтасар ёритилган. Учинчи боб Чингизхоннинг ҳаёт йўли ҳақида. Тўртинчи боб Чингизхоннинг учинчи ўғли Угадай қоон ва унинг авлодлари подшоҳлиги тасвирига бағишланган. Бешинчи боб иккинчи ўғли Чигатойхон сулоласи ҳукмронлиги билан боғлиқ ҳодисалар тасвирини қамраб олган. Олтинчи боб кичик ўғли Тўлихон, еттинчи боб катта ўғли Жўжихон, саккизинчи боб Жўжихоннинг ўғли Шайбонхон авлодлари ҳақида. Тўққизинчи боб эса Шайбонхон авлодидан Хоразмда подшоҳлик қилганлар зикрига бағишланган.

Абулғози вафотидан сўнг Анушахоннинг топшириғи билан Маҳмуд ибн Муҳаммад Урганжий китобнинг

ёзилмай қолган 21 саҳифасини ёзиб тугатган.

Абулғозининг бу асари тарихшунослигимизда ва жаҳон тарихини ўрганишда энг ишончли манба сифатида катта қимматга эгалиги олимлар томонидан эътироф этилган. Чунки Абулғози асарини яратишда мўътабар манбалардаги маълумотларни қиёсан ўрганиб, хатоларни тузатишга ҳаракат қилган. Хулоса чиқаришда аниқ далилларга асосланган. У 18 та қимматли китобдаги маълумотларни ўргангани ҳақида сўзлайди. Айниқса, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Рашидиддиннинг «Жомеъут-таворих» каби асарларини эҳтиром билан эслайди.

Абулғозининг асосий мақсади ўз сулоласининг мукамал тарихини яратиш. Шу билан боғлиқ ҳолда Одам Атодан бошлаб инсоният, хусусан, туркий халқлар, шажаралар ҳақида маълумот бериш. Бу вазифаларни у юксак даражада бажарган. Абулғози юқорида

эслатганимиздек, холис бўлишга ҳаракат қилади. Кўп подшоҳлар тарихини ёритар экан, уларга объектив баҳо беради. Ижобий томонларини ҳам, салбий феъл-атвор ва амалларини ҳам ошкора баён этади. Ҳабаш, Элборс, Севинчхон каби султонларнинг ношудлиги, сиёсатдаги пала-партишлиги фош этилади.

Чингиз, Угадай Қоонларнинг қонли юришларини ҳам, мавриди билан кўрсатган мурувватларини ҳам холис ифодалайди. Бундай тасвирлар ўқувчига уларни мураккаб шахслар сифатида тасаввур қилиш имконини яратади.

Асарда чингизийлар босқини муфассал ёритилади. Айниқса, Хоразм, Марв, Ҳиротни босиб олиш манзаралари жуда жонли баён этилган. Кўз ўнгимизда мустамлака жараёни бутун даҳшати ва фожиаси билан намоён бўлади. Ҳиротнинг эгалланиши ҳақида ёзар экан, "Минг - минг олти юз минг кишини даражаи шаҳодатга етқурдилар. Ҳиротнинг қалъасини ер бирлан яксон

қилдилар. Ҳиротда ўн беш киши тирик қолди. Андин ўзга бир киши қолмади"(78-бет) деб ҳикоя қилади.

Марв босқинида ҳам худди шундай қирғинбарот тасвирини кўрамыз:

"... ўлганларни ўн уч кунда хатға олиб бўлдилар. Минг мартаба минг тақи уч юз минг киши эрди. Алқисса, мўғуллар хон ҳукми билан Марвнинг қалъасини ва иморатларини андоқ вайрон қилдиларким, ҳеч нишона қолмади"(76-бет).

Термизнинг ишғол қилинишидаги қуйидаги ҳодиса ҳам Ушбу босқин даҳшатини тасаввур қилиш имконини беради: «Ул хотун айтти: «мени ўлтурманг. Мен сизларга бир яхши дур берайин», теди. Алар тедилар: «дуринг қайдатурур?» ул хотун айтди: «дурни юткантурурман, дур қорнимдатурур.» Мўғуллар ул хотуннинг қорнини ёриб дурни олдилар. Ул сабабдин ҳеч ўлук қолмади, тамомининг қорнини ёрдилар»(70-бет). Бундай

шафқатсизликлар тасвирига асардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

"Шажарайи турк"да улуф бобокалонларимиз матонати, уларнинг юрагидаги улкан ватанпарварлик туйғулари ифодасини ҳам кўрамиз. Ва шундай жасур, мард аждодларимиз борлигидан фахрланамиз. Нажмиддин Кубро, Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик каби машхур ва машхур бўлмаган қанчадан-қанча қахрамонлар жасорати бизни ҳайратга солади. Кубро чингизийлар таклифини қабул қилмай, сўнгги нафасигача халқи билан бирга бўлади. Энг олдинги сафда туриб ёвга қарши курашади. Темур Маликнинг қопқоқли, зирҳли кема ясаб, зарбаларни қайтаришдаги кашфиётчилик салоҳияти, сипоҳигарчи-ликдаги ноёб иқтидорига қойил қоламиз. Жалолоддин Мангуберди юрагидаги ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуси Чингизхонни умрининг охиригача ташвиш-лантирган. Ундан ҳайиққан. У тирик экан, қасос

олиши мумкинлигини ҳисобга олиб иш юритганини асардаги далиллар асослайди. Ҳатто, Чингизхон Жалолиддин жасоратига тан бериб, "Отадин ўғул туғса, шундаг туғсун" деганининг гувоҳи бўламиз. Асарни ўқир эканмиз, бу каби далилларга дуч келганда, фахрланамиз. Машҳур шоиримиз Абдулла Орипов ҳам Мангуберди ҳақидаги қуйидаги байтларни бежиз айтмаганини англаймиз:

Сени Чингиз ғазабга тўлиб  
Йўқотмоқчи бўлди дунёдан.  
Жалолиддин самани бўлиб  
Сакраб ўтдинг Амударёдан  
Сенсан ўшал саманим маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.<sup>1</sup>

"Шажарайи турк" - комусий асар. Унда тарих, этнография, иқтисодиёт, этимология, кемасозлик, кончилик, қишлоқ хўжалиги, сипоҳигарчилик каби ўнлаб соҳаларга оид қимматли маълумотларни учратамиз. Ундан темир

---

<sup>1</sup> Орипов А. Йиллар армони. Т.: 1984, 224-бет.

рудасини олишнинг дастлабки, ибтидоий технологияси ҳақида маълумотга эга бўламиз. Асарда туркий Уруғлар, уларнинг жойлашиш ўринлари, географияси, номланиш тарихи билан танишамиз. Ҳар бирининг ўзига хос табиати, иқтидор ва салоҳият миқёслари ҳақида маълумот оламиз. (Масалан, уйғур Уруғига мансуб кишиларнинг ҳисоб-китоб ишларига маҳоратли бўлишгани ва бошқарувда уларга кўпроқ шу соҳа ишониб топширилиши ҳақида ёзади). Айрим байрамларнинг келиб чиқиш-сабабларини, шаҳарларнинг пайдо бўлиш тарихларини ёритади. Хитой деворининг қурилиши, у билан боғлиқ унгут элининг келиб чиқиш сабаблари ҳақида маълумот берилади.

Машҳур венгер шарқшуноси Ҳерман Вамбери Абулғози ижодига юксак баҳо бериб, "Абулғози Баҳодирхоннинг кўпгина ишлари Бобурни хотирга туширади. Жаҳон "Шажарайи турк" номли тарихий асари

учун ундан миннатдордур"<sup>1</sup>, дейди. Ҳақиқатан ҳам, Абулғозининг ҳаёт йўлидаги мураккаб жараёнлар, ёшлигиданоқ тож-тахт учун курашлар гирдобига тушиши, кўп сарсон-саргардонликларни бошидан кечириши Бобур қисматини эслатади. Унинг асари ҳам "Бобурнома" сингари тарихий-мемуар жанрида яратилган. "Шажарайи турк" ифода услуби жиҳатидан ҳам "Бобурнома"га яқин. Муаллиф кўп элларни таърифлаганда, уларнинг ҳаёт тарзи, шаҳарлари, бойликлари, подшоҳлари, машғул соҳалар ҳақида батафсил маълумот беради. Асарнинг ана шундай изчиллик жиҳатлари "Бобурнома"га ўхшайди. Аммо, фарқи шундаки, "Бобурнома"да Бобур, асосан, ўз замони ва яқин ўтмиш ҳақида сўзлайди. "Шажарайи турк"да эса қадимий, умумий тарих ҳам эсланади. Асарнинг сўнгги 9-бобидагина Абулғози ўзи билан боғлиқ тарихни ёритади. Аммо,

---

<sup>1</sup> Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т.: 1992.



хар бир ҳодисага нисбатан муаллифнинг фикрини, муносабатини ва у томондан берилган баҳоларни сезиб борамиз.

Абулғози асарларини яратишда уларнинг тилига катта эътибор беради. Фикрларини содда, тушунарли, равон услубда ифодалайди. Ўзигача яратилган тарихий асарлар тилининг мураккаблиги, форсий, арабий сўзларнинг кўп кўлланилиши унга маъқул келмайди. Туркий халқлар учун айтилган асарлар чинакам туркона бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Турк, форс, араб ва мўғул тилларини яхши билган Абулғози ўзининг шу принципига содиқ қолади. Жумлаларни соф туркий сўзлар билан тушунарли баён этишга интилади: «Барча билингким, биздан бурун туркий тарих айтқонлар арабий луғатларни қўшибтурурлар ва форсийни ҳам қўшибтурурлар ва туркийни ҳам сажъ қилибтурурлар. Ўзларининг ҳунарлари ва устозликларини халққа маълум қилмоқ учун. Биз мунларнинг ҳеч қайсисини

қилмадук. Анинг учунким, бу китобни ўқуғувчи ва тинглағувчи, албатта, турк бўлғуситурур: бас, туркларга туркона айтмоқ керак, то уларнинг барчаси фаҳм қилғайлар»(29-бет). «... Туркийни ҳам андоқ айтубманким, беш ёшар ўғлон тушунур»(29-бет).

"Шажарайи турк"ни ҳам тарихий, ҳам бадий асар сифатида ўрганамиз. Муаллиф тарихий ходисаларни тасвирлаганда жонли, ҳаракатдаги манзараларни кўз ўнгимизда гавдалантиради. Асардаги тарихий шахслар қисмати ифодаланар экан, улар бадий образ да-ражасига кўтарилади. Воқеалар ривожига эса драматик сахна кўринишида намоён бўлади. Ҳар бир ўсимлик, дарахт, ҳар бир майсанинг шивири қулоғимизга эшитилгандай бўлади. Улуғ бобокалонларимиз юрагини ғурурга тўлғазган ўрик, бодом, шафтоли гулларининг майин ифорлари, тип-тиник сувларнинг, намхуш майсаларнинг, беда гулларининг, бўғдой сабзаларининг

сархуш жилолари бизнинг кўнглимизда ҳам Ватанга муҳаббат туйғусини улғайтира бошлайди. Ушбу асарнинг таъсир кучи ҳам ана шунда.

Абулғози бу асари орқали ўзбек насри тарихида ўзига хос ўрин қолдирди. «Шажарайи турк» насрда ёзилган бўлсада, кўп ўринларда ўзбек ва форс тилларидаги шеърӣ парчалар ҳам киритилган. Улар асардаги бадиийликнинг кучайишига сабаб бўлган.

Абулғози халқ оғзаки ижодидан яхши хабардор. Асарда халқ ривоятлари, нақллари, мақолларидан унумли фойдаланган. Асарда халқ оғзаки ижодиифода услубини эслатадиган ўринлар кўп. Мумтоз меросимизга хос бадиий тасвир воситаларини ўз ўрнида ишлатган. У Ислом дини тарихини яхши билган. Асарида ҳадис, қуръони карим оятларидан ўз мавриди билан фойдаланган. Ёғингарчилик чақирувчи яда тоши каби маросим фольклори

анъаналари ҳақида ҳам маълумотлар берган.

қарлуқ, қипчоқ, Уйғур, Унгут, Бухоро, Дўрман каби минглаб сўзларнинг маънолари, этимологияси ҳақида ишончли хулосаларни баён этган. Ўзбек атамасининг келиб чиқиш тарихи ҳақида ҳам муҳим фикр билдиради: «Тўқтағухон (1290-1312) ўлгандан сўнг 13 ёшинда Ўзбекхон (1312-1342) хон бўлди. Тақи элни ота-бобосининг дастури бирла забт қилди. Ҳар кимнинг мартабасина лойиқ ҳурмат қилиб, инъомлар берди. Эл-улусни дини исломға киргузди... Андин сўнг Жўжи элини Ўзбек эли тедилар»(36-бет).

Баъзи сўзларнинг турк,тожик,араб,мўғул тиллардаги маъноларини қиёсий йўсинда шарҳлайди: «Оқиб боратурған улуғ сувни туркий тилинда сой дер. Тожик кичикин руд ва улуқин рудхона дер ва араб водий дер. Мўғул муран дер»(36-бет).

"Шажарайи турк" далилий маълумотларга жуда бой асар. Унда бошқа тарихий асарларда учрамайдиган кўплаб муҳим маълумотлар учрайди. Мўғул, Турон, Эрон халқлари тарихи кўз ўнгимизда муфассал жонланади. Чингизхон босқини, Ўрта Осиё ва Россия муносабатлари ҳақидаги тасаввурларимиз тиниқлашади.

XУ1-XУП асрдаги Хоразмнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига оид қимматли далиллар келтирилади. Кейинги даврларда яратилган тарихий асарларда аёллар ҳақида деярли маълумотлар берилмайди. Бу шариат қоидалари билан боғлиқ бўлса керак. Аммо, Абулғози ўз асарларида тарихнинг яхлитлигини сақлаб, маълумот бериш йўлидан борган. Тарихни ёритишга алоқаси бўлган аёллар ҳақида муфассал тўхташга ҳаракат қилган.

"Шажарайи турк"дан Абулғозининг улкан ижодий ниятлари ҳам бўлганлиги ҳақида маълумот оламиз.

Бир ўринда кенг қамровли "йирик тарихий асар ёзишни орзу қилгани, аммо хасталик туфайли мақсадини мухтасар амалга оширишга мажбур бўлгани, тўрт котибга айтиб туриб ёздирганини сўзлайди: «Биз тарихни мўғулда, ўзбекда ўтган яхши подшоҳлар ва кенгашли бийларнинг аслини ва қилган ишларини ва айтқан сўзларини барчасини бир-бир айтиб улуғ китоб қилмоқ кўнглимизда бор эрди. Айтайин теб юруган вақтда хаста бўлдум... Тақи тўрт нависандани ўлтуртдум ва айтдим..."(50-бет).

Умр бақо қилса, ушбу асарни форс тилига ўгириш нияти ҳам борлигини айтади: «... ушбу китобни форсий тили билан мурассаъ айтмоқ кўнглимизда бор»(31-бет).

Хуллас, «Шажарайи турк» асари тарихимизни, Хоразм тарихини тасаввуримизда қайта жонлантириши билан, тарих ҳақидаги фикрларимизни кенгайтириши билан қимматли асардир. Унинг адабий манба сифатидаги мақоми

хам юксак. Ўзбек насри тарихи ва тараққиётини Абулғози асарларисиз тасаввур қилиш, мукаммал деб билиш мушкулдир.

## **МУҲАММАДНИЁЗ НИШОТИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ**

### *Шоир ҳаёти ва ижоди манбалари.*

Ўзбек мумтоз адабиёти ва маданиятимиз тарихида муносиб ўринга эга бўлган Муҳаммадниёз Нишотий ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида тадқиқотчиларимиз бир қанча ишларни амалга оширдилар. Булар бир неча йўналишда олиб борилмоқда.

#### 1. Матншунослик йўналиши.

Матншунослик изланишлари маҳсули сифатида Нишотий асарлари бир неча марта нашр этилди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> а) Нишотий. Танланган асарлар. Тошкент, 1960й.

б) Нишотий. Хусну Дил. Тошкент, 1967й.

в) Нишотий. "Қушлар мунозараси". "Гулистон" журн. 1970. 1-сон.

Ушбу ишлар Нишотий ижоди билан ўзбек китобхонини таништиришда муҳим. Аммо, булар ҳали етарли эмас. Келажакда Нишотий ижодининг янада мукамалроқ нашрига эҳтиёж катта.

2. Адабиётшунослик йўналиши. Нишотий ижодининг илмий тадқиқини сарҳисоб этиб қараганимизда, анча ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўламиз<sup>1</sup>. Аммо, булар ҳали етарли эмас. Чунки, Нишотий ижоди чуқур фалсафий мезонга эга. Уни мукамал таҳлил этиш, ғоявий-бадий қимматини баҳолаш катта иқтидор, билим ва меҳнатни талаб этади.

---

<sup>1</sup> а) +осимова М. Муцхаммадниёз Нишотий. Тошкент, 1975.

б) В. Абдуллаев. Нишотий лирикаси. Хоксор ва Нишотий.

в) Валихыжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. Тошкент,

г) Абдувошидова М. Нишотийнинг "Шохбоз ва булбул" мунозараси. "Адабий мерос" журн., 1976 й., 3-сон.

д) Айёмий. Ўт ча=наган сатрлар. Тошкент, 19

е) Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик, 3-жилд. Тошкент, 1978 й.



Ўйлаймизки, мустақиллик шарофати билан янги босқичга кадам кўйган адабиётшунослигимиз Нишотий асарларининг моҳиятини объектив, тўғри ёритиб бера олади.

Муҳаммаднийез Нишотийнинг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида тарихий маълумотномаларда деярли қайдларга дуч келмаймиз. Мавжудлари ҳам жуда кам маълумот беради.

Шоир таржимаи ҳоли ҳақида фикр юритар эканмиз, асосан унинг асарларига шеърляти, "Ҳусну Дил" достонига таянамиз.

Достоннинг кириш қисмларидан англашиладики, шоир Хоразмда туғилган. Умрининг анча қисми шу ерда ўтган. У юртининг гўзал табиати, хушхулқ халқи, адабий-маърифий муҳитининг юксаклиги ҳақида фахр билан ёзади:

Бор эди Хоразм диёри - ерим,  
Андин эди яхши - ёмон гуҳарим...  
... Халқи анинг барчаси ишратфизо,

Хулқи хушу нутқи дағи дилкушо.  
Илм элининг васфи жаҳондин  
фузун,  
Ҳар не гумон айласанг ондин  
фузун.

Нишотий дostonнинг ёзилиш  
тарихини кўрсатиб,

Муддати тарихини этсам баён,  
Хатми Дилу Ҳусндур, эй  
нуктадон,-

дейди. Бу тарихдан дoston милодий 1778  
йилда ёзилганлиги аён бўлади. Айёмий  
"Ўт чақнаган сатрлар" китобида Нишотий  
дostonни 77 ёшида ёзган дейди. У бу  
маълумотнинг манбаини кўрсатмайди.  
Агар шу далил ишончли бўлса, демак,  
Нишотий 1701 йилда туғилган деган  
хулосага келишимиз мумкин.

Нишотий Хивадаги мактаб,  
мадрасаларда ўқиб билим олган. Кўп  
илмларга, жумладан, шеър санъатига

алоҳида қизиқиш билан қараган. Замонасининг маърифатли кишиси бўлиб етишган.

Нишотийнинг сарой доирасида нуфузли обрўга эга дўсти бўлган. У шоирнинг қийинчилик кунларида кўп ёрдам берган. Буни Нишотий кўп таъкидлаган. У дўстининг ёрдами, ғамхўрлиги туфайли ҳаётини сақлаб қолишга эришади. Ва Бухорога кўчиб кетишга мажбур бўлади. У юртида ҳамдам, ҳамфикр тополмаган шоирнинг мусофир юртда янада оғир кунлари, руҳан эзилган дамлари бошланади:

... Хуллас, ўлуб мулку ватандин  
жудо,

Солдим ўзум ғурбати шиддат  
аро.

Токи Бухоро сари қўйдим кадам,  
Оҳ бу хори аро бўлдим адам.

Гарчи эрур манзили дилкаш базе  
Лек мусофирға эмас хуш базе.

Шоир Бухорода ҳам уй-жойсиз,  
иктисодий қийинчиликда, руҳан  
ёлғизланиб яшади:

Не манго маъвою, не манзил аён,  
Ваҳ, не дедим турғали қайда  
макон.

Тўъма учун шому сахар  
нолишим,  
Тифл киби бармоғи сўрмоқ  
ишим.

Гарчи улуснинг ҳаду поёни йўқ,  
Тонимоғим бирини имкони йўқ.

Шундай оғир кунларда шоир ижоди  
билан овунади, қалами билан сирлашади.  
У Бухорода яратган лирик шеърларида  
ҳаёт машаққатларини акс эттирди. Йирик  
ҳажмли "Ҳусну Дил" достонини яратди.

***Нишотий лирик шеърларининг  
ўзига хос хусусиятлари.*** Нишотийнинг  
лирик шеърлари бизга "/азалиёт ва  
мухаммасоти Нишотий", "Баёзи  
мутафарриқа", "Баёзи мажмуаи ашъор"

каби манбалар орқали етиб келган. Муҳаммад Юсуф Чокар томонидан 1903 йилда кўчирилган девони Шарқшунослик институтида сақланади.

У ўзбек ва форс тилларида ижод қилди. Нишотийнинг лирик шеърлари, асосан, ишқ-муҳаббат мавзуида. Бош тимсоллар ошиқ ва машуқа. Лирик асарлари кўпроқ маъшуқа тавсифига бағишланган. Шоир шеърлятида ҳам мажозий, ҳам илоҳий ишқ куйланади. Нишотий ижодининг асл моҳиятини белгилловчи ғоялар барчаси ана шу тавсифий асарлар замирига сингдирилган. Улар шоир таржимаи ҳолининг айрим жиҳатларини ёритади: Юртидан олисда, мусофирчиликда кечган ҳаёти саҳифаларини тасаввуримизда қайта жонлантиради. Нишотий лирик қаҳрамони бир қараса, ҳаётни, гўзалликни севувчи, риндона кайфиятдаги ошиқ. Бир қараса, илоҳий ишқ куйчиси, бир қараса, борлиқдан воз кечувчи, ёлғизликка ошуфта образ. Бир қараса, риёкор шайху

зоҳидларни танқид этувчи, рад этувчи мунаққид сиймо.

Нишотий шеърियाи мазмунан нақадар бой, ранг-баранг бўлса, бадиият жиҳатдан ҳам ўзига хос, Шарқ бадиий санъатлари билан музайян шеърятдир. Шоирнинг асарларида ташбеҳ, муболаға, истиора, тажохул ул-ориф, ирсоли масал, ҳусни таълил каби бадиий санъатлар моҳирлик билан қўлланган.

Нишотий анъанавий образларнинг янгича тасвирий деталларини топа олади. Масалан, маъшуқа қошининг доимий қиёслари бизга маълум. Шоир буни тажохул ул-ориф санъати воситасида янгилашга эришади:

Вўсмадин ул маҳлиқо қошиғаму  
тазйин эрур,  
    Ҳусн девони уза ё матлаи рангин  
эрур.

Шоир оддий, кундалик  
кечмишлардан ҳайратланарли бадий  
намуналар топади:

Ой, кун шому саҳар ер ёрилиб  
ерга кирар.

Уялур баски, рухи ойина  
пардозингдин.

Ёки:

Биҳамдиллоҳки, жононим мени  
масти нигоҳ этти,

Кўзим боғин ниҳоли қоматига  
жилвагоҳ этти.

Ёки:

Сурмалиғ соҳир кўзинг устида  
минайи қошинг,

/амзаи хунрез шамшириға ёшил  
қин эрур.

Диалог-мунозара ғазаллар ғазал  
жанри имкониятларини кенгайтиради.  
Лирик образлар табиатини, руҳий  
манзара миқёсларини мукамалроқ

ёритади. Тасаввуримизда тимсолларнинг жонли, драматик мулоқоти картинаси намоён бўлади. Нишотий ҳам шундай ғазалларнинг ўзига хос намуналарини яратишга муяссар бўлган:

Дедим:”Эй гулрух, юзинг наззора қил, ойға боқиб,”

Деди: “Кўрман оразим бу тийрарў кўзгу билан”.

Ёки:

“Ҳусн девониға тугрому қошинг”,-дедим, деди:

“Котиби тақдирдин бу матлаби рангин эрур”.

Нишотий шеърятининг ўзига хос ва юракка яқин бўлиши унинг катта ижодий мактаб ўтаганидан ҳамдир. Шоир асарлари билан танишиб, унинг қадимий анъаналарга эга улуғ Шарқ маданияти, тарихи, адабиётининг чуқур билимдони бўлганининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, бадий ижодда Навоий, Ғоли, Ғоли, Ғоли, Ғоли,



Низомий, Хусрав Дехлавийларни ўзига устоз деб билади. Уларнинг кўплаб ғазалларига назиралар, мухаммаслар боғлайди. Салафлари ижодидаги кўнглига яқин туйғулар, кечинмалар, дарду армонлар тасвирини муносиб давом эттиради. Навоий ғазалига ёзилган куйидаги мухаммас Нишотий маҳоратини Навоийвор мезонда ўлчашга изн беради:

Бўлди хоки тан қуюн ул сарви  
хушрафторсиз,

Бўлмағай оламда мандек бахти  
бархурдорсиз,

Бир қуруғон нахлдекким, бўлса  
баргу борсиз,

Навбахор айёми бўлмиш ман  
диёру ёрсиз,

Булбул ўлғондек хазон фасли  
гулу гулзорсиз.

Диёру ёрга муҳаббат инсонни  
юксалтирувчи восита. Бу иккисиз у  
йўлдан адашади, хароб бўлади. Илдизсиз,

мевасиз дарахтга ўхшаб қолади. Нишотий кичкина ҳаётӣй мисол орқали бунинг чуқур моҳиятини ёритиб бера олган: Дарахт саҳрода кумни кўчишдан, тўзишдан сақлайди. Муҳаммаснинг биринчи мисрасида шунга ишора қилинган. Хоки тан-вужуд ул гўзал сарвсиз қуюн янглиғ барбод бўлгани аён этилган.

Нишотий устозларига улкан эҳтиромини сақлаган ҳолда, ўз сўзининг ҳам қадри баландлигини, илми донишда, назм мулкида Навоийвор миқёсдалигини эътироф этган. Биз бунга Нишотий асарларида асос бор дея оламиз:

Деди алтофи сўзиға кўз солиб ул  
шўхи шанг,

Баҳри маънида Нишотийдур агар  
чанги наҳанг,

Гухий донишда Навоий ҳам эрур  
ғаррон паланг,

Гар Сулаймон мулкича бордур  
Навоийға не тонг,

Чунки бил қайси замон назмини  
тахсин айламиш.

Ёки:

Эмас эрдим сўз аҳли сиридин  
билмакликка воқиф,

Ани истаб жаҳон мулкида бўлдум ҳар  
тараф тойиф,

Нишотий, шеъри рангинин кўруб  
бўлди кўнгул хайиф,

Дедим: “Назм аҳлининг сархайли ким  
бўлғой?”-деди

хотиф:

“Навоий бўлғой, улким сен  
тилайдурсан агар бўлғой”.

### ***“Кушлар мунозараси” асари.***

Нишотийнинг ахлоқий-таълимий  
ғояларини ифодаловчи “кушлар  
мунозараси” асари ҳам эътиборга  
моликдир. Шоирнинг бу асари аллегорик-  
мажозий характерга эга бўлиб, 300  
мисрадан иборат.

Шоир ғояларини 14 кушнинг ўзаро баҳсу мунозаралари орқали баён этади. Асарда гўзал бир боғда лайлак, кумри, зоғ, булбул, тўти, товус, хумо, худхуд ва бошқа кушлар баҳси акс эттирилади. кушларнинг ҳаммаси ўз фазилатларини мақташади. Лайлак, товус ўзларининг гўзалликларини, кумри, булбул хушхонликларини, хумо озорсизлигини пеш қилиб ўзларига таъриф тавсиф беришадики, шоир бу мақтанчоқлик ва кибру ҳавони рад этади. Одоб, камтарлик, самимийлик фазилатларини тарғиб этади ва улуғлайди. Худхуд ижобий образ сифатида талқин этилади. У барча кушларга ўз камчиликларини фош этиб ташлайди:

Дедиким, эй ғалатнамо кумри,  
Юзингга келмади ҳаё кумри.  
Ўзингни танию ҳаддин ошмагил,  
Ҳаддингни билу тақи  
талашмагил.

“Ўзингни танию ҳаддин ошма”. Худхуд тилидан айтилган бу сўзларда шоирнинг асосий ғоялари ўз ифодасини топган. Бу орқали ҳар бир инсон ўзлигини англашга, камолотга эришишга тарғиб этилади. Асарнинг тили содда, равон. Нишотийнинг ижодий фаолиятида Навоий анъаналарига эргашиш, уни давом эттиришга интилиш кучли. “қушлар мунозараси” да ҳам унинг “Лисон ут-тайр” асарининг таъсири яққол сезилади. Шоирнинг шу йўналишдаги бир асар яратишни мақсад этгани кўриниб туради.

### ***Муҳаммадниёз Нишотийнинг “Ҳусну Дил” достони.***

Муҳаммадниёз Нишотий XVIII аср ўзбек адабиётининг Хоразмдаги кўзга кўринган, истеъдодли вакилларида биридир. Унинг энг йирик асари "Ҳусну Дил" достонидир. У 1778 йилда Бухорода ёзилган. Асарнинг ёзилиш

тарихига оид баъзи фикрлар дostonнинг кириш ва хотимасида берилган. Унда эътироф этилишича, бир дўстининг маслаҳати билан беш ойда ёзилган экан:

**Байтки тахминан эрур етти юз,  
Етти мингу тўқсон ики бўлди туз.  
Кисвати наср ила бўлуб зийнати,  
Ёна араб лафзи эди хилъати.  
Рум эли ҳам наср ила онга нигор,  
Ўз тилидин эткон экон ихтиёр.  
Деди мунго назм дури бирла зеб,  
Бергил, улусдин олиб аввал шикеб.  
Бўйла дегоч фотиҳа қилдим талаб,  
Тутгум ўзимга неки эрди тааб.  
қилдим они назм қилурға қиём,  
Ўтти машаққат била беш ой  
тамом.**

Юқорида шоирнинг ўзи таъкидлаганидек, Ҳусн ва Дил саргузаштининг сюжети Шарқ адабиётида машҳур бўлиб, форс-тожик, араб, турк тилларида бир қанча насрий асарлар ёзилган.

XV аср форс-тожик адабиётининг йирик вакили Фаттоҳий Нишопурий "Ҳикояти Ҳусну Дил" асарини ёзган.

XVI аср охирида Мушфикий шу сюжет асосида "Гулзори Эрам" асарини яратди. Бундан ташқари, Али Оҳий, Шайх /олиблар ҳам шу мавзуда асарлар яратишган. Буларнинг ҳар бири ўзича янги, мазмун-ғоя жиҳатидан ҳам, бадиийлик жиҳатидан ҳам мустақил асарлардир.

"Ҳусну Дил" мазмун ва тузилиш жиҳатдан анча мураккаб. Шоирнинг ўзи эътироф этганидек, дoston 15584 мисрадан, 62 бобдан иборат. Дастлабки боблар киришни ўз ичига олади. 6- бобда шоир ўзининг мусофирчиликдаги ғариб ҳаётини акс эттиради. 7-бобда дostonнинг ёзилиш сабаблари ҳақида сўзлайди. 8-бобда сўз қудрати борасида фикрларини билдиради. 9-бобда эса, "беш хазина" - "Хамса" яратган устоз шоирлар Низомий, Хусрав Деҳлавий,

Жомий ва Навоийларнинг сўз мулкидаги  
улуғ хизматлари эътироф этилади:

**Ул бирисин Шайхи Низомий  
дегил,**

**Мамлакату мулки низоми  
дегил.**

**Бу биридир Хусрави олижаноб,  
Торами назм узра мунир  
офтоб.**

**Ул бириси хазрати Жомий  
эрур,**

**Даҳр элининг пок каломи эрур.  
Яна бири булбули дostonсаро,  
Яъни Навоий эрур ул хушнаво.  
Ўзга эрур донишу фарҳанг  
анга,**

**Етти фалакдир етти авранг  
анга.**

**Етти ақолим узадур моҳ ул,  
Етти қалам аҳлиғадур шоҳ ул...**

Шоирнинг дostonда келтирилган  
айрим фикрларидан "Хамса"навис  
устозларга эҳтиромини ҳис этамиз.



Нишотий ҳам "Хамса" яратишни ният қилган. Беш достондан иборат "Хамса" муаллифлар сони ҳам бешта бўлишини орзулаган. "Хусну Дил" асарини дастлабки достон сифатида яратган:

**Дегувчи ҳам беш бўлубон  
қийлу қол,**

**Этса мутобиқ тушар анга бу  
ҳол.**

**Беш ўлубон гулшану беш  
андалиб,**

**Ҳар бирига бириси бўлсун  
насиб...**

**Тўрт китоб андаки мазкур эрур,  
Хамсалиғ оти била машҳур  
эрур.**

**Ҳар бирининг аввалида бир  
китоб -**

**Бор эдиким, анда эди фатҳи боб.  
Бирининг оти "Махзани асрори  
шавқ",**

**Ул бириси : "Матлаъи анвори  
шавқ".**

**Ёна бири "Тухфатул-аҳрор" эди,**

**Бири анинг "Ҳайратул-аброр "**  
**эди.**

**Ман доғи анларға демаклик  
жавоб,**

**Истабон айттим бу сўзи  
иртикоб.**

10-бобда шоирнинг қаламга мурожаати берилади. 11- бобдан бошлаб дostonнинг асосий қисми бошланади. Ҳар бир бобда аввал қисқа насрий мундарижа берилиб, кейин шеърий мазмун баён этилади. Дoston сюжeтини, шоир ғояларини мукаммаллаштириш мақсадида асар таркибига: 1. "Шахбоз ва Булбул"; 2. "Гул ва Даф"; 3. "Най ва Нахл"; 4. "Косаи Чин ва Наргис"; "Бинафша ва Чанг" номли бешта мунозара ва лирик чекинишлар ҳам киритилган.

Шоирнинг бутун мақсад ва ғоялари Ҳусн ва Дилнинг ишқий саргузаштлари драмаси заминига сингдирилган.

Шоир воқеалар баёнида соф муҳаббатни, яхши инсоний фазилатларни

куйлайди. Севишганлар даҳшатли воқеаларни бошдан кечирадилар. Мақсад йўлидаги тўсиқларни сабр-бардош ва кураш билан енгиб тинчлик, бирдамлик, меҳр-оқибат, муҳаббат, бахт тантанасига эришадилар. Бу дoston узoқ йиллар инсоний муҳаббатни куйловчи, марказлашган давлатни қувватловчи асар деб баҳоланиб келинди. Бу фикр тўғри. Аммо, фақат шу билан чеклансак, шоир нуқтаи назарини тўлиқ англамаган бўламиз. Достоннинг моҳиятига чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, унинг мафкуравий миқёси кенгроқ эканлигини тушунамиз.

"Ҳусну Дил"да шоир ҳам мажозий, ҳам ҳақиқий ишқ тилсимларини сўзлашга эришади. Асардан Хос ва Авом баробар манфаат топади. Тасаввуф таълимотининг бош ғояси -Оллоҳ дийдорига етиш. Асарда бу йўл бадий образлар воситасида баён этилади. Бу эса ўз навбатида мураккаб назарий маълумотларни тушунишни

осонлаштиради. Буни Нишотийнинг ўзи  
хам эътироф этади:

**Хусн ила Дилдин қилиб  
гуфтугў,**

**Бергил анга тозау тар ранги  
бў.**

**Яъни мажоз ила ҳақиқат  
қарин<sup>1</sup>,**

**Ўйла сўзунг бўлғусидир  
дилнишин.**

**Аҳли ҳақиқат топиб ондин  
наво,**

**Хайли мажоз они кўруб  
хушнаво.**

**Иккисининг кўнглиға марғуб  
ўлуб,**

**Икки жаҳон аҳлиға матлуб  
ўлуб.**

**Токи сенинг сўзинга бўлғой  
ривож,**

**Икки жаҳон қилғай ани бошга  
тож.**

---

<sup>1</sup> +арин - я=ин

Демак, шоир ўзи таъкидлаганидек, дoston тасаввуф таълимоти ғояларини ҳам тарғиб этувчи асардир. Донишмандларимиз тасаввуф ўзидан ўлиб, ўзи бирла тирилиш йўлидир, дейишган. Бу инсон ўзлигини англаши, ўзлигини топиши учун нафсоний интилишларни, вужудий қафасларни синдириб бориши керак, демакдир. Инсон ана шундагина ғолиб келади. Камолотга эришади. Баркамоллик эса кишини мўътабар мартабага кўтаради. У оламнинг ва одамнинг мазмун-моҳиятини англаш шарафига муяссар бўлади:

**Ўзлукидин қолмаса онинг асар,  
Билгусидир парда ичидин  
хабар.**

Бундай огоҳлик даражасига олиб борувчи восита ишқдир.

**Ҳар киши гар этмас ўзидин  
гузар,**

## **Ишқдин ул бўлгон эмас бахравар.**

Баркамоллик - нафсоний ҳавасларни енгиш йўли. Бу эса енгил иш эмас. Унинг учун кишида улкан жасорат, қаноат, ирода, сабр, интилиш ва интиҳосиз ишқ мавжуд бўлиши керак. Шундагина машаққатли йўлни енгиб ўтиб, олий мақсадга етиш мумкин. Нишотий ана шу камолотга эришиш босқичларини воқеалар ривожини орқали ифодалашга ҳаракат қилган. Бош образ Фуоднинг Хусн дийдорига етишгунча бошидан кечирган машаққатли саргузаштлари достоннинг асосий ғоясига хизмат эттирилган. Ҳатто, «Хусну Дил» тимсолларининг номланиши ҳам чуқур мазмунга эга. Улар мажмуини яхлит бир жисм деб қарашимиз мумкин. Масалан, Фуод (арабча-кўнгил)- кўнгилнинг "қалъаи жисм"да яшаши, Хусннинг "қалъаи дийдор"да яшаши. Кўнгилга тушган ишқ-муҳаббатнинг хуснга, дийдорга эришгунча орада турган

тўсиқлар, изтироблар- буларнинг ҳаммаси рамзий маъноларни англатиши ўз-ўзидан аён кўриниб турибди. Ақл, Ҳусн, Ишқ, Дил, Назар, Ҳиммат, Сабр, Вафо, Хаёл, /амза, Рақиб, Номус ва бошқа образлар номланишида ҳам буни сезиш мумкин. Достондаги "Оби ҳаёт" образи ҳам рамзий маъно касб этади. Абадий ҳаёт бахш этувчи сув "Шаҳри дийдор"да. қачонки, заҳматларни енгиб Дийдорга эришгандагина абадийликка муяссар бўлиш мумкин:

Яъни қаро қайғуға қилғон сабот.  
Топғусидур истаса оби ҳаёт...

Нишотийнинг маҳорати фақат достон сюжетидаги кўпмаънолиликда, теранликда эмас, балки асарнинг бадий баркамоллигида ҳам кўзга ташланади. Кўплаб шеърий санъатлардан моҳирона фойдаланади. Халқона, ҳикматомуз ибораларни, мақолларни ўринли ишлатади. Табиатдан такрорланмас, янги

Ўхшатишлар топади. Тазод, ҳусни таълил,  
ташбеҳ, муболаға санъатларининг нодир  
намуналарини яратади:

Тутмаса гул хори бало ичра хў,  
Бўлмас эди анга бу рангу бу бў.

Ёки:

Лаъл агар қолмас эрса санг аро,  
Бўлмас эди меҳр киби ранг аро.

Ёки:

Ҳар кишиким, илгини давлат  
ўпар,  
Кўкда неким истаса ердин топар.

Ёки:

Ишқ ила боронни ҳувайдо қилиб,  
Оҳ ўтидин барқни ифшо қилиб...

## **Нурмуҳаммад Андалиб**

*Ўрганилиши.* Нурмуҳаммад  
Андалиб мумтоз адабиёт тарихида



туркман ва ўзбек халқининг муштарак адиби сифатида тан олинган. Унинг лирик шеърлари, дostonлари ўзига хос саҳифани ташкил этади. У шоир ва таржимонликда ноёб салоҳиятга эга эди. Шу сабабли ижодкор мероси ҳар доим адабиётшунос олимлар эътиборини жалб этиб келган. Уларни ўзбек, туркман, рус ва ғарб олимлари тадқиқ этишган, нашр эттиришган.

Шоирнинг “Юсуф ва Зулайхо” достони 1904-1912 йилларда 6 марта чоп этирилган. 1867 йилда “Саъд Ваққос” достони Венгер шарқшуноси Ҳ. Вамбери томонидан нашрга тайёрланиб, “Чиғатой адабиёти хрестоматияси”га киритилган. 1916 йилда “Лайли ва Мажнун” достони Тошкентда нашр этилди. “Зайнулараб”, “Саъд Ваққос” дostonлари ҳам бир неча марта чоп этилган. Шоир дostonлари Туркменистонда ҳам қайта-қайта нашр этилган.

XX аср I ярмида Фитрат тузган хрестоматияга ва 1959 йилда жамланган

“Ўзбек адабиёти” хрестоматиясига ҳам шоир ижодидан намуналар киритилган.

Ўзбек адабиётшунослигида проф. В.Абдуллаев Андалиб ижодининг табиатини, ўзига хос хусусиятларини, дунёқарашини, маҳоратини чуқур ёритишга ҳаракат қилган. Б.Валихўжаев, Қ.Тоҳиров, С.Назруллаева каби адабиётшунос олимлар ҳам шоир меросига оид муҳим хулосалар баён этишган. Андалиб ижодини ўрганишда, айниқса, туркман адабиётшуносларининг меҳнати улкан. Б. Ахундов, А.Улуғбердиев, Г.Назаров, Н.Хўжаев, Б.Шомуродов кабиларнинг тадқиқотларида шоир мероси чуқур таҳлил ва талқин этилган. Е.Э.Бертельс, Ҳ.Арасли каби машҳур олимлар ҳам Андалиб ижоди ҳақида қимматли мулоҳазалар баён этишган.

Андалиб ҳақидаги маълумотларни қиёслаганда баъзан мунозарали ўринларга ҳам дуч келамиз. Жумладан, шоир дostonларининг номлари ва миқдори

турли тадқиқотларда турлича кўрсатилади. Мумтоз адабиётда Андалиб тахаллуси билан бир қанча шоирлар ижод қилган. Шулардан бири Нурмуҳаммаддир. Балки дostonлари билан алоқадор баҳсли муаммо шу билан боғлиқдир. Хуллас, ўзбек адабиётшунослигида Андалиб ижодини ўрганиш борасида вазифалар бисёр. Шоир дostonларининг мавзу ва ғоявий хусусиятлари, маҳорат қирралари , муаллифлик борасидаги қатъий хулосалар ўз ечимини топиши, ўрганилиши заруратдир.

*Таржимаи ҳоли.* Андалиб ҳақидаги маълумотлар, асосан, унинг асарлари орқали бизгача етиб келган. Унинг исми Нурмуҳаммад. Тахаллуси Андалиб (Булбул). Кўхна Урганчнинг Қорамози қишлоғида туғилган. У Хивада Шоҳғозихон ҳукмдорлиги даврида (1765-1767) “Юсуф ва Зулайхо” дostonини ёзганини айтади. Ўша пайтда 55 ёшдалиги ҳақида маълумот беради:

Барча халойик ичида бад ишим,  
Етди эллик бешга менинг бу ёшим.  
Демак, у тахминан 1710-1711  
йилларда туғилган. 1770 йилда вафот  
этган.

*Адабий мероси.* Андалиб ижодида  
Навоий, Фузулий, Машраб  
анъаналарининг таъсири ва  
давомийлигини кўрамиз. Улардаги ғоялар  
мутаносиблигини, тимсоллар уйғунлиги  
ва дунёқараш ҳамоҳанглигини ҳис  
қиламиз.

Андалиб лирик шеърлари бизгача  
20 га яқин тўплам ва баёзлар таркибида  
етиб келган. Девони ҳақида маълумот  
йўқ. Баёзларнинг энг қадимийлари 1198  
рақамлиси (1792 йил) ва 6973 рақамлиси  
(1793 йил) дир. Ушбу баёзларнинг  
иккаласида ҳам бир хил – шоирнинг 6 та  
мухаммаси киритилган. Унинг бизга бор-  
йўғи 35 та шеъри маълум. Шундан 23  
таси тахмис, 3 таси ғазал, 5 таси шоирнинг  
ўзи ёзган мустақил мухаммас, 1 таси  
мусамман, 1 таси мусаддас, 1 та си

мураббаъ, 1 таси мувашшах. Уларнинг жами 1200 мисрага яқин.

Андалиб эпик йўналишда ҳам асарлар яратган. “Зайнулараб”, “Лайли ва Мажнун”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Саъд Ваққос” дostonлари шулар жумласидандир.

Андалиб таржимон сифатида ҳам ўз салоҳиятини намоён эта олган. У “Мирзо Ҳамдам” дostonини форсчадан туркчага ўгирган.

Андалиб дostonнавис сифатида шуҳрат қозонди. Мумтоз адабиётда айниқса, унинг “Юсуф ва Зулайхо” , “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Зайнулараб” дostonлари муҳим. Шоир уларда халқнинг сеvimли тимсоллари тақдири билан боғлиқ анъанавий сюжетларни асос қилиб олади. Ёзма адабиётда ҳам, халқ оғзаки ижодида ҳам қайта-қайта мурожаат этилган мавзуларга Андалиб янгича руҳий талқинлар, ижодий ёндашилган тимсоллар тизими асосида Янги ҳаёт бағишлайди. Уччала дoston

ҳам наср ва назм шаклида яратилган. Андалиб дostonчилигининг ўзига хослиги шундаки, у шакл жиҳатдан халқ дostonчилигига жуда яқин. Жумладан, ёзма дostonлар, асосан, назмда яратилган. Ҳар бир бобда қисқа насрий мундарижа берилган. Аммо, Андалиб дostonларида наср миқдори ва вазифаси ортган. Бадиий тасвирда назм билан наср баравар иштирок этган. Наср ва назмнинг ўрин алмашиб туриши, ўқувчи учун дoston сюжетининг аниқ етказилишини, руҳий ҳолатларни изоҳлаш, шарҳлаб борилишини таъминлайди. Ўқувчини толиқтирмайди.

**“Зайнулараб” дostonи** Дoston икки ном (“Зайнулараб” ва “Жангномаи Имом Муҳаммад Ҳанафия”) билан юритилган. У диний-қаҳрамонлик мавзуидаги дoston. Ундаги Али ва ўғиллари Имом Ҳасан, Имом Ҳусан, Имом Муҳаммад Ҳанифа диний адабиёт тимсоллари. Бош қаҳрамонлардан бири Имом Муҳаммад Ҳанифа фаолияти

муслмонлаштириш сиёсати билан боғлиқ. Муҳаммад Ҳанифа жасоратли, ақлли ва комил ахлоқли инсон сифатида талқин этилган. Ушбу тимсол табиатини ёритишда, Зайнулараб тимсоли муҳим ўрин тутади. Улар ўртасидаги вафо, садоқат, муҳаббат камолот белгиси сифатида талқин этилади. Малика Туғро, Амлоқ каби тимсоллар эса бош қаҳрамонлар маънавиятини синовлардан ўтказишда иштирок этувчи қўшимча тимсоллар сифатида яратилади.

Достон сюжети изчил ва тигиз воқеалар тизимидан иборат бўлиш билан бирга, руҳий таҳлилнинг чуқурлиги, бадий ифоданинг юксаклиги билан ҳам мумтоз адабиётда муҳим ўрин тутади: Муҳаммаднинг ғарибликда зиндонда ётган пайтдаги кечинмалари, ўй-фикрлари, айниқса, таъсирли ифодаланган:

Не найранглар билан тазвир  
этибсан,эй фалак, найлай,

Отам дийдорини мастур этибсан,эй  
фалак,найлай.

Тушубдур неча душман ичра бу  
ёлғуз ғариб бошим,

Диёру мулку элдин дур этибсан,эй  
фалак,найлай.

Достоннинг бадий услуби халқ  
оғзаки ижоди намуналарига,хусусан,  
достонларга жуда яқин. Бу  
тимсолларнинг табиати,бир-бири билан  
муносабати, сюжет тизимидаги воқеалар  
жараёни, ривожиди кўринади. Жумладан,  
Муҳаммад ва акалари олдидан уч йўл  
чиқиши, у “борса келмас”га кетиши,  
рақиблар билан курашиб уларни енгиши,  
Зайнуларабни дев олиб қочиши ва бошқа  
шу каби тасвирлар халқ достонларига хос  
йўналишлар эканлиги маълум.  
Муҳаммаднинг зиндонда Зайнулараб  
билан хаёлан суҳбати тасвири ҳам бизга  
халқ достонлари услубини эслатади:

**Сани истаб чикдим эмди буёна,  
Билмадим жононим,холинг не  
кечти,**



Юсуфи                      Канъондек,тушиб  
зиндона ,  
Зулайхо    нишоним,ҳолинг    не  
кечти.

Ғамгин    кўнглум    хаёлингдин  
совутман,  
Сандин    ғайри    дилрабони  
ёвутман.

Сан мани унутма,сани унутман,  
Тоза    гулистоним,    ҳолинг    не  
кечти.

Ўзбек мумтоз адабиётида XVIII асрда яратилган дostonларда рамзийлик кучли. Бунинг энг юксак намунаси сифатида Нишотийнинг “Хусну Дил” дostonини биламиз. Андалиб дostonларида ҳам биз ана шу хос хусусият белгиларини кузатамиз. Жумладан, “Зайнулараб” дostonида ҳам Кибр, Таҳроқ, Қатрон, Анқо, Қўрқоқ ва хатто Зайнулараб исmlарида ҳам рамзийлик ишораларига дуч келамиз.

**“Юсуф ва Зулайхо” дostonи.**  
Ҳазрати Юсуф алайҳиссалом тақдири билан боғлиқ саргузаштларнинг асоси

“Қуръон”га бориб туташади. Каломуллоҳдаги Юсуф сураси асосида XX асргача кўп асарлар майдонга келди. Андалибнинг “Юсуф ва Зулайхо” дотонининг яратилиш асоси ҳам шу билан боғлиқ. Муаллиф асарда унинг яратилиш тарихи, ёзилиш сабабларига тўхталади. Унинг эътирофича, дoston туркигўй қавмлар эҳтиёжини инобатга олиб яратилган. Асар ошиқи покдомонни камолга етказишга, ҳақиқий ишқдан сабоқ беришга мўлжалланган:

**Деди алар: Андалиби бенаво,  
Кўнглумиза тушти ажаб можаро.  
Бор “Қисас”ичра ажаб дoston  
Не бўладур қилсанг ани бўстон.  
Юсуфу Сиддиқу Зулайхони сен,  
Турки халойиқда қилиб бир  
чаман.**

**Элдин эла олиб ани қилса бўй,  
Бир неча зеболар ичра гуфтугўй.  
Ишқи ҳақиқийни сабоқ айласун,  
Бўйла ,эрур ошиқе, пок айласун.**

Ҳаёт жуда мураккаб. Турмушнинг машаққатли синовлари кимнидир тушкунликка туширади. Кимнидир довдиратади. Кимнидир тўғри йўлдан адаштиради. Кимнидир изтиробга солади. Юсуф қисмати билан таниш ўқувчи эса ундан жуда катта сабоқ олади. У сабр – каноат, ирода рамзига айланган тимсол. Жаҳон адабиётида инсон иродасининг бундай мукаммал тасвирини учратиш қийин.

Андалиб достонидаги Юсуф тимсолининг бадий талқинига баҳо беришда “Юсуф сураси” қўл келади. Чунки сурада Юсуф , асосан, пайғамбар сифатида кўрсатилган. Зулайхо тимсолига эътибор берилмаган. Достонда эса бадий қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, ҳистуйғулари, руҳий ҳолатлари табиий, ҳаётий йўсинда тасвирланган. Тасаввуримизда тимсоллар воқеалар жараёнида тирик ва жонли ҳаракатланади. Сюжет тизимини яхлит боғлаб турувчи тимсоллар мажмуи

яратилади. Уларнинг ўзаро муносабатлари ва ишқ тасвири етакчи ўринга чиқарилади. Андалиб ўз достонида даври учун муҳим бўлган ижтимоий масалаларни, халқнинг орзу-ўйларини ҳам сингдиради. Бу эса, аввало, дostonнинг қимматини оширса, иккинчидан асарни ҳамма замонлар учун эскирмайдиган ғоялар тарғибига айлантиради. Юсуф ва Зулайхонинг севги достони аспектида шоир инсоният учун муҳим аҳамиятга эга умумбашарий ғояларни айтишга эришади.

Достондаги бош қаҳрамон Юсуф донишмандлик, ақл-идрок, содиқлик, вафодорлик, бир сўз билан айтганда комиллик рамзидир. У меҳр-оқибатли фарзанд, ука ва ёр. Кечиримли инсон. У фақат шахсий ва қариндошчилик ришталари билан чекланмайди. Тасаввуримизда халқ ғамини еювчи улкан шахс тимсоли сифатида гавдаланади.

Зулайхо тимсоли дoston сюжети давомида такомиллашиб боради. Бу образлар бир-бирини тўлғазади. Уларда биз дунёвий реал тасвирларни кўрамыз. Аммо, дostonдаги турли тақдирлар кечмишида биз ботиний камолот тадрижи ифодаси ҳам борлигини англаймиз. Зулайхо ишқи дастлаб авом ишқи бўлгани учун кўп азобларга дучор бўлади. Кейинчалик у Хос ишқига айланади. Бу ҳолат чуқур руҳий жараёнлар тасвирида кўзга ташланади.

Юсуф дostonда “Миср Азизи» унвонини олишга муяссар бўлади. Бунинг сабаби, у ўз донолиги туфайли Миср аҳолисини етти йиллик очликдан сақлаб қолади. Фақат бир киши очликдан оламдан ўтади. Юсуф шу бир киши тақдири учун ҳам ўзини масъул ва гуноҳкор сезади. Узок пайт уни ўйлаб изтиробда юради.

“Юсуф ва Зулайхо” дostonида Андалибнинг ўзига хос бадий маҳорат кирралари намоён бўлади. У анъанавий

сюжет бўлишига қарамасдан, шоир томонидан Янги тимсоллар қўлланади. Жумладан, опаси худди шундай тимсол. У меҳрибон,укаси учун қайғурувчи, жонини беришга ҳам тайёр аёл образи. Юраги Юсуфнинг машаққатли қисматини олдиндан сезади. Унинг учун қайғуради. Бу образ асарда бир марта қисқа эпизодда кўринади. Аммо, кучли руҳий ҳолат тасвири уни ўқувчи тасаввурига мустаҳкам муҳрланишини таъминлайди. Унга хайрихоҳлик пайдо бўлади. Бошқа дostonлари каби “Юсуф ва Зулайхо”да ҳам халқ дostonларига хос шакл ва услуб яққол намоён бўлади. Жумладан, қаҳрамонларнинг туш кўриш, тақдирдаги айрим ҳодисаларни у орқали олдиндан сезиш ҳолатлари халқ оғзаки ижодида фаол қўлланган бадий воситадир. Андалиб дostonида бундан кўп ўринда муваффақиятли фойдаланган. Ушбу воситани қўллаш шоирга тимсоллар табиатини чуқурроқ ёритиш, сюжетдаги драматик талқинни кучайтириш

имкониини берган. Асарда халқона иборалар, сўзлар тизимидан ҳам унумли фойдаланилади. Жумладан, халқ орасида ишлатиладиган “тили куймоқ” маъносидаги “жиги-жиги” иборасини дoston таркибидаги бир ғазалда радиф сифатида қўллаб, шоир Юсуф юрагидаги хис-туйғулар, руҳий ғалаёнларни аниқроқ ва таъсирлироқ етказишга эришган:

**Тугаши ёнди жонимиз,  
Зулайхожон, жиги- жиги**

**Қуриди танда қонимиз,  
Зулайхожон, жиги- жиги.**

**Ол бу дунё хирожини, менга бер  
хуснинг божини,**

**Бахш этдим тахту  
тожини,Зулайхожон, жиги -жиги.**

Дoston таркибига мураббаъ, ғазал каби турли жанрлардаги асарлар ҳам сингдирилган. Улардаги чуқур руҳий талқин имконияти тимсоллар табиатини ёритишда қўл келади. Шоир асарда мумтоз бадий санъатлардан ҳам ўз мавридида фойдалана олган. Юсуф

тилидан айтилган куйидаги ғазалда муболаға, талмеҳ, ташбеҳ, тарсеъ, истиора каби бир нечта санъатларни ёнма-ён қўллайди. Бу ғазалнинг оҳангдорлиги, равонлигини таъминлайди ва қисқа ҳажмда катта мазмунни қамраш имконини беради. У эса ўз навбатида тимсол руҳий ҳолатини чуқур ифодалайди:

**Ишқингда беқарорам, қилғил вафо, Зулайхом,**

**Ҳажрингда интизорам, қилғил вафо, Зулайхом.**

**Ашким гирдоб хелидай, тўфон ила селидай,**

**Мажнун бирла Лайлидай, қилғил вафо Зулайхом.**

**Заъфар бўлди ишқу хол, Сайфулмулук, Карам лол,**

**Мисли Бадиулжамол, қилғил вафо, Зулайхом.**

**Иқроқ бўлиб халойиқ, дийдора кўр мувофиқ,**

**Сансан Узро ман Вомиқ, қилғил вафо, Зулайхом.**



**Боқиб ниҳон зоҳира, Бобо вазир  
Бохира,  
Ўхшаб Зухра Тоҳира, қилғил  
вафо , Зулайхом.**

**Лабинг шароб замзам, юз минг  
ярога малҳам,**

**Гар қулингман эй санам, қилғил  
вафо , Зулайхом.**

Асар сюжетининг изчиллиги, воқеаларнинг бир-бири билан узвий алоқадорликда берилиши унинг композициясидаги яхлитликни белгилайди. Бунда шоир “сабабсиз оқибат йўқ” деган ақидага амал қилади. Ҳар бир қилмишнинг жавобгарлиги борлигини унутмасликка эътиборни тортади. Жумладан, Яъқубнинг фарзанд доғида азобланишига боис ўз канизаги ўғлини сотиб юбориши, Юсуфнинг кудукқа тушишига бир зоҳиднинг унинг ҳусну жамолини кўриш иштиёқида кудукда кўп йиллар ётиши, Юсуфнинг 18 қора тангага сотилишига ойнага қараб ҳуснидан мағрурланиши, Зулайхонинг оғир ишқ

изтиробига дучор бўлишига эса ҳирсга берилиши сабаб қилиб кўрсатилади.

Хуллас, “Юсуф ва Зулайхо” достони мумтоз адабиётда дostonчилик билан боғлиқ кўп муаммоларнинг ҳал этилишига хизмат қилади. Уни нашр эттириш ҳам муҳим вазифалардан.

**“Лайли ва Мажнун” достони.** Лайли ва Мажнуннинг ишқий саргузаштлари ҳам адабиётда кўп мурожаат қилинган мавзулардан. Бу ёзма адабиётда ҳам, халқ дostonларида ҳам кенг ишланган. Икки тимсол ҳам адабиётда ошиқ ва маъшук камолоти рамзига, ишқдаги улар эришган юксаклик эса ошиқлар учун мақсад манзилига айланган.

Андалиб мазкур мавзуда дoston яратар экан, унинг Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий, Навоий, Хотифий ва Фузулийнинг шу борадаги дostonлари билан танишлиги кўриниб туради. Айниқса, Фузулий “Лайли ва Мажнун”нинг тили , ифода услуби,

тимсоллар қўлланиши ва сюжет тизимининг таъсири кучли бўлганлиги сезилади.

Аммо, сюжетда яқинлик бўлсада, Андалиб достонида шоирнинг ўзига хос бадий ифода услуби, тимсоллар тизимига хос руҳий ҳолатлар тасвири, улар табиатини ёритиш йўлларидаги ижодийлик яққол намоён бўлади. Достондан маълум бўладики, Қайснинг туғилиши бу – Лайли висолига эришиш йўлидаги биринчи қадам. У ишқ ва ошиқлик учун яралган. Ишқдан ташқарида мавжуд эмас. Макон ва замонда ишқ туфайли намоён. У мавжудликни ишқда кўради. Ҳаёти ишқда мужассам.

Андалиб достонида Лайли ва Мажнун тақдирига ўзига хос ёндашув кўринади. Жумладан, унда ошиқ ва маъшук туғилгандан ёнма-ён ўсади. Чақалоқлигидан бир-бирисиз фиғон чекади. Шоир уларнинг 7 ёшгача бўлган ҳаёти ва бир-бирига муносабатини ҳам

тасвирлайди. Бу жараён Лайли ва Қайс тимсолларида мужассамланган ифода мақсадини ойдинлаштиришга хизмат қилган. Бошқа адиблар асарларида эса уларнинг мактабга чиққунча бўлган муносабатлари тасвирланмаган.

Андалибда икки тимсол ҳам фаол. Бир-бирига баробар интилади. Лайли пассив эмас. Уларнинг мақсадга эришишида тўсиқ битта. У ҳам бўлса, жамият. Уларга халақит берувчи атрофдаги номукаммал дунёқараш. Ишқнинг моҳиятини англамаган шахслар мажмуи. Фузулийда эса Лайли фақат маъшуқа.

Андалибда Мажнун Каъбадан отаси билан қайтмаганда, онасининг уни излаш эпизоди киритилган. Бу ўринда шоир она тимсолининг , рухий ҳолатлари тасвирининг мукаммал намунасини яратишга эришади.

Мажнун саҳрога чиқиб кетади. У зоҳирий оламдан узоқлашиб, ботиний, руҳоний дунёда яшай бошлайди. У

кийик, шер, қарға , қушлар каби тил - забонсиз махлуқот билан дўстлашади.

Достонда Лайли ва Мажнун тимсоллари билан боғлиқ кўп тимсоллар иштирок этади. Ибн Салом, Зайд, Навфал, Мажнуннинг ота-онаси , Лайлининг ота-онаси шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири достон сюжетида драматизмни кучайтиришга, тимсоллар тақдири ва табиатини ойдинлаштиришга хизмат қилади. Айниқса, асардаги оналар тимсоли бадий мукамал яратилган. Бошқа адиблар асарларида эпизодик кўринишга эга ушбу тимсоллар Андалиб достонида оналарга хос шафқат , меҳр ва ҳамдардлик туйғуларини ўзида уйғунлаштирган бадий тимсол даражасига кўтарилган.

Андалиб достончилиги ўзига хос йўналишни ташкил қилади. У асарларида ёзма ва оғзаки адабиёт ютуқларини илмий, тарихий ва исломий донишмандлик ва тафаккур ҳикматларини уйғунлаштира олади.

Бадий тилда соддалик, равонлик ва аниқликка риоя этиш билан бирга, чуқур ҳаётӣ ҳикматларни кашф этади. Қисқа мисраларда яшаш қонуниятларини ўзига хос усулда ифодалаб бера олади:

**Яхши сўза учар қушлар эл бўлар,  
Ёмон сўза паша кучи фил бўлар.**

Шу биргина байтдаёқ ҳаётнинг , инсон умрининг чуқур фалсафаси мужассамлаштирилган. Унда эзгуликнинг кучига, ёмонликнинг, зулм ва адолатсизликнинг оқибатига эътибор жалб этилган.

Достонлар таркибига мураббаъ, мухаммас, ғазал жанридаги асарлар ҳам киритилган. Улар тимсоллар табиатини, руҳий ҳолатларини аниқроқ ифодалашда муҳим роль ўйнаган. Шоирнинг мазкур жанрларда асар яратиш маҳорати, сўз қўллашдаги ўзига хосликлари, бадий санъатлардан фойдаланиш услуби борасида хулосалар чиқаришга асос беради.

Андалиб асарлари кейинги давр шоирлари ижодига самарали таъсир кўрсатди. Мунис, Мухлис каби шоирлар унинг ғазалларига мухаммаслар боғладилар. Махтумқули, Ризоий, Зорий, Завқий, Фурқат каби адиблар назиралар яратишди. “Лайли ва Мажнун” достонида Мажнун тилидан сайёдга қарата айтилган “Сайдинг қўя бер, сайёд, дилпора экан мандек” мисраси билан бошланган мухаммасдан таъсирланиб, Фурқат ноёб мусаддас яратди.

Ўзбек адабиётшунослигида Андалибнинг ижодий мероси кўлами, маҳорат қирралари, хос хусусиятлари нуктаи назаридан етарли тадқиқ этилмаган. Бу ишни амалга ошириш галдаги долзарб вазифалардандир.

## **МУНИС ХОРАЗМИЙ (1778-1829)**

Шермухаммад Мунис Хоразмий Хоразм адабий муҳитида устозлик мақомида турган мутафаккирлардан бири. У ўз истеъдодини турли йўналишларда намоён эта олган. Сўз мулкида, маънолар оламида ўзига пир деб билган Навоий йўлини давом эттиришга интиланган. Унингдек шеърятда, тарихнависликда, таржимада, илмий соҳада, хаттотликда ўз маҳоратини кўрсата олган.

Мунис асарлари ўз замонидаёқ эътиборга сазовор эди. Ундан кейин яшаган барча ижодкорлар Мунисни устоз сифатида эътироф этишган. Ундан ибрат олиб, турли йўналишларда асар яратиш аъанасини давом эттиришган. Бу, айниқса, Огаҳий ижодида яққол кўринади.

**Ўрганилиш тарихи.** Ижодкор сифатида мўътабар мавқега сазовор бўлган Мунис ҳақида тазкираларда, тарихий ва бадий асарларда маълумотлар етиб келган. Аҳмад Табибийнинг “Мажмуат уш-шуаро”,



Лаффасийнинг “Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари” тазкираларида, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарларида Мунис эҳтиром билан эсланади. Унинг адабиёт ва маданият тараққиётидаги хизматлари кадрланади.

Мунис Хоразмий ҳақидаги дастлабки илмий мақола Раҳмат Мажидий томонидан ёзилган<sup>1</sup>. 1945,1948,1959 йилларда шоир асарларидан намуналар чоп этилди<sup>2</sup>. 1957 йил Юнус Юсупов томонидан “Танланган асарлар”и, 1980 йилда «Сайланма”си нашр этилди<sup>3</sup>. 1997 йилда “Саводи таълим” рисоласи Н.Жумахўжа томонидан сўзбоши ва изоҳлар билан тўлиқ чоп қилинди<sup>4</sup>.

Шоир асарлари, фаолияти  
А.Бобожонов, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев,

---

<sup>1</sup> Мажидий Р. Мунис Хоразмий. “Гулистон” журн., 1935, 3-сон.

<sup>2</sup> Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. Т.: 1945; Ўзбек поэзиясининг антологияси. Т.: 1948; Ўзбек адабиёти. Т.: 1959.

<sup>3</sup> Мунис. Танланган асарлар. Т.: 1957; Мунис. Сайланма. Т.: 1980.

<sup>4</sup> Шермухаммад Мунис. Саводи таълим. Т.: 1997.

Ж.Шарипов, А.Муродов,  
Н.Жумаевларнинг тадқиқотларида таҳлил  
ва талқин этилди<sup>1</sup>.

*Таржимаи ҳоли.* Мунис Хоразмий  
1778 йилда Хива яқинидаги Қиёт  
қишлоғида таваллуд топган. Отаси  
Авазбий Хива хонлигида бош мироб  
лавозимида ишлаган.

Унинг болалиги тўкин-сочинликда,  
меҳр-муҳаббат қуршовида ўтади. Илм  
олиш учун ҳамма шароит муҳайё эди. У  
мактабда, кейинчалик мадрасада таҳсил  
кўради. Бўш пайтларида севимли  
машғулоти – мутолаа билан шуғулланади.  
Ўзининг таъкидлашича, тарихий  
асарларни, шеърларни ўқиш унга ҳузур  
бағишлаган. Дунёнинг майда  
ташвишларидан қутқазган. Руҳий  
кўтаринкилик ва умидворлик бахш этган:  
«Агар фалаки ғаддорнинг гуногун

---

<sup>1</sup> Бобожонов А. Мунис Хоразмий. “Ўқит.газ.”, 1946, 21 июнь;  
Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. Т.: 1961; Абдкллаев В.  
Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: 1980; Шарипов Ж. Ўзбекистонда  
таржима тарихидан. Т.: 1971; Жумаев Н. Мунис ғазалиёти. Т.:  
1983.

ходисоти хужум қилса, шеър мушоҳадаси  
билаким, маҳзунлар унси ва маъмунлар  
жалисидур, рафъи малолат қилур эрдим.  
Агар замони нопойдорнинг ранго-ранг  
офати ғулув этса, таворих мутолааси  
билаким, авзои аҳли олам вуқуфига сабаб  
ва кайфияти сулуки бани одам иттилоиға  
боисдур, дафъи кулфат қилур эрдим»<sup>1</sup>.

Мунис «Фирдавсул-иқбол»  
тарихий асарида ва «Девон»и дебочасида  
ёшлигини мамнуният билан эслайди.  
Аммо, 1800 йилда отасининг, кейинроқ  
онаси ва оға-иниларининг кетма-  
кет вафот этиши Мунис юрагини ғаму  
кулфатга чулғайди:

**“Насибим ғам уза ғам бўлди  
чархи гардондин,  
Мусибат уза мусибат етушти  
даврондин.**

Андоқким, ота ва оқа-иними  
бекаслик ибтилошига сазовор ва

---

<sup>1</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 4-жилд. Т.: 1978, 387-бет.

мотамкашлик балосиға гирифтор қилди...”<sup>1</sup>.

Шоирнинг бир қанча шеърларида шу аламли кунлардаги тушкун кайфиятлари, мусибатлари ўз ифодасини топган.

Отаси вафотидан кейин Мунис саройда фармоннавислик лавозимида ишлай бошлайди. Бу даврда шоир Хива ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этади. Устози Навоий каби у ҳам Хоразм шаҳзодалари ўртасидаги тож-тахт учун курашу низоларни тинчитишга, вазиятни мўътадиллаштиришга ҳаракат қилади. Ўз асарлари орқали уларга ижобий таъсир ўтказди. Бу, айниқса, Элтузархон (1804-1806) ва Муҳаммад Раҳим I (1806-1825) муносабатларида яққол кўринади.

Муҳаммад Раҳим I тахтга ўлтиргач, Мунисни 1806 йилда бош мироблик лавозимига кўтаради. Саройга яқин бўлиш, у ердаги ички ҳаётни кўриш, мироб сифатида меҳнаткаш халқ

---

<sup>1</sup> Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: 1980, 239-бет.

турмуши билан танишиш шоир асарларида ижтимоий рухнинг кучайишига сабаб бўлади. Жамиятнинг маънавий-рухий жиҳатдан зил кетган нуқталарига инсоният эътиборини тортишга уринади. Кишилиқ жамияти таназзулиги боис бўлувчи ҳолатларни фoš этади.

Мунис сарой тарихчиси, сиёсий арбоб ва донишманд мутафаккир сифатида сафарларда хонга ҳамроҳ бўлар эди. У 1829 йил шундай юришлардан бирида, Хуросондан қайтишда вабо касалига йўлиқиб, 51 ёшида вафот этади. Унинг қабри Қиёт қишлоғида. Мустақиллик даврида у ер ободонлаштирилиб, зиёратгоҳ жойлардан бирига айлантирилди.

*Адабий мероси.* Шермуҳаммад Мунисдан бизга катта мерос қолди. Унинг “Мунисул – ушшоқ” девони, “Фирдавсул-иқбол” тарихий асари, “Саводи таълим” рисоласи, машҳур тарихчи Мирхонд “Равзатус – сафо”

асари 1-жилдининг тўлиқ ва 2-жилди айрим қисмларининг таржимаси етиб келган. Хоразмнинг суғорилиш тармоқлари ҳақидаги “Орналар” асари мавжудлиги тўғрисида ҳам маълумот бор.

**Шеърियाги.** Мунис шеърियाги мавзу жиҳатдан ранг-баранг. Улар ошиқона, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий, ҳасби ҳол йўналишларида ижод этилган.

Шоирнинг 10.000 байтга яқин шеърӣй мероси мавжуд. Девонида ғазал, мухаммас, мусаддас, рубоӣй, туюқ, қитъа, қасида, ҳис-тон қаби ўндан ортиқ мумтоз жанрларда битилган асарлари жамланган. Мунис ҳаёти давомида икки марта девон тузган. Биринчиси, 1804-1805 йилларда жамланган. У илмда “Илк девон” номи билан юритилади. Иккинчиси, 1813-1814 йилларда жамланган бўлиб, “Мукаммал девон” номи билан юритилади. Шоирнинг ўзи уни «Мунисул-ушшоқ» (Ошиқлар дўсти) деб номлаган.

“Мунисул-ушшоқ ” девони дебоча билан бошланади. Унга шоирнинг 8.446 байт асари киритилган.

Шоир девонининг 10 дан ортиқ кўлёзма ва тошбосма нусхалари Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кўлёмалар фондида сақланади.

Мунис шеърлятидаги таянч мавзу - ишқ. Мумтоз адабиётдаги анъанага кўра шоир ижодида ҳам ишқ чуқур мазмунга эга. Шоир унинг воситасида инсоният рухий драмасини ёритиб беради. Шеърларида у билан боғлиқ фараҳбахш туйғулар ифодасини ҳам, изтироблар, армонлар тасвирини ҳам кузатамиз. Туйғуларнинг ана шундай бутун мураккаблиги билан ёритилиши шоир шеърларига самимийлик ва табиийлик бахш этади.

Мунис шеърлятидаги ишқ талқини борасида шоирнинг ўз изоҳлари бор: “Агарчи аксар ғазал ва рубоийларким, мажоз йўсунида Ишқу Ҳусн зохири

сифатида воқе эрди ва лекин маонийи ҳақойиқ баёнидин орий<sup>1</sup> ва мавоизий<sup>2</sup> дақойиқ<sup>3</sup> нишонидин холи эрмас эрди...” (“Мунисул-ушшок” дебочасидан).

Демак, шоирнинг ўзи таъкидлаганидек, шеърлари зоҳиран мажозий ифодалар сифатида таассурот қолдирсада, аммо ботинан чуқур маънолардан холи эмас.

Шоир лирик қаҳрамонининг биргина ҳақиқати бор. У ҳам бўлса – ИШҚ. Қолган барча ҳаракатлар унга ўзини кўз-кўз этиш, кибр ва ёлғон бўлиб туюлади. Зоҳид фаолиятидаги макр ва риёни нодонликдан бошқа нарса эмас, дея баҳолайди:

Нафйи<sup>4</sup> илми ишқ этиб, қилмоқ  
недур исботи зарқ<sup>5</sup>,  
Келмамиш, зоҳид, жаҳонға сен  
киби жоҳил ҳануз

---

<sup>1</sup> Орий – холи, бўш.

<sup>2</sup> Мавоизий – жой, ўрин, ер.

<sup>3</sup> Дақойиқ – нозик маънолар.

<sup>4</sup> Нафй – рад этиш.

<sup>5</sup> Зарқ – алдов, риё, ёлғон.



Мунис асарларида бош тимсоллар – ошиқ ва маъшуқа. Аммо, улар билан ёнма-ён, параллел турувчи яна икки тимсол мавжуд. Бу - золим ва мазлум тимсоли:

Ваҳки, ул золим мени мазлумга қотил ҳануз,

Яъни ағёримга юз минг меҳр ила мойил ҳануз.

Хўш, шоир бу икки тимсол орқали кимни назарда тутяпти?

Ушбу байтда шоир лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини жуда аниқ ифодалаб бера олган: лирик қаҳрамон – мазлум. У жабрланган. Қизғин ҳаёт жабҳасидан сиқиб четга сурилган. Руҳан ёлғиз. Бутун эътибор, меҳр-мурувват ағёрга, рақибга қаратилган. Шоир бу ҳолатни ҳаётий қонуниятлардан келиб чиқиб тасвирлайди. Инсонлар руҳиятидаги икки қарама-қарши қутб тўқнашувидан руҳий ғалаёнлар вужудга келади. Буни шоир тазод санъати воситасида ифодалайди. Бу зид сўзлар ва

мисралар заминидаги маънолар зидлиги орқали тасвирланган. Золим ва мазлум, мазлум ва ағёр. Мазлумга қотиллик, ағёрга мойиллик.

Хўш , золим ким? Биз бу саволга жавобни Навоийнинг “бўлғуси” радифли ғазалига шоир боғлаган мухаммасдан топамиз:

Бордур манга золим ики: гардун бири, дилбар бири,

Ашким ила оҳим эрур Жайхун бири, сарсар бири.

Демак, шоир золим деганда фақат ошиққа ситам етказувчи маъшуканигина назарда тутмаяпти. У тимсолнинг моҳияти чуқурроқ. Демакки,шоирнинг ошиқона шеърларида кўйилган муаммолар ҳам ошиқ ва маъшука руҳий дунёси тасвиридан кўра кенгроқ моҳиятга эга. Уларда замин ва замон ҳамда инсоният тақдири билан уйғун умумбашарий ғоялар ўз ифодасини топган. Бу эса шоир шеърларининг ижтимоий қимматини оширади. Ишқ ҳам

сурурбахш, ҳам изтиробли туйғу. Мунис сўзларни маҳорат билан танлаши ва қўллаши туфайли унинг ана шу хусусиятини аниқ кўрсатиб бера олади:

Кўнглума бир гул ғамидин  
сончилибдур хорлар,

Оҳким,ҳар хоридин жонимдадур  
озорлар.

Шоир бу ерда тимсоллар воситасида сўзлайди. Образлар орқали тафаккур қилиб,фикр баён этади. У истиора санъатини қўллаб маъшуқа тимсолини гул сўзи, ишқ ортидаги дардларни хор ва озор сўзлари билан ифодалаш орқали биргина байтда чуқур руҳий ҳолатни тасвирлашга эришади.

Шоир шеърларининг мавзу кўлами турли-туман. Аммо,улар орасига катъий чегара қўйиб бўлмайди. Масалан,ҳасби ҳол йўлида яратилган шеър ижтимоий-фалсафий,орифона йўлдаги хулосалар билан ҳам музайянлашиши мумкин:

Басе ғам боридин<sup>1</sup> чекмиш  
оғирни,

Ёғир бұлмиш<sup>2</sup> хазин кўнглим  
ёғирни<sup>3</sup>.

Фалак ғам юкларин солғонда  
элга,

Ёғирнимға менинг қўймиш  
оғирни.

Билурсен ғам юкин кўп  
чекканимни

Ёғирним устида кўрсанг ёғирни.

Итинг кўрсам, манга унс  
айласун<sup>4</sup> деб,

Берурман гах кўнгулни, гах  
боғирни.

Рақиб оллингда бұлмоқдин  
хазинман,

Тиларман кўрмасам ул  
бўлмоғирни.

---

<sup>1</sup> Бор – юк.

<sup>2</sup> Ёғир бұлмоқ – яғир бўлиш, эзилиш.

<sup>3</sup> Ёғирн – яғрин, елка.

<sup>4</sup> Унс айламоқ – дўстлашмоқ.

Замон аҳлиға бўлмиш шиква<sup>1</sup>  
ойин<sup>2</sup>,

Нетонг,севсам агар гунгу  
соғирни.

Нажоте истасанг Мунисға  
ғамдин,

Аёқчи<sup>3</sup>,тут анга хар дам  
чоғирни<sup>4</sup>.

Мунис шеъриятида лирик  
қахрамон табиатан маҳзун. У тақдирнинг  
хар бир зарбасини юрагига жуда яқин  
олувчи тимсол.

Унинг наздида ҳаётда турли-туман  
дард бисёр. Фалак ва даврон аҳли –  
бевафо. Ҳажр – ошиқнинг қотили. Ёр –  
ошиқ аҳволдан беҳабар,ғофил. Аммо,  
бунга қарамасдан ошиқ – умидсиз тимсол  
эмас. Чунки уни қайғу гирдобидан  
қутқарувчи куч мавжуд. Бу – ишқ. У  
хамма маҳзунликдан,толеъ  
қароликлардан ғолиб кела олади.

---

<sup>1</sup> Шиква – шикоят, нолиш.

<sup>2</sup> Ойин – расм, одат.

<sup>3</sup> Аёқчи – май қуювчи, соқий.

<sup>4</sup> Чоғир – май, шароб.

Тариқатнинг сўнги мақоми фано эса  
ошиқни асл мақсадга, ҳақиқатга ошно  
этувчи малҳам вазифасини ўтайди:

Ашк хун<sup>1</sup>, рухсор зарду<sup>2</sup> дил  
ҳазин<sup>3</sup>, толеъ қаро,

Дард гуногун<sup>4</sup>, фалак дун<sup>5</sup>, аҳли  
даврон бевафо.

Жон ғамин<sup>6</sup>, хотир  
мушавваш<sup>7</sup>, ақл мафқудул-асар<sup>8</sup>,

Ҳажр қотил, ёр ғофил, ишқ ғолиб  
борҳо<sup>9</sup>.

Заҳм муҳлик<sup>10</sup>, тири ғам паррон<sup>11</sup>  
эрур, роми<sup>12</sup> фалак,

Заъф муставли<sup>13</sup> бадан мажруҳ<sup>1</sup>  
эрур, марҳам фано...

---

<sup>1</sup> Ашк хун – кўз ёши қон.

<sup>2</sup> Зард – сарик.

<sup>3</sup> Ҳазин – қайғули.

<sup>4</sup> Гуногун – хилма-хил.

<sup>5</sup> Дун – паст.

<sup>6</sup> Ғамин – ғамгин.

<sup>7</sup> Мушавваш – ташвишли.

<sup>8</sup> Мафқудул-асар – асари, изи йўқолган.

<sup>9</sup> Борҳо – такрор-такрор, неча бор.

<sup>10</sup> Муҳлик – ҳалокатли.

<sup>11</sup> Паррон – учувчи.

<sup>12</sup> Роми – отувчи.

<sup>13</sup> Муставли – ёйилган.

Ушбу ғазалда шоир ошиқнинг ижтимоий ва руҳий аҳволини ниҳоятда аниқ тасвирлаб берган. Уни қийнаган дард ва армонлар мажмуини кетма-кетликда жамлаб, жуфтланган сўзлар билан лафф ва нашр санъатини қўллаган. Бу эса шоир мақсадини амалга оширишда қўл келиб, ошиқ руҳий ҳолатини тўлиқ қамраб ифодалаш имконини берган.

Муниснинг шеърий балоғатга эришишида улуғ пиру устозлар ижоди сабоқ бўлган. У шартли равишда “Устозлар эътирофи” дея номланган ғазалида буни таъкидлаган. Унда Низомий, Жомий, Хусрав, Ансорий, Ҳофиз Шерозий, Аттор, Фирдавсий, Хоқоний, Анварий, Ироқий, Бедил, Навоий, Киромий каби ўнлаб аллома ижодкорларни санаб уларнинг таъсир миқёсларини таъкидлаб кўрсатган. Муниснинг, айниқса, Навоийга эътироми юксак. Унинг ўнга яқин ғазалига боғлаган мухаммаслари шоир “Сайланма”си

---

<sup>1</sup> Мажруҳ – жароҳатли.

таркибига киритилган. Уларда устозу шогирднинг дунёқараш жиҳатдан яқинлиги, бир-бирига мутаносиб туйғуларни қаламга олиши, маҳорат бобида ҳам шогирднинг устоздан қолишмаслиги яққол кўзга ташланади. Мунис ижоднинг сермашаққат майдонида ҳамиша Навоийнинг руҳий мададини ҳис қилади:

**Қилса ҳосид<sup>1</sup> дахли бежо, сўз аро йўқтур ғамим**

**Ким, бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манго.**

Мунис Навоийнинг сўз мулкидаги мақомига интилиб ижод қилди. Унинг маҳорат мактабидан сабоқ олди. Натижада, шеърятда навоийвор теранликка эришди. Хива адабий муҳитида устозлик мақомига кўтарилди. Ҳаттоки, Мунис устози билан исмларининг уйқашлигида ҳам бир синоат кўради. У ўз исмининг Шер ва Муҳаммад, Навоий исмининг эса Али ва

---

<sup>1</sup> Ҳосид – Ҳасадчи.



Шер ўзакларидан иборатлигига  
эътиборни тортади:

**Сўз ичра Навойки  
жаҳонгирдурур,**

**Мунисға маоний йўлида  
пирдурур,**

**Йўқ ғайрият андин ўзгаким  
айтурлар:**

**- Бу Шермуҳаммад,ул  
Алишердурур. (324).**

Мунис эътироф этмаган  
бўлсада, унинг шеъриятида Бобур  
асарлари таъсири ҳам кўзга ташланади.  
Жумладан шоирнинг “Ҳануз” радифли  
ғазали билан Бобурнинг “Менинг  
кўнглумки гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ  
кондур, Агар юз минг баҳор ўлса  
очилмоғи не имкондур” матлаъси билан  
бошланувчи ғазалида бир-бирига  
яқин, мутаносиб туйғулар  
куйланганлигини кузатамиз.

Биринчи байтда Мунис лирик  
қаҳрамони ҳам Бобур лирик қаҳрамони  
билан бир хил руҳий ҳолатда:

**Ғунчалар            очилдию,кўнглум  
очилмайдур хануз,**

**Булбулосо хотирим гул майли  
қилмайдур хануз.**

Иккала ғазалда ҳам баҳор,гул  
фасли бўлишига қарамай,лирик қаҳрамон  
– ошиқнинг кўнгли ёришмайди. Бунга  
сабаб – ҳижрон. Аммо, кейинги  
байтлардан бошлаб,ҳар иккала шоирнинг  
ўз услуби,ўзига хос хусусиятлари  
ажралиб кўрина бошлайди. Бобур  
ғазалида ошиқ тимсоли иштирок этади.  
Ўзининг мунгли аҳволини шарҳлаб  
боради. Мунис асарида эса бадий тимсол  
кечинмалари кескинлашиб боради. Ошиқ  
жанговорроқ ҳаракат қилади. Унинг  
табиатидаги кучли драматизм ўзини  
намоён этади. У фаол шахсга – ушшоқ  
аҳли учун ибратга айланади. Танлаган  
йўлида қатъий ва собит туради:

**Заъф аро ушшоқға ибрат  
бўлубман,охким,**

**Кўзга аҳволи низорим ёр  
илмайдур хануз.**

**Ихтиёр этса агар Мунис яна саргашталик,**

**Панд қилмангким, жунунидин ойилмайдур хануз.**

Мунис ғазалида тимсоллар камрови кенгаяди. Маъшуқа тимсоли, унинг табиатини ёритувчи чизгилар ҳам кўзга ташланган. Ёр – жафокор. Мураккаб феълли. Ошиқ уни англамай ҳайрон. Маҳбубанинг васл ваъдаси бажарилмаяпти. Бунинг сабаби ҳаё – ибоданми, ошиқни кўзга илмаганиданми ёки уни унутганиданми?

**Ваъдаи васл айлаб эрди, айлади таъхир кўп,**

**Ё ибo қилдию ё ёдиға келмайдур хануз.**

Юқоридаги байтларда кўринганидек, Мунис ғазалида ошиқ билан ёнма-ён маҳбуба тимсоли ҳам қўлланган. Образлар миқёсининг кенгайиши, ошиқ ва маъшуқа табиатининг ойдинлашиб бориши шоир тасвирламоқчи бўлган руҳий манзарани

янада тиниклаштиради. Шоир ўз мақсадини ифодалашда тажоҳулул-орифин,тазод,муболаға каби кўплаб бадий санъатлардан фойдаланади:

**Пеша айлаб чарх золи тинмайин  
тун -кун даме**

**Дилбаримча жавр ойинини  
билмайдур хануз.**

**Ерни ашким ғарқ этиб,зўр этти  
оҳим сарсари,**

**Недин экандур фалак токи  
йиқилмайдур хануз.**

Демак, кўринганидек,Мунис ғазалининг яратилишида Бобур асарининг таъсири сезилади. Аммо,унда Мунис ўз услубига хос хусусиятларни намоён эта олади. Ошиқ ва маъшуқа тимсолларининг табиати, ўзига хос қирраларини тасвирлайди. Муниснинг шеърий маҳорати мужассамлашган янги асар майдонга келади.

Шоирнинг рубоий,китъа,туюқ каби кичик жанрлардаги асарлари ,асосан,

фалсафий-дидактик йўналишда  
яратилган.

Уларда Муниснинг дунёқараши,  
ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир жузвига  
муносабати, ҳаётий хулосалари ўз  
ифодасини топади. У ҳар бир жараёни  
тўғри англаб , донишмандона ҳикматлар  
кашф этади. У ўз таъбиридан келиб  
чиққанда, табиатан босиқ, вазмин инсон.  
Аммо,ботинида олам  
ҳодисотларини,жамият жараёнларини  
тафтиш этувчи қудратли туғён мавжуд:

**Пурбаркмену гияҳға тегмас  
зарарим,**

**Пурраъдмену қулоқға етмас  
хабарим,**

**Пуррашкмену этак тар ўлмас  
мендин,**

**Пурроҳмену кўнгулни бузмас  
асарим (327 ).**

Халқ Мунисга ўхшаган минг-  
минглаб туғёнли фуқаролар мажмуи. У –  
буюк қудрат. Буни яхши англаган шоир  
замон шоҳларига уларга эътиборсиз

бўлмаслик лозимлигини уқтиради.  
Фуқаро – меҳнатқаш,жафоқаш. Аммо,  
унга озор етказилса ,зулм қилинса, бутун  
оламини остин-устин қилиб юборувчи  
оташдам кучга айланишидан  
огоҳлантиради:

**Шоҳо, фуқароки,муниси**  
**ғамдурлар,**

**Бедордилу кўзлари**  
**пурнамдурлар.**

**Зинҳор аларни қилмағил озурда,**  
**Оташдаму барҳамзани**  
**оламдурлар (323).**

Муниснинг лирик қаҳрамони  
фуқаропарвар. У халқнинг аҳволини  
яхши англайди. Унинг қудратини тўғри  
баҳолай олади. Инсонлар турли-туман .  
Бир гуруҳ борки,улар ўз манфаатидан  
бошқа нарсани  
ўйламайдиган,кўрмайдиган лоқайд ва  
бепарволар. Яна бир гуруҳ борки,улар  
кўпчилик манфаатини кўзлаб иш  
юритувчи фидоийлар. Шоир ана шундай  
тоифаларни бир-биридан яхши ажратади.

**Англаким, масти жоми  
давлатдур,**

**Қон ичарда фақирлар на хабар.  
Оре уйқуға борғон англамағай,  
Уйқусизларға ҳар на бўлса агар  
(320).**

Ушбу рубоий замиридаги фикр халқнинг машҳур “Қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор” мақоли билан жуда мутаносиб.

Ушбу қисқа ҳажмли асарда Муниснинг ўзига хос услуби намоён бўлади. У содда иборалар билан халқона донишмандликка эришган. У дастлаб долзарб ахлоқий-маънавий муаммоларга, иккинчидан кучли ижтимоий масала – жамиятдаги адолатсизликка эътиборни тортган. Бу қарашларни бир қанча мумтоз бадий санъатлар воситасида ва чуқур моҳиятга эга сўзлар тизимини қўллаш билан ифодалаган. Жамиятдаги зиддиятни ифодалашда тазод санъати шоирга қўл келган. Давлатмандлик ва фақирлик, уйқучанлик ва уйқусизлик .

Шоир асарда сўзларнинг чуқур маъно қатламларидан ҳам маҳорат билан фойдаланган. Жумладан, иккинчи байтда дастлаб ухлаган ва ухламаган инсон ҳақидаги фикрни уқамиз. Иккинчидан эса, ундан чуқурроқ – бедордиллик ва гафлатойинлик маъноларини англаш ҳам қийин эмас.

Ушбу рубоийда шоир жамиятдаги аҳвол борасида маълумот етказар экан, ўқувчига вазият ҳақида тайёр ҳукм бермайди. Уни таҳлил қилиш ва хулоса чиқаришни ҳар кимнинг ўзига ҳавола этади.

Бундай йўл эса Мунисга қалтис сиёсий ҳаёт ва ижтимоий жараёнларни фош этиш имконини беради.

Мунис шеъриятида чуқур маънавий-ахлоқий муаммоларга эътибор қаратади. Асарларида жамиятдаги меҳроқибат, инсоф, адолат, дўстлик, гўзалликни англаш каби инсоний фазилатларни соғиниш туйғуларини ифодалайди. Уларни авайлашга ва замондошлар



юрагидаги мудрокликни уйғотишга интилади. Ҳаётнинг мазмун-моҳиятини чуқур идрок қилади:

**Мудом андиша<sup>1</sup> айларман  
хавасни,**

**Ўзимга гулшан англарман  
қафасни.**

Ушбу байтда лирик қаҳрамон ўзининг мисолида инсоният ҳаёти ва дунёнинг моҳиятини шарҳлайди. Унда шоир тафаккур фабуласини уч сўз ташкил этади: хавас, гулшан ва қафас. Хавас – фоний дунёга интилиш, унга меҳр қўйиш маъносига қўлланилган. Қафас сўзи орқали шоир истиора санъатини яратган. Бу тимсолда у моддийликнинг торлигини руҳоний кенгликка зид қўяди.

Сўз – илоҳий. Унинг қудрати буюк. Оллоҳ биргина “Кун” сўзи билан оламни яратди. Шундай экан, унинг ҳар бир сўзи моҳиятан оламнинг ўзидан кам эмас. Шунинг учун ҳам сўзнинг қадри баланд, мўътабар бўлмоғи лозим. Аммо, ҳар доим

---

<sup>1</sup> Андиша – фикр, ўйлов, хавф.

хам хоҳишимиз амалга ошавермайди.  
Муниснинг лирик қаҳрамони фикрловчи,  
фуқаропарвар ва ватанпарвар шахс.

У шеър, шуаро, фузало ҳақида  
қайғуриб ёзади. Сўз кадри ҳақида  
ўйланади:

**Дема, сўз атрофига чекмиш  
ливойи иштихор<sup>1</sup>,**

**Қадрдоне топмай ўлмиш даҳрда<sup>2</sup>  
овора сўз.**

Уламою фузало ва ижодкор  
инсонларнинг ҳар бири ноёб ҳодиса. Буни  
англамаган, қадрламаган жамият саёз ва  
келажаги таназзулга маҳкум жамият.  
Шундай экан, сўз ва сўз аҳлининг  
мавқеини кўрсатиш шоир учун жамият  
савиясини фош этиш, унинг тушкун  
келажагини башорат қилиш ижтимоий  
ҳаётнинг аҳволини кўрсатиш демакдир:

**Шоири шўридага дилжамълик  
қайдин етар,**

---

<sup>1</sup> Ливойи иштихор – шухрат байроғи.

<sup>2</sup> Даҳр – дунё.

Дахли бежодин авом оллидадур  
юз пора сўз.

... Шоир ўз ахволиға дармондаву  
фазл аҳли хор,

Оҳким, топмас бу даврон ичра  
бир ғамхора сўз.

Қилма изҳори суханварлик  
фароғе истасанг,

Сийму зар ўрнига ер бошиға  
санги хора сўз.

Мунис Хоразмий ижодининг ўзига хос хусусиятлари унинг қасида жанрида яратган асарларида ҳам намоён бўлган. Шоир «Сайланма»сидан тўртта қасида жой олган. Улар ноширлар томонидан шартли равишда “Баҳор”, “Ийд”, “Эрур чарх бераҳм”, “Чароғи нола” дея номланган. Кўриниб турганидек, шоир қасидалари, аввало, мавзу жиҳатидан ўзига хос. Маълумки, “Қасида энг камида ўн икки байтли мадҳия, марсия ёки

дидактик мазмундаги шеър жанри...”<sup>1</sup>. Аммо, биз Мунис қасидаларини кузатсак, ушбу жанр унинг ижодида янгиланганини кўрамиз. У асосида мадҳ ёки дидактика турувчи жанр мавзусини тубдан янгилади. Уларга чуқур ижтимоий мазмунни сингдирди. Жамият, замин, замон, инсоният тақдирини ва келажаги билан боғлиқ муаммоларни кенг мушоҳада эта олди.

Мунис қасидаларда ҳаётнинг икки – оқ ва қора рангларини аниқ ажрата олувчи, уни журъат билан ошкора таҳлил эта олувчи ижодкор сифатида кўринади. “Баҳор” қасидасида бу қарашини кундуз ва тун тимсоли воситасида баён этади. Кундуз ва тун зиддияти ёруғлик ва зулматни ифодалайди. Тараққиёт ана шундай икки қутбдан иборат. Аммо, шоир ҳаётнинг шу қарама-қаршилик қуршовида ўтишига қарамай, у барибир гўзал ҳам

---

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М.: “Рус тили” нашриёти, 1981, 2-жилд, 559-бет.

эканлигини турли ишоралар билан ифодалаб берган:

**Кундуз ўлуб мустазод мисраи тадриж ила,**

**Тун ғазали вазнидин кам-кам ўлуб мухтасар<sup>1</sup>,**

Шоир ушбу мисраларда баҳор келиб,қишнинг узун тунлари ўрнини кундуз эгаллай бошлаганини ички кўтаринкилик билан ифодалайди. Ижодкор лирик қаҳрамондаги руҳий энгилик ҳақида сўзламайди. Аммо, кун ва тунни ғазал ва мустазодга, улар вазнидаги узунлик ва қисқаликка менгзаб тасвирланганлигининг ўзиёқ,ушбу руҳий ҳолатдан дарак беради. Шоир ғунча,булбул,гул,сунбул,райҳон,сабза,нил уфар,чашма,чаман каби кўплаб тимсоллар воситасида баҳорнинг жаннатий кўринишини,жонли суратини сўзлар орқали чизиб беради. Бу тасвирлар ўқувчини ҳаётни севишга,уни кадрлашга,ғаниматлигини англашга

---

<sup>1</sup> Мунис. Сайланма. Т.: 1980, 312-бет.

даъват этади. Аммо, инсоният табиати мураккаб. Афсуски, мўъжизавий мавжудликнинг моҳиятини тор тушунувчилар ҳам йўқ эмас. Ундайлар бир лаҳзалик фоний дунё ҳою ҳаваслари учун бутун оламини сотишга ҳам тайёр. Ана шундай инсонлар туфайли нафис кўнгуллар озор чекади. Фалакнинг аёвсиз зарбаларидан юраклар эзилади. “Баҳор” қасидасининг лирик қаҳрамони ҳам худди шундай руҳий ҳолатда:

**Менки фалак гардиши  
соғаридин нўш этиб,**

**Бодайи ёқутранг ўрнига хуни  
жигар (313).**

Асарда шоир ўз мақсадини баён этишда вазиятни зидлантириш йўлидан боради. Табиатнинг ёруғ кўринишига маънос кайфиятни параллел кўяди. Бу руҳий ҳолат талқинидаги драматизмни кучайтиради. Қасиданинг ижтимоий аҳамиятини оширади. Инсонлар кўзининг очилишига, ҳаётнинг ва бир-бирининг қадрига етишига хизмат қилади.

Кўринадики, Мунис қасида жанри имкониятларини кенгайтира олган. Ундан инсон маънавияти билан боғлиқ ва ижтимоий муаммоларни ифодалашда фаол фойдаланган. Уни мазмун нуқтаи назаридан янгилаган. Шу билан бирга, коинот ва инсоният борасидаги қарашларини такрорланмас бадиий тасвир воситалари билан ифодалаган. У фикрларини баён этишда ноёб,кутилмаган тимсоллар ярата олади. Табиат ашёларидан топқирлик билан гўзал муқоясалар топади.

“Эрур чарх бераҳм...”дея номланган қасида мазмунан чуқур ижтимоий моҳиятга эга. Лирик қаҳрамон табиати,кайфиятини ёритишда шоир асарнинг бошдан охиригача шаклий ва маъновий тазод санъатидан фойдаланади.

**Улум ичра гар рифъате топса олим,**

**Қилур хор,балким гирифтори жоҳил (317).**

**Анинг оллида илмдин жаҳл  
хушроқ,**

**Анинг оллида ҳақдин ортукси  
ботил...(316).**

Ўз мартабаси тақозоси билан  
Мунис ҳамиша халқ орасида юрган. Шу  
сабабли ҳам шоир лирик қаҳрамони  
халқона фикрлайди. Халқнинг  
кўнглидагини топиб сўзлайди. Қасидада  
биз минг йиллар синовидан ўтган халқона  
ҳикматлар таъсирини кузатамиз. Асар  
лирик қаҳрамони кўнглидан кечган  
туйғулар “Сув келтирган хору кўза  
синдирган азиз” мақоли мазмунига жуда  
мутаносибдир.

Бир қараганда, қасида лирик  
қаҳрамони тушкун кайфиятли тимсолга  
ўхшаб кўринади. Аммо, синчиклаб  
кузатсак, асар замирида замон  
ноқисликлари туфайли юзага келаётган  
азиятларни фош этиш орқали у  
инсониятни хушёрликка, эзгулик учун  
курашга даъват этганини ҳис қиламиз.  
Лирик қаҳрамон табиатида ҳаёт



зиддиятларини бартараф этишда кучгайрат ва журъатни кўрамиз. Бу фикримизни қасиданинг сўнгги байтлари ҳам тасдиқлайди:

**Бу янглиғ жафосиға йўқ ҳадду  
ғоят,**

**Замоне анинг кунидин бўлма  
ғофил (317).**

Қасида 23 байтдан иборат. У қисқа ҳажмли асар бўлсада, ўзига хос композицияга эга. Замон ва замондошлар кирдикорларини намоён этиш шоирнинг асосий мақсади. Бунинг учун ижодкор дастлаб ҳолатга мутаносиб равишда табиат тасвирини чизади. Жонлантириш санъатини фаол қўллайди. Унинг назарида чарх – бераҳм қотил. Гўзаллик рамзи бўлиб келган ҳилол (янги ой) ушбу ўринда қотилнинг қиличи. Қилич бор жойда қон тўкилади. Хўш, кимнинг қони? Фалакда ёруғлик, нур манбаи ҳисобланган қуёшнинг:

**Эрур чарх бир турфа бераҳму  
қотил,**

**Ки осмиш қилич моҳи навдин  
ҳамоил.**

**Шафақ демаким,мехр қони  
тўкулмиш –**

**Кўмар чоғда ерга қилиб ним  
бисмил.**

**Бу мотамда кундуз юзин айлабон  
зард,**

**Анга тундин этмиш қаро кийз  
саробил.**

**Кавокиб дема,тун шабистони  
ичра,**

**Жафо шуъласидин ёқибдур  
машоил.**

**Тўкар не учун абр ашки  
фаровон,**

**Чекар не учун раъд фарёди ҳойил  
(316)...**

Руҳий ҳолатни  
ифодалаш учун пейзаж ўзига хос  
муқаддима вазифасини ўтайди. Топиб  
қўлланган ташбеҳлар лирик қаҳрамон  
кўнглидаги изтиробни ифодалашда,руҳий  
талқинда катта аҳамиятга эга.

Асарда эътибор қаратилган асосий  
тимсол – чарх. Лирик қаҳрамон назарида

оламдаги зулм ва жаҳолат айбдори ўша. Аммо, чархни ҳаракатга келтирувчи инсон эканлиги маълум. Қасида фалакка айбнома сифатида айтилган. Аммо, аслида айблов маънавий номукаммал замондошларга қаратилган.

Мунис ҳаёти Хоразм хонлари Авазбий иноқ, Элтузархон, Муҳаммад Раҳимхон I ва Оллоқулихонлар даврига тўғри келди. Улар замонидаги ижтимоий муҳитнинг аччиқ чучугини тортди. Ижодкор сифатида уларга ўзининг ижобий таъсирини ўтказишга ҳаракат қилди. Халқ манфаатини ҳимоя қилувчи тўғри йўлга даъват қилди. Уларга бағишлаб қасидалар ёзди. Маълумотларга кўра, шоир қасидалари «Мунисул-ушшоқ» девонининг бешдан бир қисмини ташкил этади<sup>1</sup>. Аммо, девоннинг бугунги нашрларида уларнинг бир қисмигина қисқартириб киритилган. Бу улар борасида мукаммал, тугал хулосаларга келишимизга имкон бермайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 4-жилд. Т.: 1978, 389-бет.

Ўйлаймизки, шоир девонининг мукаммал нашрларида бу камчиликлар бартараф этилади.

“Саводи таълим” рисоласи. Мунис истеъдоди қирраларидан бири хаттотликдир. У бу йўналишни санъат даражасига кўтара олган. Ҳаёти давомида ўзига манзур бўлган бир нечта ноёб асарларни, жумладан, 1794 йилда Алишер Навоийнинг “Мезонул-авзон”, 1797 йилда “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарларини китобат қилган.

Мунис хаттотлик илмини назарий жиҳатдан ҳам такомиллаштирган олим сифатида қадрли. Унинг «Саводи таълим» рисоласи шу илмга бағишланган асар.

Шоир “Саводи таълим”нинг ёзилиш сабаблари, тарихи ҳақида асарнинг ўзида маълумот беради. Асар 1804 йил : декабрда (хижрий 1219 йил, рамазон ойининг учинчиси, чоршанба куни) ёзиб тугатилган:

**Бу номаки бўйла топти танзим,  
Ёзилди оти «Саводи таълим».**

**Таърихи онинг бу навъ адодур,  
Ҳижрат чоғидинки,ғамфизодур.  
Минг икки юз ўн тўққуз эди йил,  
Доғи рамазон учунчиси,бил.  
Гўёки чаҳоршанба эрди  
Итмоми қаламға даст берди.1**

Асарнинг ҳажми 352 мисрадан иборат. Уни шартли равишда уч қисмга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Муқаддима қисми. У ўн саккизта кичик бобдан таркиб топган.

Уларда ҳамд,наът ва рисола назмининг сабаблари,қалам таърифи,хат таърифи, ёзув асбобларининг қулайлиги, яхшилиги, уларни тайёрлаш маҳорати каби масалалар ёритилган.

2.Асосий қисм. У 22 та кичик бобдан иборат. Уларда араб ҳарфларини ёзиш йўллари, усуллари ва маҳоратига эътибор қаратилган.

3. Хотима қисми. Унда рисола таърихи битилади. Унинг толиблар кўнглига илм рағбатини уйғотишга

хизмат этиши муаллиф томонидан орзу қилинади.

Мунис етук мураббий сифатида ўз толибларига савод ўргатаётганда, содда, тушунарли йўлларни излаган. Унинг мақсади осон ва қулай усуллар билан саводхонликка эришиш эди. Ниҳоят у ўз амалий тажрибаларини жамлаб ушбу рисола ни яратади:

**Билганча суруб қаламни ҳар ён,  
Таълим ишин айлар эрдум осон.  
Лекин кўнгул ичра эрди бу ком,  
Қилсам рақаме улуми арком.<sup>1</sup>  
Андин талаб аҳли бўлса маҳзуз,<sup>2</sup>  
Таълим фанин қилурда маҳфуз<sup>3</sup>**

(12).

Ҳақиқатан ҳам, рисола муаллифи араб ҳарфларининг мураккаб шаклларини жуда содда услубда ўрганиш йўриқномасини яратади. У ҳарфларнинг эсда сақланишини осонлаштирувчи ашёларни топади. Уларни турли

---

<sup>1</sup> Улуми арком -

<sup>2</sup> Маҳзуз -

<sup>3</sup> Маҳфуз -

жонзотларга, жиҳозларга ўхшатиб, талабалар тасаввурини тиниклаштиради.

Рисола муаллифи саводхонликда ўз усулларини ишлаб чиқар экан, баъзи устозлар фикрларига муносабат билдиради. Улар билан баҳс – мунозарага киришади:

**“То”<sup>1</sup> зикрида деди баъзи устод,  
Зебо алифию аввали “Сод”<sup>2</sup>.**

**Бу нуктага ман қилурман инкор,  
“Сод” ости эрур сатбар бисёр.**

Мунис савод ўрганишни соддалаштиради ва такомиллаштиради. Қуйидаги мисраларда бунинг исботини кўриш мумкин. У “То” ҳарфининг ёзилиш шаклини тушунтирар экан, уни отга миниб кетаётган кишига ўхшатади. Бу қиёс ҳарфнинг ўрганувчи хотирасида мустаҳкам ўрнашишига хизмат қилади:

**Таълим будур, қилурман иймо,  
“Ро” фавқида тутса ер нигун  
“ро”.**

---

<sup>1</sup> То – араб ёзувидаги “То” ҳарфи.

<sup>2</sup> Сод – “сод” ҳарфи.

**Бир нуқта “алиф” нинг  
иттисоли,**

**То “ре” сўнгиким, бор эрди холи.  
Тутса “алиф” устида нишиман,<sup>1</sup>  
Минган кишидек саманди  
тавсан<sup>2</sup> (22).**

Муаллиф “зо” ҳарфи ҳақида  
сўзлаб, унинг шакли қушга монандлигини  
таъкидлайди:

**“Зо” уч нуқату<sup>3</sup> валеқ сарқаш,  
Қилса бўлур они қушға ўхшаш.  
(21).**

Кўринганидек, муаллиф айрим  
ҳарфларни атрофдаги турли ашёларга  
қиёслаб тасвирлаган бўлса, айрим  
ҳарфларни эса ўзаро қиёслаб  
тушунтиришга ҳаракат қилади:

**“Қоф” улдурур , эй хабиби  
дилбанд,**

**“Бо” аввалидур “алиф”ға  
пайванд.<sup>4</sup> (23).**

---

<sup>1</sup> Нишиман – ўтирмақ.

<sup>2</sup> Саманди тавсан – учқур от.

<sup>3</sup> Нуқат – араб ёзувида ҳарфлар нуқталар билан белгиланади.

<sup>4</sup> Пайванд – боғланган.



Рисола шеърий йўлда маснавий  
усулида ёзилган илмий асар . У арузнинг  
ҳазажи мусаддаси аҳраби мақбузи маҳзуб  
вазнида яратилган. (- - V V - -V - - V - -  
мафъулу мафоилун фаулун) .

«Саводи таълим»да Мунисга хос шоирона маҳорат ҳам намоён бўлган. Мисралардаги фикр мукамаллиги билан бирга сўзларнинг ишлатилиш ўрни ва меъёри, оҳангдорлиги, қофия ва радифларнинг ўзига хос янгилиги ва мукамаллиги ўқувчини ўзига жалб этади. Тасвирдаги образлилик завқ бағишлайди.

Асарни ҳам илмий, ҳам бадиий нуқтаи назардан ўрганиш муҳимдир.

**“Фирдавсул-иқбол” асари.** Мунис Хоразмда Абулғозидан бошланган шажаравий тарихнавислик силсиласининг энг мустаҳкам бўғинларидан биридир. У Хива хони Элтузархон (1804-1806) таклифига биноан “Фирдавсул-иқбол” тарихий асарини ёзишга киришган. Асар 5 бобдан иборат. Аммо, Мунис унинг муқаддима қисмини ва айрим бобларини ёзишга улгурган, холос. Асарни муаррихнинг издоши ва жияни Огаҳий охирига етказган.

Мунис асарда қадимги тарихдан бошлаб, 1813 йилгача бўлган воқеалар ҳақида маълумот берган. Асар ,айниқса, Абулғозидан (1663-1664) кейинги давр ҳодисаларининг илк бор ёритилиши билан жуда муҳимдир. Унда қарийб 200 йилга яқин давр тарихи борасидаги маълумотларнинг янгилиги, аниқлиги ва далилларнинг кўплиги катта қимматга эга. Ўзбек , туркман, қорақалпоқ халқининг ҳаёти, тақдири, урф-удумларига оид ноёб маълумотлар тадқиқотчиларимиз томонидан илмга тадбиқ этилган. Н.Н.Муравьев, Ҳ.Вамбери, А.И.Бутаков, Н.И.Веселовский , В.В.Бартольд, П.П.Иванов, С.П.Толстов, Я.Ғуломов, М.Йўлдошев, Қ.Муниров каби олимларимизнинг асарларида ундаги маълумотлардан кенг фойдаланилган. Асарнинг илмий қиммати баҳолаб берилган.

Хоразмда тарихнавислик шажарасини давом эттирган Огаҳий, Баёний каби ижодкорлар ҳам ўзларининг

асарларида Муниснинг устозлик мақомини юксак баҳолашган. Унинг улгуролмаган ниятларини амалга оширишга ҳаракат қилишган.

Кўринганидек, “Фирдавсул-иқбол” ўзбек халқи тарихини ёритувчи энг мўътабар манба. Шу билан бир қаторда, у ўзбек насрининг ноёб намунаси ҳам. Чунки ундаги воқеалар тасвири фақат далиллар мажмуидан иборат эмас. Балки, унда мозий қайта ҳаракатга тушади. Тарих уйғонади. Ундаги тимсоллар жонли, фикрловчи. Уларнинг ҳис-туйғулари ҳаётини зиддият туғёнлари, руҳий-маънавий кураш изтироблари асарда ўз ифодасини топади. Образли ифода ҳар бир тарихий шахсни бадиий тимсол даражасига кўтаради. Булар Муниснинг тарихнавис ва носир сифатидаги маҳорати маҳсулидир.

Аммо, шундай нодир манба ҳалигача тўлиқ нашр этилмаган. Махсус тадқиқ қилинмаган. Бу адабиётшунослик олдидаги долзарб вазифалардан биридир.

Кўринганидек, Мунис XVIII аср охири XIX аср бошларида Хоразмда яшаб ижод этган етук ижодкор. У серқирра истеъдод соҳиби.

Шоир, адиб, тарихнавис, олим, хаттот. Бу йўналишларда яратган мероси муҳим қимматга эга. Мунис ўзидан кейинги истеъдод соҳибларининг камол топишида, адабиёт ва маданиятимиз тарихининг такомилида устозлик мақомида турган ижодкор. Шундай экан, унинг адабий –илмий меросини чуқур ва махсус тадқиқ этиш илмда кўп муаммоларнинг ечимига хизмат қилади.

## **МУҲАММАДРИЗО ОГАҲИЙ ШОИР, ТАРИХЧИ ВА ТАРЖИМОН**

### *Муҳаммадризо Огаҳий ҳаёти ва ижоди манбалари*

Муҳаммадризо Огаҳий Хоразмда яшаб, ўзига хос ижодий мактаб яратган устоз ижодкордир. У ўзбек мумтоз

адабиётида Алишер Навоийдан кейин энг кўп мерос қолдирган. Асарлари бадий савияси, мавзу қамрови, жанр турфалиги жиҳатидан ҳам ҳажмига муносиб. Шунинг учун ҳам, ҳамма даврда Огаҳий ижоди намуналарига адабиётшунос олимларимиз катта эътибор билан қарашган. Асарларини қайта-қайта нашр эттиришган. Жумладан, 1958-60 йилларда “Танланган асарлари”, 1960 йилда “Таъвизул-ошиқин” девони ва ниҳоят 1970 йилларда шеърлари, тарихий ва таржима асарларидан намуналар жамланган 6 жилдлик “Асарлар” тўплами чоп этилди. Аммо, булар ҳали етарли эмас. Шоирнинг тўла асарлар тўпламини нашрга тайёрлаш ўзбек мумтоз адабиётимиз тарихининг кўп муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Огаҳий ижодини илмий тадқиқ этиш борасида ҳам анча ишлар амалга оширилди. Дастлабки йирик тадқиқотлардан бири сифатида

Р.Мажидийнинг “Огаҳий лирикаси” асарини кўрсатиш мумкин. Тарихий асарлари ҳақидаги қ.Мунировнинг тадқиқотларини эслаш мумкин. Таржимачилиги ҳақида Н.Комиловнинг “Бу қадим санъат..” монографияларини таъкидлаш лозим. Булардан ташқари, Хоразм адабий муҳитидаги шеърят, тарихнавислик, таржимачилик тадқиқиға бағишланган барча илмий ишларда Огаҳийга муносиб ўрин ажратилганининг гувоҳи бўламиз. 1999 йил декабрда Огаҳийнинг 190 йиллик юбилеи нишонланди. Энг сўнги тадқиқотлар, янгича талқинлар сифатида ана шу анжуман муносабати билан чоп этилган асарларни эътироф этиш мумкин.<sup>1</sup>

Огаҳий ҳақида ўзининг тарихий асарлари, Баёнийнинг тарихий асарлари, тазкиралар орқали ҳам маълумотлар етиб келган. Ушбу манбаларни кузатиб, Огаҳий Хива адабий муҳитида навоийвор

---

<sup>1</sup> Огаҳий. Ишк ахлининг тумори. Т.1999.

2.Атокли шоир, тарихнавис таржимон (маколалар) .Т.1999.

вазифани адо этган, деган хулосага келишимиз мумкин. Бу худудда яшаган бир неча авлод Огаҳийни устози комил сифатида улуғлайди. Донишманд шоир Комил Хоразмий унга жуда юқори баҳо беради. Огаҳийнинг фазлу донишда ягоналиги, сўзининг қадри баландлиги, ишқнинг тилсимларидан, пинҳон сирларидан огоҳ ижодкорлигини эътироф этади:

**Улки огаҳларнинг огаҳидур,  
Фаҳму дониш сипехрининг  
маҳидур.**

**Сўзи ортиқдур гуҳардин ҳам,  
Фазлу донишда олам ичра  
алам.**

**Сўзни ҳар неча қилса бозори  
Бордур оламда бир харидори.**

Шу адабий муҳит раҳномаси Феруз Огаҳийни ўзига устоз деб ошкора эълон этади. Фақат ижодда эмас, балки, давлатни бошқаришда ҳам унинг



маънавий мададига ҳамиша муштоклик сезади. Шоирга эҳтиромини қуйидаги махсус байтларда изҳор этади:

**Комил эрсам назм аро феруздек,  
эрмас ажаб,**

**Огаҳийдур шеър машқ айларда  
устозим менинг.**

Огаҳий 1809 йил 17 декабрда Хива яқинидаги қиёт қишлоғида Эрнийезбек мироб оиласида туғилди. Уч ёшлигида отаси ўлиб, амакиси Мунис тарбиясида қолди. У дастлаб мактаб, кейин мадрасада таҳсил олади. Огаҳий ҳам кўп мутолаа қилган. Дунёвий ва диний илмларни ўрганган. Муниснинг хонадонида адабий давраларда иштирок этади. Ёшлигидан ўзбек ва тожик адабиёти намуналарининг ихлосманди бўлган.

Мунис вафотидан кейин 1829 йилда Огаҳий мироблик вазифасига тайинланади.

1857 йилда миробликдан истеъфо беради. қолган умрини ижодга бағишлайди. 1874 йилда 65 ёшида вафот этади.

*Шоирнинг адабий мероси.* Огаҳий ижодий фаолияти давомида девон тузди. 19 та асарни таржима қилиб, 5 та тарихий асар ёзди.

Огаҳий шоир сифатида Навоий анъаналарини давом эттирган. Девон тузган. Бу борада ҳам устози изидан бориб, девонга махсус “Таъвиз ул-ошиқин” деб ном қўйган. У 1852 йилда тузилган. Унда 18.000 мисра шеъри жамланган. Шундан 1.300 мисраси форсий шеърлари. Шоирнинг девони дебоча билан бошланади. Дебоча Огаҳий иқтидорини тўғри баҳолашимизга, ижоди моҳиятини теран англашимизга ёрдам беради. Унда асарларининг ёзилиш сабаблари, ғоявий хусусиятлари борасидаги шоирнинг ўз нуқтаи назари баён этилган. Бу адабиётшунослигимиз учун жуда муҳимдир.

Огаҳий 20 га яқин шеърӣ жанрда асарлар яратган. Девонида 450 тага яқин ғазал бор. Улар 7,9,11, баъзан 15,17,23 байтдан иборат. 90 га яқин мухаммас бор. Шундан 4-5 таси мустақил мухаммаслар. Огаҳий Навоӣ ғазалларига 30 дан ортиқ мухаммас боғлаган. Шоир Навоӣ бошлаган анъанани давом эттириб, ўз ғазалига 9 та мухаммас боғлаган. У ўзбек мумтоз адабиётидаги анъанавий мавзу ва ғояларни ривожлантирди. Ўз қарашлари, ҳаётӣ хулосалари билан уларни бойитди, ўзига хос янги қирраларини кашф этди.

Огаҳийнинг ўзбек адабиёти жанрлар такомиллида ҳам катта хизмати бор. Жумладан, мустазод жанридаги икки рукнага (ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф вазни) тенг келувчи бир қисқа мисрани икки қисқа мисрага тўлдирди. Бу асардаги лирик қаҳрамоннинг туйғулари, кечинмаларини янада мукамалроқ, равшанроқ ифодалашга хизмат қилади.

/азал жанри ривожда ҳам Огаҳийнинг муносиб хизмати бор. У воқеабанд, диалог-мунозара ғазаллар яратиб жанр имкониятларини янада кенгайтди. Ёр ва ошиқ мулоқоти орқали кичик лирик-драматик сахна яратишга эришди.

қасида жанри орқали ҳам чуқур фалсафий-ахлоқий хулосаларини, ўғитларини ифодалашга муяссар бўлди.

**Огаҳий – тарихнавис.** Ўзбек мумтоз адабиётида Огаҳий билимдон сиёсатчи, тарихчи сифатида ҳам ёрқин из қолдирган. Хоразм адабий муҳитида Абулғози Баҳодирхон, Мунис, Огаҳий, Баёнийлар асос солган шажаравий тарихнавислик бор. Шу шажаранинг йирик бир қаноти бўлган Огаҳий “Риёзуд-давлат”, “Зубдатут-таворих”, “Жомеул воқеоти Султоний”, “Гулшани давлат”, “Шоҳиди Иқбол” каби бешта тарихий асар ёзди. Бир қанча тарихий асарларни таржима қилди.

Тарихий асарлари қомусий маълумотлар беради. Тирик, ҳаракатдаги адабий муҳитни тасаввуримизда қайта жонлантиради. Тарихий билимлар самараси ўлароқ, Огаҳий донишманд-маслаҳатчи бўлиб майдонга чиқади. Тарих сабоқларини жамлаб, оламшумул хулосалар чиқаради. Келажак авлод равнақи, она Ватан камоли йўриқномаларини яратишга мушарраф бўлади.

Огаҳийнинг тарихий асарларига В.Бартолд, Яхё /уломовлар юқори баҳо беришган. Огаҳий тарихий асарларида тарихчи, сиёсатшунос, шоир, ёзувчи сифатидаги иқтидорини мукамал намоён эта олган.

***Етук таржимон.*** Муҳаммадризо Огаҳий таржима соҳасида ҳам катта ижодий мактаб яратдики, бу Хоразм адабий муҳитида таржима санъатини юқори чўққига олиб чиқди. XIX асрда 120 дан ортиқ асар таржима этилди. 80 дан ортиқ киши таржима билан

шуғулланди. Эркин таржима ўзига хос янги поғонага кўтарилди.

Огаҳий ўз ижодий фаолияти давомида 19 та асарни ўзбек тилига таржима этди. Улар Саъдийнинг “Гулистон”, Кайковуснинг “қобуснома”, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Муҳаммад Маҳдий Астрободийнинг “Тарихи жаҳонкушойи Нодирий”, Зайниддин Восифийнинг, “Бадоеъ ул-вақоеъ”, Маҳмуд /иждувонийнинг “Мифтоҳ ут-толибин”, Муҳаммад Муқим Ҳиротийнинг “Табақоти Акбаршоҳий”, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тазкирайи Муқимхоний”, Ризоқулихон Ҳидоятнинг “Равзат ус-сафойи носирий”, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, Муҳаммад Вориснинг “Зубдат ул ҳикоёт”, “Шарҳи далоил ал-хайрот”, Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо”, Бадриддин Ҳилолийнинг “Шоҳ ва гадо”, Низомийнинг “Ҳафт пайкар” каби бадий, тарихий ва ахлоқий-фалсафий асарларидир. “қобуснома” таржимасини

Феруз тавсияси билан амалга оширганини эслаб айтган фикрлари, Огаҳийнинг бу борадаги фаолияти моҳиятини бизга шарҳлаб бера олади: “Мазкур насиҳатномани илкимга бериб дедиким, бу нусхани туркий тили бирла таржима қил, то турк тавойифининг авоми доғи бу пандлардин баҳра олғай ва бизнинг отимиз, сенинг сўзинг олам инқирозигаҗа замон авроқида боқий қолғай”<sup>1</sup>.

Шоирнинг таржималарини кузатиб, улар инсониятни маънавий уйғоқликка даъват этувчи, кўнгилни бедорликка, хушёрликка етакловчи асарлар эканлигини ҳис этамиз. Юксак маънавият давлат сиёсати даражасига кўтарилган бугунги кунда Огаҳий таржималарининг аҳамияти яна ҳам ошди. Уларда келтирилган фикрлар, насиҳатлар, ҳикматлар ҳеч қачон эскирмайдиган хулосалар. Улар худди биз учун, бугун учун айтилгандай долзарб ва қадрли: “Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг,

---

<sup>1</sup> Кайковус.+обуснома. 25 бет.

ақлдан бой бұлмоққа саъй кўргузғилки, мол била бой бўлғондин, ақл била бой бўлғон яхшироқдур. Нединким, ақл била мол жам этса бўлур, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билғил, ақл бир молдирки, уни ўғри ололмас. У ўтда ёнмас, сувда оқмас”.<sup>2</sup>

Огаҳий таржимачиликни юксак санъат даражасига кўтарган ижодкор. У ҳар бир таржимага ўзининг ўй-фикрларини, фалсафий қарашларини сингдиришга ҳаракат қилган. Уларга эркин ёндашган. Низомийнинг “Ҳафт пайкар” достонини насрда таржима қилган. Ундаги ҳар бир жумлани катта талабчанлик билан тузган. Натижада, асар сўз қадрини баланд этган наср намунасига айланган. Саъдийнинг “Гулистон” асари таржимасида ҳам шоир эркин йўл тутган. У асарларда янги шеърий намуналар, туркигўй халқлар сўз хазинасидаги ҳикматлар, ҳикоятлардан унумли фойдаланган. Бу ўз навбатида асарларни

---

<sup>2</sup> Кайковус +обуснома 31 бет.



кўнгилга яқин ва ошно этишга хизмат қилган: “Насиҳат : мол умр осойиши учундир, умр мол жамъ этмак учун эрмастурур”.

Огаҳийнинг бошқа асарлари каби таржималарида ҳам инсон ҳаёти моҳияти ҳар томонлама шарҳланади. Эзгуликка бориш йўл-йўриқлари баён этилади. Ноқисликлардан огоҳлантирилади. Улар улкан маънавий бойлигимиздир.

### ***Огаҳийнинг шеърий маҳорати.***

Шоир шахси, унинг кўнгли, дарду армонлари, албатта, шеъриятида намоён бўлади. Дунё моҳияти, яшашнинг мазмуни борасидаги ўй-фикрлари ўз ифодасини топади. Огаҳий шеъриятини кузатиб, у Шарқнинг донишманд, файласуф, назари ўткир ва зийрак, улуғ алломаси эканлигига яна бир бор иймон келтирдик. Асарларида инсониятни асрлар оша ўйга чўндирувчи, изтиробга солувчи оғриқли жумбоқларга жавоб топиш, ҳаётнинг мўъжизавий

тилсимларини англаш йўл-йўриқларини кашф этиш мумкин.

Огаҳий шеъриятида инсон тақдирига, ҳаёти моҳиятига муносабати якқол ўз ифодасини топади. Бу билан боғлиқ равишда КОМИЛ ИНСОН масаласи бош ғояга айланади. Камолотнинг ажралмас бирлигини ташкил этувчи нафси, ўзлигини енгиш, қаноатни касб-одат қилиш, камтар, хокисор бўлиш, бир сўзли, қатъиятли, дўстга вафоли, мурувватли бўлиш каби туйғулар шоир шеъриятининг ўзак моҳиятига айланади. Дардсиз кимсалардан бешиш, улардан қочиш истаги устуворлашади. Ҳаётий тажриба, ўткир мушоҳада туфайли чуқур ҳикматомуз хулосалар баён этилади.

***Ишқ талқини.*** Шоир меросидаги барча фикр ва ғоялар ИШҚ тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ.

Баркамол инсон баркамол дунёни, буюк ватанни, қудратли миллатни яратади. Инсон баркамол бўлиш учун, авваламбор, руҳан озод бўлиши шарт.

Руҳан озодлик бу-парҳезкорлик, ҳалоллик, адолат, қаноат, садоқат, меҳроқибат каби қатор амаллар билан чамбарчас боғлиқ. Хўш, руҳий озодликка қандай эришиш мумкин? Бу жуда машаққатли изтиробли йўл. Аммо, инсонни ҳақиқий хурликка, руҳий кенгликка олиб чиқувчи биргина восита бор. У ҳам бўлса-ИШҚ. Бу, албатта, майда туйғу эмас. Балки кенг маънодаги тушунчадир. Биз назарда тутаётган ишқни-камолот, улғайиш, уйғониш, тирилиш йўли дейишимиз ҳам мумкин. Яъни, кўнглида Оллоҳга ишқ яшаётган инсон улўғдир. Юрагида Оллоҳи уйғоқ одам мўтаббардир. Ана шу ишқ орқали киши Оллоҳга етади. Ўзининг ва оламнинг моҳиятини, сир-асрорини англайди.

Ҳақиқий ошиқлик-юксакликдир. Унга муносиб бўлиш кишидан жуда катта фидойиликни, ҳалолликни, сабр-тоқатни талаб этади. Ошиқнинг ана шу

матонатини таърифлар экан, Насимий уни  
зоҳид риёси билан қиёслайди:

**Зоҳидин бир бармагин кессен  
дўнуб Ҳақдан гачар,**

**Кўр, бу Мискин ашиги, сарпа  
сўярлар агламаз!**

Огаҳий ҳам улуғ Шарқ алломалари  
изидан бориб, ошиқлик мартабасига  
лойиқ бўлиш учун садоқат, ҳалоллик ва  
чидам матонатни бирламчи шарт, деб  
ҳисоблайди. Шоир наздича, бу  
фазилатлардан мосуво киши ошиқлик  
нималигини англамайди ва билмайди:

**Ҳар кимки, тариқи ишқ аро  
содиқ эмас,**

**Ошиқлик онингдек кишига  
лойиқ эмас.**

**Ҳар нечаки чекса туну кун оху  
фиғон,**

**Билгилки, жамоли ёрға ошиқ  
эмас.**

*Шоир дунёқараши.* Хоразм адабий муҳиtida ҳам тасаввуф таълимотининг нақшбандийлик тариқати фалсафий асос вазифасини бажарган. Буни Огаҳий шеърियाи мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Юқоридаги рубоий замирига ушбу сулукнинг “Хилват дар анжуман” ақидаси сингдирилган. Ошиқ қанча изтироб чекса, маҳбуба васлида ўртанса ҳам бу азобларни кўнглида пинҳон асрагани маъкул. Ҳаммага ошкор этиб, оҳу фиғон тортиш бу- ошиқлик шаънига номуносибдир, деган тушунчани илгари суради шоир. Тасаввуфнинг ушбу тариқати ҳам Исломи, куръон таълимотлари билан боғлиқ. Аммо, унинг “ Дил ба ёр, даст ба қор” ақидаси замирида ҳаётийлик, дунёвийлик жамулжам. Уни биз Ошиқ-Мажоз-Оллоҳ кўринишида тушунишимиз мумкин. Улуғларимизнинг кўпи “мажоз айни ҳақиқатдир” дейишганда, нақшбандийликнинг ана шу ақидасидан келиб чиққан бўлса ажаб эмас.

Зеро, мажозий дунёни кечиб ўтиш, унинг ҳар бир унсурида ҳақиқат айнини кўриш-бу жуда олий мақомдир. Бундай улуғликни, бундай комилликни барча моҳиятбин инсонлар орзу қилишган. Ва шу даражага етишга интилишган. Бундай йўналиш, айниқса, Хоразм адабий муҳитида алоҳида бўртиб кўринади. Огаҳий ҳам кўп асарларида зоҳиран мажозни куйласа-да, аслида ботинан ҳақиқат ошуфтаси эканлигини эътироф этган:

**Ҳамиша ботинан роғиб ҳақиқат  
соридур кўнглум,**

**Нечаким, зоҳиран даъби онинг  
майли мажоз ўлсун.**

*Нафсга муносабат.* Мумтоз адабиётимизда ишқ нафсга қарши қўйилади. Чунки, ҳақиқатга, боқийликка ишқ инсон руҳини қушдай озод этади, юксалтиради. Ўткинчи дунё неъматларига ҳирс қўйиш, нафсга қул бўлиш эса уни хароб қилади. Охир-оқибат, тубанликка

тортади. Халқнинг ҳам, Холиқнинг ҳам назаридан қолдиради.

Коинот сир-асрорини теран мушоҳада эта олган Огаҳий нафс занжиридан қутулиш воситасини ўз дунёқарашида қайта кашф этади:

**Жонни ишқинг домиға банд айлабон озод қил,**

**Ким, ҳаво занжирини нафс айламиш маҳкам анга.**

Яъни нафс тузоғига илинган вужудни Оллоҳ ишқигина озод ва обод эта олади. Бир қараганда, бу оддий ва машҳур ҳақиқатга ўхшаб кўринади. Аммо, Огаҳий маҳорати шундаки, ана шу маълум фикрни янгича ифода услуби, янгича сўзлар тизими, “нафс занжири”дан фақат “ишқ доми”озод қилиши мумкинлиги ҳақидаги собит ҳукм билан ифодалайди. Бу эса шоир асарига янгилик ва нафосат бахш этади.

**Шоир шеъриятида кўнгил тимсоли.** Мумтоз адабиётимизда ишқ, Оллоҳ, ошиқлик каби улуғ тушунчалар билан кўнгил тушунчаси ҳамиша ёнма-ён келади. Чунки инсон камолотга ана шу кўнгил йўли орқали боради.

Донишманд шоир Огаҳий ҳам замондошлари ва келгуси авлодларни кўнгил равнақи сари сафарбар этади. У бу амалнинг машаққатли, меҳнатталаб эканлигини эътироф этади. Бунинг учун инсон ўзида вужудий хоҳиш, истакларни енгиш матонатини шакллантириши лозим. Анъанавий кўринган бу фикрни Огаҳий ўзига хос янгича бадиий деталлар орқали ифодалашга мушарраф бўлади:

**Кўнгулни, Огаҳий, соф истасанг кул қил вужудинг ким,  
Сафо ул кўзгу ичра ушбу хокистар қилур пайдо.**

яъни, кўнгил софлигини истасанг вужудингдан, вужудий истакларингдан



голиб кел. Чунки, кўзгу танаси куйдириб,  
қорайтирилгандагина унда тасвир намоён  
бўлади. Бўлмаса у оддий шишалигича  
қолаверади. Огаҳийнинг маҳорати  
шундаки, ҳаётдан, табиатдан олинган  
кичик бир детал воситасида йирик  
фалсафий мушоҳадани баён этади. Бунга  
у ҳар бир сўз маъно юкини кучайтириш  
орқали эришади.

Кўнгил бу-Оллоҳга ватан бўлувчи  
маскан. Кўнгилга сафар ўзини таниш  
йўли. Ҳар бир кўнгил-бир Ватан. Унда  
сафарда бўлиш ўзини англаш, камолот  
ҳосил қилишдир. Огаҳий бир қитъасида  
худди ана шу моҳиятни табиат қиёси  
билан теран кашф этиб беради:

**Эйки, замирингга сафо  
истасанг,**

**Сайр қилу, қилма сабот  
ихтиёр.**

**Негаки, тағйир топар оби соф,  
Дойим агар қилса чуқурда  
қарор.**

**Кўрки, қуёш чобукини  
сайридин,  
Ҳар кун очар чарх уза равшан  
узор.**

яъни, агар камолот истасанг ҳамиша кўнглингга назар сол. Уни назорат қилиб тур. Кўнглинг сари сайру сафарда бўл Маънавиятингни равнақ топтир. Негаки, тоза сув бир жойда туриб қолса, эскириб яроқсиз ҳолатга тушади. Шундай экан, қуёшдан ибрат ол. У доимий сайру сафари туфайли ҳар кун ёруғ, тиниқ юз билан уйғонаверади. Ушбу қитъа орқали Огаҳий тасаввуф таълимотининг “сафар дар ватан” ақидасини содда, ҳаётий мисоллар воситасида шарҳлаб бера олган, дейишимиз мумкин.

***Шоир шеъриятида бадиий ўзига хослик.*** Огаҳий шеърияти мазмунан чуқур, фалсафий теран бўлиши билан бирга бадиий жиҳатдан ҳам баркамол асарлардир. Унинг тимсоллар олами,

ташбиху қиёслар силсиласи ўзи хос,  
янгича.

Огаҳий жуда назари ўткир, синчков,  
зийрак шоир. У ҳаётнинг, инсонлар  
руҳиятининг чуқур билимдони. Табиат  
ҳикматларининг моҳир нигоҳбонидир.  
Унинг бу фазилати асарларидаги  
ўхшатишлар бадий санъатлар  
истифодасида яққол намоён бўлади.  
Шоир ҳар санъатнинг, ҳар бир деталнинг  
унгача илғанмаган қирраларини,  
борилмаган маъновий ҳудуд  
кенглиklarини кашф этишга ҳаракат  
қилади. Ҳар бир анъанавийлик замиридан  
янгилик топишга интилади:

**Эмас гирён кўзимда кўзлари  
шаклу хаёликим,**

**Кийиклардурки, сув истаб  
келибдурлар булоғ узра.**

Мумтоз адабиётимизда кўзни  
кийикка, оҳуга ўхшатиш янгилик эмас.  
Аммо, Огаҳий ўзининг изланувчан  
услубидан келиб чиқиб ана шу анъанавий

қиёснинг кашф этилмаган жиҳатини топишга интиланган. Энди кўзлар оддий кийикка эмас, балки ташналаб сув излаб булоқ бошига келган кийикка қиёсланади. Бу орқали эса ўқувчи кўз ўнгида кичик драматик сахна яратилади. Сўзларга юкланган маъно чегаралари янада кенгаяди. Кийик, кўз, булоқ ва унинг воситасида тип-тиник, ғуборсиз жамол, чехра, яъни мухлиснинг бош мақсад мезони намоён бўлади.

Мумтоз адабиётимизда қош ҳам анъанавий тимсол. Аммо, Огаҳий бунга ҳам янгича ёндашган. қошнинг шамшир, ёй, меҳроб каби кўплаб ўхшатилмишлари маълум. Огаҳий эса бунинг ҳам янгича қиёсини топади:

**Жамоли боғининг бодомиға қасд  
эткан ўғридура,**

**Хам ўлмиш буки мушкин қоши ул  
дилкаш қапоғ узра.**

Яъни, шоир назарича, жамол, чехра бир гўзал боғ.Кўз билан қош оралиғи-қабоғ

эса бодом. қабоғ устида эгилиб турган кош-бодомни ўғирлаш учун яшириниб боққа кирган ўғри. Мана, шоир кичик бир деталдан яратган оригинал драматик манзара.

Сўз-инсонни Инсон айлагувчи мўъжиза. Нафосатли сўзнинг мавқеи баланд. У юракдан туғилгувчи гавҳар. Ва юракларни улғайтирувчи тилсим. Шунинг учун ҳам, доно шоир Огаҳий сўз қадрини баланд англаган. Ва сўз ҳам уни мўътабарлик кошонасига мушарраф этди. Замондоши Комил Хоразмий Огаҳий сўзининг барча замонларда ҳам харидори, мухлиси борлигини башорат этган эди. Аммо, бу борада ҳамиша ҳам тошу тарози баробар эмас эди. Огаҳий кўп асарларида сўз ва сўз аҳлининг қадрсизлигидан куйинган. Маънавий қашшоқ гуруҳлар олдида чил-чил синган сўзни кўрганда кўнгил шишаси ларзага келган:

**Сўзни мафҳум айламак нофаҳмға  
мушкулдурур,**

## **Ким, бўлб сўз аҳли бағри қону ботғай қонға сўз.**

Халқимизда қарама-қарши дунёқарашли, нофаҳм кишиларга сўз уқтиргунча юрак бағри қон бўлиши, қонга тўлиши ҳақида гап бор. Огаҳий ана шу халқона иборани ҳам айнан қўлламайди. Фикрни янада ривожлантиради. Лирик қаҳрамон руҳиятидаги драматизм янада кучлироқ ифодаланади. Энди фақат инсон кўнглигина эмас, сўз ҳам қонга ботаяпти. Фақатгина кўнгил эмас, сўз ҳам қурбонга айланаяпти. Бундай янгича талқин мисралар замирига ички дард, ички бир фиғон нолаларини сингдиришга хизмат қилган. Бу эса асарнинг таъсир кучини оширади. Ўқувчини ҳушёрлантириб, кўнгил кўзларини очади.

Огаҳий услубидаги энг кўзга кўринган жиҳат бу -фикрларини табиат ҳодисалари билан, ҳаётнинг оддий хулосалари билан далиллашдир.

Огаҳий ҳазрат Навоий ижодига катта муҳаббат билан қараган. Устози асарларидан баҳрамандлик унинг истеъдодини бадиий балоғатнинг юқори мавқеига кўтарди. Буни Огаҳийнинг ўзи ҳам мамнунлик билан эътироф этади:

**Огаҳий, ким топқай эрди сози  
назмнингдин наво,  
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг  
навосидин сенга.**

Ушбу адабий таъсир масаласи Огаҳийнинг тахмислари ва мустақил ғазаллари воситасида ёритилади.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ:

1. Бобур ҳаёти ва ижоди. Бобур шеърляти.
2. Муҳаммад Солиҳ ва унинг “Шайбонийнома”асари.
3. Турдининг ҳаёти ва ижоди.
4. Фарғона адабий муҳити. Амирий,Фазлий,Адо.
5. Хўжаназар Хувайдо ижоди.
6. “Қиссайи Машраб”да шоир қиёфаси.
7. Машраб шеърляти.
8. Паҳлавонқули Равнақ ижоди.
9. Роқим ижоди.
10. “Бобурнома” тарихий – бадий манба.
11. Амирийнинг шеърӣ маҳорати.
12. Фазлийнинг Фарғона адабий муҳитидаги ўрни ва мероси.
13. Адонинг ҳаёти ва мероси.
14. Фитратнинг XVI-XIX аср адабиёти ҳақидаги қарашлари.
15. Тазкиранавислик. “Музаққирӣ аҳбоб” асарининг амалий қиммати.



16. XVI-XIX аср адабиётида мунозара жанри тараққиёти ва бадиияти.
17. Мажлисий. “Қиссаи Сайфулмулук” асари.
18. Хожа ижоди. Асарларининг талқини.
19. Сўфи Оллоёр ҳаёти, тариқати ва асарлари.
20. “Шажарайи турк” – тарихий-бадиий асар.

#### 1-МАВЗУ:

Бобур ҳаёти ва ижоди. Бобур шеърляти.

#### РЕЖА:

1. Бобур ҳаёти ва ижоди манбалари.
2. Бобурнинг адабий мероси.
3. “Рисолайи аруз”нинг илмий қиммати.
4. Бобур шеърятининг мавзу ва ғоявий қамрови.
5. Шоирнинг шеърӣ маҳорати.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Бобур. Асарлар. 3 жилдлик. Т.: 1965.
2. Нисорий. Музаккири аҳбоб. Т.: 1993.
3. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. Т.: 1991.
4. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 3-жилд. Т.: 1978.
5. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т.: 1993.
6. Эрскин У. Бобур Ҳиндистонда. Т.: 1995.
7. Ҳасанов Х. Бобур сайёҳ ва табиатшунос. Т.: 1983.

## 2-МАВЗУ:

“Бобурнома” асарининг илмий қиммати.

## РЕЖА:

1. “Бобурнома” – тарихий – мемуар асар.
2. Унинг қўлёзма нусхалари ва нашрлари.
3. “Бобурнома” – ўзбек мумтоз насрининг нодир намунаси.
4. Унинг жанр хусусиятлари.

5. “Бобурнома”нинг ўзбек мумтоз адабиёти тарихини ўрганишдаги аҳамияти.
6. Асардаги тимсоллар.
7. “Бобурнома”нинг бадиий хусусиятлари.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Бобур. Бобурнома. Т.: 2002.
2. Хайриддин Султон. Бобурийнома. Т.: 1996.
3. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 3-жилд. Т.: 1978.
4. Нисорий. Музаккири аҳбоб. Т.: 1993.
5. Ҳасанов Ҳ. Бобур сайёҳ ва табиатшунос. Т.: 1983.
6. Эрскин У. Бобур Ҳиндистонда. Т.: 1995.

#### 3-МАВЗУ:

Муҳаммад Солиҳ ва унинг “Шайбонийнома” асари.

#### РЕЖА:

1. Муҳаммад Солиҳ ҳаёти ва ижоди манбалари.

2. Шоирнинг адабий мероси.
3. “Шайбонийнома” достони.
4. Достондаги Шайбонийхон тимсоли.
5. Достондаги темурийзодалар ва бошқа тимсоллар.
6. Достоннинг бадиий хусусиятлари.

#### АДАБИЁТЛАР :

1. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Т.:1982.
2. Нисорий. Музакири аҳбоб. Т.: 1993.
- Восифий. Бадоеъул-вақое. Т.: 1979.
- Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.: 1975.
- Бобур. Бобурнома. Т.: 2002.
- Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. Т.: 2000.
- Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 3-жилд. Т.: 1978.

#### 4-МАВЗУ:

Хожа ижоди . Асарларининг талқини.

### РЕЖА:

1. Хожа ҳаёти ва ижоди манбалари.
2. Унинг адабий мероси.
3. Хожа меросида кичик ҳикоячилик тақомили.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Хожа .Мифтоҳул-адл.Т.: 1962.
2. Ўзбек адабиёти. Хрестоматия. Т.: 1959.
3. Мирзааҳмедова М. Хожа. Т.: 1974.
4. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 3-жилд. Т.: 1978.
5. Нисорий. Музақкири аҳбоб.Т.: 1993.
6. Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. Т.: 2002.

### 5-МАВЗУ:

Сўфи Оллоёр ҳаёти , тариқати ва асарлари.

### РЕЖА:

1. Сўфи Оллоёр ҳаёти ва ижоди манбалари.
2. “Саботул-ожизин” асари.

3. Ноёб бадиият намунаси (“Саботул-ожизин” мисолида).

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Сўфи Оллоёр. Саботул-ожизин. Т.: 1991.
2. Қиссаи Машраб. Т.: 1992.
3. Сувонкулов И. Сўфи Оллоҳёр. Т.: 1995.
4. Адизова И. Боқийлик саодати. Т.: 1997.
5. Рисолаи Азиза. Т.: 2000.
6. Ўзбек адабиёти тарихи 5 жилдлик. 3-жилд. Т.: 1978.

#### 6-МАВЗУ:

Турдининг ҳаёти ва ижоди.

#### РЕЖА:

1. Турди Фароғий ҳаёти ва ижоди манбалари.
2. Шоир асарларининг мавзу доираси ва ғоявий кўлами.

3. Шоир шеърятининг маҳорат қирралари.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Турди. Танланган асарлар. Т.: 1951.
2. Турди. Шеърлар. Т.:1971.
3. Жумаев Н. Турди назми бадиияти.Т.: 1995.
4. Жумахўжа Н. Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос. Ф.ф.д. илмий даражаси учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: 1999.
5. Фитрат. Ўзбек шоири Турди. Танланган асарлар. 2-жилд.Т.: 2000.
6. Ўзбек адабиёти тарихи.5 жилдлик.3-жилд. Т.: 1978.
7. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: 1980.

#### 7-МАВЗУ:

Бобораҳим Машраб шеърятти.

## РЕЖА:

1. Шоир таржимаи ҳоли ва ижодий фаолиятини ёритишда “Қиссаи Машраб”нинг ўрни.
2. Шоирнинг мероси.
3. Машраб шеърятининг ғоявий хусусиятлари.
4. Машраб шеърятида ишқ талқини.
5. Шоир ижодида дунёвий кечинмалар ифодаси.
6. Машраб асарларида бадиий маҳорат.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан? Т.: 1990.
2. Қиссаи Машраб. Т.: 1992.
3. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. Т.: 1991.
4. Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб. Т.: 1999.



5. Жумахўжа Н. Миллий истиклол мафкуриси ва адабий мерос. Ф.ф.д. учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: 1999.

#### 8-МАВЗУ:

“Шажарайи турк” – тарихий-бадий асар.

#### РЕЖА:

1. Абулғози ҳаёти ва ижоди манбалари.
2. Адабий-илмий мероси.
3. Тарихий асарларининг илмий-бадий қиммати.
4. Асарларининг қўлёзма нусхалари ва нашрлари.
5. “Шажарайи турк”да тарихий сиймолар тасвири.
6. Асар бадиияти.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Абулғози. Шажарайи турк. Т.: 1992.

2. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд  
Мовароуннахр тарихи. Т.:  
1990.
3. Худойназаров Ҳ. “Шажарайи  
турк” ва унинг ўрганилиши.  
Т.: 1994.

#### 9-МАВЗУ:

Ҳўжаназар Ҳувайдо ҳаёти ва  
иждоди.

#### РЕЖА:

1. Ҳувайдонинг ҳаёти ва иждоди  
манбалари.
2. Шоирнинг мероси.
3. Ҳувайдонинг дунёқараши.
4. Шоирнинг “Роҳати дил”  
достони ва унинг адабиёт  
тарихидаги ўрни.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ҳувайдо. Роҳати дил. Т.: 1994.
2. Ўзбек адабиёти тарихи. 5  
жилдлик. 3-жилд. Т.: 1978.

3. Жумахўжа Н. Ҳувайдо меросининг маънавий-маърифий моҳияти. Т.: 1995.
4. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. Т.: 1995.

## АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Абулғози. Шажарайи тарокима, Т.: 1995.
2. Абулғози. Шажарайи турк. Т.: 1992.
3. Амирий. Девон. Т.: 1973.
4. Бакир Юлдуз. Карбало фожиаси. Т.: 1993.
5. Бобур. Асарлар. Уч жилдлик. Т.: 1965.
6. Бобур. Бобурнома. Т.: 2002.
7. Бобур. Мухтасар. Т.: 1971.
8. Восифий Зайниддин. Бадоеъ ул – вақое. Т.: 1979.
9. Гулбаданбегим. Хумоюннома. Т.: 1998.
10. Гулханий. Зарбулмасал. Т.: 1958.
11. Ишқ дафтари. Рубоийлар. Т.: 2000.
12. Комила – Нодира. Девон. Т.: 2002.ъ
13. Машраб. Мабдаи нур. Т.: 1994.
14. Машраб. Меҳрибоним қайдасан. Асарлар. Т.: 1990.
15. Мунис. Саводи таълим. Т.: 1997.
16. Мунис. Сайланма. Т.: 1980.
17. Муҳаббат тароналари. Рубоийлар. Т.: 2004.

18. Нисорий Ҳасанхожа. Музақкири аҳбоб. Т.: 1993.
19. Нишотий. Ҳусну Дил. Лирика. Т.: 1967.
20. Нодира. Эй сарви равон. Т.: 1992.
21. Огаҳий . Асарлар. 6 жилдлик. Т.: 1971-1976.
22. Огаҳий . Ишқ аҳлининг тумори. Т.: 1999.
23. Сўфи Оллоёр. Саботул-ојизин. Т.: 1991.
24. Турди. Шеърлар. Т.: 1971.
25. Увайсий. Кўнгил гулзори. Т.: 1983.
26. Хожа. Мифтоҳул адл. Т.: 1962.
27. Қиссаи Мащраб . Т.: 1992.
28. Қул Убайдий. Вафо қилсанг. Шеърлар . Т.: 1994.
29. Ҳувайдо. Роҳати дил. Т.: 1994.
30. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Т.: 1978-1983.

#### ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР:

1. Адизова И. Боқийлик саодати. Т.: 1997.
2. Атоқли шоир,  
тарихнавис, таржимон. Т.: 1999.

3. Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз кадри. Т.: 2004.
4. Жумаев Н. Мунис ғазалиёти. Т.: 1983..
5. Жумаев Н. Турди назми бадиияти. Т.: 1995.
6. Жумахўжа Н. Ҳувайдо меросининг маънавий-маърифий моҳияти. Т.: 1995.
7. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. Т.: 1993.
8. Комилов Н. Тасаввуф. Т.: 1999.
9. Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоҳёр илоҳиёти. Т.: 2001.
10. Сувонқулов И. Сўфи Оллоҳёр. Т.: 1995.
11. Худойназаров Ҳ. Абулғози Баҳодирхон тарихчи ва адиб. Т.: 1994.
12. Худойназаров Ҳ. “Шажарайи турк” ва унинг ўрганилиши. Т.: 1993.
13. Ҳаққулов И. Увайсий шеърляти. Т.: 1982.
14. Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. Т.: 2000.

15.Валихўжаев Б. Ўзбек  
адабиётшунослиги тарихи. Т.: 1993.

### ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1.Сатиралари билан машҳур бўлган шоирни топинг.

- А. Яссавий
- В. Лутфий
- С. Турди
- Д. Нодира
- Е. Увайсий.

2. “Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина, қатлим учун «нас» келтурур, «нун» элтибон «сод» устина” матлаъли машҳур ғазалнинг муаллифи ким?

- А. Машраб
- В.Навой
- С.Огаҳий
- Д.Нодира
- Е.Бобур.

3. «Амирул-муслимин» унвонига сазовор бўлган, кўқонда адабий муҳит ташкил қилган ҳукмдор шоир ким?

- A. Умархон Амирий
- B. Фазлий
- C. Адо
- D. Мунис
- E. Ҳусайн Бойқаро.

4. Адабиётда масал жанри асосланадиган бадиий тасвир воситаси қайси жавобда кўрсатилган?

- Муболаға.
- Мажоз
- Жонлантириш
- Ўхшатиш
- Сифатлаш

5. Увайсий қуйидаги кичик жанрлардан қайси бирида шуҳрат топган?

- A. Чистон
- B. қитъа
- C. Фард
- D. Рубоий
- E. /азал



6. Мунис Хоразмий қайси йилларда яшаб ижод этган?

- A. 1758-1819
- B. 1768-1929
- C. 1778-1829
- D. 1788-1838
- E. 1805-1875

7. Тарихчи, таржимон, хаттот, мироб бўлган таниқли ўзбек шоири ким?

- A. Мунис
- B. Гулханий
- C. Фурқат
- D. Амирий.
- E. Муқимий.

8. XV-XVI аср бошларида ўзаро урушларда қарши, Ҳирот, Самарқанд, Андижон каби шаҳарларнинг қамал қилиниши, очарчилик, қаҳатчилик юз бериши ва бошқа адолатсизликлар, фожеалар қайси асарда реал тасвирланган?

- A. Ҳусну Дил
- B. Садди Искандарий
- C. қиссаси Рабғузий
- D. Мубаййин.

Е. Шайбонийнома

9. Мумтоз шеърятда энг кўп учрайдиган образларни топинг.

- A. Олимлар
- B. Пайғамбарлар
- C. Муаллимлар
- D. кўшиқчилар
- E. Савдогарлар.

10. кўкон адабий муҳити намояндалари ижодидан тузилган тазкира кимнинг топшириғи билан, қайси шоир томонидан тузилган ва қандай номланади?

- A. Амирий топшириғи билан, Фазлий «Мажмуайи-шоирон».
- B. Ҳусайн Бойқаро топшириғи билан, Навоий «Мажолисун-нафоис».
- C. Феруз топшириғи билан, Мунис «Тазкиратуш-шуаро».
- D. Амирий топшириғи билан, Гулҳаний «Зарбулмасал».
- E. Амирий топшириғи билан, Фазлий «Тазкират уш-шуаро».

11. Бобур лирикасида етакчи ўрин тутган жанрларни кўрсатинг.

- A. /азал, туюқ, рубоий.

- В. Мадҳия, қасида, маснавий.
- С. Мухаммас, бағишлов, қитъа.
- Д. Мустазод, мувашшаҳ, васият.
- Е. Мутассаъ, мураббаъ, фард.

12. Шукрким, ҳомийи дин Комила султон бўлди,

Адлидин боғи жаҳон равзаи ризвон бўлди.

Ушбу байт муаллифи ким?

- А. Маҳзуна
- В. Увайсий
- С. Анбар Отин
- Д. Зебуннисо
- Е. Нодира

13. Увайсий достони қандай номланади?

- А. Воқеоти Муҳаммадалихон
- В. Анор
- С. Юсуф ва Зулайхо
- Д. Увайсийман
- Е. Ҳафт гулшан

14. «Шоҳ Машраб» қиссасида Машрабнинг иккинчи, учинчи таҳаллуслари қандай аталган?

- А. Шоҳ Машраб, қаландарий
- В. Шоҳи Машраб, Ҳазрати Эшон

С. Мадҳий, Пири Канъон

Д. Зинда, Адҳам

Е. Маҳдий, Зинда

15. «Таворихи гузида нусратнома» асари қачон ёзилган, кимнинг тарихига бағишланган?

А. 1502-1504 Шайбонийхон

В. 1497-1498, Бобур

С. 1505-1507, Ҳусайн Бақаро

Д. 1440-1442, Темур

Е. 1820-1822, Амир Умархон

16. Нисорийнинг «Музақкири аҳбоб» асари қайси жанрда яратилган, қанча ижодкор ҳақида маълумот берилган?

А. Маноҳиб , 160

В. Мемуар, 350

С. Маснавий, 250

Д. Тазкира , 250

Е. Мажмуа, 270.

17. қуйида қайси асарнинг мақсади баён этилган?

«... Амир Алишернинг «Мажолис ун-нафоис»идан кейин юзага келган барча

фозилларнинг донгдор номларини бир битик қайдига киритиб ва уларнинг ёқимли нафаслари исини толибларнинг жон димоғига етказиш».

- A. Шажарайи турк
- B. Сабот ул-ожизин
- C. Бобурнома
- D. Музакири аҳбоб
- E. Бадоеъул-вақое.

18. «Музакири аҳбоб» асарининг хотима қисмида кимлар ҳақида маълумот берилган?

- A. Муаллифнинг авлод-аждодлари ҳақида
- B. Чингизий султонлар ҳақида
- C. Чигатой султонлар ҳақида
- D. Замондош шоирлар ҳақида.
- E. Замондош муаррихлар ҳақида.

19. Турди Фароғий ҳақидаги дастлабки мақола ким томонидан, қачон, қаерда чоп этилган?

- A. Бехбудий, 1925, “Ойна”
- B. Абдурауф Фитрат, 1928, «Маориф ва ўқитувчи»
- C. Чўлпон, 1924, «Ёрқин ҳаёт»

Д. Абдулҳамид Мажидий, 1925,  
“Зарафшон”

Е. Фитрат, 1928, «Хуррият»

20. Турдининг бизга қанча асари етиб келган?

А. 434 мисра, 18 та

В. 434 мисра, 17 та

С. 450 мисра, 12 та

Д. 444 мисра, 16 та

Е. 455 мисра, 14 та

21. Турдининг бизга маълум асарлари қайси жанрларда яратилган?

А. Муаммо, ғазал , туюқ

В. /азал, туюқ, рубоий

С. Фард, мусаддас, маснавий

Д. Ғазал, мухаммас.фард

Е. /азал, мувашшаҳ, қитъа.

22. Турди ижодидаги асосий мавзу қандай?

А. Ишқ ва муҳаббат

В. Амалдорларни фош қилиш

С. Ватан ва халқ қисмати

Д. Панд-насиҳат

Е. Ҳасби ҳол.

23. Сўфи Оллоёрнинг диний-дидактик руҳдаги энг машҳур асари қайси?

- A. Сабот ул-ожизин
- B. Мурод ул-орифин
- C. Сирож ул-ожизин
- D. Маслак ул-муттақийн
- E. Маҳбуб ул-қулуб.

24.. «Сабот ул-ожизин»да фикр-ғояларни бирлаштириб турувчи бош ғоя нима?

- A. Ишқ
- B. Шариат
- C. Комил инсон
- D. Тафакур
- E. Панд-насихат.

25. Калиди ганжи маъниким, забондур,  
Анга бир нуқта қўб бўлса зиёндур,  
байтида қандай бадий санъат қўлланган?

- A. Китобат
- B. Ташбеҳ
- C. Муболаға
- D. Тазод
- E. Тамсил.



26. Машраб ҳақидаги қиссани ким, қачон рус тилига таржима қилган?

- А. Вяткин, 1923
- В. Ликошин, 1910
- С. Веселовский, 1895
- Д. Кононов, 1933
- Е. Бартольд, 1918

27. Машраб Наманганда қайси машхур мударрис қўлида таҳсил олган?

- А. Мулла Бозор охунд
- В. Офоқ хўжа
- С. Иброҳим Адҳам
- Д. Фаридиддин Аттор
- Е. Насимий.

28. Нодира ҳақидаги дастлабки мақолани Ким, қачон эълон қилган?

- А. Фитрат, 1928.
- В. Абдулҳамид Мажидий, 1925
- С. Лутфулло Олим, 1923
- Д. Чўлпон, 1925
- Е. Увайсий, 1860.

29. Нодира қачон, қаерда таваллуд топган?

А. 1795, Марғилон

В. 1792, қўқон

С. 1792, Андижон

Д. 1795, Фарғона

Е. 1808, Наманган.

30. Нодиранинг асл исми нима?
- A. Комила
  - B. Макнуна
  - C. Жаҳонотин
  - D. Моҳларойим
  - E. Дилшод Барно.
31. Нодиранинг устози ва турмуш ўртоғи ким?
- A. Амир Умархон.
  - B. Амир Олимхон
  - C. Амир Ҳайдар
  - D. Амир Султон
  - E. Амир Маҳмуд.
32. Моҳларойим қандай таҳаллуслар билан ижод этган?
- A. Комила, Нодира, Макнуна
  - B. Дилшор Барно, Анбар отин, Маҳзуна
  - C. Ожиза, Макнуна, Нодира
  - D. Комила, Нодира, Маҳзуна
  - E. Ожиза, Маҳзуна, Макнуна
33. Нодиранинг бизга қанча мероси етиб келган?
- A. 6000 мисра

- В. 10000 мисра
- С. 12000 мисра
- Д. 15000 мисра
- Е. 8000 мисра.

34. куйидаги байт кимнинг қаламига мансуб?

Манъи муҳаббат на қилурсан менга,

Рамзи ҳақиқат эрур ишқи мажоз.

- А. Увайсий
- В. Навоий
- С. Огаҳий
- Д. Нодира
- Е. Мунис.

## МУНДАРИЖА

XVI-XIX аср биринчи ярмидаги тарихий шароит, маданий ҳаёт ва адабий-илмий муҳит. Манбалар ва уларни ўрганиш тамойиллари.-----4	
Заҳириддин Муҳаммад Бобур-13	
Бухоро адабий муҳити. Хожа ижоди. Асарларининг талқини.- ----- --- -	
69	
кул Убайдий-----73	
Турди Фароғий----- 87	
Сўфи Оллоёр ва «Сабот ул-ожизин» асарининг ғоявий-бадиий хусусиятлари.---- 93	
Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти ва ижоди---- -	96
Хўжаназар /ойибназар ўғли Хувайдо--- ----	113
қўқон адаби муҳити----	122
Амирийнинг ҳаёти ва ижоди-----	125
Гулханийнинг ҳаёти ва ижоди----- --	138

Нодиранинг ҳаёти ва ижоди-----	
147	
Увайсийнинг ҳаёти ва ижоди-----	
151	
Хива адабий муҳити----	157
Абулғози Баҳодирхон ----	163
Муҳаммадниёз Нишотийнинг ҳаёти ва ижоди---	178
Нурмуҳаммад Андалиб----	189
Мунис Хоразмий-----	198
Муҳаммадризо Огаҳий- шоир, тарихчи ва таржимон----	215
Амалий машғулот мавзуи -	226
Асосий адабиётлар-----	231
қўшимча адабиётлар----	231
Тест топшириқлари----	232

Иқболой Адизова

## ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ ТАРИХИ

Муҳаррир: М.Содиқова

Нашриёт Рақамии: М – 445

Босишга рухсат этилди 25.12.06

қоғоз бичими ..... Офсет босма.

Офсет қоғоз. Ҳисоб – нашриёт т. 12,0.

Шартли босма т. ... ..... – буюртма.

500 нусхада. Келишилган нархда.

ЎзР ФА «Фан» наشريёти: 100047,

Тошкент, акад. Я./уломов кўчаси, 70.

Босмахона манзили: .....





ISB N 978 – 9943 – 09 – 094 - 1